Лойиҳа

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС) ҲУҚУҚИ

Дарслик

Тошкент – 2016

Тошкент давлат юридик университети Ўқув-услубий кенгаши томонидан 2016 йил _____даги ___-сон мажлиси баённомаси билан чоп этиш учун тавсия этилган.

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи. Дарслик.– Т.: ТДЮУ нашриёти, 2016. –363 б.

Масъул муҳаррир Тошкент давлат юридик университети “Тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи)” кафедраси мудири, ю.ф.н., доцент **Х.Т.Азизов**

Тақризчилар:

Оқюлов Омонбой	-	Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, юридик фанлар доктори
Холбоев Собир Боратович	-	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази доценти, юридик фанлар номзоди

Муаллифлар жамоаси: ю.ф.н., доц. Х.Т.Азизов, ю.ф.д., проф. О.Оқюлов, ю.ф.н., доц. Ф.Ҳ.Отахонов, ю.ф.н. С.Б.Холбаев, ю.ф.н., доц. С.А.Шодиева, ю.ф.н. Ш.М.Масадиков, ю.ф.н., доц. в.б. Н.М.Қўшаев, ю.ф.н. Н.К.Хаттабов, ўқт. М.А.Бердикулов, Р.Т.Бердияров, ўқт. У.М.Сайдахмедов, ўқт. К.Б.Ҳакимов, ўқт. З.К.Бабакулов, ўқт. Б.Б.Худайбергенов, ўқт. А.Р.Ибрагимова

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Амалдаги қонун ҳужжатларимизга мувофиқ хусусий секторнинг тараққиётига катта имконият ва шарт-шароитлар яратилмоқда, бунинг натижасида сифатида тадбиркорлик фаолияти кенг ривожланмоқда.

Шу сабабдан ушбу ислоҳотларнинг мантиқий узвий давоми сифатида, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида, талабаларда тадбиркорлик ҳуқуқи фани бўйича назарий билимларни ва тадбиркорлик (бизнес) қонун ҳужжатлари нормаларини қўллашга доир кўникмаларни шакллантириш учун ушбу дарслик ишлаб чиқилди.

“Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи” дарслиги бозор муносабатларини ривожлантиришда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, такомиллашиб бораётганлиги, тадбиркорларга кенг имкониятлар, имтиёз ва преференциялар берилаётганлигининг мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ билишга ҳамда уларни таҳлил қилишга қаратилган.

После приобретения независимости нашего государства малый бизнес и частное предпринимательство не только занимает решающую позицию в производстве внутреннего валового продукта, но и становится фактором увеличения достояния и реальных доходов населения и разрешения проблемы безработицы. В соответствии с действующим законодательством создаются широкие возможности и улучшаются условия развития частного сектора, и в результате этого развивается предпринимательская деятельность.

В связи с этим в качестве логического продолжения данных реформ и во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан №1990 “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы подготовки юридических кадров” от 28 июня 2013 года был разработан учебник по дисциплине “Предпринимательское (бизнес) право.В учебнике представлен теоретический и практический материал для формирования навыков по применению и использованию норм предпринимательского законодательства

Учебник “Предпринимательское (бизнес) право” направлен на анализ содержания создания, совершенствования правовых основ осуществления предпринимательской деятельности, создания широких возможностей, льгот и преференций субъектам предпринимательства.

After gaining the independence, enormous amount of work was carried out by the state to develop entrepreneurship, particularly small businesses. Thus, small businesses and private entrepreneurship occupied a fundamental position in the production of gross domestic product and has become a factor of increasing wealth and real income of the population and solve the problem of unemployment. In accordance with the current legislation opportunities are created to improve conditions for the development of the private sector and entrepreneurship.

For this reason, as a logical extension of these reforms, and pursuant to the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan №1990 “On measures to further improvement of the system of training of legal personnel” on June 28, 2013, this tutorial was designed to form students' theoretical knowledge of the discipline of Business Law and skills in the application of standards business law.

Tutorial “Entrepreneurship (business) law” is aimed for enhancement of deep knowledge and analysis of the content of business law and improvement of the legal framework of the business, creating opportunities, benefits and preferences to businesses.

© Муаллифлар жамоаси.
© Тошкент давлат юридик университети, 2016 йил.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш

Глоссарий

I БОБ. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси

II БОБ. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари

III БОБ. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби

IV БОБ. Банкротликнинг ҳуқуқий асослари

V БОБ. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари

VI БОБ. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар

VII БОБ. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши

VIII БОБ. Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари

IX БОБ. Биржалар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш

X БОБ. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш

XI БОБ. Тадбиркорлик субъектлар фаолияти устидан давлат назорати

XII БОБ. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

СОДЕРЖАНИЕ

Введение

Глоссарий

ГЛАВА I. Предпринимательское (бизнес) право как отдельная отрасль права

ГЛАВА II. Субъекты предпринимательского (бизнес) права и их виды

ГЛАВА III. Порядок организаии деятельности субъектов предпринимательства

ГЛАВА IV. Правовые основы банкротства

ГЛАВА V. Имущественные основы предпринимательской деятельности

ГЛАВА VI. Договора в предпринимательской деятельности

ГЛАВА VII. Правовое регулирование внешнеэкономической деятельности

ГЛАВА VIII. Основы финансирования и кредитования субъектов предпринимательства

ГЛАВА IX. Правовое регулирование биржевой деятельности и рынка ценных бумаг

ГЛАВА X. Налогообложение субъектов предпринимательства
ГЛАВА XI. Государственный контроль за деятельностью субъектов предпринимательства

ГЛАВА XII. Правовая защита прав и законных интересов субъектов предпринимательства

Список рекомендуемой литературы

Нормативно-правовые акты

CONTENTS

Introduction

Glossary

CHAPTER I. Entrepreneurship (business) law as separate field of the law

CHAPTER II. The Subjects of entrepreneurship (business) law and their types

CHAPTER III. The order for organization of the activity of subject of enterprise

CHAPTER IV. The legal bases of bankruptcy

CHAPTER V. Property bases of business activity

CHAPTER VI. Agreements in business activity Introduction

CHAPTER VII. Legal regulation of foreign economic activity

CHAPTER VIII. Bases of financing and crediting of subject of enterprise

CHAPTER IX. Legal regulation of exchange activity and securities market

CHAPTER X. Taxation of subjects of enterprise

CHAPTER XI. State supervision over the activity of subject of enterprise

CHAPTER XII. Legal protection of the rights and legal interest of the subjects of enterprise

Reference books

Normative-legal acts

КИРИШ

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

Амир Темур (Темур тузуклари)

Барчамизга маълумки давлатнинг куч қудрати – аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади.

Ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг турлари ва сонини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражасини ошириш, бизнесни юритиш шарт-шароитларини баҳолаш мезонларининг жаҳон амалиётида мавжуд қабул қилинган тизимини жорий этиш ва шу асосда мамлакатимиз ишбилармонлик ва инвестиция муҳити даражасининг халқаро рейтингини янада ошириш мақсадида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар самараси тадбиркорлар фаолиятини эркинлаштиришда, уларга кенг йўл очиб берган ҳолда назорат қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ-равшан белгилаб олишда ва албатта, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимоясини амалда таъминлашда кўринмоқда.

Дарҳақиқат, бугун ҳар биримиз тадбиркорликнинг ривожланиши жамиятимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш ҳамда барқарор иқтисодий ҳаётни барпо этишнинг муҳим омили эканлигини чуқур ҳис этмоқдамиз.

Қўлингиздаги ушбу дарслик Тошкент давлат юридик университети “Тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи)” кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги “Юридик

кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–1990-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон қарорига мувофиқ тайёрланган.

Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2013 йил 28 июндаги ПҚ–1990-сон Қарорига асосан Тошкент давлат юридик университети даргоҳида келажакда тадбиркорлик, бизнес соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш учун янги тадбиркорлик-ҳуқуқий фаолият (бизнес ҳуқуқи) йўналиши, ҳамда ушбу йўналиш бўйича бевосита масъул бўлган янги “Тадбиркорлик ҳуқуқи (бизнес ҳуқуқи)” кафедраси ташкил этилди. Ҳозирги кунда ушбу йўналиш бўйича талабаларни янги авлод дарсликлари билан таъминлаш мақсадида, тадбиркорлик ҳуқуқи фанлари бўйича мукаммал равишда ўз билимларини бойитиб, келажакда ушбу соҳада етук малакали кадрлар бўлишда ёрдам тарзида ушбу дарслик кафедра томонидан ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги иқтисодиётни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Дарсликда тадбиркорлик субъектлари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, фаолиятини амалга ошириш, қайта ташкил этиш, тугатишнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби, тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларининг мулкка нисбатан ҳуқуқлари, тадбиркорлик (хўжалик) шартномалари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаш ва кредитлаш, уларни солиққа тортиш, тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими ва жавобгарлик асослари каби мавзулар ёритилган.

ГЛОССАРИЙ

Акциядорлик жамияти - устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти

Банк маржаси (инг. *margin*, фр. *marge* – фарқ; афзаллик) – турли категориядаги қарз олувчилар учун кредит ставкалари ўртасидаги фарқ.

Банкротлик (иқтисодий ночорлик) – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслиги.

Бартер шартномаси – келишиб олинган миқдордаги бир товарни бошқа бир товарга ўзаро ҳисоб-китобларни валютада амалга оширмасдан алмаштиришни назарда тутувчи шартнома.

Бизнес (инглизча – business) – таваккалчилик ва ўзининг жавобгарлиги остида хусусий ёки қарзга олинган воситалари ҳисобидан амалга ошириладиган, асосий мақсади фойда олиш ва ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ташаббускор иқтисодий фаолиятдир.

Бож олинмайдиган савдо дўкони – товарлар божхона ҳудудининг божхона органлари Божхона кодексига мувофиқ белгилайдиган жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида туриши ҳамда реализация қилиниши.

Божхона омбори – олиб кирилган товарлар сақлаш даврида импорт божи, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан божхона назорати остида сақланиши.

Божхона ҳудудида қайта ишлаш - товарлар Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига импорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда божхона назорати остида қайта ишлаш учун олиб кирилиши, кейинчалик қайта ишлаш маҳсулотлари олиб чиқилиши ёки улар ўзга режим остида жойлаштирилиши.

Божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш – товарлар экспорт божлари, солиқлар тўланмаган ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланмаган ҳолда қайта ишлаш учун олиб чиқилиб, кейинчалик

қайта ишлаш маҳсулотлари эркин муомалага чиқариш режимида олиб кирилиши.

Бозор – бу муайян товар ёки хизматларнинг сотувчилари ва харидорларини бир жойда бирлаштирадиган ҳар қандай институт ёки механизм.

Вақтинча олиб кириш (олиб чиқиш) – божхона ҳудудида ёки ундан ташқарида товарлардан бождан, солиқлардан тўла ёки қисман озод этилган ҳолда ва товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан фойдаланишга йўл қўйилиши.

Вақтинча сақлаш – олиб кирилган товарлар ва транспорт воситалари божхона органига тақдим этилган пайтдан бошлаб чиқаришга рухсат берилгунга қадар танланган режимга мувофиқ божхона омборида бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан вақтинча сақланиши.

Гаров реестри – қарздорларнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйган мол-мулкига нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларига қонунга мувофиқ қўйилган чеклов ҳамда қарздор ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан боғлиқ бошқа талаблар ҳақидаги ёзувларни ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базаси.

Жамоат бирлашмаси - маънавий ёки ўзга номоддий эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

Жамоат фонди - фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Импорт – божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар уларни ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш мажбуриятисиз бу ерда доимий қолиши.

Ишлаб чиқариш кооперативи - фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси.

Келишув битими – тарафларнинг суд низосини ўзаро ён бериш асосида тугатиш тўғрисидаги битими.

Кредит (лот. *creditum* – ишонмоқ) – бошқа шахсга муддатлилик, қайтаришлилик ва фойдаланганлик учун фоиз шаклида тўловлилик шартлари асосида вақтинча бериладиган пул маблағлари, товар ва бошқа қимматликлардир.

Кредит ахбороти – кредит битимининг ҳолати, берилган таъминот бўйича (гаров, кафолат, кафиллик, кредитни тўламаслик хавфини суғурталаш ва таъминотнинг бошқа турлари бўйича) мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, шунингдек кредит ахбороти субъектининг кредит қобилиятини, молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини, тўлов интизомини ва ўзга сифатларини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборот.

Кредит линияси (револьвер) – кредит шартномасида белгиланган муддат ва лимит доирасида, сўндирилган кредит қисми қайта ўзлаштирилиши мумкин бўлган кредит.

Кредит сиёсати – кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Тижорат банклари кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқарилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Кузатув – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш, қарздорнинг молиявий аҳволи таҳлилини ўтказиш мақсадида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза қабул қилинган пайтдан эътиборан кейинги таомилга қадар қўлланиладиган банкротлик таомили.

Қайта молиялаш ставкаси – кредит ташкилотларига ажратиладиган кредитлар учун Марказий банк томонидан белгиланадиган йиллик фоиз миқдори.

Қўшимча масъулиятли жамият - бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият.

Ликвидли мол-мулк – қарз олувчининг осон сотиладиган мол-мулки, шу жумладан ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар, шунингдек қарздорнинг бошқа мол-мулки.

Мажбуриятларни лозим даражада бажариш - мажбуриятларни шартнома шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса – иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ тарзда бажариш.

Масъулияти чекланган жамият - бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият.

Микрокредит – қарз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилик, муддатлилик ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Микрокредит ташкилот – микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс.

Оилавий корхона - унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъекти.

Реимпорт – экспорт режимида божхона ҳудудидан олиб чиқилган Ўзбекистон товарлари импорт божларини, солиқларни тўламасдан, шунингдек уларга нисбатан иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмаган ҳолда белгиланган муддатларда қайта олиб кирилиши.

Реэкспорт – чет эл товарлари божхона ҳудудидан олиб чиқилиши.

Синдициялаштирилган кредитлаш – йирик инвестицион лойиҳаларни бир неча банклар томонидан биргаликда кредитлаш.

Суд бошқарувчиси – банкротлик таомилларини ўтказиш мақсадида хўжалик суди томонидан тайинланадиган шахс.

Суд санацияси – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш

ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили.

Судгача санация қилиш – қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) ёки унинг мол-мулки эгалари, кредиторлар ва бошқа шахслар томонидан қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда банкротлигининг олдини олиш мақсадида кўриладиган чора-тадбирлар.

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи – тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва бозор шароитида давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлик қилиш чора-тадбирларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндиси.

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектлари - белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар.

Тадбиркорлик фаолияти - тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик шартномаси – икки ёки ундан ортиқ тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги фойда олишни мақсад қилиб қўйган тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ўзаро келишувидир.

Тадбиркорлик шартномасининг предмети - Бир тарафнинг иккинчи тараф фойдасига мажбуриятларни бажариш бўйича амалга ошириши керак бўлган ҳаракатлари натижаси бўлган етказиладиган маҳсулот, бажариладиган ишлар ёки кўрсатиладиган хизматлар.

Тадбиркорлик шартномасининг тарафлари – шартномага имзо қўйиш ёки бошқа тарзда шартномада юзасидан ҳуқуқларга эга бўладиган ва мажбурият(лар)ни зиммасига оладиган шунингдек, шартномада номи тараф сифатида эътироф этилган шахс.

Ташқи бошқарув – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомили.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот - фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот юридик шахс.

Тижоратчи ташкилот - фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахс.

ТИФ ТН – Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси (2012 й.).

Транзит – товарлар Ўзбекистон Республикасининг икки божхона органи ўртасида, шу жумладан чет давлат ҳудуди орқали, бож, солиқлар ундирилмасдан, шунингдек товарларга нисбатан иқтисодий сиёсат чораларини қўлланмасдан божхона назорати остида олиб ўтилиши.

ТСОЯЭАТ – реал вақтда ишлайдиган Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими.

Тугатишга доир иш юритиш – хўжалик суди томонидан кредиторларнинг талабларини мутаносиб равишда қондириш ҳамда қарздорни қарзлардан қутулган деб эълон қилиш мақсадида банкрот деб топилган қарздорга нисбатан қўлланиладиган банкротлик таомили.

Факторинг – етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчи томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни регресс ҳуқуқисиз етказиб берувчи (мижоз) томонидан банк (молиявий агент)га ўтказиш.

Форс-мажор – томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари - улушларга (қўшилган ҳиссаларга) ёки муассисларнинг (иштирокчиларнинг) акцияларига бўлинган устав фонди (устав капитали)га эга бўлган тижоратчи ташкилотлар.

Хусусий корхона - мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот.

Шартнома шартлари – ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаб олиш усули, қоидалар.

Экспорт – товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чиқилиши.

Эркин божхона зонаси ва эркин омбор – чет эл товарлари муайян ҳудудлар ва жойларда бож, солиқлар ва иқтисодий сиёсат чоралари қўлланилмасдан жойлаштирилиши ва ишлатилиши.

Юридик шахс - ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

Якка тартибдаги тадбиркорлик - жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш.

INCOTERMS – Халқаро савдо палатаси (International Chamber of Commerce) томонидан товарларни халқаро олди-сотди шартномалари билан боғлиқ тадбиркорлик амалиётларни ўз ичига олган савдо атамаларининг биринчи учта харфларининг қисқартмасини ифодаловчи қоидалар. Инкотермс қоидалари асосан товарни сотувчидан сотиб олувчига етказиб беришдаги мажбурият, баҳо ва таваккалчилик шартларини белгилаб беради.

....

I БОБ. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи алоҳида ҳуқуқ соҳаси

Тадбиркорлик (бизнес) – бу нима? Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг предмети ва принциплари. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг манбалари. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий муносабатлар.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг жорий этилиши, унинг қонуниятларининг жамият ҳаётига кенг қўлланилиши республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига замин яратди. Бунда иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи куч сифатида тадбиркорлик (бизнес) (бундан буён матнда – тадбиркорлик деб юритилади) фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари муҳим ўринга эга. Улар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш, бизнес юритиш асослари барча шахслар, жумладан хорижий бизнесменлар учун бир хил қилиб белгиланган.

Масалан: *Ҳиндистонда "МанСин" корпорациясини таъсис этилган бўлиб, унинг бош қароргоҳи Деҳли шаҳрида жойлашган. "МанСин" корпорацияси компьютерлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади ва Ҳиндистон, Покистон ва Хитой ҳудудларида фаолият юритади. Тошкентда бўлиб ўтган "ИКТ-ЭКСПО – 2014"да ярмаркасида қатнашган "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх Ўзбекистонда ҳам ИКТ соҳасида фаолият юритувчи ташкилотларга ҳам эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлди ва ўз бизнесини Ўзбекистонда ҳам амалга оширишга қизиқиб қолди. Шу сабабдан "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга Ўзбекистон Республикасида бизнесни амалга ошириш тўғрисида, умумий маълумот тайёрлаб беришни сўради.*

Ўзбекистонда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган тараққиётнинг "ўзбек модели" ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши лозимлигини кўрсатди. Бозор муносабатларининг ривожланишида тадбиркорлик субъектларининг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Жумладан:

Мамлакатимизда 2015 йилда ялпи ички маҳсулот **8** фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **8** фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қарийб **7** фоиз, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми салкам **18** фоизга ошди.

Йиллик бюджет ялпи ички маҳсулотга нисбатан **0,1** фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси **5,6** фоизни ташкил қилди...

Ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги **31** фоиздан бугунги кунда **56,7** фоизга етгани ёки **1,8** баробар ошганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг **98** фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг **77** фоиздан ортиғи... мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик қўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи...

Халқаро миқёсда катта нуфузга эга бўлган Жаҳон иқтисодий форуми рейтингига кўра, Ўзбекистон 2014–2015 йиллардаги ривожланиш якунлари ва 2016–2017 йилларда иқтисодий ўсиш прогнозлари бўйича **дунёдаги энг тез ривожланаётган бешта мамлакат қаторидан жой олгани,** албатта, барчамизга мамнуният етказади.

[Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси].

Мамлакатимизда қўлга киритилаётган бундай ютуқлар жаҳоннинг устақил нифузли рейтинг ташкилотлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан:

Ўзбекистон Республикасининг “Doing Business” (Бизнес юритиш) ҳисоботидаги рейтинги бўйича:

Т/Р	Кўрсатгичлар	DB-2014	DB-2015	DB-2016	Ўзгариш 2015 йилга нисбатан
1.	Корхонани рўйхатдан ўтказиш	65	64	42	+22
2.	Қурилиш учун рухсатномалар олиш	149	149	151	-2
3.	Электр тармоқларига уланиш	145	108	112	-4
4.	Мулкка ҳуқуқни рўйхатидан ўтказиш	143	113	87	+26
5.	Кредитлаш	154	105	42	+63
6.	Инвесторлар ҳимояси	100	87	88	-1
7.	Солиқ солиш	118	117	115	+2
8.	Халқаро савдо	189	158	159	-1
9.	Шартномалар ижросини таъминлаш	28	32	32	0
10.	Тўлов қобилияти	77	75	75	0
Умумий рейтинг		141	103	87	+16

Ўзбекистон кейинги йилларда тадбиркорлик фаолияти учун ишбилармонлик муҳитини яхшилаш соҳасида энг яхши натижаларга эришган **дунёдаги ўнта давлат**

қаторидан жой олгани қайд этилган.

Юқорида келтирилган фикрлар ва маълумотлар мамлакатимизда иқтисодиёт соҳасига, жумладан тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар, шарт-шароитлар, имтиёз ва қулайликлар, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизими яратилганлигини тасдиқлайди.

1.1. Тадбиркорлик (бизнес) – бу нима?

Бозор ва тадбиркорлик.

Бозор муносабатлари шароитида мамлакат иқтисодиётини тараққий этишининг асосий омилларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришдан иборат. Бозор ва тадбиркорлик ўзаро бир-бири билан боғлиқдир.

Бозор – бу муайян товар ёки хизматларнинг сотувчилари ва харидорларини бир жойда бирлаштирадиган ҳар қандай институт ёки механизм. *(K. McConnel, S. Brew. Economics: Principles, problems and policy, 1992).*

Бозор (инглизча – market, русча – рынок) – товарлар билан пулларнинг ҳаракатини таъминловчи ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муносабатлар тизимидир. Демак, бозорда тадбиркорлик субъектлари ўртасида мустақил равишда қарорлар қабул қилишдаги эркин муносабатлар амалга оширилади. Бозор тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият олиб боришлари учун кенг шарт-шароитлар яратиб, эркин рақобат муҳитининг, экспорт ва импорт имкониятларининг бозор қонуниятлари асосида амалга оширилишини таъминлайди.

“Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммоларига тик кўз билан қараш керак. Бозор иқтисодиётининг фақат ижобий томонинигина эмас, балки унинг салбий томонини ҳам кўра билиш керак. Бозорга, айниқса унинг шаклланиш босқичида узоқ ва чуқур иқтисодий инқирозлар, ишсизликнинг ўсиши, пулнинг қадрсизланиши, кўпгина корхоналарнинг синиши ва ишбилармонларнинг хонавайрон бўлиши, аҳолининг моддий таъминот жиҳатидан кескин табақалашуви, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва жиноятларнинг ўсиши хосдир. Бозорнинг бу иллатларини билиш, уларга тайёр туриш, уларни бартараф этиш юзасидан тўғри ечимлар топа билиш керак”.

(Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 28- бет.)

Хўш, **“тадбиркор”**, **“тадбиркорлик”** тушунчалари қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантилон қўллаган. Унинг фикрича, **тадбиркор** – таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

Тадбиркорлик (инглизча – enterprise, enterprising, русча - предпринимательство) – фойда олиш мақсадида фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ташаббуси асосида мустақил фаолиятидир.

Соҳибқирон Амир Темур тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаб ва тадбиркорларни улуғлаб, уларнинг нафақат ўзи балки жамият учун ҳам катта нафи тегишини, инсон доимо фаол бўлишини таъкидлаб, ўз тузукларида **“Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб, тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”**, деб кўрсатади.

(Темур тузуклари. //Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж.; Б.Аҳмедов таҳрири остида. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 15 бет.)

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир бирини тўлдиради**.**

“Бизнес” - сўзи инглизча сўз бўлиб, у тадбиркорлик фаолияти ёки бошқача сўз билан айтганда кишиларни фойда олишга қаратилган тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик соҳасида бизнес фойда берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар бизнесмен сифатида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайишига, аҳоли фаравонлигининг ошишига хизмат қилади.

Бизнесмен (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида XVIII асрда пайдо бўлиб, у **“мулк эгаси”** деган маънони билдирган.

Ҳозирги кунда бизнесмен – бу ўз мулки ёки бошқа шахслар мулкидан фойдаланган ҳолда ўз ишбилармонлиги ва тажрибасига ҳамда таваккалчиликка асосланиб, фойда олишни кўзлаб иш олиб борувчи шахсдир.

Бизнес (инглизча – business; русча – дело, антерпренерство – иш, машғулот) – таваккалчилик ва ўзининг жавобгарлиги остида хусусий ёки қарзга олинган воситалари ҳисобидан амалга ошириладиган, асосий мақсади фойда олиш ва ўз фаолиятини ривожлантиришга қаратилган ташаббускор иқтисодий фаолиятдир.

Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишидир.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов қайд этганидек **“...Соҳа ривожи учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий база шакллантирилгани ва мунтазам такомиллаштирилиб борилаётгани, бизнес учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатилаётганлигини таъкидлаш лозим”.**

(Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” халқаро конференциядаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь).

Бозор муносабатларида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жараёнлар бир қатор қонунларида, жумладан, *Фуқаролик кодекси, Солиқ кодекси, Божхона кодекси, Ер кодекси, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”, “Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги* ва бошқа қонунлар билан тартибга солинади.

Ушбу ҳуқуқий муносабатларни тадбиркорлик ҳуқуқи модул фани ўрганади, у бозор иқтисодиётининг шаклланиш жараёнида муҳим ҳуқуқий восита бўлиб хизмат қилади.

1.2. Тадбиркорлик ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва принциплари

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни давлатнинг ваколатли органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва тадбиркорлик фаолиятидаги иш муомала одатлари асосида тартибга солинишини тадбиркорлик ҳуқуқи фани ўрганади.

Тадбиркорлик фаолияти тадбиркорлик субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир. *(Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида (янги таҳрири) 2012 йил 2 май, 328-сон.*

Мисол учун, *фуқаро бир ўзи таъсисчилигида масъулияти чекланган жамият ташкил қилиб, болалар ички кейимлари ишлаб чиқариш мақсадида банкдан кредит олиб, чет элдан тикиш ускуналарини хорижий валютада харид қилди ва ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлади.*

Тадбиркорлик ҳуқуқи – тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи ва у билан боғлиқ муносабатларда давлатнинг иқтисодиётга раҳбарлик қилиш чора-тадбирларини белгиловчи ҳуқуқий қоидалар йиғиндисидан иборатдир.

Демак, тадбиркорлик ҳуқуқи ўзига хос муайян муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқ соҳаси-ми?

Унда, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳуқуқ тизимида тутган ўрнига тўхталиб ўтайлик. Тадбиркорлик ҳуқуқи ҳам бошқа ҳуқуқ соҳалари каби: биринчидан, ҳуқуқнинг мустақил соҳаси; иккинчидан, қонунчилик тармоғи; учинчидан, фан соҳаси; тўртинчидан, ўқув предмети ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи – ҳуқуқ тармоғи сифатида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятидан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидан иборат.

Мисол тариқасида, *“Иқтисодий фаолият” термини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида, шунингдек. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасида қўлланилган.*

Тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий, ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш (горизонтал), субъектнинг ички

тузилмалари ўртасидаги (вертикал), давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига умумий раҳбарлиги билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқи

Тадбиркорлик ҳуқуқининг бошқа ҳуқуқ соҳаларидан, жумладан фуқаролик, маъмурий, молия, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари билан фарқланади.

Аввало, **фуқаролик ҳуқуқи** фани мулкий муносабатларни ҳамда мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатларни тартибга солиш ва мустаҳкамлашга қаратилган, тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи эса тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги горизонтал ва вертикал, бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиши билан боғлиқ муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлар ўртасидаги тадбиркорлик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солса, **меҳнат ҳуқуқи** эса иш берувчи билан ходимларнинг меҳнат шартномаси асосида муносабатларини, ички тартиб қоидаларини, иш режимини ва шунга ўхшаш меҳнат шартномаси билан боғлиқ бошқа муносабатларни тартибга солади.

Маъмурий ҳуқуқнинг предмети маъмуриятнинг буйруқ ҳамда ижро фаолияти билан, яъни ҳокимият ва итоат этиш, бир бирига буйсиниш соҳасидаги фаолият билан боғлиқ муносабатдир. Бундай муносабат итоат этувчи қуйи органларга ва мансабдор шахсларга ўз директивалари орқали таъсир этиш, бошқариш, идора этиш каби ҳокимиятни амалга ошириш билан изоҳланади. Тадбиркорлик-ҳуқуқий муносабатларда эса маъмурий буйсиниш фаолиятлари кам учрайди.

Мисол учун, *тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлатнинг умумий раҳбарлиги, яъни давлат назорати, солиқлар билан таъсир этиш, тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ички тузилмалари ўртасидаги муносабатлар.*

Молия ҳуқуқининг предметини молия бюджети кирим-чиқими (давлат даромадини сарфлаш ва ташкил этиш давлат режаси) билан боғлиқ муносабатлар ташкил этса, корхона ва тадбиркорларнинг даромад манбаини тартибга солиш ва улардан қайта ишлаб чиқариш муомаласида фойдаланиш кабилар Тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ташкил этади.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий принциплари

Барча ҳуқуқ соҳалари каби тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам асосий ва энг муҳим принциплари Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган **асосий қоидалардир.** Ушбу тадбиркорлик ҳуқуқига оид асосий принциплар республикамизда бозор муносабатларининг ривожланишида барча тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолиятини маълум бир мақсад сари йўналтириб, ҳуқуқий тартибга солиб туради.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий принципларидан бири тадбиркорлик субъектларининг **иқтисодий фаолият эркинлигидир.** Ушбу принцип:

> “...Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди”. *(Конституциянинг 53-моддаси).*

Тадбиркорлик субъектларининг **иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш принципи.**

Бу принципнинг моҳияти ҳар бир моддий товар ишлаб чиқарувчи, ишларни бажарувчи ёки хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектининг иқтисодий манфаати қонунларда белгиланган тартибда тегишли органлар орқали ҳимоя қилинади.

Тадбиркорлик муносабатларига иқтисодий услубларни қўллаш асосида **давлатнинг таъсир этиш принципи.**

Ушбу принцип мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига директива, буйруқ орқали таъсир этиш усулининг иқтисодий усулига, яъни меҳнат жамоасининг, якка шахснинг товар ишлаб чиқариш, иш ва хизмат кўрсатиш, унинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишда манфаатларини ҳисобга олишга қаратилгани билан изоҳланади.

Республикамизнинг мустақил тараққиётини белгиловчи асосий принципларидан бири **нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш**дир.

Бу, энг аввало, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга қаратилган иқтисодий омиллардан бири ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг асосий принципларидан яна бири товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг **ўзаро рақобат**идир.

Бу принципнинг асосий мазмуни ва моҳияти шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида ким кам меҳнат ва ҳаражат сарф қилиб, кўп ва юқори сифатли маҳсулот(иш ва хизмат) ишлаб чиқарса, у ижтимоий ҳамда иқтисодий тараққиётда имтиёзга эга бўла олади.

Қонунийлик принципи барча фанларга доир бўлган умумий принцип бўлса ҳам, тадбиркорлик ҳуқуқида у бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу принцип мазмунида тадбиркорлик субъектларининг қонун ман этмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкинлиги қоидаси ётади.

1.3. Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатлари тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари сифатида эътироф этилади.

Мисол учун, *тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш тартибини белгиловчи асосий қонун "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи қонуности ҳужжатлари.*

Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаи – бу тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келадиган тадбиркорлик фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа иш муомала одатларидир.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари:

ЎзР Конституцияси, қонунлари, ЎзР Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

ЎзР Олий суди ва Олий хўжалик суди пленумлари қарорлари. Тадбиркорлик қонунчилигининг ривожланиш босқичлари ва кодификациялаштириш масалалари ҳақида фикрлар.

Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқ тизимининг манбаи ваколатли органлар томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатлардир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бизнес фаолиятини олиб боришнинг кафолати сифатида муҳим аҳамиятга эга. Жумладан:

"Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баробар муҳофаза этилишини кафолатлайди". *(Конституциянинг 53-моддаси).*

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари хусусий мулкининг бошқа мулк шакллари билан бир қаторда давлат ҳимоясида бўлиши, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларнинг умуммиллий бойлик

бўлиши каби нормалар *Конституциянинг 53-55-моддаларида* белгиланган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларининг турларидан бири **қонунлар**дир.

Бунда *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси* муҳим аҳамиятга эга. У мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, мулк ижараси, лизинг, пудрат, қурилиш пудрати, ташиш, кредит, ҳисоб-китоб ва шунга ўхшаш тадбиркорлик субъектлари иштирокида тузиладиган шартномаларга оид қоидаларни ўзида бирлаштириб, бевосита тадбиркорлик ҳуқуқига манба ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолият олиб боришига хизмат қилувчи ва улар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган *“Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги, “Ижара тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги, “Рақобат тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”*ги ва бошқа қонунлар қабул қилинган.

Тадбиркорлик субъектларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати *“Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги, “Банк ва банклар фаолияти тўғрисида”ги, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги* ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Тадбиркорлик фаолиятида инвестициялар билан боғлиқ муносабатларни *“Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги, “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги, “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги* ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Айниқса, 2015 йил 20 августдаги *“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш*

тўғрисида”ги ЎР–391-сонли Қонуни тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш тизимини янги босқичга олиб чиқди.

Тадбиркорлик ҳуқуқи манбаларидан бири **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларидир.** Бунга мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 13 ноябрдаги СҚ-453-II-сон *“Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида”ги* қарорини келтириб ўтиш мумкин.

Айниқса, тадбиркорлик ҳуқуқининг бозор муносабатлари ривожланишида **Ўзбекистон Республикасининг Президенти** томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни **фармонлар, қарорлар ва фармойишлар** муҳим аҳамиятга эга.

*Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожланиш йўлидагитўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПФ–4725-сонли ва *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги ПФ–4609-сонли фармонлари, 2014 йил 15 апрелдаги *“Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги ПҚ–2164-сонли қарорини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг манбаларидан яна бири **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**, яъни 2014 йил 6 октябрдаги *“Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 279-сонли, 2014-йил 2 июлдаги “Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”*ги қарорлари ҳисобланади.

Шунингдек, **вазирликлар ва давлат қўмиталари, агентликларнинг ўз ваколатлари доирасида белгиланган тартибда қабул қилган ҳуқуқий ҳужжатлари,** яъни Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 23 июндаги 4-сон қарори билан тасдиқланган “Стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат

ва мониторинг қилиш тўғрисидаги Низом (*2010 йил 26 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2125*) ҳам тадбиркорлик ҳуқуқи манбаси сифатида кўрилади. Шу билан бирга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўз ҳудуди доирасида кучда бўладиган ҳуқуқий ҳужжатлари ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, тадбиркорлик қонунчилигига қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Тадбиркорлик қонунчилиги – бу тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар йиғиндисидан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муносабатларда Ўзбекистон Республикаси **Олий хўжалик суди пленуми қарорлари** ўзига хос ўринга эга. Улар тадбиркорлик ҳуқуқи учун манба бўлмасада, қонунлар ва бошқа қонуности ҳужжатларини хўжалик судлари томонидан тўғри қўллашда, хўжалик низоларини тез ва тўғри ҳал этишда судларга тушунтиришлар бериб, муҳим амалий аҳамият касб этади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Олий хўжалик суди пленумининг 2012 йил 14 сентябрдаги 12/239-сон *“Тадбиркорлик субъектлари фаолияти билан боғлиқ қонун ҳужжатларини суд амалиётида қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”*ги қарори судлар ва ушбу масала тааллуқли барча шахслар учун мажбурий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади.

Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қўлланиладиган иш муомала одатлари ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг манбалари сифатида эътироф этилади.

1.4. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар

Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ субъектлар ўртасида вужудга келадиган, яъни тадбиркорлик субъектини ташкил этиш, уни рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга қўйиш, уни бошқариш, фаолият олиб бориши, шартномалар тузиш, уларни ижро этиш, мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик каби муносабатларни ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиш зарурати вужудга келади. Бундай ҳуқуқий муносабатлар тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар – бу тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш ҳамда уни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган,

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ бўлган, тадбиркорлик хуқуқий нормалари асосида тартибга солинадиган муносабатлардир.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар фақат товар ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга оид муносабат эмас, балки тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш, ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун ер участкаси олиш, бино олиш ёки қуриш, ёқилғи, хом ашё, асбоб-ускуналарга эга бўлиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам қамраб олади. Улар тадбиркорлик ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи муносабатлар бўлиб, бевосита даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа мақсадлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Жумладан, мулкни бошқариш, корхонани тузиш ва тугатиш бўйича ташкилий мулкий муносабатлар билан боғлиқ барча фаолиятлардир.

Бозор муносабатларини тобора ривожланиб бориши, янги-янги мулкдорлар гуруҳини, тадбиркорларни келтириб чиқарадиган бу гуруҳлар тадбиркорлик муносабатларининг мустақил субъекти ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб иштирок этади. Улар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг аксарияти тадбиркорлик қонунчилиги билан тартибга солинади. Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар доираси, бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан бирга, борган сари кенгайиб боради. Хусусан товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари, банклар, биржалар ва шунга ўхшаш бошқа субъектлар ўзига хос махсус фаолият кўрсатадилар.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатнинг турлари

Тадбиркорлик муносабатларининг асосий қисмини тадбиркорлик субъектларининг ўзаро вертикал ва горизонтал муносабатлари ташкил этади. Тадбиркорлик ҳуқуқи фанида **тадбиркорлик муносабатлари асосан уч гуруҳга** ажратилади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг **биринчи гуруҳи** бевосита тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва тугатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг **иккинчи гуруҳи** тадбиркорлик субъектларининг бошқа субъектлар, давлат органлари ўртасида, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилиш ва бошқаришдан келиб чиқади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларининг **ички муносабатлари** эса ҳар бир корхонанинг, бирлашманинг ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасидаги ички муносабатлари шаклида намоён бўлади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлар элементлари шу муносабат субъектлари, объектлари ва унинг мазмунидан иборат бўлади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари билан тадбиркорлик фаолияти субъектини фарқлай билиш керак. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари – тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этадиган тадбиркорлар (юридик шахс ва ЯТТ), давлат ёки унинг органлари бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади.

> “Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир”. *(Қонуннинг 4-моддаси).*

Тадбиркорлик субъектлари кимлардан иборат бўлиши мумкин?

Тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлиш учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. ФКнинг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни “Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтгазилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир”. Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиши учун тегишли тартибда давлат рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури

билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олиниши учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабат объектлари:
1) ашёлар, пул ва қимматли қоғозлар, ўзга мол-мулклар;
2) бажариладиган ишлар;
3) кўрсатиладиган хизматлар;
4) тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган номулкий неъматлар (фирма номи, товар белгиси, тижорат сири ва бошқалар) ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларини туркумланиши:

- мутлақ ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (мулкий муносабатлар);
- мутлақ-нисбий ашёвий ҳуқуқий муносабатлар (тадбиркорлик юритиш, оператив бошқариш);
- ўз тадбиркорлик фаолиятини юритиш бўйича мутлақ ҳуқуқий муносабатлар;
- номулкий-мутлақ тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари;
- мажбурият тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Тадбиркорлик фаолияти субъекти ва тадбиркорлик ҳуқуқи субъекти тушунчалари ўртасидаги фарқли жиҳатларини изоҳланг ва уни асослаб беринг.

2. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳуқуқий манбалар ёки Олий хўжалик суди Пленуми қарорлари қўлланилишини тушунтиринг.

3. Даъвогар Чилонзор туманидаги “Деҳқон бозори” МЧЖ Тошкент вилоят хўжалик судига жавобгар фуқаро А.Турдиевга нисбатан бозор инфратузилмасидан фойдаланганлик учун 37.614.827 сўм тўлов ва 132.888.920 сўм ижара ҳақини ундириш тўғрисида даъво ариза киритган.

Лекин суд мажлисида фуқаро А.Турдиев тадбиркор эмаслигини, унга билдирилган даъво асоссиз эканлигини, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаётганлигини маълум қилди.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4. Даъвогар “Original Buzines” МЧЖ Тошкент шаҳар хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар “CLASSIK SERVISE” МЧЖдан шартнома шартларини бажармаганлиги сабабли 110.255.456 сўм асосий қарз, 50.110.255 сўм пеня ундириб беришни сўраган. Даъвогар даъво аризаси билан бирга судга илтимоснома киритиб, даъво азизасини олдиндан давлат божи тўловисиз қабул қилишни, уни кейинроқ тўлаб беришни билдирган. Хўжалик суди судьяси, иш ҳужжатлари ва илтимоснома билан танишиб, даъво аризасини қайтариш тўғрисида ажрим чиқарган. Даъво аризасини қайтаришда Хўжалик процессуал кодексининг 118-моддаси, Солиқ кодексининг 330-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 533-қарори, Олий хўжалик судининг 180-сонли Пленум қарорига асосланган.

Юқоридаги ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг.

II БОБ. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ва уларнинг турлари

Ҳиндистоннинг "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ҳуқуқи, умуман тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ маълумотлар, жумладан, бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқининг роли ва аҳамияти, унинг манбалари, ҳуқуқий муносабатлари, қонунчиликнинг ривожланиш босқичлари каби етарли маълумотларга эга бўлди. Шундан сўнг Манжид Сингх компаниянинг ҳуқуқшуноси Ранжид Сингхдан Ўзбекистонда агар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлса, қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари ҳақида маълумотлар тўплашини сўради. Ушбу маълумотларда асосан қуйидаги йўналишларда мавзулар ўзида акс эттириш лозимлигини таъкидлади:

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти субъектлари деганда нималар тушунилади?

Тадбиркорлик субъектларининг қандай турлари мавжуд?

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти билан қандай шаклларда шуғулланиши мумкин?

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби қандай?

Қайси шаклдаги юридик шахслар тадбиркорлик фаолиятини олиб боради?

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тушунчаси ва белгилари

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари тушунчаси ва мақомини аниқлаш учун аввалambор "ҳуқуқ субъекти" ва "фуқаролик ҳуқуқи субъекти" тушунчаларининг моҳиятини чуқур англаб олиш лозим бўлади. Ҳуқуқ субъекти кенг ҳуқуқий категория ҳисобланиб, унинг таркибига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари киради. Ўз навбатида ҳар бир ҳуқуқ тармоғининг ўз субъектлари (давлат ҳуқуқида – сайловчилар ва сайланувчилар, меҳнат ҳуқуқида - иш берувчи ва ходим, молия ҳуқуқида - солиқ тўловчи ва солиқ органи, жиноят процессуал ҳуқуқида

суриштирувчи, терговчи, гумондор, айбланувчи, судланувчи ва ҳ.к.) бўлганидек, тадбиркорлик ҳуқуқининг ҳам ўз субъектлари бор.

Фуқаролик ҳуқуқининг барча субъектлари ягона “шахслар” деган умумий ном билан ифодаланади. “Шахслар” ҳам ўз навбатида уч гуруҳга бўлинади: **биринчиси,** фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиб, у ўз ичига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларни олади; **иккинчиси**, юридик шахслар бўлиб, у ўз ичига фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот)ларни олади ва бундай ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш (қўшма) корхоналар шаклида бўлиши мумкин; **учинчиси,** давлат бўлиб, у алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек унинг номидан маъмурий ҳудудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин. *[Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 2-бўлим]*

Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари – бу тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир.

Жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда тадбиркор сифатида, шунингдек бундай мақомга эга бўлмасдан ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқи субъектлари бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланиши мумкин. Фарқ шундаки, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз жавобгарлигини зиммасига олиб, фойда олишни мақсад қилган ҳолда фаолият юритади.

Давлатнинг куч қудрати – аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади. (*И.А. Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз».)*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён давлатимиз томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички

маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, балки унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айлантиришга эришиш йўлида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Ҳақиқатан, амалдаги қонун ҳужжатларимизга мувофиқ ҳолда хусусий секторнинг ривожланишига кенг йўл очиб берилмоқда, бунинг натижасида эса тадбиркорлик фаолияти кенг қанот ёймоқда. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг тадбиркорлик-ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари деб тан олинишига олиб келди.

Ҳозирги тадбиркорлик ҳуқуқи – бу якка ва жамоа тадбиркорларининг ёки бошқача қилиб айтганда, фуқароларнинг ва барча мулк шаклларига эга бўлган хусусий, шунингдек давлат корхоналарининг профессионал фаолияти бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ЎРҚ-328-сон янги таҳрирдаги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Бироқ, давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши қонун ҳужжатларида ман этилган бошқа шахслар тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлиши мумкин эмас.

Масалан, қуйидаги мансабдор шахсларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши таъқиқланади:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари;

давлат банклари раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, хизмат юзасидан пул белгиларига ва пул (банк) ҳужжатларига бевосита алоқаси бўлган мансабдор шахслар;

давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари раҳбарлари ва уларнинг банк ҳужжатларига имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган ўринбосарлари;

давлат таъминот ва савдо-сотиқ корхоналари ва ташкилотларининг раҳбар ходимлари;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш ёки бундай фаолиятни назорат қилиш ўз вазифасига кирувчи давлат органларининг раҳбар ходимлари ва мутахассислари;

чакана, улгуржи-чакана савдо, умумий овқатланиш давлат бирлашмалари ва корхоналарининг, савдо ташкилотларининг, трестларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, таркибий бўлинмаларининг бошлиқлари, моддий жавобгар шахслари. *[Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 6 мартдаги "Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланган мансабдор шахслар рўйхати тўғрисидаги"103-сон Қарори]*

Фойда кўриш мақсадида, таваккал қилиб товар ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиш ихтисослашган фаолиятга айланган тақдирдагина бундай фаолиятнинг иштирокчиларини тадбиркорлар деб ҳисоблаш мумкин. Агар фуқаро бундай ҳаракатларни алоҳида ҳоллардагина (вақти-вақти билан) фойда кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўймай амалга оширган тақдирда, масалан, ўзидаги ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ёки кераксиз бўлган бошқа ашёларни сотиши, ёки ишларни бажариб бериш учун шартлашиб ва у бажарилганлиги учун ҳақ олинадиган бўлса, бундай фаолиятни тадбиркорлик фаолияти деб бўлмайди, чунки бу каби муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шунингдек, банк муассасаларига фоиз олиш мақсадида жамғарма қўйган фуқаролар, қимматли қоғозлар сотиб олган шахслар ҳам тадбиркорлар ҳисобланмайди.

Умумлаштириб олганда тадбиркорлик ҳуқуқи субъектига қуйидагича тушунча бериш мумкин: тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустақил даьвогар ва жавобгар бўла оладиган ва ўзининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат қила оладиган (юридик шахс мақомини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи - якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этаётган давлат ва унинг ваколатли идоралари ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидагиларни **тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларининг ўзига хос белгилари** ҳисобланади:

- давлат рўйхатидан ўтган бўлишлиги;
- муайян фаолият турлари билан шуғулланишлари учун албатта рухсатнома (лицензия)га эга бўлишлари лозимлиги;
- ўз мол-мулкига эга бўлишлиги;
- тадбиркорлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлишлиги: бундай ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг доираси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ҳамда уларга мувофиқ қабул

қилинган мазкур тадбиркорлик фаолияти юритувчи субъектларининг таъсис ҳужжатлари билан аниқланади;

- мустақил жавобгарлиги: жавобгарлик унинг ўз мол-мулки доирасида амалга оширилади;

- ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эканлиги ҳисобланади.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари таснифи

Умуман олганда, тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини бир неча турларга ажратиш мумкин. Субъектларни туркумлаш уларнинг мулкчилик шаклига (масалан, фуқароларнинг хусусий мулки, жамоа мулки ёки давлат мулкига асосланган), ваколатларига (яъни бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар, ёки бошқарувни амалга оширувчи субъектлар каби), шахсларга (жисмоний шахслар ва юридик шахслар) ҳамда фаолият турига (тижоратчи ва нотижорат ташкилотлар) қараб белгиланади.

Шу ўринда тадбиркорлик фаолияти субъектларни фаолият мақсадига (турига) қараб тижоратчи ташкилот ва тижоратчи бўлмаган ташкилотга ажратилган икки турига тушунча бериб ўтсак.

Ушбу турларга бўлиш Фуқаролик кодексининг 40-моддасида, яъни юридик шахсларнинг турларида ҳам кўрсатиб ўтилган бўлиб, 2-§ ва 3-§лар тўлақонли тарзда тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларининг турларига ва уларнинг ҳуқуқий ҳолатига тушунчалар бериб ўтилган.

Тижоратчи ташкилот - бу фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб қўйган субъект бўлиб, (хусусий корхоналар, хўжалик жамиятлари, ширкатлари) тижоратчи ташкилотларнинг ҳуқуқий ҳолатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган.

Тижоратчи бўлмаган тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз олдига муайян мақсадни кўзлаган ҳолда ҳаракат қилиб, фойда кўришни кўзламайди. Бундай субъектларга жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса ва бошқалар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, жисмоний шахсларга тадбиркорлик мақомига эга бўлишлик имконияти берилиб, улар ҳам тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектлари доирасига киритилган.

Жумладан, Фуқаролик кодексининг 24-моддасига мувофиқ, фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир.

Keenan ва Richeslар ҳаммуаллифлигида 2013 йилда ёзилган “Business Law” китобининг 2-бўлимида қайд этилишича Англияда тадбиркорлик субъектлари, яъни бизнес ташкилотларининг қуйидаги турлари санаб ўтилган. Якка тартибдаги тадбиркорлик (the sole trader), шериклик, ширкат (the partnership) ва компания, корхона (the company).[1]

1. Якка тартибдаги тадбиркорлик (the sole trader)**.** Бундай фаолият ягона шахс томонидан юритилади. Ҳамма мулк ва фойдага ўзи эгалик қилади. Шунинг билан биргаликда ҳамма зарарлар ва йўқотишларни ҳам ўз бўйнига олади.

2. Шериклик, ширкат (the partnership). Шерикчиликнинг учта тури мавжуд. Бу бизнес техникаси деб ҳам аталади. **Чегараланмаган шерикчилик (unlimited parnership).** Бунда ҳамма зарарлар, муаммолар ва харажатлар шериклар ўртасида тақсимланади. Албатта фойда ҳам. Бу асосан тенг шерикчилик деб аталади. Фирманинг қарзига бўлган қобилияти шериклар маълум ҳақ олиш учун фойда бўлмаган ҳолда ортиши мумкин. Суднинг қоидаларига кўра, ҳуқуқий мақоми бўлмаган шериклар ўртасида фойда тақсимланиши шартмас. Шерикчилик учун асосий нарса бу шартнома ҳисобланади. Бунда бизнес фаолияти йўналишлари келишилган ҳисобланади. Ёзма шартнома муҳим эмас, оғзаки шартнома ҳам аҳамият касб этадверади. Мисол учун А. шахс Б шахс билан шерикчилик шартномаси тузган бўлса, улар қонун олдида тенг бўлади. Шерикларнинг масъулияти умумий чегараланмаган. Агар фирма

[1] Keenan and Riches’ Business law. – 9th ed. / Sarah Riches and Vida Allen. Printed by Ashford Colour Press Ltd., Gosport, 2013, p.75.

қарзларини тўлай олмаса тенг ҳуқуқли шерикларда тўлаш мажбурияти вужудга келади. **Чегараланган шерикчилик (limited parnership).** Бизнес техникаси сифатида чегараланмаган шерикчиликни олиш мумкин. Бир шерик тўлиқ масъулиятга эга бўлганда, фирма қарзини тўлай олмаса, қолган шериклар масъулияти чеклаб қўйилиши мумкин. Бу шуни англатадики, агар бизнес қийин вазиятларда қолса, шериклар ўзлари киритгау сармояни йўқотиши мумкин. Лекин, масъулияти чекланмаган шерикнинг мажбуриятларига аралаша олмайди. Шерикчиликнинг бундай тури, одатда кўп қўлланмайди. Улар фақатгина коллегиал инвесторлар учун ишлатилади. **Масъулияти чекланган шерикчилик (limited liability partnership - LLP).** Бу охирги ташкил қилинган тадбиркорлик фаолияти турларидан биридир. Рўйхатга ўтказувчи суб]ект томонидан рўйхатга олинади. Корхона мулкига юридик шахс эгалик қилади яъни аъзолар. Корхона унинг ҳамма қарзлари учун ўзи жавобгар бўлади, ҳеч қанақа аъзолар ўртасида шахсий жавобгарлик бўлмайди. Агарда корхона банкрот бўлса, шериклар қўйган сармоясидан жудо бўлади, аммо корхона мулки бўйича уларда ҳеч қанақа мажбурият бўлмайди. Шериклар шерикчилик шартномасида бу ҳақида келишиб олишади, аммо шундай келишишга қонун мажбурламайди. Шунга қарамасдан, шерик томонидан икки йил мобайнида унинг хатоси билан корхона банкрот бўлса, суд унга нисбатан мажбурият юклаши мумкин. LLPнинг тажрибаси ҳозирги кунгача шуни кўрсатадики, 2000-йилдаги LLP акти адвокатлар, бухгалтерлар ва бошқа масъулиятли шахслар томонида кенг қўлланилган. LLP 2000 Актининг ҳамма боблари ва йўналишлари ҳамда бошқа қоидалар 1985 йилги Корхоналар тўғрисидаги қонунга (UK Companies Act 1985) асосланади. 2007 йил ноябрда ҳукумат 2006 йилги Корхоналар тўғрисидаги қонуннинг LLP қисмига алоҳида тўхталиб ўтди. Эътиборлиси шуки, LLP ўрта бизнес қатлами учун қўлланилади, ваҳоланки у йирик компаниялар томонида ташкил топилиши лозим. Аниқ бўлишича, ҳозирда LLPнинг 2006 йилги Корхоналар тўғрисида қонунинг унга боғлиқ қисми янгиланиш лозим.

Қонуннинг бўлимлари эндиликда LLPга аъзо бўлмоқчи бўлган шахслар ҳамда айни пайтда аъзоларининг ўртасида аниқ мувозанатни яратиши лозим.

3. Корхоналар (companies) . Бизнес фаолияти рўйхатдан ўтган корхона шаклида ҳам юритилиши мумкин. Рўйхатдан ўтиш қоидалари асосида Кардиффдаги рўйхатдан ўтказувчи ташкилот томонидан рўйхатга олинади. 2006-йилдаги қонунга асосан хусусий корхоналар корхона котибияти ташкил қилиши шарт эмас, аммо улар хоҳласа бунга таъқиқ йўқ. Хусусий корхонада асосий хулосалар сармоядорлар ҳамда бизнес маслаҳатлатчилари, яъни махсус бухгалтерлар ва адвокатлар томонидан чиқарилиши умумий ҳисобланади.

Корхоналар тўғрисидаги қонуннинг ижросидан сўнг, хусусий корхоналарда улушлар маълум даражада чекланади, ёки биз аъзо бир киши учун жавоб беради. Ёки унинг шериклиги бир киши учун ёпилади. Бу қоидалар 2006-йилги Корхоналар тўғрисидаги қонунда белгиланган. Агарда бизнес фаолияти анчагина катта бўлса ва корхона очиқ турдаги масъулияти чекланган жамият бўлса, у 2006-йилги қонунга биноан котибиятга эга бўлиши лозим.[2]

Якка тартибдаги тадбиркор. 2012 йил 2 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари доираси кенгайтирилиб, улар кичик тадбиркорлик субъектлари шаклида, жумладан юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам кичик тадбиркорлик субъекти сифатида мастаҳкамланди. Қонунга биноан ҳар қандай фуқаро ҳам тадбиркор шахс ҳисобланмайди, балки фақат белгиланган тартибда давлат

> Якка тартибдаги тадбиркорлик жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир.
> *[Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун (янги таҳрир)] 2012 йил 6-модда]*

[2] Keenan and Riches’ Business law. – 9th ed. / Sarah Riches and Vida Allen. Printed by Ashford Colour Press Ltd., Gosport, 2013, pp.75-78.

рўйхатидан ўтиб, тадбиркор мақомини олган фуқароларгина эътироф этилиши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркор томонидан мустақил, ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ асосида амалга оширилади.

Ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошираётган якка тартибдаги тадбиркорлар товарлар тайёрлаш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун кўпи билан беш нафар шогирдни уларга тегишлича ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошираётганда шахсий иш ҳужжатлари бланкаларидан, муҳр, штамплардан фойдаланишга ҳақли, уларнинг матнлари мазкур шахс якка тартибдаги тадбиркор эканлиги ҳақида далолат бериши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорликни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда, агар қонунда, никоҳ шартномасида ёхуд эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Демак, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти субъектлари шакллари тўғрисида сўз кетар экан қонун уларни қуйидаги тарзда мустаҳкамлаганлигини таъкидлаш жоиз.

- якка тартибдаги тадбиркор томонидан ходимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга ошириладиган якка тартибдаги тадбиркорлик;
- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;
- икки ёки ундан ортиқ якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан, биргаликда иш қилиш мажбуриятини олган оддий ширкат;
- юридик шахс ташкил этмаган ҳолда деҳқон хўжалигини юритиш.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш (давлат рўйхатидан ўтиши) учун шахс 18 ёшга тўлган бўлиши лозим.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг негизи, мулкнинг шаклланиш ҳолати бир-биридан фарқ қилади. Якка тартибдаги тадбиркор мулк ҳуқуқи асосида фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида фаолият кўрсатса, оилавий тадбиркорлик мол-мулк негизида умумий биргаликдаги мулк асосида амалга оширилади.

Оилавий тадбиркорлик

Бугун ривожланган давлатлар тажрибасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг энг самарали воситаси, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириб боришнинг муҳим омили сифатида эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлатимиз томонидан соҳа вакилларининг самарали фаолият юритиши учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилиб, мунтазам такомиллаштирилиб борилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, 2012 йил 26 апрелда Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонунининг қабул қилинганлиги тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган фуқароларга қўшимча имконият ва қулайликлар яратди.

Гап оилавий тадбиркорликни амалга ошириш тўғрисида кетар экан, эр-хотиндан бири эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланадиган ҳолларда вужудга келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш масаласи муҳимдир. Чунончи қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин ўртасидаги ўзга келишувда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, бундай ҳолда эр (хотин)нинг розилиги талаб қилинади. Бундай розилик нотариал тасдиқланган бўлиб, қайси мол-мулкдан фойдаланишга келишилган бўлса, ушбу мол-мулкка тегишли маълумотлар қайд этилиши лозим.

Юридик шахс ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тадбиркорликнинг эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида улар томонидан амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик турида (иш муомалаларида) эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланиши лозим.

Кейинги йилларда... Тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли – оилавий бизнесни ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилди. *(И.А.Каримов - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси)*

Оилавий тадбиркорликда эр-хотиннинг умумий биргаликдаги мол-мулкидан фойдаланишда қонун оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг манфаатларини инобатга олган, хусусан, агар тадбиркорлик фаолияти объекти сифатида уй-жойдан фойдаланиш билан боғлиқ оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда уй-жой мулкдорларидан бирининг иш муомалаларига киришиши оиланинг вояга етган бошқа аъзоларининг нотариал тасдиқланган розилиги бўлган тақдирда амалга оширилади.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда олиб бориш тартиби *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги "Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 216-сон қарорида* ҳам кўрсатилган.

Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли **оилавий корхонадир.**

Қонунинг 4-моддасига биноан "Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий

меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан биридир.

Оилавий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона ўз мажбуриятлари бўйича қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради.

Оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оилавий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Оилавий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва “oilaviy korxona” деган сўзларни ўз ичига олиши керак. Оилавий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва “oilaviy korxona” деган сўзларни ёки “ОК” аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат муомалага лаёқатли шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганларидек, “Давлатнинг бошқарув соҳасидаги роли инкор этилса, маъмурий буйруқбозлик тизимидан иқтисодиётнинг бозор тамойилларига ўтишини таъминлаш қийин кечади. Ўз-ўзидан равшанки, бозор муносабатлари меъёри мустаҳкамланиб, ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги таъминланиб борган сари давлатнинг таъсири ҳам шунга мувофиқ равишда изчиллик билан камайиб бораверади”. *[И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари тараққиёт кафолатлари”. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1997, 189-бет]*

Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишининг асосий тамойилларидан бири бу – давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигидир.

Шу нуқтаи назардан давлат иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга оширишни таъминлашни ўз зиммасига олади. Бу эса бозор шароитида иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш ва тартибга солиш ҳамда ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни бевосита ҳуқуқий воситалар ёрдамида ҳал этишга имконият яратади.

Давлат тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларига хос бўлган хусусиятларга эга.



Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти сифатида давлат бир вақтнинг ўзида бошқа тадбиркорлик ҳуқуқининг субъектларидан фарқ қилади. Бу шунда кўринадики, унинг фаолиятида тадбиркорлик фаолияти устидан раҳбарликни амалга ошириш анчайин устунроқ

туради. Давлат иқтисодий муносабатларга киришар экан, бошқа субъектлар каби ўз фаолиятини амалга ошириши учун рухсатнома олиши талаб этилмайди. Шу билан бирга иқтисодиётга раҳбарлик қилишни юридик кучга эга бўлган норматив ҳужжатлар асосида амалга оширилиши ҳам унга хос бўлган хусусиятлардан бўлиб ҳисобланади.

Давлатнинг тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари қаторига қўшмаслик, тадбиркорлик фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишда кўпгина ноаниқликларни келиб чиқишига, бу борадаги масалаларни қайси ҳуқуқ соҳаси нормалари билан тартибга солиниши лозимлиги тўғрисидаги масалаларда чалкашликларни келиб чиқишига сабаб бўлар эди. Давлатнинг тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти сифатида ўзига хос хусусиятларини бирма-бир таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

Амалдаги қонунларимизга мувофиқ хусусий ва оммавий мулк шакллари мавжуд. Оммавий мулк давлат мулкидан иборат бўлиб, у икки хил турдаги мулкдан, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципал мулкдан ташкил топади.

Ушбу мулк объектлари асосида Ўзбекистон давлати тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Ушбу мулкларни давлат ўз органлари орқали корхоналарнинг тадбиркорлик фаолияти юритишига бериб, янги субъект корхоналарни ташкил этади. Шу билан бирга бу корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш масаласини, уларнинг тугатилиш масалаларини бевосита мулкдор бўлган давлат ўзининг махсус органлари ваколатига киритган.

Давлат мулки бўлган махсус объект - давлат хазинасига Ўзбекистон Республикаси номидан тушадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича давлат кредитор ҳисобланади. Шунингдек, давлат номидан тузилган шартномалар бўйича ғазна маблағлари ҳисобидан жавобгар ҳисобланади. Давлатнинг ваколати тадбиркорлик субъектларига нисбатан бошқарув фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Давлат тадбиркорлик субъектларига нисбатан халқ номидан ҳаракат қилувчи субъект сифатида қонун чиқариш орқали умумий асосда ўз таъсирини кўрсатади, бунда у давлат вазифаларини моҳиятидан келиб чиқиб тадбиркорлик муносабатларида иштирок этади, жумладан унинг тадбиркорликсубъекти сифатидаги фаолияти унинг ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб моддий-техника таъминоти, инвестициялаш каби масалаларни ҳал қилишда айниқса яққол намоён бўлади.

Шу йиллар мобайнида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган 31 мингдан зиёд корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди… Биз иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қандай бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз лозим.
(И.Каримов - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси)

Бу тарздаги фаолият илгари давлатнинг иқтисодиётни маъмурий бошқариш шакли бўлган директив актларга ўхшамасдан, балки, давлат инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдек улкан вазифани бажариш мақсадида эркинлик асосидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан бир вақтда, ҳисоб-китоб юритиш, молия, солиқ, субъектлар имтиёзлари каби институтларни тартибга солиш ишини олиб боради ва улар ягона дастур сифатида кўринади. Чунончи иқтисодиёт соҳасидаги қонунларнинг давлат томонидан қабул қилиниши орқали субъектлар фаолиятини тартибга солиниши амалга оширилади.

Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиниши усули умумий ва алоҳида асосларда амалга оширилади. Умумий асос бўлиб қонун чиқариш бўлиб ҳисобланса, алоҳида асосда турли-туман соҳалар бўйича тадбиркорлик фаолияти субъектларига нисбатан ўз таъсирини ўтказади, яъни иқтисодий фаолиятнинг турли жиҳатларини тартибга солади. Масалан, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ва харид қилиш, бюджет манфаатларини кўзлаган ҳолда қонунлар, экология масалаларига оид, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни қабул қилиниши орқали субъект сифатида кўринади.

Тадбиркорлик фаолиятида давлатнинг таъсири мазмунига эътибор бериладиган бўлса, бунда биз, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектларни тузиш, бекор қилиш, тадбиркорлик

фаолиятини тартибга солишни назорат қилиш фаолиятини гувоҳи бўламиз.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, давлатнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг қуйидаги шаклларини ажратиш мумкин:

- норматив ҳуқуқий ҳужжатлар чиқариш;
- давлат буюртмалари;
- давлат контракти;
- давлат томонидан тартибга солишни белгиловчи ҳужжатлар.

Норматив характердаги ҳужжатлар тўғрисида гап кетар экан, булар асосан бирон-бир товарни тўғридан-тўғри реализация қилишга рухсат этмайдиган ҳужжатлар, фаолиятни рухсатнома асосида олиб боришни назарда тутувчи кабилар тушунилади.

Бундай ҳужжатлар ҳуқуқни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилиши мумкин. Ҳуқуқларни вужудга келтирувчи ҳужжатларга имтиёзлар берувчи ёки рухсат берувчи лицензияларни киритиш мумкин, шунингдек, дотациялар, субсидиялар, ссудалар ҳам шу гуруҳ ҳужжатларига киради.

Ҳуқуқларни ўзгартирадиган ҳужжатларга атроф муҳитни муҳофаза қилувчи органларнинг корхоналар фаолиятини чеклашга қаратилган ҳужжатларини киритиш мумкин.

Ҳуқуқларни бекор қиладиган ҳужжатларга назорат ҳужжатлари киради. Тадбиркорликни ривожлантириш хусусий мулк манфаатларини муҳофаза қилиш, тадбиркорлик фаолиятига давлат аралашувини чеклаш мақсадида назорат қилувчи органлар доирасида чекланиб, уларни назорат қилишнинг қатъий муддатлари ҳам белгиланиб қўйилмоқда.

Тадбиркорлик ҳуқуқининг субъекти сифатида давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишининг яна бир усули бу бозор механизмини ташкил этиб, унда монополияга йўл қўймаслик, солиқ тизими орқали ва ҳар бир субъектининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, иқтисодий эркинликларининг кафолатлашни белгилашдан иборат.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, одатда юридик шахслар фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ёки ана шундай мақсад қилиб олмаган омилларга асосланиб тижоратчи ташкилот (хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар

корхона ва тижоратчи бўлмаган ташкилот (жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса) турларига бўлинади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни қуйидаги асосий мезонларга қараб таснифлаш мумкин:

- қўшган улушига қараб (маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти);
- тадбиркорлик фаолиятида иштирок этишига қараб (тўлиқ ва коммандит иштирокчилик);
- ўз меҳнати билан шахсан иштирок этишига кўра (ишлаб чиқариш кооперативи, деҳқон хўжалиги);
- бошқарувда иштирок этишига кўра (хусусий корхона, фермер хўжаликлари).

Шу ўринда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларни турларини бирма-бир изоҳлаб ўтиш жоиз.

Қўшма корхоналар (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар)

Таъсис шартномалари асосида ташкил этиладиган тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари орасида қўшма корхоналар (хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар) алоҳида ўрин эгаллайди. Қўшма корхоналар хорижий сармояларни Ўзбекистон Республикасига олиб келувчи асосий манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси биринчи биноан, чет эллик инвесторлар томонидан тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшиладиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар чет эл инвестициялари деб эътироф этилади. Ушбу қонун 5-моддасининг биринчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикасининг юридик ва жисмоний шахслари билан биргаликда ташкил этилган хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг, банклар, суғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарининг устав жамғармаларида ва бошқа мол-мулкида улуш қўшиб қатнашиш чет эл инвестициясини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрда қабул қилинган

“Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналарга бериладиган қўшимча рағбатлантириш омиллари ва имтиёзлар ҳақида”ги ПФ-1652-сон Фармонида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳақида тўхталиб ўтилган бўлиб унга кўра, 1998 йилнинг 1 апрелидан бошлаб қуйидаги шартларга жавоб берадиган янгидан ташкил этиладиган корхоналар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига киради: 1) корхонанинг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг суммадан кам бўлиши мумкин эмас; 2) корхона иштирокчиларидан бири албатта хорижий, юридик шахс бўлиши шарт; 3) хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши зарур. Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартларга жавоб бермаган тақдирда, хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Акциядорлик жамиятлари

Акциядорлик жамиятлари ҳақида гап кетганда, аввалambор шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалда бўлиб келган Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 223-I-сон қонуни 2014 йил 6 майда ЎРҚ-370-сонли янги таҳрирда қонун қабул қилинди. Ушбу янги таҳрирда қабул қилинган қонун, ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларида акциядорлик жамияти тўғрисидаги умумий қоидалар, акциядорлик жамиятини ташкил этиш, Устав фонди (устав капитали), жамиятнинг акциялари, корпоратив облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари, жамиятнинг соф активлари, акциялар ва қимматли қоғозларни тарқатиш ҳамда жойлаштириш, акциядорлар реестри ва акцияларни сақлаш, дивидендлар, акциядорлик жамиятини бошқарувчи органлари, жамиятнинг йирик битимлар тузиши, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш, ҳисоб-китоб ва жамият фаолиятини назорат қилиш масалалари ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда Республикамизда **1000 га яқин** акциядорлик жамиятлари ташкил этилди ва фаолият юритмоқда. Улар томонидан **17,62 трлн сўм** миқдордаги акциялар муомалага чиқарилди ва уларнинг умумий устав капитали сўнгги ўн йилда **5,3 баробар** ўсди.

Акциядорлик жамиятининг асосий устунлиги унинг йирик ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги роли ва шу асосдаги фаолиятининг барқарорлигидадир. Масалан, тўлиқ ширкатдан тўлиқ шерикни чиқиб кетиши ширкатни тугатилишига, масъулияти чекланган жамиятдан эса унинг иштирокчисини чиқиб кетиши устав капиталининг сезиларли даражада камайишига сабаб бўлади. Акциядор эса жамиятдан чиқиб кетаётганда жамиятдан ҳеч қандай мол-мулк талаб қилмайди, балки ўзига тегишли бўлган акцияни бошқа шахсга сотиб юбориб, ўз улушини олади.

Акциядорлик жамиятида иштирокчиларни жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигининг ўзига хос кўриниши мавжуд. Агар жамият зарар кўрса, акциядор фақатгина акция сотиб олиш учун сарфлаган маблағини йўқотади, холос. Иштирокчининг чекланган жавобгарлиги ҳамда акцияларни сотиб юбориш орқали акциядорлик жамиятидан эркин равишда исталган вақтда чиқиб кетиши акциядорлик жамиятига капитални жалб этишни осонлаштиради.

Акциядорнинг мулки акциядорлик жамиятининг мулкидан бутунлай ажратилган. Шунинг учун акциядорнинг кредиторлари ва унинг мажбуриятлари бўйича талабни жамият мулкига қарата олмайдилар, бироқ акциядорнинг акциясига қаратишлари мумкин.

Акциядорнинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлигини чекланганлиги масъулияти чекланган жамият каби уларнинг кредиторлари манфаатлари ҳимоясини асосий кафолати бўлган устав фондининг аҳамиятини оширади.

Акциядорлик жамиятида акциядорларни жамиятнинг кундалик бошқарув фаолиятида иштирок этиши талаб этилмайди. Акциядорлик жамиятида хўжалик ширкатидан фарқли равишда мулк билан бошқарув бир-биридан ажратилган. Акция эгаси жамиятнинг кундалик бошқарувида иштирок этиши учун вақти бўлмаслиги ёки етарли даражада малакага эга бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам жамият махсус билим ҳамда малакага эга бўлган шахслар томонидан бошқарилади.

Акциядорлик жамияти - устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг акциядорлик жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти.
(“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун 2014 йил 6 май 370-сон).

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ чиқариладиган акциялар давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказилмай чиқарилган акциялар уларнинг эгаларидан мажбурий равишда олиб қўйилади, қимматли қоғозларни сотишдан тўпланган пул эмитентдан олиниб, акция эгаларига қайтарилади ҳамда эмитентга нисбатан қонун ҳужжатларида кўрсатилган муайян санкциялар қўлланилади.

Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқариладиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши керак.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича **тўрт юз минг** АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари 2014 йилги янги таҳрирдаги қонуннинг 57-моддасига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши, ва ижроия органи ҳисобланади.

Акциядорларнинг *умумий йиғилиши* жамиятнинг юқори бошқарув органидир. *Жамиятнинг кузатув кенгаши* жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қилади. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколати жамиятнинг уставида белгиланадиган *ижроия органи* бўлмиш директор ёки жамият бошқаруви томонидан амалга оширилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 82-моддасига кўра миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жамиятда уларнинг орасидан *миноритар акциядорларнинг қўмитаси* ташкил этилиши мумкин.

Шўъба ва қарам жамиятлар

Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти қарзлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Шўъба хўжалик жамиятига бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни беришга ҳуқуқли асосий жамият ана шундай кўрсатмаларни бажариш учун шўъба жамияти томонидан тузилган битимлар юзасидан шўъба жамияти билан солидар жавобгар бўлади. Асосий жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятига бажарилиши шарт бўлган кўрсатмаларни бериш ҳуқуқи шўъба хўжалик жамияти билан тузилган шартномада ёки шўъба хўжалик жамиятининг уставида кўзда тутилган тақдирдагина асосий жамият бундай ҳуқуққа эга деб ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан ночор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда асосий жамият шўъба хўжалик жамиятининг қарзлари юзасидан субсидиар жавобгар бўлади. Асосий жамият шўъба хўжалик жамиятининг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида ночор (банкрот) бўлиб қолишини олдиндан билиб, юқорида айтилган ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан шўъба хўжалик жамиятининг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳоллардагина шўъба хўжалик жамиятининг ночорлиги (банкротлиги) асосий жамиятнинг айби билан юз берган деб ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти акциядорлари асосий жамиятдан унинг айби билан шўъба хўжалик жамиятига келтирилган зиённи тўлашни талаб қилишга ҳақлидир. Асосий жамият шўъба хўжалик жамиятининг муайян ҳаракатларни амалга ошириш оқибатида зиён кўришини олдиндан билиб, ўз ҳуқуқлари ва (ёки) имкониятидан

шўъба хўжалик жамиятининг шундай ҳаракатларни амалга оширишини кўзлаб фойдаланган ҳолдагина зиён асосий жамиятнинг айби билан келтирилган деб ҳисобланади.

Агар жамиятга қарашли овоз берувчи акцияларнинг йигирма фоизидан зиёдроғи бошқа иштирокчи жамиятга қарашли бўлса, бу жамият қарам хўжалик жамияти деб тан олинади.

Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни қонунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

Бундан ташқари, жамиятлар ўз **филиаллари ва ваколатхоналарини** ҳам очиши мумкин ва буларни асло қарам ва шўъба жамиятлари билан адаштирмаслик лозим. Улар ўзларини ташкил этган жамият томонидан мол-мулк билан таъминланади ва шу жамият тасдиқлаган низомлар асосида иш кўради.

Филиал ёки ваколатхонанинг раҳбари жамият томонидан тайинланади ва жамият берган ишончнома асосида иш кўради.

Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зиммасида бўлади.

Жамият уставида унинг филиаллари ҳамда ваколатхоналари тўғрисида маълумотлар берилган бўлиши керак. Жамиятнинг филиаллари ҳамда ваколатхоналарига доир маълумотлар ўзгариши муносабати билан унинг уставига киритилган ўзгартишлар тўғрисидаги ахборот юридик шахсларни давлат рўйхатига олувчи органга маълумот тарзида тақдим этилади. Жамият уставидаги мазкур ўзгартишлар маълум қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга киради.

Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар

Хозирги даврда мамлакатимизда кўпчилик тадбиркорлар ўзларининг фаолиятини масъулияти чекланган жамият ташкилий-ҳуқуқий шаклда амалга оширишмоқда. Хўш бунинг сабаби нимада, нима учун тадбиркорларимиз айнан ушбу юридик шахс шаклини танлашаяпти?

Масъулияти чекланган жамият - бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Аввалambор, масъулияти чекланган жамиятда:

- жамият муассисларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас;
- жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар. Мазкур қоидага кўра кредиторлар ўз ҳиссасини тўлиқ қўшмаган иштирокчилардан устав фондига қўйилмаган миқдордаги улушини талаб қилишга ҳақли;
- масъулияти чекланган жамиятнинг устав капитали унчалик катта суммани ташкил этмайди, яъни 2001 йил 6 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг *“Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-II сон қонуни*га асосан энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баравари минимал миқдор сифатида белгилаб қўйилган.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўзига хос томонлари яна қуйидаги омиллар бўйича белгиланади:

- устав капиталига иштирокчилари томонидан муайян қийматга эга бўлган мулк улуши сифатида қўшилганда, унинг қиймати жамият иштирокчиларининг умумий мажлиси томонидан аниқланади;
- жамиятни рўйхатга олиш вақтида ҳар бир иштирокчи таъсис ҳужжатида кўрсатилган ўз улушининг камида ўттиз фоизини тўлаб қўйган бўлиши керак. Жамият рўйхатга олингач, бир йил ичида иштирокчилар улушининг қолган қисмини тўлашлари лозим;

- агарда белгиланган бир йил муддат ичида устав капитали муассислар томонидан тўлиқ шакллантирилмаган бўлса, жамият ўз устав фондини камайтиришини эълон қилиши ёки ўзини тугатиши лозим;

- масъулияти чекланган жамиятни устав фондини ошириш учун унинг иштирокчилари ўз улушларини тўлиқ равишда қўшган бўлишлари лозим;

- жамият рўйхатга олингандан сўнг иккинчи ва ундан кейинги молия йилларда унинг асосий активларининг қиймати устав капитали миқдоридан камайиб кетса, жамият устав капиталининг камайтирилишини эълон қилиши ҳамда уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиши лозим;

- агарда жамиятнинг асосий активлари қиймати қонун билан белгилаб қўйилган устав фондининг минимал миқдоридан камайиб кетса, жамият тугатилиши лозим;

- жамият устав капиталини камайтириш учун дастлаб ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма равишда огоҳлантириши лозим,бундан мақсад кредиторларнинг манфаатини ҳимоя қилишдир.

Юридик ва жисмоний шахслар масъулияти чекланган жамиятнинг муассислари бўлишлари мумкин. Қонун билан айрим тоифадаги жисмоний шахсларни ёки жамиятда иштироки таъқиқланиши ёки чекланиши мумкин. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари жамиятда иштирокчи бўлиш ҳуқуқига эга эмаслар,бироқ қонун ҳужжатларида бошқача тартиб ҳам белгиланиши мумкин. Жамият битта шахс томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин ва у жамиятнинг ягона иштирокчиси бўлиб қолади. Бир нечта иштирокчилар томонидан таъсис этилган жамият, кейинчалик ягона иштирокчидан иборат бўлган жамият сифатида ҳам фаолият кўрсатиши мумкин. Битта иштирокчи (жисмоний шахс)дан иборат бўлган хўжалик жамияти бошқа жамиятнинг ягона иштирокчиси бўла олмайди.

Масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони эллик нафардан ортиб кетмаслиги лозим. Агар иштирокчиларнинг сони юқоридаги миқдордан ортиб кетса, жамият бир йил ичида акциядорлик жамиятига ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилиши лозим. Агар белгиланган муддатда жамият қайта ташкил этилмаса ёки ундаги иштирокчиларнинг сони камайтирилмаса, жамият суд орқали тугатилади.

Масъулияти чекланган жамият билан бир қаторда **қўшимча масъулиятли жамият** ҳам мавжуд. Қўшимча масъулиятли жамиятнинг фаолияти асосан масъулияти чекланган жамиятга оид ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикасининг *Фуқаролик кодексининг* 63-моддасига мувофиқ, қўшимча масъулиятли жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек "қўшимча масъулиятли" деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида, унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият ўзининг уставида назарда тутилган, лекин ўз устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фондини вужудга келтириши мумкин. Жамиятнинг захира фонди жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар қилиш йўли билан шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмалар миқдори жамиятнинг уставида назарда тутилади, лекин у жамиятнинг уставида белгиланган миқдорга етгунга қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлиши мумкин эмас.

Қўшимча масъулиятли жамиятнинг ўзига хос хусусияти унинг иштирокчиларини жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги уларнинг устав капиталига қўшган улушлари билан чекланмаганлигидадир, яъни жамиятининг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган, каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг захира фонди унинг зарарларини қоплаш ва жамият томонидан жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушни (улушнинг бир қисмини) олиш учун мўлжаллангандир.

Хўжалик ширкатлари (тўлиқ ва коммандит ширкатлар)

Аввалambор тадбиркорлик фаолияти нуқтаи назаридан хўжалик ширкатининг устав капитали хўжалик жамиятининг устав капиталидан иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатлари билан фарқланади. Хўжалик ширкатида устав капитали унинг иш фаолиятини бошлаш учун зарур бўлса, хўжалик жамиятида устав капитали унинг кредиторлари олдидаги жавобгарлигининг кафолатидир. Хўжалик ширкатининг устав капитали унинг таъсис ҳужжатлари рўйхатга олиш учун берилган вақтда энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги зарур.

Хўжалик ширкатининг хўжалик жамиятларидан фарқи шундаки, ширкат шахсларнинг бирлашувини ҳамда уларни ширкат фаолиятида фаол иштирокини талаб қилса, хўжалик жамиятларида маблағ (капитал) бирлаштирилади ва унда иштирокчиларнинг жамият фаолиятида шахсан иштироки талаб қилинмайди.

Қонун хўжалик ширкатининг устав фондини унинг асосий активлари билан бевосита боғлаб қўйган. Агар ширкатнинг зарар кўриши натижасида унинг асосий активлари қиймати устав капитали миқдоридан камайиб кетса, ширкат томонидан олинган даромад унинг аъзолари ўртасида тақсимланмайди. Асосий активларнинг қиймати устав капитали миқдоридан ошгандагина даромадлар унинг иштирокчилари ўртасида тақсимланиши мумкин. Ширкат кредиторлари манфаатларининг асосий кафолати унинг иштирокчиларининг ўзларига тегишли бўлган бутун мол-мулклари билан бўлган жавобгарлигидир.

Хўжалик ширкати тўлиқ ширкат бўлишлиги учун, унинг иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беришлари лозим. Тўлиқ ширкатнинг ҳолати иштирокчиларнинг сони унча кўп бўлмаган тижорат ташкилотларига кўпроқ мос келади. Тўлиқ ширкатда унинг иштирокчиларининг сони чекланмаган, бироқ уни таъсис этиш учун камида икки иштирокчи бўлиши шарт. Агарда қандайдир сабаблар туфайли тўлиқ ширкат фақатгина ягона иштирокчидан иборат бўлиб қолса, мазкур ҳолат юз берган вақтдан бошлаб олти ой муддат ичида мазкур тўлиқ ширкатга янги тўлиқ шериклар қабул қилиниб, у сақлаб қолиниши ёки унга

ҳисса қўшувчи аъзо топилиб, у коммандит ширкатга айлантирилиши ёхуд тугатилиши лозим. Мазкур ҳолатда тўлиқ ширкат ягона иштирокчи билан хўжалик жамиятига айлантирилиши мумкин. Тўлиқ ширкатни таъсис этиш хўжалик жамиятини таъсис этишдан кўра бирмунча осонроқдир, аммо тўлиқ ширкатнинг ўзига хос "камчилиги" мавжуд. Бу, ширкат иштирокчиларини ширкат мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бўлган бутун мол-мулклари билан солидар тарзда, субсидиар тарзда жавобгар бўлишлигидир. Демак, тўлиқ ширкатнинг қарзини қоплаш учун мол-мулки етарли бўлмаса, ундирув ширкат иштирокчиларининг мулкига қаратилиши мумкин. Хўжалик жамиятларида эса иштирокчилар унинг мажбуриятлари бўйича фақатгина устав капиталига қўшган ҳиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Тўлиқ ширкат иштирокчилари жавобгарлигининг солидар хусусияти шундан иборатки, бунда ширкатнинг кредитори мулкий талабни ширкат иштирокчиларининг барчасига ёки бўлмаса уларнинг исталган бирига қўйиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг ишларини бошқариш барча иштирокчиларнинг ўзаро келишувига мувофиқ амалга оширилади. Ширкатнинг таъсис шартномасида бошқа қоида назарда тутилган бўлмаса, ширкат фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ҳар бир иштирокчи битта овозга эга бўлади, яъни иштирокчилар устав капиталига қанча ҳисса қўшганлигидан қатъий назар улар бошқарувда тенгдирлар.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчилар (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат ҳисобланади.

Ширкатнинг иштирокчиси ундан ўз эрки билан чиқиб кетиши мумкин. Чекланмаган муддатга таъсис этилган тўлиқ ширкатдан унинг иштирокчиларини ўз хоҳиши билан чиқиб кетишини қонун ман этмайди. Иштирокчи ширкатдан чиқиб кетганлиги тўғрисида ҳеч

кимга ҳисобот бериши шарт эмас, бироқ у уч ой олдин бу ҳақда ширкатни хабардор қилиши лозим бўлади. Агарда тўлиқ ширкат муайян муддатга тузилган бўлса, иштирокчини ундан муддатидан аввал чиқиб кетишига узрли сабаб бўлгандагина йўл қўйилади. Узрли сабаблар рўйхати эса таъсис шартномасида белгилаб қўйилган бўлиши лозим.

Тўлиқ ширкатнинг иштирокчилари етарли асослар мавжуд бўлганда ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузаётган ҳамда ширкат фаолиятида етарли даражада иштирок этмаётган шерикларни суд орқали унинг таркибидан чиқариб юборишлари мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг ҳуқуқий ҳолатининг асосий хусусиятларидан бири шуки, ундан чиқиб кетаётган иштирокчилар чиқиб кетаётган йил учун ҳисобот тасдиқланган вақтдан бошлаб икки йил ичида ширкатнинг мажбуриятлари бўйича бошқа иштирокчилар билан бир қаторда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўлишади.

Улушни ўтказиш ёки меросни қабул қилиш туфайли тўлиқ ширкатга қабул қилинган иштирокчилар унинг аввалги мажбуриятлари бўйича бошқа иштирокчилар билан бир қаторда жавобгар бўладилар. Тўлиқ ширкат таъсис этилгандан сўнг унга аъзо бўлган иштирокчи фақатгина у шерик бўлиб кирган вақтдан бошлаб вужудга келган мажбуриятлар учун жавобгар бўлади.

Коммандит ширкат ўзининг ҳуқуқий хусусиятлари билан ҳам тўлиқ ширкатга, ҳам хўжалик жамиятларига ўхшаб кетади. Шунинг учун уни тўлиқ ширкат билан хўжалик жамияти оралиғидаги юридик шахс деса ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам тўлиқ шериклар билан боғлиқ муносабатлар тўлиқ ширкатга оид нормалар билан тартибга солинади. Коммандит ширкатни ҳам тўлиқ ширкат каби иштирокчиларнинг сони унча кўп бўлмаган тижорат ташкилотларига ўхшатиш мумкин. Бунда иштирокчиларнинг энг кам миқдори икки шахс (битта тўлиқ шерик, битта коммандитчи)дан иборат, энг кўп миқдори эса қонун билан чекланмаган. Коммандит ширкатдаги тўлиқ шериклар тўлиқ ширкатдагидек ширкатнинг номидан хўжалик фаолиятини амалга оширишади.

Коммандитчилар ширкат фаолиятини бошқаришга ҳамда унинг номидан фаолият кўрсатишга ҳақли эмаслар. Ширкат номидан ваколатнома берилган ҳоллар эса бундан мустасно, шунинг учун ҳам коммандитчилар ширкат фаолиятида пассив иштирок этадилар.

Бироқ коммандитчи тўлиқ ширкатга нисбатан муайян устунликларга эга, яъни биринчидан, унинг ширкат мажбуриятлари буйича жавобгарлиги қўшган ҳиссаси билан чекланган бўлса; иккинчидан, ширкат тугатилаётганда кредиторларнинг талаби қондирилгач, коммандитчиларнинг ҳам талаби қондирилади.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига коммандитчининг номи қўшилган бўлса, у тўлиқ шерикка айланади ҳамда ўзига тегишли бўлган барча мол-мулклари билан ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади.

Юқорида коммандит ширкат айрим хусусиятлари билан хўжалик жамиятига ўхшаб кетишлиги айтилган эди. Бу ерда коммандитчини хўжалик жамияти аьзоси ёки акциядордан фарқини билиб олиш катта аҳамият касб этади. Агарда хўжалик жамиятининг иштирокчи (акциядор)лари умумий мажлис орқали жамият бошқарувида иштирок этишса, коммандитчи эса, ширкат бошқарувида иштирок эта олмайди, балки унинг фаолиятини назорат қилади, холос.

Коммандит ширкат коммандитчиларнинг барчаси ундан чиқиб кетганда ёки бўлмаса тўлиқ ширкатни тугатиш учун асос бўлган ҳолатлар вужудга келганда тугатилиши мумкин. Коммандит ширкатда коммандитчилар қолмаганда, у тўлиқ ширкатга айлантирилиши мумкин. Шунинг учун Фуқаролик кодексининг 58-моддасида якка тадбиркорлар ва (ёки) тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатларнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатларда тўлиқ ширкатлар бўлишлари мумкинлиги кўрсатилган, чунки айнан улар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Мазкур талаб Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик ширкатлари тўғрисида”ги қонунида ҳам ўз аксини топган.

Унитар корхоналар

Хозирда юртимизда кўпгина шахслар ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини унитар корхона шакли сифатида ҳам ташкил этиб амалга оширмоқдалар.

Унитар корхона - ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот. *(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 70-модда)*

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари

ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак. Унитар корхонани бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради. Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона *Фуқаролик кодексининг 71-моддасига* мувофиқ мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхонанинг таъсис ҳужжати унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставидан иборатдир.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шўъба корхона) ташкил этиши мумкин.

Муассис шўъба корхонанинг уставини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

Фуқаролик кодексининг 72-моддасига мувофиқ давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида **оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси)** ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг таъсис ҳужжати унинг уставидир.

Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номи унинг давлат корхонаси эканлигини кўрсатиши керак.

Давлат корхонасининг ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка бўлган ҳуқуқи *Фуқаролик кодексининг 178 ва 179-моддаларига* мувофиқ белгиланади.

Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Фермер хўжаликлари

Бугунги кунга келиб Республикамизда тадбиркорлик фаолияти субъектлари орасида фермер хўжаликларига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш мақсадида, мамлакатимизда 2004 йил 26 августда “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонун ва бир қанча Президентимизнинг фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган қонуности хужжатлари қабул қилинди.

Фермер хўжалиги - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект. Фермер хўжалиги Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий субъекти ҳисобланади.
[“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 3-модда]

Одатда, фермер хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва захира ерларда ташкил этилади.

Мисол учун, чорвачилик маҳсулоти етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжалиги камида 30 шартли бош чорва моли бўлган тақдирда ташкил этилади. Фермер хўжалигига ижарага бериладиган ер участкаларининг энг кам ўлчами бир шартли чорва молга ҳисобланганда Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларидаги суғориладиган ерларда камида 0,3 гектарни ва бошқа вилоятлар ҳамда Қорақолпоғистон Республикасидаги суғориладиган ерларда камида 0,45 гектарни, суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда эса камида 2 гектарни ташкил этади**.**

Деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган фермер хўжаликларига бериладиган ер участкалари энг кам ўлчами пахтачилик ва ғаллачилик учун камида 30 гектарни, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинларни етиштириш учун камида 5 гектарни ташкил этади.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистонда **74000 ортиқ** фермер хўжаликлари ўз фаолиятини олиб бормоқда. 2014 йилда деҳқон ва фермер хўжаликлари томонидан **3 миллион 400 минг тоннадан** зиёд пахта, мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта **8 миллион 50 минг тонналик** юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

Ер участкалари берилганда фермер хўжалиги ўз зиммасига қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги (3 йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Бу мажбурият ер участкаларини ижарага олиш шартномасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари очиқ танлов асосида ижарага эллик йилгача бўлган, лекин ўттиз йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкасини олишда фермер хўжалиги ташкил этилаётган жойда яшовчи шахслар устун ҳуқуқдан фойдаланадилар.

Фермер хўжаликлари юритиш учун:

захира ерлардан;

юридик ва жисмоний шахсларга берилмаган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан;

қайта ташкил этилаётган ва тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан;

қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилади.

Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги кооперативларининг (ширкат хўжаликларининг) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ер участкаларидан берилган ер участкалари уларнинг балансидан чиқарилади.

Илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг ерлари, шунингдек сув фонди ерлари фермер хўжаликларига берилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси, катта ва кичик дарёлар, сув ҳавзалари бўйлаб жойлашган ер участкалари фермер хўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси бўйлаб беш юз метрли минтақада фаолияти ҳайвонларни (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва бошқа ҳайвонларни, балиқлар, асалариларни, ҳайвонот боғлари ҳамда виварийларнинг ҳайвонларини ва бошқа жониворларни) кўпайтириш, ўтлатиш ва боқиш билан боғлиқ бўлган чорвачилик, паррандачилик ҳамда бошқа йўналишдаги фермер хўжаликларига ер участкалари бериш тақиқланади.

Фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида назарда тутилган ихтисослашувга мувофиқ фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб

чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Фермер хўжалиги ўзи етиштираётган маҳсулотни реализация қилиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун реализация қилиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар билан хўжалик шартномалари тузиш ҳуқуқига эга. Шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда тарафлар қонун ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Фермер хўжалиги фаолиятини текшириш (молия-хўжалик фаолиятини текширишлар бундан мустасно), давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот реализация қилиш шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигига далиллар бўлган, шунингдек ягона ер солиғи ўз вақтида тўланмаган ҳолларда, ижарага олиш шартномасига мувофиқ ижарага берилган ер участкасидан фақат белгиланган мақсадда ва оқилона фойдаланиш масалалари бўйича, белгиланган тартибда амалга оширилади.

Фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавоб беради.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлмаган тақдирда, ундирилиши лозим бўлган

суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан тўланади.

Деҳқон хўжаликлари

Деҳқон хўжалигидаги фаолият тадбиркорлик фаолияти жумласига киради, ҳамда деҳқон хўжалиги аъзоларининг истагига кўра, юридик шахс ташкил этган ҳолда ва юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилиши мумкин. Деҳқон хўжалиги ўз фаолиятида ёлланма меҳнатдан доимий асосда фойдаланиши мумкин эмас.

Деҳқон хўжалиги - оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига бериладиган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади. *[“Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонун 1-модда (1998 йил 30 апрель)]*

Деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, тарбияга олган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлари киради.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи берилган оила бошлиғи ёки оиланинг муомалага лаёқатли аъзоларидан биридир.

Деҳқон хўжалигининг бошлиғи вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотган тақдирда ёки узоқ вақт бўлмаганда у ўз мажбуриятларини бажариш ваколатини шу хўжалик аъзоларидан бирига беришга ҳақлидир.

Деҳқон хўжалиги ихтиёрийлик асосида тузилади ҳамда фуқарога белгиланган тартибда ер участкаси берилганидан ва деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олинганидан кейин ташкил этилган ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ва дов-дарахтлар билан қопланмаган ўрмон фонди ерларида, шунингдек захира ерларда ташкил этилади.

Деҳқон хўжалигини юритиш учун ер участкасини олишга муҳтож бўлган фуқаролар яшаш жойидаги туман (шаҳар) ҳокимига оиласининг таркибини ва ер участкасининг мўлжалланган жойини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Туман (шаҳар) ҳокими ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг хулосаси асосида деҳқон хўжалигини юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тўғрисида қарор қабул қилади ёки аризачига ер участкаси бериш бўйича асослантирилган рад жавобини юборади.

Туман (шаҳар) ҳокимининг ер участкаси беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалиги давлат рўйхатига олингач, унга деҳқон хўжалиги бошлиғига ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ҳужжати ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

Деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божи ундирилмайди.

Томорқа ер участкаси - қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек якка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Мисол учун, оилали ва қишлоқ жойларда камида уч йил мобайнида яшаб турган фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ва суғорилмайдиган (лалмикор) ерларда 0,5 гектаргача ўлчамда, чўл ва саҳро минтақасида эса суғорилмайдиган яйловлардан 1 гектаргача ўлчамда берилади. Қишлоқ жойларда камида уч йил яшаб турганлик тўғрисидаги талаб янги суғориладиган ер массивлари учун қўлланилмайди. Бунда деҳқон хўжалиги юритиш учун бериладиган ер участкасининг ўлчами якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкасини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Деҳқон хўжалиги юритиш учун ер участкалари иморатлар ва иншоотлар қуриш ҳуқуқисиз берилади. Мазкур қоида якка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга илгари берилган ёки бериладиган ер участкаларига татбиқ этилмайди.

Фуқароларга деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,06 гектар доирасида томорқа ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кимошди савдоси асосида реализация қилиниши мумкин.

Деҳқон хўжалигига ажратилган ернинг чегаралари натурада (жойнинг ўзида) ер тузиш хизмати органлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан расмийлаштирилади.

Томорқа ер участкасидан оқилона ва самарали фойдаланаётган деҳқон хўжалигига туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш ва реализация қилиш, озуқа етиштиришни ташкил этиш, шунингдек яйлов яратиш учун қисқа муддатли ижарага қўшимча равишда ер участкалари берилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи кредит олиш учун гаровга қўйилиши мумкин.

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Деҳқон хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини тўла йўқотган тақдирда, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади.

Деҳқон хўжалиги ер участкасини олиб қўйишга қонунда назарда тутилган ҳолларда, фақат бошқа тенг қимматли ер участкаси берилгандан кейин, дов-дарахтлар, бузилаётган бинолар ва иншоотларнинг ёхуд уларни бошқа жойга кўчириш ёки бошқа бинолар ва иншоотлар қуриш қиймати ҳамда бошқа барча харажатлар (бой берилган фойдани қўшган ҳолда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўла ҳажмда тўланган ҳолда йўл қўйилади.

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи асосида берилган томорқа ер участкасидан фойдаланганлик учун ҳақ ер солиғи тариқасида ундирилади.

Деҳқон хўжалиги ўз фаолияти йўналишларини, ишлаб чиқариш тузилиши ва ҳажмларини мустақил равишда белгилайди. Деҳқон

хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонунларда тақиқланмаган ҳар қандай тури, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланишга ҳақли.

Деҳқон хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича қонунларга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулки билан жавоб беради.

Деҳқон хўжалиги аъзолари деҳқон хўжалиги мол-мулки етарли бўлмаганда, қонун ҳужжатларига мувофиқ деҳқон хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан солидар равишда субсидиар жавобгар бўлади.

Хусусий корхона

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг амалиёти хусусий мулкнинг давлат мулкига нисбатан ҳар томонлама устунлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабдан юртбошимиз таъкидлаганларидек, хусусий корхоналарда сидқидилдан меҳнат қилишга ундайдиган омиллар ва шахсий манфаатдорлик даражаси ва энг асосийси, ўзининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг якуний натижаси учун масъулият ҳисси бутунлай бошқача экани барчамизга яхши маълум**.** ***(****И.Каримов Мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси)*

Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, *2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида”ги 558-II-сон қонунига* мувофиқ мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади.

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва «xususiy korxona» деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва “xususiy korxona” деган сўзларни ёки “ХК” аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш кўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкини тасарруф этади, шартномалар, шу

жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Хусусий корхона мулкдори ўзи вақтинчалик бўлмаган тақдирда шу муддатда раҳбарлик вазифасини бажариб туришни бошқа жисмоний шахс зиммасига юклаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади. Хусусий корхона мулкдори муваққат раҳбарнинг хусусий корхона мол-мулкини тасарруф этишга оид ҳуқуқини чеклаб қўйиши мумкин.

Хусусий корхоналар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга (уюшмаларга) ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Хусусий корхона мулкдори хусусий корхонани мол-мулк мажмуаси сифатида сотишга, ҳадя қилишга, васият қилиб қолдиришга ёки уни ўзгача усулда бошқа шахсга ўтказишга ҳақли.

Хусусий корхона бошқа шахсга берилган тақдирда ўзининг фирма номидан, товар белгиларидан, хизмат кўрсатиш белгиларидан ҳамда мазкур хусусий корхона ва унинг маҳсулотини, у бажараётган ишларни ёки кўрсатаётган хизматларни индивидуаллаштирувчи ўзга воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари, агар қонун ҳужжатларида ёхуд шартномада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, янги мулкдорга ўтади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари

2012 йил 2 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида" ЎРҚ – 328-сон янги таҳрирдаги қонуннинг 5-моддасида кичик тадбиркорлик субъектларига ҳам тўлиқ изоҳ берилган бўлиб, унга кўра кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқлардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқлардаги:

енгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноати, қурилиш материаллари саноати, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан 200 киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар (шўъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ходимлар сонини ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади. Ушбу қоида қуйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

2014 йил якунига келиб ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг улуши 2000 йилдан буён 31 фоиздан 56 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 12,9 фоиздан 31,1 фоизга ўсди. 2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 480 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Бу яратилган жами иш ўринларининг ярми демакдир. Бугунги кунда иқтисодиётнинг ушбу соҳасида иш билан банд бўлган аҳолининг 76,5 фоиздан зиёди меҳнат қилмоқда. 2000 йилда бу кўрсаткич 49,7 фоизга тенг эди.

микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ҳамда олий таълим муассасаларининг битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 50 фоиз ошадиган бўлса. Ходимлар сонининг оширилишига Ўзбекистон Республикаси касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугаллаган кунидан бошлаб кўпи билан уч йил ўтган бўлса, йўл қўйилади;

кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ва микрофирмаларнинг ҳуқуқий мақоми юқорида таъкидлаб ўтилган хусусий корхоналарники билан ўхшаш бўлиб, *2003 йил 11 декабрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги 558-II-сон қонунига* мувофиқ хусусий корхоналарга қандай талаблар ва ҳуқуқлар берилган бўлса кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда микрофирмаларга ҳам шу мос келади.

Ишлаб чиқариш кооперативи ва ширкат хўжалиги

Ишлаб чиқариш кооперативи хўжалик ширкати каби шахсларнинг ҳамда уларнинг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини ихтиёрий бирлашмаси бўлиб, унда унинг аъзоларини кооператив фаолиятида шахсан иштирок этиши талаб этилади. *1991 йил 14 июндаги Ўзбекистон Республикаси "Кооперация тўғрисида" 295-XII-сон Қонунига* мувофиқ у юридик ва жисмоний шахсларга кооперативга ихтиёрий равишда кириш ва ундан эркин чиқиш, кооперативни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини, кооперативларни мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар билан тенг ҳуқуқлилик асосида ривожлантириш, жамоа бўлиб хўжалик юритиш мустақиллигини ҳамда уставда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан қарорлар қабул қилишда кооперативнинг мустақиллигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек фойда (даромад) олиш мақсадида тузиладиган матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш матлубот кооперативлари амал қилади.

Кооперация, шунингдек ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларни (уй-жой қуриш, уй-жой кооперативларини, гараж қуриш, чорбоғ қуриш ва шу каби кооперативларни) ҳам ўз ичига олади.

Кооператив - юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, жамоа мулки ҳуқуқи асосида ўзига қарашли мулкка эгалик қиладиган, ундан фойдаланадиган ва уни тасарруф этадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Ишлаб чиқариш кооперативида аъзоларнинг шахсий меҳнати билан иштирок этиши кооперативнинг асосий белгиси бўлиб ҳисобланади. Агарда кооперативнинг уставида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, даромад ҳам айнан аъзоларнинг қилган меҳнатига мувофиқ тақсимланади. Чунки, хўжалик жамиятидан фарқли равишда ишлаб чиқариш кооперативида биринчи ўринда капитал эмас, балки меҳнат туради.

Ўзбекистон Республикасида кооперация жисмоний ва юридик шахсларнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида умумий мақсадларга эришиш учун ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган, мулкнинг ширкат (жамоа) шаклига асосланган ихтиёрий бирлашмаларидан (кооперативларидан) иборатдир.

Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш - матлубот кооперативларининг фаолияти ўз аъзоларининг, шунингдек меҳнат шартномалари (контрактлар, битимлар) бўйича ишлаётган кишиларнинг ўз меҳнатлари билан шахсан иштирок этишига асосланади.

Матлубот кооперативлари ҳамда ўз аъзоларининг уй-жой-маиший ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативлар фаолияти ўз меҳнати билан шахсан иштирок этиш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Кооперативлар тармоқ, ҳудудий ва бошқа белгилар бўйича хўжалик уюшмаларига ихтиёрийлик асосида бирлашишлари ва яккаҳокимликка қарши қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда иш олиб боришлари мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативида аъзо сифатида асосан жисмоний шахслар иштирок этишади. Бироқ қонунда ва ишлаб чиқариш

кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативида ҳам хўжалик ширкатидагидек аъзоларнинг ўзгариши қаттиқ назорат қилинади, аммо иштирокчилар таркибини ўзгариши уни тугатиш учун асос бўлмайди. Ўз мажбуриятларини бажармаган ёки тўлиқ бажармаган кооператив аъзоси умумий мажлис қарори билан аъзоликдан чиқариб юборилиши мумкин. Аъзоликдан чиқариш тўғрисидаги қарор иштирокчиларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Матлубот кооперативлари (жамиятлари) ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли моллари харид қилишни ва сотишни ташкил этиш орқали фуқароларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи ёрдамчи хўжаликларини, шунингдек ҳунармандчиликни ривожлантиришни рағбатлантирадилар.

Бундан ташқари, қонунга мувофиқ, фуқаролар ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрийлик асосида уй-жой қуриш, уй-жой кооперативлари, гараж қуриш кооперативлари ва бошқа кооперативлар тузишлари мумкин.

Бундай кооперативлар фаолиятининг асосий йўналиши кооператив мулки объектларини (уй-жойлар, гаражлар ва шу кабилар), уставда назарда тутилган ҳолларда эса - кооператив аъзоларининг мулки бўлган объектларни ҳам қуриш ва кейинчалик улардан фойдаланишда пул маблағлари ёки шахсий меҳнат билан иштирок этишдан, шунингдек кооператив аъзоларига кооперативни тузишдан кўзланган мақсадларга мос хизматларни кўрсатишдан иборатдир.

Шу билан бирга, боғдорчилик ширкатлари, якка тартибда қурилиш билан шуғулланувчилар ширкатлари ва ўзга матлубот ширкатлари ҳам мавжуд бўлиб, *1991 йил 14 июндаги "Кооперация тўғрисида" 295-XII-сон Қонун* уларга нисбатан ҳам амал қилади.

Ўзининг ҳуқуқий мавқеига кўра ишлаб чиқариш кооперативи хўжалик ширкатига ўхшаб кетади, бироқ ички муносабатларни тартибга солишда муайян даражада фарқлар мавжуд. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг ташкилий – ҳуқуқий шаклини кўпайишига олиб келади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар

1999 йил 14 апрелдаги *Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги 763-I-сон қонунга* мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилоти – жисмоний ёки юридик шахс томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида **8 минг 100 дан** зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан **1,6 марта** кўпдир.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг нодавлат нотижорат ташкилоти фаолиятига аралашишига, худди шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотининг давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириши, улар билан тўғридан-тўғри халқаро алоқалар ўрнатиши, ҳамкорлик тўғрисида тегишли битимлар тузиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхонаси у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, нодавлат нотижорат ташкилотининг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг филиали у турган ердан ташқарида жойлашган алоҳида бўлинма бўлиб, унинг барча

вазифаларини ёки вазифаларининг бир қисмини, шу жумладан ваколатхона вазифаларини амалга оширади.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлиши мумкин.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари юридик шахслардир.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин.



Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, шунингдек умумий манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси - маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси.

Жамоат бирлашмаси қатнашчилари мазкур бирлашмага мулк қилиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига бўлган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида қатнашаётган жамоат бирлашмасининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашма эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фонди - жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк фонднинг мулкидир. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланилади.

Жамоат фонди ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот эълон қилиб бориши шарт.

Халқаро нодавлат нотижорат ташкилоти - ўз уставига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда битта ёки ундан кўпроқ чет эл давлати ҳудудида фаолият олиб бориши мумкин бўлган халқаро ташкилот.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда нодавлат нотижорат ташкилотининг муассислари, қатнашчилари (аъзолари) бўлиши мумкин, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Нодавлат нотижорат ташкилоти байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзий белгиларга эга бўлиши мумкин. Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари давлат рамзий белгиларига ўхшамаслиги керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзий белгилари уставга мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Нодавлат нотижорат ташкилотининг мол-мулкини шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;

муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;

ихтиёрий мулкий бадаллар ва эҳсонлар;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

қонун билан тақиқланмаган ҳамда ўзининг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадларга мувофиқ бўлган фаолиятнинг ҳар қандай турини амалга ошириши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз устав мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотини тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан ёки суд тартибида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларининг уюшма ва иттифоқлари

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ичида корхоналар уюшмалари (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалари ҳамда уларнинг филиал ва ваколатхона, бўлинмаларининг ҳуқуқий мақоми (статуси) ўзига хос бўлиб, мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда уларнинг ўрни беқиёсдир.

Тижорат ташкилотлари ўзларининг тадбиркорлик фаолиятларини мувофиқлаштириш, шунингдек муштарак мулкий манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида нотижорат ташкилотлар ҳисобланувчи уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларга бирлашишлари мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида уюшмалар, концернлар, корпорациялар ва бошқа бирлашмаларнинг асосий вазифаси республика халқ хўжалигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг аниқ турлари билан таъминлаш, ягона илмий-техникавий ва инвестиция сиёсатини ўтказиш, ички ва ташқи бозорлар коньюктурасини ўрганиш, тармоқда бозор муносабатларини ривожлантириш… давлат корхоналари ҳамда ташкилотларини нодавлат мулкига айлантириш ишларини ташкил этиш, тадбиркорликни ривожлантиришни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Булардан ташқари, хўжалик бирлашмалари ўз муассисларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлайди, давлат ва маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органларида уларнинг қонуний манфаатларини ифодалайди, тармоқни ривожлантириш стратегиясини белгилайди.
(И.Каримов «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат мафкура»)

Агар иштирокчиларнинг қарорига мувофиқ уюшмага (иттифоққа) ва ўзга бирлашмага тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, бундай уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашма

белгиланган тартибда хўжалик ширкати ёки жамиятига айлантирилиши керак ёхуд тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун хўжалик жамиятлари тузиши ёки уларда иштирок этиши мумкин.

Нотижорат ташкилотлари ўз фаолиятларини мувофиқлаштириши, шунингдек муштарак манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) шаклида бирлашмалар тузишлари мумкин.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар юридик шахс ҳисобланади. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари ўз мустақилликларини ва юридик шахс сифатидаги ҳуқуқларини сақлаб қоладилар. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмалар ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг аъзолари уларнинг мажбуриятлари бўйича уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Уюшма (иттифоқ) ва ўзга бирлашмаларнинг номи уларнинг асосий фаолиятини кўрсатиши, унга «уюшмаси» ёки «иттифоқи» сўзлари ёки бирлашма турини кўрсатадиган бошқа сўз киритилган бўлиши керак. Қонун ҳужжатларида юридик шахслар бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари белгиланиши мумкин. *(Фуқаролик кодексининг 77-моддаси.)*

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг *2003 йил 22 декабрдаги "Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида" ПФ-3366-сон Фармонига* кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклларда ташкил этиладиган хўжалик бирлашмалари хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланади:

таркибига кирувчи корхоналарнинг хўжалик бирлашмасига тегишли бўлган акция пакетлари орқали ана шу корхоналарнинг хўжалик бошқарувини амалга оширувчи акциядорлик компаниялари, шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари;

муассис-корхоналар томонидан улар фаолиятига кўмаклашиш учун муассис-корхоналарнинг акциялари пакетларини бошқариш ҳуқуқисиз айрим умумий вазифаларни уларга топшириш йўли билан ихтиёрийлик асосида ташкил қилинадиган уюшмалар.

Хўжалик бирлашмаларининг қуйидаги асосий вазифалари ва функциялари белгилаб қўйилган:

тармоқ ва иқтисодиёт соҳаларини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни (ишлар, хизматларни) ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига кириб боришига кўмаклашиш;

корхоналарни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш, ушбу мақсадларга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишда ёрдам бериш;

улар таркибига кирувчи корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш.

Ушбу Фармонга мувофиқ бир нечта давлат акциядорлик компаниялари, концерн ва корпорациялари тугатилди ва баъзилари эса уюшмалар сифатида қайта ташкил этилди.

Жумладан, Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмаси – “Ўзмашсаноат”, “Ўзбекқоғозсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон давлат транспорт қурилиши корхоналари уюшмаси - “Ўзбектрансқурилиш”, Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни – “Қизилқумнодирметаллолтин”, “Махсусқотишма” республика ташкилоти, “Шойи” акциядорлик компанияси ва “Пилла холдинг” компанияси тугатилди.

Масалан, Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, “Ўздонмаҳсулот” давлат-акциядорлик корпорациясини “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси, “Дори-дармон” давлат-акциядорлик уюшмасини “Дори-дармон” акциядорлик компанияси, Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат-акциядорлик концернини “Ўзфармсаноат” уюшмаси, Ўзбекистон гўшт ва сут саноати давлат-акциядорлик уюшмасини “Ўзгўштсутсаноат” уюшмаси, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” давлат-акциядорлик компаниясини “Ўзқишлоқхўжаликкимё” уюшмаси, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компаниясини “Ўзқурилишматериаллари” уюшмаси этиб қайта ташкил қилиндилар.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги иқтисодиётни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва тадбиркорларга берилаётган имтиёзлар натижасида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъий назар уларнинг миқдори йилдан-йилга кўпаймоқда.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан кимлар шуғулланиши мумкин ва мавжуд қонун хужжатларига мувофиқ уларга қандай талаблар қўйилган?

2. Давлат ҳам тадбиркорлик субъекти бўлиши мумкинми, агар шундай бўлса у томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиби қандай?

3. Фуқаро Хамидов солиқ органларида кўп йиллар давомида раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиб 1 йил олдин нафақага чиқди. Энди у мустақил равишда жисмоний шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйди ва ўзининг тадбиркорлик фаолиятини қандай ташкилий ҳуқуқий шаклда ва қай тартибда амалга ошириш мумкинлиги ҳақида сиздан ҳуқуқий ёрдам сўради.

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича фуқаро Хамидовнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун сиз қандай ҳуқуқий маслаҳат берасиз?

4. Алижон, Валижон ва Ғанижон биргалашиб юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни мақсад қилишди. Алижон масъулияти чекланган жамият сифатида, Валижон коммандит ширкат сифатида, Ғанижон эса акциядорлик жамияти сифатида юридик шахс ташкил этишни таклиф қилди. Улар ушбу масалада сизга мурожаат қилиб энг оптимал вариантни танлаб уларга ҳуқуқий ёрдам беришингизни сўрашди.

Юрист сифатида ушбу масалага ойдинлик киритинг ва уларнинг бир қарорга келишига ҳуқуқий маслаҳатларингиз орқали ёрдам беринг.

III БОБ. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкил қилиниши. Таъсис этиш ва унинг усуллари. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби. Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш. Тадбиркорлик субъектига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бериладиган ҳужжатлар. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини қайта ташкил этиш тушунчаси ва турлари. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини тугатиш тушунчаси ва усуллари.

Ҳиндистоннинг "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх компаниянинг ҳуқуқшуноси Ранжид Сингхдан Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари, уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, қайси тоифадаги жисмоний ва юридик шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкинлиги билан боғлиқ маълумотларни олгач, компания ҳуқуқшуноси Ранжид Сингхга Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш тартиби, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини рўйхатга олиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиблари тўғрисида батафсил маълумотлар тўплашни таъкидлади.

Тадбиркорлик фаолиятининг ташкил қилиниши. Таъсис этиш ва унинг усуллари

Фуқаролик қонун ҳужжатларидан маълумки, юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш уни ташкил этишдаги якунловчи босқич бўлиб ҳисобланади, аммо тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишида давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим. Хўш, тадбиркорлик субъектини ташкил этиш нимадан бошланади?

Аввало, муассислар ўзларининг умумий йиғилишларига тўпланади ва шу йиғилишда улар ўзларининг мулкларини умумлаштириш-бирлаштириш асосида якуний мақсадларига эришиш

учун барча ҳаракатлар доирасини аниқлаб оладилар ҳамда таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиб, уни имзолайдилар ва қарор қабул қиладилар. Шундай қилиб, тадбиркорлик ҳуқуқи субъектини ташкил этиш деганда, ташкилот ва шартномавий бирлашмаларига ҳуқуқий мақом бериш учун юридик аҳамиятга эга бўлган барча тегишли ҳужжатларни қабул қилишга қаратилган ҳаракатлар мажмуи тушунилади. Ташкил этишнинг қуйидаги шакллари мавжуд:



Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини ташкил қилиниши кимнинг хоҳиш-иродасига ва қандай тартибда амалга оширилаётганлигига қараб таъсис-фармойиш, таъсис, шартномавий-таъсис усулларига бўлинади.

Таъсис-фармойиш усул билан асосан давлат мулкига асосланган корхоналар ташкил қилинади. Бу усулнинг характерли томони шундаки, бунда тадбиркорлик субъекти давлат вакил қилган шахс томонидан ташкил этилади.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги 224-сон қарор билан МЧЖ «JV MAN Auto - Uzbekistan» корхонаси ташкил топганлигини келтириш мумкин.

Таъсис этиш усули билан битта шахс иштирокидаги ташкилотлар ҳам тузилиши мумкин. Уларнинг фаолияти хусусий мулкка асосланган бўлади.

Мисол учун битта шахс томонидан хусусий корхонани ташкил этилиши.

Шартномавий таъсис усули билан икки ва ундан ортиқ таъсисчилар томонидан ўзларининг мулкий улушларини бирлаштириш асосида таъсис шартномаси тузиш йўли билан хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг фаолият йўналишлари белгиланади ва тузилади.

Мисол учун бир неча шахслар томонидан масъулияти чекланган жамиятлар, қўшимча масъулиятли жамиятлар ва шу кабиларни ташкил этиш ва тузиш.

Тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказиш юқорида таъкидланганидек, уларни ташкил этишнинг энг сўнгги босқичи бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш

Республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг ўрни ва ролини тубдан ошириш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, ялпи ички маҳсулотда хусусий мулк, жумладан, чет эл капитали иштирокидаги улушини изчил ошириш мақсадида 2015 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ–4725-сон Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонга кўра хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Фармонга кўра туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига “бир дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказларини ташкил этиш белгилаб ўтилди. Шунингдек, фармонда “бир дарча” марказларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан кечиктирмасдан бошланиши таъминланиши, шу муддатдан бошлаб “бир дарча” марказлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар учун бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органларига тадбиркорлик субъектларидан бевосита ҳужжатлар қабул қилиш тақиқланиши ўрнатилди.

Ушбу Фармонда белгилаб ўтилган чора-тадбирлар дастуридан келиб чиққан ҳолда 2015 йил 20 августидаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-391-сон Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан тадбиркорлик субъектлари

фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 40 дан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2015 йил 15 майдаги ПФ–4725-сон Фармоннинг ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2412-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга асосан туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилилиши белгилаб қўйилди. Қарорга биноан "Ягона дарча" марказларининг асосий вазифалари қуйидагилар этиб белгиланди:

- "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;
- тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;
- аризачиларга информацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш.

Айнан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақоми белгиланиб, бу юридик факт ҳуқуқий муносабатни белгиловчи аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади. Аввало, шахс ариза тақдим этиб, унда ташкил этилаётган тадбиркорлик субъекти тўғрисидаги асосий маълумотларни, чунончи, тадбиркорлик фаолияти билан

шуғулланувчи субъектнинг номи, юридик манзили, раҳбарнинг исми, шарифи, низом (устав) жамғармасининг миқдори, муассислар, уларнинг низом (устав) жамғармасидаги улуши, давлат рўйхатидан ўтказишни сўраб мурожаат этган шахснинг исми, шарифи ўз ифодасини топган бўлиши лозим.

[Олдинги норматив ҳужжатларда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси тақдим этиш талаби мавжуд эди. ЎзР Президентининг 2011 йил 12 майдаги ПҚ-1529-сон Қарорига асосан 2011 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда нотариал тарзда тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди, хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно.]

Шуни таъкидлаш жоизки, ариза билан, албатта, таъсисчининг ўзи мурожаат этиши шарт эмас, балки унинг номидан нотариал тасдиқланган ишончнома асосида барча давлат органларида унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун **вакил қилинган шахс** ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Масалан, АҚШнинг Индиана, Делавер, Юта каби штатларида бу каби фаолият билан шуғулланувчи "One stop centre" ёки "One stop business registration" каби органлар мавжуд.

Лекин улар бизнинг "ягона дарча" марказлар каби 16 та эмас, балки 5-6 та давлат хизматларини кўрсатади. Масалан, Юта шататидаги "One stop business registration" 5 та давлат хизмати, жумладан, солиқ, меҳнат, савдо, ишчи кучи ва атроф-муҳит масалалари бўйича давлат хизматларини кўрсатади[3].

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризада *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом"га* кўра:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг икки асл нусхаси (юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга тақдим этиладиган таъсис ҳужжатлари - устав ёки таъсис шартномаси ва устав, ёки фақат таъсис шартномаси, бунда масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун - таъсис шартномаси ва устав, оилавий корхона, тўлиқ ва коммандит ширкатлар учун эса - фақат таъсис шартномаси, акциядорлик жамиятлари, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс бўлган деҳқон

[3] https://secure.utah.gov/account/login.html - Utah's OneStop Business Registration System

хўжаликлари учун - фақат устав). Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилади;

давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон хўжаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида ташкил этиладиган акциядорлик жамиятларидан ташқари);

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва парол. Сўраб олинадиган қулай фирма номларини захирага олиш таъсисчиларнинг ўзлари томонидан ёки рўйхатга олаётган орган томонидан электрон талабнома асосида Интернет тармоғи орқали кеча-кундуз амалга оширилади. Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

Юридик шахсларнинг фирма номини захирага олиш *Ўзбекистон Республикасининг "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонуни* билан белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади.

[Ўзбекистон Республикасининг "Фирма номлари тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддаси]

Икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари.

Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш учун жисмоний шахс томонидан ўз яшаш жойидаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи органга келган ҳолда ёки почта алоқаси орқали давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида ариза тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади: 3х4 см ўлчамдаги иккита фотосурат; давлат божининг белгиланган миқдори тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати; икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари (якка тадбиркор хоҳишига кўра); паспорт нусхаси.

Юридик шахс бўлмаган деҳқон хўжаликларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказувчи органга деҳқон хўжалиги раҳбари томонидан шахсан ўзи келиб ёки почта алоқаси орқали давлат рўйхатидан ўтказиш

тўғрисида ариза тақдим этилади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. • туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори
2. • муҳр ва штамп эскизлари (аризачининг хоҳишига кўра)
3. • паспорт нусхаси

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларни ҳисобга қўйиш

Давлат рўйхатидан ўтказиш учун кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) • бозорлар учун - бозор ташкил қилишга ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори

б) • хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа корхоналар учун юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдаги савдо реестридан кўчирма, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса.

в) • деҳқон хўжаликлари (юридик шахслар) ҳамда фермер хўжаликлари учун - туман ҳокимининг ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги қарори нусхаси

Г) • юридик шахсларни қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш ёки ўзгартириш йўли билан қайта ташкил этиладиган тадбиркорлик субъектлари учун

Хорижий муассис тўғрисида савдо реестридан кўчирмада ёки ушбу юридик шахснинг фаолиятини тасдиқловчи бошқа ҳужжатда хорижий юридик шахснинг, у жойлашган жойнинг номи, хорижий юридик шахс номидан имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахснинг маълумотлари мавжуд бўлиши керак. Кўрсатиб ўтилган кўчирма

берилган пайтидан бошлаб бир йил мобайнида ҳақиқий ҳисобланади. Жисмоний шахс - Ўзбекистон Республикаси норезиденти ўз паспортининг нусхасини тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар белгиланган тартибда нотариал тасдиқланган давлат тилидаги таржимаси билан тақдим этилиши керак. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкилот) устав фондига улуши интеллектуал мулк бўлса, у ҳолда ариза берувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳоловчи ташкилот томонидан тайёрланган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиши керак;

кредит ташкилотлари учун - муассислардан ҳар бирининг корхона устав фондидаги улуши миқдоридан 30 фоизи киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (вақтинча жамғариладиган сўм ва валюта ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисида банкнинг маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига мол-мулк олиб кирганлигини тасдиқловчи божхона ҳужжати, мол-мулкнинг олди-берди далолатномаси, киритилаётган мол-мулкка эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва бошқалар);

қайта ташкил қилинаётган юридик шахсга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор этилганлигини ва оммавий ахборот воситаларида қайта ташкил этиш ҳақида ахборот эълон қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

қайта ташкил этилаётган юридик шахсларнинг уларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятларга нисбатан барча мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (қўшиб юборишда ва ўзгартиришда) ёки бўлиш баланси (бўлишда ва ажратиб чиқаришда);

қайта ташкил қилинаётган юридик шахснинг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штампи (юридик шахсни қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказишда тақдим этилади).

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тегишли давлат органи томонидан **“бир дарча” принципи** бўйича ва, қоида тариқасида, хабардор қилиш асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. *[“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 13-моддаси]*

Рўйхатдан ўтказувчи органлар ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни уни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важлар билан рад этишга ёки унга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча талабларни белгилашга ҳақли эмас.



Ариза берувчини тадбиркорлик фаолияти субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказиш муддатларини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация тўлайди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-357-сон Қарорига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида

2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг ***хабардор қилиш тартиби*** ўрнатилди. Ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

Юқоридаги қарордан келиб чиқиб қуйидагилар белгиланди:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатувчи ягона марказлар томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади;

ариза - хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат кўпи билан ***икки иш кунини*** ташкил этади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан юридик шахсни ташкил этган барча тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар юридик шахсларнинг давлат реестрига киритилади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам реестрга киритилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар томонидан давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида у ҳақдаги давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги органга тақдим этиш

юридик шахслар ўйича - статистика ва солиқ органларига, акциядорлик жамиятлари бўлган юридик шахслар бўйича эса - шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига

юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжаликлари бўйича - солиқ органига

Маълумотлар олингач икки кун муддатда:

Солиқ органлари - юридик шахсни, якка тартибдаги тадбиркорни, юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигини, шу жумладан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, иш билан таъминлаш жамғармаси ва йўл жамғармасига (тегишли жамғармаларга бадал тўловчилар ҳисобланган субъектлар учун) суғурта бадаллари тўловчи сифатида (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликларидан ташқари) ҳисобга қўяди, уларга солиқ тўловчининг идентификация рақамини беради ва уни статистика ва рўйхатдан ўтказувчи органларга расман маълум қилади.

статистика органлари - юридик шахсни корхоналар ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистрига киритади, рўйхатдан ўтказиш картасини тўлдиради ҳамда рўйхатдан ўтказувчи ва солиқ органларига тадбиркорлик субъектига берилган кодларни расман маълум қилади.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар йилнинг ҳар чорагида рўйхатдан ўтказилган ва ҳисобда турган рўйхатдан ўтказилган тадбиркорлик субъектлари сонини солиқ ва статистика органлари билан солиштиради**.**

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ёки тиклаш тўғрисидаги аризасини олган рўйхатга олувчи орган кейинги иш куни тугашидан кечикмай Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолиятини вақтинча тўхтатганлиги ёки тиклаганлиги тўғрисида солиқ бўйича ҳисобга қўйилган жойдаги давлат солиқ хизматига ахборот тақдим этади.

Бундан ташқари, *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомилаштириш тўғрисида"ги 357-сон қарорига* мувофиқ давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган тадбиркорлик субъектини ариза берилган санадан бошлаб рухсат берувчи ҳужжатларни берган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказишгача бўлган муддат техник шартлар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришнинг мураккаблигини ва ҳажмини ҳисобга олиб ***7 иш кунидан бир ойгача*** белгилаб қўйилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 357-сон қарори асосида тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга

қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида Низом” бўйича давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйиш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги тартибда белгилаб қўйилган:

- аудиторлик ташкилотлар, суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялар ва холдинглар) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган бозорлар ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;
- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ташкил этиладиган бозорлар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа ташкилотлар - Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар адлия бошқармалари томонидан;
- барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий сармоя иштирокидаги корхоналар, юқорида номлари кўрсатилганлардан ташқари - туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги “Ягона дарча” марказлари томонидан амалга оширилади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг **Ягона давлат регистри** жойлардаги статистика органлари томонидан тўлдириладиган рўйхатдан ўтказиш карталари асосида **Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси** томонидан юритилади.

Тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун қуйидаги тартибда давлат божи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун:

- хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари, шунингдек 500 АҚШ доллари;
- суғурта ва аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан ташкил этиладиган акциядорлик

компаниялари (шу жумладан давлат-акциядорлик компаниялари ва холдинглар) шаклидаги хўжалик бошқаруви органлари, Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси таркибига кирадиган ҳудудий (вилоятлар, вилоятлараро ва туманлараро) базалар ва бозорлар учун - энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида давлат божи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида ва вилоятлар адлия бошқармаларида давлат рўйхатидан ўтказилганлик учун тўланган давлат божининг 20 фоизи Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига, қолган сумма тегишли равишда республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Масалан Жанубий Кореяда судлар қошида ташкил этилган "Registry division (section)" яъни жойлардаги судлар (district courts, branch courts) рўйхатга олиш бўлинмалари ёки секциялари томонидан амалга оширилади. Тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш шакли 4 қисмдан борат бўлиб, биринчи регистрация рақами берилади, иккинчи ушбу тадбиркорлик субъектига мол-мулк титули берилади, учинчиси эса "Gap-ku", яъни ушбу мол-мулкка эгалик ҳуқуқи берилади, ва сўнгги тўртинчи қисм "Ul-ku", яъни ушбу мол-мулкка бўлган ижара, лизинг ҳуқуқларини қайд қилувчи маълумотлар берилади. Ушбу хизматлар учун 20000 вондан 30000 вонгача (15-25 АҚШ доллари) тўлов миқдори ундирилади. Агарда мол-мулкни нотариал тасдиқлаш керак бўлса унинг қийматига қараб лекин камида 80000 вон (70 доллар) пул тўланиши кўрсатиб қўйилган. "Registry division (section)" ларнинг айнан судлар қошида ташкил этилишига сабаб бу тадбиркорлар давлат рўйхатидан ўтишда, мол-мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини тасдиқлатишда ва бошқа давлат хизматлари билан боғлиқ масалаларда турли тушунмовчиликлар келиб чиқади, томонларда келишмовчиликлар ва ҳуқуқий ёрдамга эҳтиёж сезилади. Ушбу масалаларни вақтида ва жойида ҳал қилиш учун бу каби марказлар Жанубий Корея судлари қошида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ деб белгилаб қўйилди[4].

Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун давлат божи ундирилади.

[4] http://uk.practicallaw.com/5-501-0628

Давлат божи миқдори ва унинг ставкалари 2011 йилгача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган бўлса, 2011 йил 1 июндан бошлаб *Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2011 йил 12 майдаги ПҚ–1529-сон қарори* асосида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўйича тегишли ягона марказларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам **иш ҳақи миқдорининг бир баравари** қилиб белгиланди.

"Ягона дарча" маркази фаолиятини таъминлаш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун давлат божини тўлашдан тушадиган маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишдан тушадиган давлат божининг барча суммаси "ягона дарча" марказларининг даромадларига "ягона дарча" марказлари учун тегишли Ғазначилик бўлимлари томонидан махсус очилган ҳисоб рақамига ўтказилади..

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *"Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги* 358-сон қарори билан *Тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом* тасдиқланган бўлиб унга мувофиқ**,** аризачи "ягона дарча" марказига давлат хизмати кўрсатиш тўғрисидаги аризани қуйидаги шакл шакл бўйича, ҳозир бўлиш тартибида ёки почта алоқаси воситасида беради.

Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали берилган аризалар давлат хизмати кўрсатадиган тегишли ваколатли органга автоматик равишда бевосита юборилади.

Ариза рўйхатдан ўтказилгандан кейин “ягона дарча” маркази ходими аризачига ариза олингани тўғрисида тилхат беради ёки уникал рўйхатдан ўтказиш рақамини кўрсатган ҳолда ариза нусхасида қабул қилингани тўғрисидаги тегишли ёзувни қайд этади.

Почта алоқаси орқали “ягона дарча” маркази томонидан олинган ариза ҳам унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берилган ҳолда Журналда рўйхатдан ўтказилади.

Масалан, Рўйхатдан ўтиш учун аризада қуйидагиларни ўз ичига қамраб олиши лозим:

- компаниянинг номи;

- бошқарув идорасининг жойлашган манзили;

- компания аъзоларининг масъулияти чекланганлиги ёки чекланмаганлиги, шунингдек, улушлар ёки кафолатларнинг чекланганлиги ёки чекланмаганлиги;

- компаниянинг хусусий ёки оммавий экканлиги ҳақидаги маълумотлар[5].

Ягона марказнинг асосий вазифалари ва функциялари:

- “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензия тартиботларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш;
- давлат органлари ва давлат хизматлари кўрсатадиган бошқа ташкилотлар (кейинги ўринларда ваколатли органлар деб аталади) билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатишда бюрократик тўсиқларга йўл қўймаслик;
- тадбиркорлик субъектларига (кейинги ўринларда аризачилар деб аталади) ахборот ёрдами кўрсатиш, шу жумладан давлат хизматлари кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультациялар бериш;
- Давлат хизматлари кўрсатиш рўйхатида назарда тутилган, тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари фақат “ягона дарча” марказлари томонидан кўрсатиладиган Давлат хизматлари рўйхатида назарда тутилган

[5] Keenan and Riches’ Business law. – 9th ed. / Sarah Riches and Vida Allen. Printed by Ashford Colour Press Ltd., Gosport, 2013. p.149.

давлат хизматлари кўрсатиш тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ва рўйхатдан ўтказади;

- ариза берувчиларнинг ваколатли органлар билан контактсиз ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;
- аризаларнинг ваколатли органларга улар бўйича қарор қабул қилиш ва уларни тегишли равишда расмийлаштириш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди;
- аризачиларга аризаларни кўриб чиқиш якунлари бўйича ҳужжатлар беради;
- аризачиларга “ягона дарча” марказига мурожаат қилишганда ахборот ёрдами кўрсатади;
- жамоатчиликнинг кўрсатилаётган давлат хизматлари тўғрисидаги фикрини ўрганиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириш.

Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари орқали давлат хизматлари кўрсатиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Аризачи	«Ягона дарча» марказига ариза бериш.	аризачининг хоҳишига кўра
2-босқич	«Ягона дарча» маркази	1. Давлат хизмати паспортига мувофик аризанинг тўлиқлигини текшириш. 2. Аризани унга уникал рўйхатдан ўтказиш рақами берган ҳолда Электрон журналда рўйхатдан ўтказиш. 3. Аризачига аризанинг олингани тўғрисида тилхат бериш ёки унинг нусхасига белги қўйиш. 4. Аризани сканирлаш ва унга электрон рақамли имзо қўйиш. 5. Аризани тегишли ваколатли органга юбориш.	30 дақика мобайнида; бир иш куни мобайнида
3-босқич	Ваколатли орган	1. Аризани олиш ва уни конунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқишни таъминлаш. 2. Давлат хизмати кўрсатиш натижаларини расмийлаштириш ёки давлат хизматлари кўрсатишнинг асосланган сабаблар билан рад этилишини тайёрлаш. 3. Кўриб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотларни ўзининг электрон ахборот ресурсларига киритиш. 4. Давлат хизмати кўрсатиш натижаларини ёки унинг асосланган рад этилишини электрон тарзда «ягона дарча» марказига ёхуд Ягона портал орқали мурожаат қилинган тақдирда — аризачига юбориш.	давлат хизмати паспортида назарда тутилган муддатларда; давлат хизмати кўрсатиш муддати тугагунгача конунчиликда белгиланган ва давлат хизмати паспортида кўрсатилган муддатдан 3 соатдан кечикмай
4-босқич	«Ягона дарча» маркази	1. Ваколатли органдан давлат хизмати кўрсатиш натижасини ёки асосланган рад этишни олиш. Аризачини аризада кўрсатилган усулда хабардор қилиш. 2. Аризачига бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш. 3. Аризачига аризада кўрсатилган усулда ҳужжатларни бериш. 4. Аризаларни рўйхатдан ўтказишнинг Электрон журналига тегишли ёзувларни киритиш.	аризани кўриб чиқиш натижалари олингандан кейин бир иш соати мобайнида

Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони билан тасдиқланган Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш, қурилишнинг барча босқичларида — шаҳарсозлик ҳужжатларини тайёрлашдан бошлаб объектларни фойдаланишга топширишгача бўлган босқичларда тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиботлари доирасида ягона қоидалар ва талабларни белгилаш мақсадида 2015 йилнинг 7 октябрида Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботларини ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 285-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга биноан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини фақат танлов асосида бериш ҳисобига тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитлари яратиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг давлат архитектура-қурилиш назорати ҳудудий инспекциялари томонидан хабар бериш тартибини жорий этиш йўли билан қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатномалар бериш механизмини такомиллаштириш тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган қурилиш соҳасида рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиботларининг барча турларини янада такомиллаштириш ва мақбуллаштириш чора-тадбирларини амалга оширишнинг асосий йўналишлари этиб белгиланди. Қарорга кўра 2016 йил 1 январдан бошлаб юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун аҳоли пунктларида доимий фойдаланишга майдони 1 гектаргача ва 1 гектар бўлган ер участкалари фақат танлов асосида берилиши белгилаб қўйилди. Шунингдек, қарор билан “Юридик ва жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун доимий фойдаланишга танлов асосида ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом” ҳамда “Танлов асосида берилган ер участкаларидаги объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш, қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома бериш,

шунингдек объектларни фойдаланишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом”лар тасдиқланди.

Ваколатли органларда ва фойдаланиш ташкилотларида объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказиш рухсат берувчи ҳужжатларни, шу жумладан муҳандислик коммуникацияларига уланиш (газ, энергия, сув таъминоти, канализация, исиқлик таъминоти, телефон алоқаси) учун техник шартларни расмийлаштириш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:



Лойиҳаолди босқичида рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш билан бир вақтда амалга оширилади, ариза фақат рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришга берилган ҳоллар бундан мустасно.

Объектларни қайта ихтисослаштиришга ва реконструкция қилишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш учун ариза берувчи Ягона марказга ариза беради. Аризага мавжуд объектнинг лойиҳа ҳужжатлари ёки кадастр ҳужжатлари нусхалари илова қилинади. Ягона марказ шу куннинг ўзида тегишли буюртмани ва мавжуд объектнинг тақдим этилган ҳужжатларини туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармасига (бўлимига) юборади.

Туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими) икки кун мобайнида объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилиш имкониятини ўрганиб чиқади.

Объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилишга буюртманомани қайта кўриб чиқишда илгари ушбу рухсатномани беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича объектни қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилишга рухсатнома беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Рад этиш асосли бўлган тақдирда Ягона марказ рад этилган кундан кейинги кундан кечикмай бу ҳақда ариза берувчига ёзма шаклда маълум қилади.

Қайта ихтисослаштириш ёки реконструкция қилишга рухсат беришнинг рад этилиши устидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Муҳандислик жиҳатидан таъминлаш бўйича юкламаларни ўзгартирган ҳолда соҳасини ўзгартириш ва реконструкция қилишда муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш юзасидан техник шартларни олиш ва архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқиш белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш

Агарда турар жой нотурар жой тоифасига у уй-жойнинг пастки қаватида жойлашган бўлса ўтказилиши мумкин.



Турар жойларни (ёки уларнинг бир қисмини) нотурар жойлар тоифасига ўтказиш учун ариза берувчи Ягона марказга ариза билан мурожаат қилади.

Ягона марказ бир кун муддатда ҳужжатларни туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бўйича тегишли бошқармаси (бўлими) билан келишиб олади ва уларни кўриб чиқиш учун туман (шаҳар) ҳокимлигига беради, ҳокимлик икки кун муддатда Ягона марказга туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли қарорини беради.

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги аризани қайта кўриб чиқишда илгари бошқа тоифага ўтказишни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Ўтказишнинг рад этилиши юзасидан ариза берувчи томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказганлик учун тўлов ундирилмайди.

Ҳокимнинг турар жойни (ёки унинг бир қисмини) нотурар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги Ягона марказ томонидан тақдим этилган қарори асосида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан **1 кун** мобайнида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш амалга оширилади ва тегишли гувоҳнома берилади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизмати томонидан рўйхатдан ўтказганлик учун юридик шахслардан

энг кам ойлик иш ҳақининг **50 фоизи**, жисмоний шахслардан эса - **10 фоизи** миқдорида тўлов ундирилади.

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш юзасидан ишлаб чиқилган архитектура-режлаштириш топшириғининг қиймати энг кам ойлик иш ҳақининг **1 бараваридан** ортиқ бўлмаслиги керак.

Нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш мулкдорнинг аризасига кўра ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- ариза берувчининг нотурар жой бинога мулкий ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;
- бинонинг туман (шаҳар) кўчмас мулк давлат кадастри хизмати томонидан тайёрланган тархи;
- туман (шаҳар) архитектура ва қурилиш бошқармаси (бўлими)нинг бинони шаҳарсозлик ҳужжатида белгиланган ҳудудни зоналаштиришга мувофиқ нотурар жойдан турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги хулосаси.
- Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори ариза қабул қилинган кундан бошлаб уч кун муддатда қабул қилинади.
- Ҳокимнинг нотурар жойни турар жой тоифасига ўтказиш тўғрисидаги қарори нусхаси бино мулкдори томонидан **1 иш куни** мобайнида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий хизматига, солиқ органларига ва коммунал хизматларга тақдим этилади.

Фойдаланувчи ташкилотлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган техник шартларни:

газ таъминоти, энергия таъминоти, иссиқлик таъминоти, телефон алоқасига - **3 иш куни** мобайнида;

сув таъминоти ва канализацияга - **2 иш куни** мобайнида улашга берадилар.

Фойдаланувчи ташкилотлар томонидан техник шартларни бериш бепул амалга оширилади.

Техник шартларни бериш имконияти бўлмаган ҳолларда фойдаланувчи ташкилотлар **3 иш куни** мобайнида Ягона марказга асосланган рад этиш ва қонунчиликнинг аниқ нормаларини кўрсатган ҳолда ёзма жавоб жўнатади.

Ягона марказ томонидан техник шартларни бериш рад этилишининг асосланганлиги ўрганилади.

Рад этишнинг асоссизлиги аниқланган тақдирда Ягона марказ ҳужжатларни фойдаланувчи ташкилотга қайтаради, у рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш масаласини **3 иш куни** мобайнида ҳал этиши шарт.

Рад этиш асосланган тақдирда Ягона марказ рад этиш кунидан кейинги кундан кечикмай бу тўғрида аризачига ёзма равишда хабар қилади. Бунда аризачининг розилигига кўра техник шартлар учун параметрлар ўзгартирилиши мумкин.

Техник шартлар беришга буюртманомани қайта кўриб чиқишда илгари техник шартлар беришни рад этиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилмаган янги асослар бўйича техник шартлар беришни рад этишга йўл қўйилмайди.

Техник шартларни беришнинг рад этилиши юзасидан аризачи қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шикоят қилиши мумкин.

Архитектура-режалаштириш топшириғида экспертиза ўтказиш юзасидан талаблар ёки шартларнинг белгиланишига қуйидаги лойиҳалар бўйича йўл қўйилмайди:

- улар бўйича технологик ресурс тугаган ва объектни реконструкциялаш ёки соҳасини ўзгартириш талаб қилинмайдиган технологик ёки муҳандислик ускуналари бирлигини таъмирлаш ва алмаштириш лойиҳаси бўйича;
- турар жой биноларини уларнинг параметрларини ўзгартирмасдан нотурар жой тоифасига ўтказиш лойиҳаси бўйича.

Белгиланган муддатдан кечикмай, лекин қонунчиликда белгиланган миқдорда олдиндан тўлов тўлангандан кейин техник шартлар билан биргаликда ишлаб чиқилган архитектура-режалаштириш топшириғи Ягона марказга тақдим этилади.

Аризачига берилган архитектура-режалаштириш топшириғи белгиланган тартибда лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Танлов асосида сотиб олинган ер участкаларида объектлар қуришга рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш. Тадбиркорлик субъектларига бизнесни ташкил этиш учун танлов асосида ер участкаси бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Лойиҳалаштириш ва қуриш босқичларидан ўтиш юқорида берилган ва белгиланган тартибда мустақил амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектига рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан бериладиган ҳужжатлар

Зарур рўйхатдан ўтказиш ва рухсат бериш тартиб-қоидалари тугагандан кейин рўйхатдан ўтказувчи орган белгиланган муддатда:

- тадбиркорлик субъектлари - юридик шахсларга - юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани ва “рўйхатдан ўтказилди” деган белги қўйилган таъсис ҳужжатларини, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган муҳр ва штамп эскизини беради;
- якка тартибдаги тадбиркорга ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этиладиган деҳқон хўжалигига - якка тартибдаги тадбиркорнинг (юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигининг) давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган (уларнинг хоҳишига кўра) муҳр ва штамп эскизини беради;
- тадбиркорлик субъектига (аризага кўра) Ягона марказ бошлиғи томонидан имзоланадиган рухсат берувчи ҳужжатлар расмийлаштирилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради.

Барча зарур ҳужжатлар тадбиркорлик субъектига бир вақтда берилади. Муҳр ва штамп эскизини тасдиқлашда рўйхатдан ўтказувчи орган муҳр ва штампларни ҳисобга олиш дафтарига тегишли ёзувни ёзиб қўяди.

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ўрнига тадбиркорлик субъекти аризасига биноан унинг дубликати берилиши мумкин.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини беришда энг кам ойлик иш ҳақининг **бир баравари** миқдорида тўлов ундирилади.

Бу ҳолда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги йўқолган гувоҳноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон бериши, шунингдек рўйхатдан ўтказувчи органга эълон қилинган хабарни ва дубликат берилганлиги учун белгиланган миқдорда тўлов тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжатини тақдим этиши шарт.

Тўлов суммаси рўйхатдан ўтказувчи органнинг алоҳида шахсий ғазна ҳисоб рақамига ўтказилади ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органнинг дубликатни тайёрлаш ва бериш харажатларини қоплашга йўналтирилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги **яроқсиз ҳолга келган гувоҳнома** рўйхатдан ўтказган органга қайтарилади ва йўқ қилинади. Дубликатни бериш муддати уч иш кунидан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги "Интерактив давлат хизматлари кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 378-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги Низом тасдиқланган бўлиб, интернет тармоғида **https://my.gov.uz** манзилида Ягона портал давлат органлари томонидан кўрсатиладиган, шу жумладан пулли асосда кўрсатиладиган интерактив давлат хизматларидан эркин фойдаланишнинг ягона нуқтаси жорий этилди.

Бугунги кунга келиб, ушбу Ягона портал орқали интерактив давлат хизматлари кўрсатиш қаторига юридик шахс, жисмоний шахслар учун тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш учун онлайн тарзда ариза юбориш орқали рўйхатдан ўтиш тартиби ва хизматлари кенг йўлга қўйилган.

Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектларини қайта ташкил этиш тушунчаси ва турлари

Юридик шахснинг вужудга келишининг ҳуқуқий аҳамияти муҳим ҳодиса бўлганлиги туфайли, тадбиркорлик ҳуқуқида юридик шахс фаолиятининг бекор бўлиши ҳам муҳим ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган ҳаракатлардан ҳисобланади. Бу шуниси билан муҳимки, оқибатда бир қанча ҳуқуқ ва мажбуриятлар юзага келади.

Умумий қоидага кўра, юридик шахснинг фаолияти қайта ташкил этиш ёки тугатиш натижасида бекор бўлади.

Қайта ташкил этиш – илгари мавжуд бўлган корхонанинг бекор қилиниши ва янги ҳуқуқ субъекти сифатида тадбиркорлик фаолиятини давом эттирилиши демакдир.

Тугатишдан фарқли ўлароқ қайта ташкил этишда мулк сақланади, хўжалик ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам

мавжудлигини йўқотмайди. Ишлаб чиқариш бўлинмалари ҳам ё қисқарган, ёки йириклашган ҳолда фаолиятини давом эттиради. Қайта ташкил этиш ҳар доим ҳуқуқий ворислик билан боғлиқ бўлиб, бунда мулкий ва бошқа ҳуқуқ (мажбурият)лар бекор қилинган (турини ўзгартирган) бир ҳуқуқ субъектидан бошқасига, қайтадан вужудга келтирилган корхонага ўтади. Юридик шахс қайта ташкил этилган тақдирда унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк янгидан вужудга келган юридик шахсларга ўтади. Юридик шахсни тугатишдан бунинг асосий фарқи ҳам шунда ифодаланади.

Қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқий ворислари унинг фаолиятини давом эттиради. Шу билан боғлиқ равишда охир оқибатда барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар тўлиқ ўтиши лозим. Улар қайта ташкил этилган юридик шахснинг универсал ҳуқуқий вориси, топшириш ҳужжати, худди шунингдек, тақсимлаш балансида қайд қилинган ёки қилинмаган бўлса ҳам, унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси бўлиб қолади.

Қайта ташкил қилишнинг беш шакли мавжуд.

Қўшиб юбориш - ўз фаолиятини тугатган икки ёки ундан ортиқ корхонанинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги “Қаршитермопласт” давлат корхонасини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-406-сон Қарорига асосан “Қаршитермопласт” давлат корхонасини қайта ташкил этиш натижасида унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари “Шўртан ГХК” шўъба корхонасига ўтиши.

Яъни бунда, ўз фаолиятини тугатаётган “А” МЧЖ ва “Б” МЧЖларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қўшиб юборилиш натижасида ташкил этилаётган янги корхона “С” АЖнинг вужудга келиши.

Қўшиб олиш - бир ёки бир нечта корхона фаолиятини тўхтатиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа корхонага бериш.

Мисол учун “А” хусусий корхонаси ўз фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари фаолият юритаётган “Б” МЧЖга берилиши.

Бўлиш - юридик шахс ўз фаолиятини тўхтатиб, икки ва ундан ортиқ юридик шахсларга бўлинади.

Мисол учун “А” Акциядорлик жамияти ўз фаолиятини тўхтатди ва бу АЖдан янги “Б” МЧЖ ҳамда “С” МЧЖлар ташкил топди.

Ажратиб чиқариш - корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бир қисмини унга бериш йўли билан янги корхонани вужудга келтириш, яъни бунда юридик шахс таркибидан бир ёки бир неча юридик шахслар ажралади, аввалги юридик шахс ҳам мавжуд бўлиб қолаверади.

Мисол учун фаолият олиб бораётган “А” АЖдан янги “Б” МЧЖнинг ажралиб чиқиши.

Ўзгартириш - янги вужудга келган юридик шахсга қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бериш йўли билан корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, яъни бунда бир ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги юридик шахс бошқа шаклдаги юридик шахсга ўзгаради.

Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-3366-сон Фармонига асосан Ўзбекистон автомобилсозлик корхоналари уюшмасини “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, “Ўздонмаҳсулот” давлат-акциядорлик корпорациясини “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси, “Дори-дармон” давлат-акциядорлик уюшмасини “Дори-дармон” акциядорлик компаниялари сифатида қайта ташкил этилди.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш умумий қоидаларга асосан ихтиёрий равишда – унинг таъсисчиларининг (қатнашчиларининг) ёки таъсис этилган ҳужжатлар билан ваколатга эга бўлган юридик шахс органи, масалан, аъзоларнинг умумий йиғилиш қарори асосида амалга оширилиши мумкин.

Қўшиб олиш, қўшиб юбориш ёки ўзгартириш шаклларидаги ихтиёрий қайта ташкил этиш қонунда белгиланганидек, давлат органларининг олдиндан олинган розилиги асосида амалга оширилади. Масалан, бундай розиликни олдиндан товар бозорларида монополистик фаолиятни келтириб чиқарувчи хўжалик субъектлари устидан назорат қилувчи монополияга қарши органдан ҳам олиш талаб қилинади. Баъзан юридик шахсни қайта ташкил этишда унинг хоҳиш-иродасидан четга чиқилиши мумкин. Бу тўғридан-тўғри қонунда белгиланган ҳолатларда, юридик шахсни қайта ташкил этишнинг унинг таркибидан бир ёки бир нечта юридик шахсларни бўлиш ёки ажратиб чиқариш турлари ваколатли давлат органлари ёки суд қарори билан мажбурий амалга оширилади. Агар юридик шахс муассислари (иштирокчилари), улар вакил қилинган орган ёки юридик шахснинг ўз таъсис ҳужжатлари билан қайта ташкил этишга вакил қилган органи юридик шахсни ваколатли

давлат органининг қарорида белгиланган муддатда қайта ташкил этмаётган бўлса, суд мазкур давлат органининг даьвоси бўйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди ва унга ушбу юридик шахсни қайта ташкил этишни топширади.

Қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб **юридик шахс қайта ташкил этилган** ҳисобланади.

Қайта ташкил қилишнинг барча санаб ўтилган шаклларини икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга тақсимлаш баланси билан расмийлаштирилувчи бўлиш ва ажратиб чиқариш шакли киради. Иккинчи гуруҳга топшириш ҳужжати билан расмийлаштирилувчи қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва ўзгариш шаклларини киритиш мумкин.

Юридик шахсларни қайта ташкил қилиш жараёнида “тақсимлаш баланси” ва “топшириш ҳужжати”нинг аҳамияти жуда катта, чунки у қайта ташкил этилган юридик шахснинг ўзидан олдингисига нисбатан бўлган муносабатларида, хусусан, берилган мол-мулкка эгалик ҳуқуқининг таркиби ва ҳажмига ҳуқуқий ворисликни тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Қайта ташкил қилиш вақтида қайта ташкил қилинаётган корхонада мавжуд дебитор ва кредиторлик қарзларининг бутун миқдори (шу жумладан, сотиб олувчи ва таъминотчиларнинг иш ҳақи бўйича қарзлари, ҳисоб берувчи шахслардан, бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича) тақсимлаш баланси ёки топшириш ҳужжатига мувофиқ унинг ҳуқуқий ворисларига ўтади.

Қайта ташкил этиш институтини тадбиркорлик фаолиятини юритишни амалиётда қўллаш ёрдамида:

биринчидан фуқаролик муомаласининг барқарорлиги сақланиб қолади;

иккинчидан барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуининг ҳуқуқий ворислиги таьминланади;

учинчидан шартномавий ва хўжалик алоқалари эркинлиги таьмин этилади;

тўртинчидан кредиторлар ҳуқуқлари максимал даражада кафолатланади;

бешинчидан қўшимча солиқ тўлаш зарурати йўқолади;

олтинчидан вақтинчалик харажатлар қисқаради;

еттинчидан айниқса, қайта ташкил этишнинг ўзгартириш шаклини қўллаш самарасининг юқорилиги шундаки, унда ишлаб чиқариш капитали, моддий воситалар, асосий ва оборотдаги фондлар тўлиқ сақланиб қолади.

Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи субъектларини тугатиш тушунчаси ва усуллари

Республикамизда бозор иқтисодиёти муносабатларининг шаклланиши даврида турли мулк шаклларининг мавжудлиги хўжалик юритишнинг ҳамхар хил кўринишларини вужудга келтириб, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига алоҳида эътибор беришни тақозо этмоқда. Маълумки, тадбиркорлик субьектларининг самарасиз фаолият юритиши давлат ва жамият манфаатларига сезиларли зарар келтиради. Ҳар қандай давлат ва жамият ўз ҳудудида фаолият кўрсатаётган хўжалик субьектларининг яхши ишлаши тарафдоридир.

Тўғри, бундай ҳолат албатта ачинарли, лекин ундан қутилиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, юридик шахсни тугатиш масаласи ҳақиқатдан долзарб мавзу бўлиб бормоқда Ушбу вазиятга мамлакатимизда тўғри баҳо берилиб, қонунда белгиланган тартиб асосида ҳал қилиш учун махсус қонун меьёрлари ва чора тадбирлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг нормалари юридик шахсларни тугатишнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишини тўлиқ мужассамлаштирган асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлса, шу сингари мустақилликка эришганимиздан буён қабул қилинган қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятини тартибга солувчи қонунларда эса юридик шахсни тугатишда мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб ҳуқуқ нормалари белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигида юридик шахсларни икки хил усулда тугатилишини кўришимиз мумкин.

Биринчиси ихтиёрий усул бўлиб, у қуйидаги асосларга кўра амалга оширилади:

- муассислар (иштирокчилари) ёки таьсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ;
- юридик шахснинг фаолият юритиш муддатининг тугаши билан;

- уни ташкил этишдан кўзланган мақсадга эришилганлиги муносабати билан;
- юридик шахсни ташкил этиш чоғида қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб бўлмаса, суд юридик шахсни рўйхатдан ўтказишни ҳақиқий эмас деб топганда;
- муассислар (иштирокчилар) ёки юридик шахс органи томонидан ташкилотни тугатиш учун етарли бўлган бошқа сабабларни тан олиши билан.

Иккинчиси-мажбурий усулда суд қарори бўйича қуйидагиларга кўра тугатиш амалга оширилади:

- фаолиятни тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошириш;
- қонун томонидан таъқиқлаб қўйилган фаолиятни амалга оширган ёки қонун ёки ҳуқуқий актларни бир неча марта ва қўпол равишда бузиш ҳолатларида;
- Фуқаролик кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ.

Бозор муносабатлари мамлакат иқтисодиётига қанчалик чуқурроқ кириб келиши ўз фаолиятини самарасиз олиб бораётган юридик шахсларга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли 6 ой мобайнида (савдо воситачилик корхонаси эса - уч ой мобайнида) банк ҳисобварақлари бўйича пул операцияларини ўтказиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолиятини амалга оширилмаган, (деҳқон ва фермер хўжаликлари бундан мустасно) ва (ёки) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йил ичида устав фонди таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда шакллантирилмаган тақдирда ҳам унинг тугатилишига олиб келиши ҳақидаги норма Фуқаролик кодексида мустаҳкамлаб қўйилди.

Масалан Англияда тугатиш шундай жараёнки Компаниянинг фаолияти тугатилиб, унинг мулки кредиторлар ва аъзолар ўртасида тақсимлаб берилади. Тугатувчи компания бошқарувини ўз зиммасига олади ҳамда ўз активлари йиғади, қарз ва мажбуриятларини тўлайди, аъзолар ўртасида барча ортиқча тақсимлайди. Компания кейин тугатилади ва компаниялар реестридан ўчирилади.

Тугатишнинг қуйидаги 3 тури мавжуд бўлиб:

- *ихтиёрий тугатиш;*
- *аъзолар томонидан ихтиёрий тугатиш;*

■ *кредиторлар томонидан тугатиш.*

Ушбу жараёнлар 1986 йилда қабул қилинган "Иқтисодий ночорлик тўғрисида"ги Қонун билан тартибга солинади.[6]

Тадбиркорлик субъектларини тугатиш тартиби

"Юридик шахсни тугатиш – мураккаб ва кўп вақт талаб қилувчи иш" ҳисобланади. Шунинг учун юридик шахсни тугатиш жараёни бир неча босқични ўз ичига олади.

Хўш, савол туғилади. Юридик шахс ким томонидан ва қандай ҳужжатлар асосида тугатилади?

Юридик шахс унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига биноан тугатилиши мумкин. Одатда муассислар ҳам иштирокчилар ҳам ўз ихтиёрлари билан ҳар қандай вақтда тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишлари мумкин. Бу уларга берилган ҳуқуқдир. Лекин шу билан биргаликда тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш улар учун мажбуриятни ҳам келтириб чиқаради. Суд тартибида тугатиш икки асосда умумий ва махсус асосларда амалга оширилиши назарда тутилади. Умумий асос барча турдаги юридик шахсларга, махсус асос эса алоҳида турдаги юридик шахслар учун тааллуқлидир. Умумий асосларга кўра ўз фаолиятини рухсатномасиз (лицензиясиз) амалга ошираётган ёки қонун томонидан таъқиқланган фаолият билан шуғулланаётган юридик шахсларга нисбатан суднинг қарорига мувофиқ қўлланилади.

Махсус асосга кўра тугатиладиган алоҳида турдаги юридик шахслар қаторига ўз ҳуқуқий мақомини олиб, махсус хуқуқ лаёқатига эга бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари киради. Одатда, ҳар бир қишлоқ хўжалик корхонасининг ҳуқуқий мақомини ўзига хос хусусиятлари инобатга олинади.

Масалан, фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондини уставда назарда тутилган миқдорда шакллантирмаганида, шу жумладан фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича очиқ танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари устав фондига киритилмаганида; ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида; фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, шу жумладан моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида; фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса; давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шу жумладан фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида,

[6] Keenan and Riches' Business law. – 9th ed. / Sarah Riches and Vida Allen. Printed by Ashford Colour Press Ltd., Gosport, 2013. p.189.

хусусан контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинган ҳоллар тугатилади.

Юридик шахсни тугатилишини ошкораликда амалга ошириш тугатиш жараёни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ ва камчиликларсиз якунлашда муҳим аҳамият касб этади. Юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколат берилган орган бу ҳақда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга ёзма тартибда хабар беришлари лозим. Давлат рўйхатидан ўтказувчи орган мана шу хабарга асосан юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги ҳақидаги маьлумотларни ягона давлат реестрига киритади. Маълумотлар киритилгандан сўнг юридик шахснинг фирма номига албатта "тугатилишда" деган сўз қўшиб қўйилади.

Бундан ташқари, бу ҳақда солиқ органларини ҳам хабардор қилиб қўйиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ҳар қандай тадбиркорлик субъекти ташкил этилган пайтда солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ органларида рўйхатга олинади. Солиқ кодексининг 50-моддасига кўра юридик шахсни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, (ихтиёрий тугатиш ҳоллари бундан мустасно) тугатувчи беш кунлик муддат ичида бу ҳақда давлат солиқ хизмати органига ёзма шаклда маълум қилади.

Юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бу ҳақда давлат солиқ хизмати органини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги ПҚ-630-сон Қарорида белгиланган тартибда хабардор этади.

Юридик шахс давлат солиқ хизмати органига тугатиш балансини тақдим этиш билан бир вақтда ҳисоботларни ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиши шарт.

Шу билан бирга юридик шахсни тугатилиши тўғрисида пенсия фондлари ҳамда суғурта жамғармаларини огоҳлантириб, ўзларининг ҳисоб рақамларини ёпиш чораларини кўриши лозим.

Тугатишда мазкур юридик шахс фаолияти тўлиқ бекор қилиниб, унинг иши тўхтатилади ва мол-мулки тугатилади. Бундай ҳолатда

тугатиш комиссияси тузилади. Унинг фикрига қисман қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда тугатиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида тугатиш комиссияси тузилиши ёки шундай ҳаракатларни бажарувчи тугатувчи тайинланиши ўзининг қонуний асосига эга. Бу хатти-ҳаракатлар тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилган шахслар томонидан давлат рўйхатидан ўтказувчи орган билан келишилган ҳолда ҳал қилинади. Давлат корхоналарини тугатишда тугатиш комиссияси таркибини иқтисодий ночорлик бўйича бошқарма Ўзбекистон Республикаси тегишли вазирлик ва идоралари вакиллари, маҳаллий ижроия органлари мутахассислари ва бошқалар ташкил қилиши мумкин. Шундай қилиб, қоидага кўра, амалиётда тугатиш комиссияси таркибига муассислар (иштирокчилар) тугатилаётган ташкилот маъмурияти вакиллари киради.

Шунингдек, улар тугатиш комиссияси ёки тугатувчининг асосий вазифаларини аниқлаштириш билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ тугатиш тартибини ҳамда муддатини белгилаб оладилар. Тугатиш комиссияси матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. Кодекснинг 55-моддасига мувофиқ бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб **“икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас”**. Ундан олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларида эса бу муддат икки ойгача деб кўрсатилар эди. Лекин амалиётда бир ой кўрсатилиб эълон қилинар эди. Ҳозир ҳам баъзан матбуотда бир ой кўрсатилиб хабар қилинади. Шу билан кредиторлар томонидан ўз талабларини баён қилиш учун зарур бўлган имконият чекланади. “Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас” деб кўрсатилган Кодексда ўрнатилган императив норма кредиторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун тегишли кафолат яратишга қаратилган.

Тугатиш комиссияси тасдиқланган кундан бошлаб юридик шахснинг ишларини бошқариш соҳасидаги ваколатлари унинг ихтиёрига ўтади. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур комиссия тугатувчи мустақил ҳуқуқ субъекти бўлиб ҳисобланмайди. У фақат тугатиш жараёнида кредиторлар, қарздорлар, давлат ҳокимияти органлари ва бошқа шахслар билан муносабатга киришиб, тугатилаётган юридик шахс номидан ҳаракат қилади.

Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс номидан судда иштирок этади. Тугатиш комиссияси тугатилаётган юридик шахс ҳисоб варақлари очилган банкка тугатиш комиссиясининг рухсатисиз ҳисобдан фойдаланмаслик тўғрисида ариза юборади. Мана шу аризага кўра банк тугатилаётган корхона ҳисоби бўйича кейинчалик юборилаёган ижро ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишни тўхтатади. Тугатиш комиссияси барча кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини ундириш, шунингдек, юридик шахс тугатилаётганлиги ҳақида кредиторларни ёзма хабардор қилиш чораларини кўриш лозим. Дебиторлик қарзларини ундириш мақсадида қарздорларга талаб қўйишлари зарур. Агар қарзларни қайтариш рад қилинса тегишли даьво билан судга мурожаат этиш керак. *Ўзбекистон Республикаси "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги қонунинг* 21-моддасига мувофиқ юридик шахс тугатилаётган тақдирда якуний молиявий ҳисобот тузилади .

Агарда юридик шахс суд тартибида тугатилаётган бўлса, суд унинг муассислари ва иштирокчилари ёки ваколатли органга ўз бурчларини тўғри бажариш масъулиятини юклайди. Уларнинг бурчлари тугатишни суд қарорида белгиланган муддатда ва тартибда амалга ошириши лозим холос. Лекин суд қарори тўғри ва лозим даражада бажарилмаган бўлса, суд тугатиш комиссиясини тузади ёки тугатувчини тайинлаб, унга тугатишни амалга ошириш вазифаларини юклайди.

Барча кредиторлар билан ҳисоб китоб ишлари ниҳоясига етказилгандан сўнг, тугатишнинг якунловчи босқичи бошланади.

Тугатиш комиссияси муассислар ва иштирокчилар билан келишиб, давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан тасдиқланган тугатиш балансини тузади. Юридик шахснинг кредиторлари талаблари қондирилгандан кейин қолган мол-мулк унинг шу мол-мулкка ашёвий ҳуқуқларга ёки ушбу юридик шахсга нисбатан мажбурий ҳуқуқларга эга бўлган муассисларига ва иштирокчиларига топширилади. Шундан сўнг юридик шахснинг тугатилиши ҳақидаги ёзув юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилиб юридик шахсни тугатиш тамомланган, юридик шахснинг махсус ҳуқуқ лаёқати эса тугаган ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ топширилган тақдирдагина юридик шахс ягона давлат реестридан ўчирилиши керак:

- тугатиш комиссиясининг юридик шахсни давлат реестридан чиқариш ҳақидаги аризаси.
- муассислар умумий йиғилиши баённомаси билан бирга юридик шахсни тугатиш ва тугатиш комиссиясини тузиш тўғрисидаги қарор ёки суднинг тугатиш тўғрисидаги қарори.
- юридик шахсни тугатиш тўғрисидаги матбуотда эълон берилган нашр.
- тасдиқланган тугатиш баланси;
- солиқ органлари ва пенсия, аҳолини иш билан таъминлаш фондлари ҳисобидан чиқилганлик ҳақида маълумот;
- қонунда белгиланган тартибда аудитор хулосаси;
- банклардан ҳисоб варақларини ёпилганлиги ҳақида маълумотнома;
- статистика идорасидан классификасион кодни бекор қилиш ҳақидаги хат;
- кредиторлар билан ҳисоблашгандан сўнг, қолган мол-мулкини иштирокчилар ўртасида тақсимланганлиги тўғрисидаги далолатнома
- ички ишлар бўлимидан юридик шахс муҳри ва штампини йўқ қилишга топширилганлиги ҳақида маълумотнома.

Юридик шахсни тугатишнинг юқорида санаб ўтилган босқичлари бир-бири билан чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тўлдириб боради. Биронтасининг тўғри бажарилишига эътибор берилмаса, тугатиш жараёнининг аниқ ва изчил амалга оширилишига салбий та]сир этиши мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамиятининг давлат рўйхатидан ўтказишдаги фарқларини тушунтириб беринг.
2. Юридик шахс ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйҳатидан ўтказиш тартибини амалдаги қонун ҳужжатларига биноан тушунтириб беринг.
3. Андижон вилоятида жойлашган “Танхо” МЧЖ Бухоро вилоятида ўзининг шўъба корхонасини ташкил этиш мақсадида Бухоро вилоят Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” марказига мурожаат қилди.

Бироқ рўйхатдан ўтказувчи орган ушбу юридик шахсни шўъба корхона сифатида давлат рўйхатдан ўтказиб бўлмаслигини важ қилиб, давлат рўйхатидан ўтказишни рад этди. Ромитан туман ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона дарча” маркази ўзининг ёзма жавобида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “шўъба корхонаси” белгиланмаганлигини, балки юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида “шўъба хўжалик жамияти” назарда тутилганлигини таъкидлаб шу орқали жавобни асослантиришга ҳаракат қилди.

Марказнинг мазкур жавобидан норози бўлиб, “Танхо” МЧЖ давлат рўйхатига олишни рад этганлик устидан Бухоро вилоят хўжалик судига шикоят қилиб, ўз аризасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги нормани асос сифатида келтирди.

Ушбу ҳолат юзасидан ўзингизни фикрларингизни қонун ҳужжатлари асосида асослантиринг?

4. Хива шаҳрида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ўз фаолиятини қўшма корхона сифатида бошлаш учун Янги Зелландия инвесторлар билан ҳамкорликда устав фондини шакллантириб таъсис шартномаси имзоланди.

Ушбу қўшма корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун Хоразм вилояти адлия бошқармасига ариза топширилди ва қуйидаги ҳужжатлар илова этилди:

давлат тилидаги таъсис ҳужжатларининг (устав фонди ва таъсис шартномаси) икки асл нусхаси;

500 АҚШ доллари миқдорида давлат божининг тўланганлиги ҳақидаги банк тўлов ҳужжати;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасида қулай фирма номи захирага олинганлигини тасдиқлайдиган ягона логин ва пароль;

икки нусхада муҳр ва штамп эскизлари;

таъсисчиларнинг, жумладан Латвиялик шахсларнинг паспортлари нусхалари.

Бироқ, Хоразм вилояти адлия бошқармаси давлат рўйхатидан ўтиш учун тақдим этилган ҳужжатларда камчиликлар борлиги, ҳамда ушбу қўшма корхона Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтиши кераклигини кўрсатиб рад жавобини берди.

Ушбу ҳолат юзасидан қўшма корхона сизнинг юридик хизмат фирмангизнинг веб саҳифаси www.abl.uz га юридик ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Юридик фирма ходими сифатида сиз қўшма корхонага ушбу масала бўйича қандай норматив ҳуқуқий хужжатларга таянишини ва масалани қандай тартибда ҳал этишни маслаҳат берасиз?

IV БОБ. Тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги

Банкротлик тушунчаси. Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик. Банкротликка оид ҳуқуқий институтлар. Судгача санация. Банкротлик тўғрисидаги ишларни судда кўриб чиқиш тартиби. Кузатув. Суд санацияси. Ташқи бошқарув. Келишув битими ва уни тузиш тартиби. Банкрот корхонани тугатиш. Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари. Айрим тадбиркорлик фаолияти субъектлари банкротлигининг хусусиятлари.

Ҳиндистондаги "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх Ўзбекистон Республикасида ўз корхонасининг келажакда самарали фаолият юритишини таъминлаш мақсадида иқтисодий қийинчиликларни бартараф қилиш воситалари, банкротликка учрамаслик йўллари билан қизиқди. Шунинг учун, корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхдан Ўзбекистонда банкротлик бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, тадбиркорлик субъектларининг банкротлиги билан боғлиқ қўлланиладиган таомиллар, ушбу жараёнда судларнинг вазифалари каби масалаларда маълумотлар тайёрлаб беришни сўради.

Банкротлик тушунчаси

Банкротлик институти ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш орқали ёки иқтисодий ночор, рентабелсиз ва истиқболсиз тадбиркорлик фаолияти субъектларини иқтисодий халос қилиш йўли билан иқтисодиётни мустаҳкамловчи амалдаги механизмлардан бири ҳисобланади.

Банкротлик институти – тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасидаги муносабатлар, амалиётда ва ҳуқуқий тартибга солиш тизимида нисбатан янги институт бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида унинг ўрни ва ривожи алоҳида аҳамиятга эгадир. Банкротлик институти мулкий муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий қурол, воситалардандир.

Банкротлик институтининг олдига **икки** асосий вазифа қўйилади: *биринчидан*, вақтинча тўловга қобилиятсиз, иқтисодий қийинчиликка дучор бўлган тадбиркорлик фаолияти субъектларига муайян қоидалар асосида ўзини ўнглаб олиш ва сўнгра ўз мажбуриятларини бажаришга имкон бериш;

иккинчидан, агар қарздорнинг ўзини ўнглаб олиш имкони йўқ эканлиги аниқланса, у ҳолда уни тугатиш билан боғлиқ жараённи бошлаш ва бу жараёнда кредиторларнинг талаблари энг мақбул даражада таъминлаш.

Банкротлик институти бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётнинг зарур элементи саналади ва у сиз иқтисодий тартиботни ҳам тараққиётни ҳам йўлга қўйиб бўлмайди.

Банкротлик қонунчилигининг мақсади турли давлатларда ҳар хил талқин қилинади. Ўзбекистонда банкротлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш деб белгиланган. Англия қонунчилиги кўпроқ кредиторлар манфаатларига хизмат қилса, АҚШ ва Франция қонунчилиги кўпроқ эса қарздорни соғломлаштиришга қаратилган нормаларни ўз ичига олади. Масалан, Франциянинг банкротлик тўғрисидаги қонунининг 85-98-моддалари айнан қарздорни соғломлаштириш билан боғлиқ[7].

Мустақилликкача бўлган даврда банкротлик институти фуқаролик ва тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда қўлланилмас эди ва бу соҳадаги айрим ишлар маъмурий воситалар билан ҳал этилар эди.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий ва сиёсий мустақилликка эришганидан сўнг бозор муносабатлари жорий этила бошланди. Унинг ажралмас таркибий қисми сифатида, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солиш механизми бўлиб банкротлик институти ҳам шакллана бошлади.

“Банкротлик” италянча “banco rotto” сўзидан олинган бўлиб, том маъноси курсининг (ўриндиқнинг) синиши деб тушунилсада, иқтисодиётда бу сўз қарздорнинг ночор аҳволга тушиб қолиши, инқирози, барбод бўлиши деб ҳам ишлатилади.

Суд томонидан якка тадбиркорни банкрот деб топишнинг ёки якка тадбиркор ўзини банкрот деб эълон қилишининг асослари ва тартиби қонун билан белгиланади.

Банкротлик (иқтисодий ночорлик) – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини тўла ҳажмда қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини тўла ҳажмда бажаришга қодир эмаслигидир. *(“Банкротлик тўғрисида”ги Қонун, 3-модда*).

[7] Butterworths International Insolvency Laws. French Insolvency Laws. / Edited by Wood P. Totty P. – London. 2011.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади. Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахс банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиши мумкин.

Банкротликнинг асосий белгилари ўзгарди, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ночорлиги тушунчалари бир-биридан фарқланди. Мазкур ўзгартиришларни ҳаётнинг ўзи, иқтисодиётда рўй бераётган ислоҳотлар тақозо этмоқда. Шунинг учун, банкротлик институти бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳар қандай мамлакатнинг давлат ҳуқуқий тузилишининг узвий бўғини эканлиги табиийдир.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ёки ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.
(Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, 57-модда).

Қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва (ёки) тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан **уч ой** давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, уни банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Қарздор – пул мажбуриятлари бўйича кредиторларнинг талабларини қондиришга ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.
Кредиторлар – қарздор пул мажбуриятлари бўйича ва (ёки) мажбурий тўловлар мажбуриятини бажариш бўйича қайси юридик ёки жисмоний шахс олдида жавобгар бўлса, айни шу юридик ёки жисмоний шахслар.

Банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар **энг кам иш ҳақининг беш юз каррасини** ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан эса **энг кам иш ҳақининг камида ўттиз каррасини** ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ва банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи банкротлик соҳасини давлат томонидан тартибга солиб борилишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи – Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ва унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармалари ўзларининг ваколатлари доирасида бу борадаги фаолиятни тартибга соладилар.

Банкротлик тўғрисидаги қонунчилик

Банкротлик институти бозор муносабатлари шароитидаги тадбиркорлик рақобати натижаси сифатида ўзининг муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари базасига эга. Бунда айниқса *Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси* ҳамда унинг иқтисодий фаолият олиб боришга оид бўлган нормалари бош ҳуқуқий манба сифатида муҳим аҳамият касб этади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни дастлаб *1994 йил 5 май*да қабул қилинди. Мазкур Қонунда илк марта тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз фаолияти натижалари учун энг аввало ўз кредиторлари олдида жавобгар эканликлари, самарали иш юритмаганликлари учун биринчи навбатда ўз мол-мулклари билан иқтисодий масъулиятга эга эканликлари мустаҳкамланди. Ушбу Қонун банкротлик тушунчасига таъриф бериш билан бирга банкрот деб топишнинг аниқ механизмларини ўрнатди, банкротликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий оқибатларини белгилаб берди. Ушбу дастлабки таҳрирдаги қонун *35* та моддадан иборат эди. Ушбу қонуннинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан *1998 йил 28 август*да қабул қилинди. У *133* та моддадан ташкил топган эди.

Банкротликка оид қонунчилик тизимида амалдаги Ўзбекистон Республикасининг *2003 йил 24 апрел*даги *“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни* (янги таҳрири) етакчи ўрин тутади. Мазкур қонун банкротликка оид муносабатларни махсус ва батафсил тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатдир. Янги таҳрирдаги *“Банкротлик тўғрисида”ги Қонун 1994 йил*даги ва *1998 йил*даги қонунлардан сезиларли даражада ўзига хос қўшимча ва ўзгартиришлар билан фарқланади. Қонуннинг янги таҳрири 12 боб, 192-моддадан иборат

бўлиб, ушбу қонунда аввалгиларидан фарқли равишда банкротликнинг асосий белгилари ўзгарди, юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкротлиги тушунчалари бир-биридан фарқланди. Мазкур ўзгартиришларни ҳаётнинг ўзи ва мамлакатимизда жадаллик билан амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тақозо этмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг банкротлиги билан боғлиқ қоидалар *Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Хўжалик процессуал кодекси, Жиноят кодекси, Солиқ кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва бошқа кодексларда, тадбиркорлик фаолиятига оид бўлган қатор қонунлар, жумладан, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Хўжалик ширкатлари тўғрисида"ги, "Хусусий корхона тўғрисида"ги* ва бошқа қатор қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорларида мустаҳкамланган.

Шунингдек, *"Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида"*ги Қонуни қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлигида уларни санация қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган.

Мамлакатимизда банкротликка оид муносабатларни тартибга солишда Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари муҳим аҳамиятга эга, жумладан *1998 йил 4 мартдаги "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларини бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги, 1999 йил 23 июлдаги "Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида"*ги фармонлари катта рол ўйнайди.

Банкротликка оид муносатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *1999 йил 26 июлдаги "Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида"ги 362-сон, 2009 йил 11 июндаги "Банкротлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни эълон қилишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 160-сон* ва бошқа қарорларини ҳам ҳуқуқий манба сифатида эътироф этиш мумкин.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳамда корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий аҳволи барқарорлиги юзасидан уларнинг раҳбарлари ва мулкдорларининг масъулиятини ошириш, шунингдек сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келинган ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *2013 йил 14 августдаги “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224-сон* Қарори қабул қилинди. Мазкур қоидалар суд бошқарувчиси ва давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан қарздорнинг молиявий-хўжалик фаолиятида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш юзасидан таҳлил қилиш тартибини белгилайди. Ушбу норматив ҳужжат сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш каби ҳаракатлар учун масъул шахсларнинг жавобгарликдан қочиб қолишини истисно этишда муҳим аҳамият касб этади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга ва Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 августдаги “Сохта банкротлик, банкротликни яшириш ва қасддан банкротликка олиб келиш аломатларини аниқлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 224-сон Қарорига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг *“Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2013 йил 8 октябрь 277-сон* қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, суд бошқарувчиларнинг вазифаларига ва уларни аттестациядан ўтказиш талабларига бир қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, ваколатли давлат органлари томонидан бу борада ўнга яқин норматив ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган. *“Корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тўлов қобилиятини тиклаш Намунали режаси”*, *“Банкрот корхонани тугатиш бўйича иш юритувни амалга ошириш тўғрисида Низом”*, ваколатли давлат органининг 2006 йил 15 майдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган *“Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги Низом”* ва бошқалар шундай ҳужжатлар жумласидандир.

Банкротликка оид масалаларни ҳал этишда норматив-ҳуқуқий ҳужжат саналмасада, муҳим рол ўйнайдиган ҳужжат бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасидаги мулкий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллашуви, фуқаролик муносабатларида янги институтларнинг пайдо бўлиши билан вужудга келаётган қийинчиликларнинг ечимини топишда Олий хўжалик суди Пленумининг хўжалик судларига раҳбарий кўрсатмалари (қарорлари)га таянилганида асосли бўлиши мумкин. Шунинг учун, Пленум томонидан қонунларни ва бошқа меъёрий ҳужжатларни қўллаш бўйича ишлаб чиқилган кўрсатмалар нафақат судлар учун, балки иқтисодий муносабатлар иштирокчилари учун ҳам муҳимдир. Ўз навбатида ушбу қарорлар низоларни моддий ва процессуал ҳуқуқ нормалари асосида адолатли ҳал этиш ва суд амалиётининг бир хиллигини таъминлаш, тегишли норматив ҳужжатларини тушуниш ва шарҳлашдаги ноаниқликларни бартараф этиш, суд ҳужжатлари сифатини ошириш, тадбиркорлик ва бошқа иқтисодий фаолиятда қонунбузарликларнинг олдини олиш ҳамда қонунчиликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонунни бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг *2006 йил 27 январдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг хўжалик судлари томонидан қўллашининг айрим масалалари ҳақида”ги 142-сон* қарори қабул қилинган.

Халқаро муносабатларда банкротлик билан боғлиқ масалалар ҳуқуқий тартибга солишда БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи Комиссияси (ЮНСИТРАЛ) томонидан трансчегаравий ночорлик ҳақида Намунавий қонун ишлаб чиқилган. Мазкур қонун давлатларга ўз миллий қонунчилиги тизимига инкорпорация қилиш учун тавсия қилинган (1997 йил 15 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеяси 52/158 резолюцияси).

Банкротликка оид ҳуқуқий институтлар

Банкротликка оид ҳуқуқий институтлар фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар ва тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда алоҳида ўринга эга бўлиб, улар тадбиркорлик фаолияти субъектларининг

банкротлиги билан боғлиқ муносабатларда муайян йўналишларни тартибга солишга қаратилган таомилларни белгилаб беради.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда тадбиркорлик фаолияти субъектлари банкротлиги билан боғлиқ муносабатларда қўлланиладиган таомиллар кўрсатилган. Улар *судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш, кузатув, суд санацияси, ташқи бошқарув, тугатишга доир иш юритиш, келишув битими, соддалаштирилган* таомиллар ҳисобланади.

Кузатув, суд санацияси, келишув битими, ташқи бошқарув ва тугатишга доир иш юритиш юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда амалга ошириладиган таомиллар ҳисобланади. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда эса фақатгина келишув битими ва тугатишга доир иш юритиш каби таомиллар қўлланилади. Судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш суддан ташқари бажариладиган таомиллар жумласига киради.

Судгача санация қилиш

Судгача санация қилиш қарздорнинг банкротлиги тўғрисидаги иш юритиш қўзғатилгунга қадар амалга оширилади ҳамда қарздорнинг тўлов қобилиятини, иқтисодий жиҳатдан қодирлигини тиклаш ҳамда келгусида самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб берилишини ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларга қуйидагилар киради:

- тўлов муддати ўтказиб юборилган қарзларни тўла ёки қисман сотиб олиш;
- ишлаб чиқаришни рақобатбардош маҳсулот чиқаришга мослаб қайта ихтисослаштириш;
- четдан юқори малакали мутахассисларни жалб этиш;
- ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;
- қарздорнинг тўлов қобилияти тикланиши ҳамда фаолиятини давом эттиришидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан молиявий ёрдам кўрсатилиши;
- қарздорнинг фаолиятини давом эттириши учун қарздор билан кредиторлар ўртасида кредиторларга тўланадиган тўловлар муддатини кечиктириш ва (ёки) уни бўлиб-бўлиб тўлаш ёхуд қарзлардан сийлов бериш тўғрисида аҳдлашувга эришишга

қаратилган битим;
- мажбурий тўлов мажбуриятини бажаришни ва кредитларни қайтаришни судгача санация қилиш муддатига кечиктириш;
- қарздор юридик шахсни қайта ташкил этиш.

Банкротликнинг олдини олиш мақсадида қарздорнинг муассислари, бошқарув органи ёки қарздор мол-мулкининг эгаси банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига тақдим этилгунга қадар қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни кўради. Қарздорни молиявий жиҳатдан соғломлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қарздор билан тузилган келишувга асосан кредиторлар ёки бошқа шахслар томонидан ҳам кўрилиши мумкин. Судгача санация қилишни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган органнинг қарори асосида амалга оширилади ва у **ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача** муддатга жорий етилади.

“Банкротлик тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунга кузатув ва суд санацияси каби янги институтлар алоҳида бобларда киритилган.

Банкротлик тўғрисидаги ишни судда кўришга тайёрлаш, уни ҳал этиш

Хўжалик процессуал кодексига кўра банкротлик тўғрисидаги ишлар хўжалик судлари судловига тааллуқлидир.

Аризанинг мазмуни қонунда ўрнатилган талабларга мос бўлиши ҳамда “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига биноан тўпланган ҳужжатлардан ташкил топган иловаларга эга бўлиши керак.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан *қарздор, кредитор ва прокурор* пул мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Мажбурий тўловлар мажбурияти бажарилмаганлиги натижасида эса ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига *қарздор, прокурор, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар* эга.

Ариза юқорида қайд этилган ҳолатлар юзага келган пайтдан эътиборан **бир ой**дан кечиктирмай хўжалик судига юборилиши керак. Ариза ушбу муддатда тақдим этилмаганда, муддат тугаганидан кейин юзага келган қарздорнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича қарздор раҳбарининг, тугатиш комиссияси аъзоларининг ёки тугатувчининг субсидиар жавобгарлигига сабаб бўлади.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза келиб тушган пайтдан эътиборан **беш** кундан кечиктирмасдан аризани қабул қилиш ва банкротлик ишини қўзғатиш ёки аризани қабул қилишни рад этиш ёхуд қайтариш тўғрисидаги масалани ҳал қилади. Ариза иш юритишга қабул қилинган тақдирда ариза келиб тушган кундан эътиборан **ўн кун**дан кечиктирмай кузатувни жорий этиш ҳақидаги масалани ҳал қилади. Аризани иш юритишга қабул қилиш ва кўриб чиқишга тайёрлаш тўғрисидаги ажримда кредиторларнинг талабларини қондиришга доир чора-тадбирлар ҳам кўрсатиб ўтилиши мумкин. Суд амалиётида бу икки масалани бир ажримда кўрсатиб ўтиш одат тусига кирган.

Банкротлик тўғрисидаги аризани тақдим қилиш учун “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси билан ўрнатилган талабларга қуйидагилар киради:

- ариза хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан берилган бўлса;
- иш хўжалик судига тааллуқли бўлса ёки ариза берилган хўжалик суди судловига тегишли бўлса;
- ариза уни имзолашга ҳуқуқи бўлган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- қонунда белгиланган ҳолларда ариза учун давлат божи тўланганлиги, унинг миқдори ва тартиби тўғрисида маълумот;
- ишда иштирок этувчи шахсларга ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлиги тўғрисида маълумот.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган талаблардан бирортаси бузилса ҳам, судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этишга ҳақли. Масалан, агар қарз қарздор томонидан **уч ой**дан кам бўлган муддатда тўланмаган бўлса, ариза қабул қилинмайди ва бу тўғрида ажрим чиқарилади. Мазкур ажрим ХПКнинг 117-моддасига асосан якка тартибда судья томонидан **5 кун**лик муддатда чиқарилади. Аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қайтариш асослари ХПКга асосан қуйидаги умумий тартибда амалга оширилади:

- шакли ва мазмуни “Банкротлик тўғрисида”ги Қонун талабларига риоя этмаган ҳолда тузилган бўлса;
- ариза имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёки мансаб-мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- иш мазкур хўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;
- ишда иштирок этувчи шахсларга ариза ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганлиги тўғрисида маълумот бўлмаса;
- белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;
- аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида аризачидан ариза келиб тушган бўлса.

Аризани қайтариш тўғрисидаги ажримни судья якка тартибда чиқаради, ҳужжатлар аризачига қайтарилади, мазкур ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин. Йўл қўйилган хатолар бартараф етилгандан кейин, ариза қайтадан умумий асосларга кўра хўжалик судига қайта топширилиши мумкин.

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддасида кредиторлар талабларини таъминлашга доир чора-тадбирлар белгилаб берилган. Ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризасига биноан суд кредиторларнинг талабларини қондириш юзасидан чоралар кўришга ҳақли. ХПКнинг 77-моддасида кўрсатиб ўтилган чоралардан ташқари суд ташқи бошқарувчи ёки тугатиш бошқарувчисининг розилигисиз битимлар тузишни таъқиқлаб қўйиши, шунингдек қарздорни қимматли қоғозларни, валюта жамғармаларини ҳамда бошқа

мулкларни сақлаб туриш учун учинчи шахсларга топширишга мажбур қилиши мумкин. Шунингдек қарздорнинг мол-мулкини бутунлигича сақлаб туришга қаратилган бошқа чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақлидир.

Кредиторларнинг талабларини қондиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш ҳақидаги ариза, у келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмасдан кўриб чиқилиши шарт ва унинг натижалари юзасидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажрим чиқарилади. Кўрилган чоралар ташқи бошқарув жорий қилингунга ёки қарздорнинг банкрот деб топилишига ёхуд тугатишга доир иш юритишнинг якунланишига ёки келишув битимининг тасдиқланишига ёки қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар амалда бўлади.

Қарздор беш кунлик муддат ичида хўжалик судига, аризачига ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга мазкур ариза юзасидан ёзма фикрини юборишга, шунингдек аризада кўрсатилмаган барча кредиторларни ўзига нисбатан банкротлик тўғрисида иш қўзғатилганлигидан хабардор қилишга ҳақли, қарздорнинг хўжалик судига юбораётган ёзма фикрига мазкур ёзма фикрнинг нусхаси аризачига ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилиниши керак. қарздорнинг ёзма фикрининг йўқлиги банкротлик ишининг судда кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди. Шунингдек, қарздорнинг эътирозлари йўқ бўлган тақдирда кредиторнинг талаблари асослантирилган деб ҳисобланади.

Судья аризачи томонидан қарздорнинг тўловларни амалга ошира олмаслигини тасдиқловчи, асослантириш учун келтирган далилларини дахлдорлигини текширади. Кредитор томонидан келтирилган талабларни асослантирувчи исботларнинг ҳам дахлдорлик масаласи текширилади. Судья асосли қарор чиқариши учун материаллар етарли эмас деб ҳисобласа, қўшимча далилларни тақдим қилишни талаб этиши мумкин.

Масалан, аризачи Давлат солиқ инспекцияси бўлса, судья нафақа фонди ва меҳнат биржасидан қарздорнинг бу ташкилотлардан қарзи бор йўқлиги ҳақида маълумот тақдим этишини сўрайди.

Судья банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қўйидаги суд ҳужжатларидан бирини қабул қилади:

- қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш

юритишни бошлаш;
- қарздорни банкрот деб топишни рад этиш тўғрисидаги қарор;
- суд санациясини, ташқи бошқарувни жорий этиш ва унинг муддатини узайтириш;
- банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш;
- қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўрмасдан қолдириш;
- келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажрим.

Ишни кўришга тайёрлаш судья томонидан якка тартибда ва ишда иштирок этувчи шахсларга хабар бермасдан амалга оширилади. Ишни кўришга тайёрлашдан кейинги босқич, бу аризачи ёки кредиторларнинг талабларига нисбатан қарздор томонидан келтирилган важларни текширишдир. Умумий асосларда ишни кўришга тайёрлашда важларнинг асослантирилганлиги суд томонидан бевосита низо кўрилаётган пайтда текширилса, банкротлик ишларида важларнинг асослантирилганлиги ишни мазмунан кўриб ҳал қилишдан олдин текширилади. Қарздорнинг важларини текшириш бўйича алоҳида ажрим чиқарилиш-чиқарилмаслиги ҳақида қонунда алоҳида норма белгиланмаган, шунинг учун бу ҳақда қарздор ёки кредиторларни хабардор қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Қарздор важларининг асослилигини текшириш натижалари тегишли кредиторлар йиғилишида овозлар сонини аниқлашга асос бўлиши мумкинлиги учун, суд бу важларни мазкур мажлиснинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтгунга қадар текшириши лозим, чунки “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ кредиторларнинг биринчи йиғилиши ишни судда мазмунан кўриб ҳал қилинишидан олдин ўтказилиши керак. Қарздорнинг важларини текшириш натижасида юзасидан суд томонидан ажрим чиқарилади, унинг устидан шикоят келтирилиши мумкин эмас, чунки бу ҳақда ХПК ва “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда кўрсатиб ўтилмаган.

Бундан ташқари, қарздорнинг молиявий аҳволини аниқлаш учун ва ишни кўришга тайёрлашда, ишни кўришда махсус билимларни талаб қиладиган саволларни тушунтириб бериш учун хўжалик суди экспертиза тайинлайди. Экспертиза нафақат ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра, балки хўжалик судининг топшириғига асосан ҳам тайинланиши мумкин, чунки бу хўжалик процессуал ҳуқуқи нормаларига зид эмас.

Банкротлик тўғрисидаги иш умумий тартибда кўрилганда қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул қилинганлиги ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан **икки ой**дан ортиқ бўлмаган муддатда кўриб чиқилади. Алоҳида ҳоллардагина ишни кўриш **икки ой**дан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Судья қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилаётган вақтда кузатувни жорий этиш ва муваққат бошқарувчини тайинлаш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Кузатув

Кузатув институтининг жорий этилишидан кўзланган мақсад кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилиш, қарздор мол-мулкини талон-тарож қилинишини олдини олиш ва қонунда белгиланган ваколатларни амалга оширишдан иборат.

Кузатув банкротлик тўғрисидаги иш қўзғатилганда хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани иш юритишига қабул қилинган санадан эътиборан жорий этилади ва бу ҳақда суд ажримида кўрсатилади.

Кузатув жорий этилган пайтдан бошлаб мулкий ундирувлар бўйича ижро ҳужжатларини ижро этиш қонунда белгиланган тартибда тўхтатиб турилади; қарздор юридик шахснинг муассислари (иштирокчилари) унинг таркибидан чиқиб кетиши муносабати билан қарздорнинг мол-мулкидан улушни (пайни) ажратиш ҳақидаги талабларини қондириш ва эмиссия қимматли қоғозлари бўйича дивидендлар ва бошқа тўловлар тўлаш таъқиқланади; муқобил бир хилдаги талабни ҳисобга олиш йўли билан қарздорнинг пул мажбуриятларини тугатишга, башарти бунда кредиторларнинг талабларини қондириш навбати бузилса, йўл қўйилмайди.

Кузатув жорий этилганда қарздор бошқарув органларининг қонунда белгиланган айрим ваколатлари чекланади.

Масалан, *қарздорнинг бошқарув органлари кўчмас мол-мулкни ижарага, гаровга бериш билан ёки шу мол-мулкни бошқа усулда тасарруф этиш ва қарздорнинг баланс қиймати қарздор активлари баланс қийматининг ўн фоиздан кўпроғини ташкил этадиган мол-мулкини тасарруф этиш билан боғлиқ битимларни; заёмлар (кредитлар) олиш ва бериш, кафолат хатлари ва кафолатлар бериш, талаб қилиш ҳуқуқларидан ўзга шахс фойдасига воз кечиш, қарзни бошқа шахсга ўтказиш, шунингдек қарздорнинг мол-мулкини ишончли бошқариш шартномасини тузиш билан боғлиқ битимларни фақат муваққат бошқарувчининг ёзма розилигига биноан тузишлари мумкин. Шунингдек, улар қарздорни қайта ташкил этиш ва тугатиш; юридик шахсни тузиш ёки бошқа юридик шахснинг иштироки; ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш; дивидендлар тўлаш ёки*

қарздорнинг даромадини (фойдасини) унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимлаш; қарздор томонидан облигациялар ва бошқа эмиссия қоғозларини (акциялардан ташқари) жойлаштириш; илгари чиқарилган акцияларни акциядорлардан сотиш олиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилишга ҳақли эмас.

Кузатув жорий этилиши муносабати билан хўжалик судининг ажрими билан муваққат бошқарувчи тайинланади. Унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунда аниқ белгилаб қўйилган. Жумладан, муваққат бошқарувчи қарздорнинг мол-мулки бут сақланишини таъминлаш чораларини кўриши; унинг молиявий аҳволини таҳлил қилиши; кредиторларни аниқлаши; кредиторларнинг талаблари реестрини юритиши; қарздорга нисбатан кузатув жорий этилгани ҳақида кредиторларни хабардор қилиши; кредиторларни биринчи йиғилишини чақириши ва ўтказиши шарт.

Хўжалик суди томонидан қарздор банкрот деб топилганда ва тугатишга доир иш юритиш бошланган ёки суд санацияси ёхуд ташқи бошқарув жорий этилган ёки келишув битими тасдиқланган пайтдан эътиборан кузатув тугатилади.

Суд санацияси

Кузатув жараёнида қарздор, қарздор муассислари (иштирокчилари) ёки қарздор мол-мулкининг эгаси, шунингдек учинчи шахс (шахслар) суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимоснома билан кредиторлар йиғилишига ёхуд бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли.

Суд санацияси – хўжалик суди томонидан қарздор юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш ҳамда кредиторлар олдидаги қарзини узиш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини санация қилувчи бошқарувчига ўтказмаган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомилидир.

Қарздорнинг суд санациясини жорий этиш ҳақидаги илтимосномасига суд санациясининг таклиф қилинаётган муддати ва қарзни узиш жадвали кўрсатилган ҳолда қарздорнинг суд санацияси режаси илова қилинмоғи лозим.

Хўжалик суди томонидан суд санацияси жорий этиш тўғрисида ажрим чиқарилади. Унда суд санациясининг муддати, суд томонидан тасдиқланган қарзни узиш жадвали, мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар ҳақидаги, бундай таъминотнинг миқдори ва шакллари, санация қилувчи бошқарувчини тайинлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдори ҳақидаги маълумотлар бўлиши лозим.

Мазкур ажрим устидан шикоят (протест) берилиши мумкин.

Суд санацияси жорий этиш қуйидаги оқибатларга олиб келади:

- кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари қабул қилинган чоралар бекор қилинади;
- қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида жорий этилиши мумкин;
- суд санацияси пайтида юзага келган пул мажбуриятларини ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун неустойка ва бошқа иқтисодий санкциялар, тўланиши лозим бўладиган фоизлар қўлланилмайди.

Суд санацияси кўпи билан **йигирма тўрт ойлик** муддатга жорий этилади, бу муддат мажбуриятларни бажариш таъминотини берган шахслар кредиторларнинг талабларини қондириш учун хўжалик суди томонидан кўпи билан **олти ой**га узайтирилиши мумкин.

Суд санацияси жорий этилганда кузатувдаги сингари қарздор ва унинг бошқарув органлари қонунда белгиланган айрим битимларни тузишга ва бошқа ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Суд санацияси жорий қилинганда хўжалик суди томонидан санация қилувчи бошқарувчи тайинланади.

Санация қилувчи бошқарувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қонун ҳужжатларида белгиланган.

Суд санацияси муддатидан илгари тамомланиши ёки тугатилиши мумкин. Улар бир-биридан фарқ қилади. Кредиторларнинг қарзни узиш жадвалида назарда тутилган барча талаблари суд санациясининг белгиланган муддати ўтишидан олдин қарздор томонидан қаноатлантирилганда қарздорнинг раҳбари суд санацияси муддатидан илгари тамомланганлиги ҳақида хўжалик судига ҳисобот тақдим этади. Хўжалик суди мазкур ҳисоботни ва кредиторларнинг шикоятларини кўриб чиқиб, агар узилмаган қарз қолмаганлиги аниқланган, кредиторларнинг шикоятлари эса асоссиз деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлайди ва банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тўхтатади; агар узилмаган қарз борлигини аниқлаган ва кредиторларнинг шикоятлари асосли деб топилган бўлса, қарздор раҳбарининг ҳисоботини тасдиқлашни рад этади

ҳамда булар ҳақида шикоят (протест) қилиниши мумкин бўлган ажрим чиқаради.

Суд санациясини муддатидан илгари тугатиш учун эса қуйидагилар асос бўлади: кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг қарзни узиш жадвалида белгиланган муддатлари суд санацияси жараёнида қарздор томонидан бир неча марта ёки бир марта жиддий равишда (**бир ой**дан ортиқ муддатга) бузилганлиги; қарздор қарзни узиш жадвалини бажаришга қодир эмаслигидан далолат берувчи ҳолатларнинг мавжудлиги. Хўжалик судига суд санациясини муддатидан илгари тугатиб, ташқи бошқарувни жорий этиш ёки қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш ҳақида илтимоснома билан кредиторлар йиғилиши мурожаат қилиши мумкин.

Суд санацияси, шунингдек белгиланган муддат тугаши муносабати билан ҳам тамомланади. Суд санациясининг тамомланиши тўғрисидаги масала суд мажлисида кўриб чиқилади ва бу ҳақда хўжалик судининг тегишли суд ҳужжати қабул қилинади.

Банкротлик тўғрисидаги қонунда мажбуриятларнинг таъминот берган шахслар томонидан бажарилиши, таьминотдан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш якунлари тўғрисидаги ҳисобот ҳамда таъминот берган шахсларнинг мажбуриятларни бажармаслиги оқибатлари ҳам батафсил ёритилган.

Ташқи бошқарув

Кредиторлар йиғилишининг илтимосномаси, мол-мулкида давлат улуши бўлган корхоналар бўйича эса банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклашнинг ҳақиқий имкониятлари аниқланган ҳолларда хўжалик суди томонидан **ўн икки ойдан йигирма тўрт ой**гача бўлган муддатга жорий этилди.

Ташқи бошқарув - хўжалик суди томонидан юридик шахсга нисбатан унинг тўлов қобилиятини тиклаш мақсадида қарздорнинг ишларини бошқариш ваколатларини ташқи бошқарувчига ўтказган ҳолда қўлланиладиган банкротлик таомилдир.

Ташқи бошқарув жорий этиш таомилининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, шу пайтдан бошлаб қарздорнинг раҳбари ўз вазифаларини бажаришдан четлаштирилади, қарздорнинг ишларини бошқариш ташқи бошқарувчининг зиммасига юклатилади,

қарздорнинг бошқарув органлари ваколатлари тугатилади, кредиторларнинг талабларини таъминлаш юзасидан илгари кўрилган чора-тадбирлар бекор қилинади, қарздорнинг мол-мулкини хатлаш ва қарздорга нисбатан унинг ўзига тегишли мол-мулкни тасарруф этиш борасидаги ваколатларини бошқача тарзда чекловлар фақат банкротлик таомили доирасида қўлланилади, қарздорнинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар юзасидан кредиторлар талабларининг қондирилишига нисбатан мораторий жорий қилинади.

Ташқи бошқарув режасида қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан қуйидаги чора-тадбирлар назарда тутилади:

- ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;
- норентабел ишлаб чиқаришларни ёпиш;
- дебиторлик қарзларини ундириш;
- қарздор мол-мулкини бир қисмини сотиш;
- қарздорнинг талабидан ўзганинг фойдасига воз кечиш;
- учинчи шахсларнинг қарздорнинг мажбуриятларини бажариши;
- қарздорнинг қўшимча акцияларини жойлаштириш;
- қарздорнинг корхонасини (бизнесини) мулкий мажмуа сифатида сотиш;
- қарздорнинг активлари ўрнини алмаштириш.

Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан ташқи бошқарувни жорий этиш билан бир пайтда тайинланади ва бу ҳақда ажрим чиқарилади. Бунинг имкони бўлмаса, хўжалик суди ташқи бошқарувчини ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан эътиборан **бир ой**лик муддат ичида тайинлайди. Ташқи бошқарувчи тайинланганидан **бир ой**лик муддат ичида ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этади.

Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг ташқи бошқарув режасини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб, унда белгиланган ташқи бошқарув муддати дастлабки муддатдан ортиқ бўлганда, агар ташқи бошқарув муддатини узайтириш ёки ташқи бошқарувнинг тасдиқланган режасини амалга ошириш қарздорнинг тўлов қобилиятини тикланишига олиб келишига этарли асослар бўлган тақдирда ташқи бошқарув муддатини узайтириш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ташқи бошқарувчининг кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ҳисоботи ва кредиторлар йиғилишининг баённомаси

кредиторлар йиғилиши ўтказилган санадан кейин **беш кун**дан кечиктирилмасдан хўжалик судига юборилади. Ҳисобот ва бу юзасидан кредиторларнинг шикоятлари хўжалик суди томонидан мажлисда кўриб чиқилади.

Хўжалик суди кредиторлар йиғилишининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги илтимосномаси бўлганда, шунингдек, ташқи бошқарувчининг ҳисоботини тасдиқлаш рад етилганда ёки ҳисобот ташқи бошқарувнинг белгиланган муддати тугаган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тақдим этилмаганда ёхуд ҳисоботни кўриб чиқиш натижалари юзасидан суд томонидан бирор бир қарор қабул қилинмаган бўлса, қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарорда, шунингдек ташқи бошқарувчини тайинлаган тартибда тугатиш бошқарувчисини тайинлайди.

Келишув битими ва уни тузиш тартиби

Хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишнинг ҳар қандай босқичида қарздор ва кредиторлар келишув битими тузишга ҳақлидирлар. Келишув битимини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш, уни тузиш тартиби, шакли ва мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, ҳақиқий эмаслиги ва оқибатлари қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Келишув битими хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак, бу ҳақда банкротлик тўғрисидаги иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримда кўрсатиб ўтилади.

Ташқи бошқарув жараёнида хўжалик суди томонидан келишув битимининг тасдиқланиши кредиторлар талабларининг қондирилишига жорий этилган мораторий ҳамда банкротлик тўғрисида иш юритишнинг тугатилиши учун асос бўлади. Агар келишув битими хўжалик суди томонидан тугатишга доир иш юритиш даврида тасдиқланган бўлса, хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ижро этилмаслиги керак.

Банкрот корхонани тугатиш

Тугатишга доир иш юритиш муддати **бир йил**дан ошмаган муддатда амалга оширилади. Бу муддат зарурат бўлганда суднинг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Тугатишга доир иш юритиш мобайнида қарздорнинг тўлов қобилияти тикланишига этарли асослар, яъни молиявий таҳлил маълумотлари билан тасдиқланган асослар пайдо бўлса ва қарздорга нисбатан суд санацияси ва (ёки) ташқи бошқарув таомили жорий этилмаган бўлса, тугатиш бошқарувчиси мазкур ҳолатлар аниқланган пайтдан эътиборан бир ойлик муддат ичида тугатишга доир иш юритишни тугатиш ва ташқи бошқарувга ўтиш ҳақидаги илтимоснома билан хўжалик судига мурожаат этиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш мақсадида кредиторлар йиғилишини чақиришга мажбурдир.

Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тамомланганидан кейин тугатишга доир иш юритишни ўтказиш натижалари ҳақидаги ҳисоботни хўжалик судига тақдим этади.

Хўжалик суди ҳисоботни кўриб чиқиб, тугатишга доир иш юритиш тамомланганлиги ҳақида ажрим чиқаради ва тугатиш бошқарувчиси зиммасига бу ажримни юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга **ўн кун** ичида тақдим этиш мажбуриятини юклайди.

Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув ажрим тақдим этилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай киритилади. Бу пайтдан бошлаб, тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тугатилган, тугатишга доир иш юритиш тамомланган, қарздор эса тугатилган ҳисобланади.

Банкротликнинг соддалаштирилган таомиллари

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилларига янги таҳрирдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг 11-бобида кўрсатиб ўтилган тугатилаётган ва ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги киради.

Хўжалик суди томонидан молия-хўжалик фаолиятини **олти ой** мобайнида амалга оширмаётган (банк ҳиобварақлари бўйича **уч ой** мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдо-воситачи корхоналар), шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатда ўз устав жамғармаларини шакллантирмаган юридик шахслар тугатилиши мумкин.

Мазкур юридик шахсларнинг тугатиш жараёнида унинг мол-мулки қиймати кредиторларнинг талабларини қондириш учун этарли бўлмаса, тугатиш комиссияси (тугатувчи) ушбу юридик шахсни

банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиши ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли чораларни кўриши учун давлат солиқ хизмати органларига мурожаат этиши шарт.

Тугатилаётган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кредиторлик қарзининг миқдоридан қатъий назар берилиши керак. Ушбу ҳолатда хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор қабул қилинади, тугатишга доир иш юритиш бошланади ҳамда тугатиш бошқарувчиси тайинланади.

Тугатилаётган юридик шахснинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди. Кредиторлар тугатилаётган юридик шахсга бўлган ўз талабларини тугатилаётган юридик шахсни банкрот деб топилганлиги тўғрисидаги эълон чоп этилган пайтдан бошлаб **бир ой**лик муддат ичида тақдим этишга ҳақли.

Агар юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатда тугатиш комиссияси хўжалик судига мурожаат қилмаган бўлса, бу юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига юридик шахс тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритишни рад этиш учун асос бўлади.

Шунингдек, тугатилаётган юридик шахсни қонунда белгиланган ҳолатда банкрот деб топиш тўғрисида хўжалик судига мурожаат қилиш талабини бузилишига йўл қўйган тугатиш комиссиясининг раиси ёки тугатувчи тугатилаётган юридик шахснинг пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлари юзасидан қондирилмаган талаблар бўйича субсидиар жавобгар бўлади.

Банкротликнинг соддалаштирилган таомилига ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги ҳам киради.

Ҳозир бўлмаган қарздор деганда ўз фаолиятини тугатган якка тартибдаги тадбиркор ёки тугатилаётган юридик шахснинг раҳбари ҳозир бўлмаган ва уларнинг турган жойини (яшаш жойини) аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолат тушунилади.

Бу ҳолатда юридик шахс мажбурий тарзда эмас, балки ихтиёрий равишда тугатилаётган бўлади. Шунинг учун ҳам банкротлик таомилларининг ҳозир бўлмаган қарздорга нисбатан тўлиқ ҳажмда қўлланилиши мажбурий шарт қилиб белгиланмаган. Ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза кредиторлик қарзининг миқдоридан қатъий назар кредитор, банкротлик тўғрисидаги ишлар буйича давлат органи, солиқ хизмати органи ёки

бошқа ваколатли орган, шунингдек прокурор томонидан берилиши мумкин.

Хўжалик суди ҳозир бўлмаган қарздорни банкрот деб топиш ҳақидаги аризани ўз иш юритувига қабул қилиб олган кундан эътиборан **икки ҳафта**лик муддат ичида қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлигида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув таомиллари қўлланилмайди. Хўжалик судининг қарори банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига юборилади, бу орган мазкур қарорни олган кундан эътиборан бир ҳафталик муддат ичида хўжалик судига тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этади. Бундай номзод бўлмаган тақдирда хўжалик суди тугатиш бошқарувчисини банкротлик тўғрисидаги ишлари бўйича давлат органи ходимлари орасидан тайинлаши мумкин.

Тугатиш бошқарувчиси ўзи аниқлаган барча кредиторларни ҳозир бўлмаган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, улар бу хабарни олган кундан эътиборан **бир ой**лик муддат ичида тугатиш бошқарувчисига ўз талабларини тақдим этишлари мумкин. Тугатиш бошқарувчиси ҳозир бўлмаган қарздорнинг мол-мулкини аниқлаган тақдирда, хўжалик суди унинг илтимосномасига биноан банкротликнинг соддалаштирилган таомилини бекор қилиш ҳамда ушбу қонунда назарда тутилган банкротликнинг умумий таомилига ўтиш тўғрисида ажрим чиқариши мумкин.

Хўжалик судлари амалиёти шуни кўрсатадики, ушбу тоифадаги ишларнинг кўпчилигида аризачи - бу давлат солиқ хизмати органларидир. Ушбу ҳолатда солиқ органлари ўз аризаларига тадбиркорлик фаолияти субъекти ёки унга тегишли мол-мулкнинг юридик манзил ёки охирги рўйхатга олинган ерда йўқлигини тасдиқловчи ва турар жойнинг эгаси, маҳалла қўмитаси ёки бинолардан фойдаланиш бошқармаси томонидан тасдиқланган далолатномаларни илова қиладилар. Шунингдек қарздор якка тартибдаги тадбиркор ёки амалда ўз фаолиятини тугатган қарздор юридик шахснинг раҳбари қаерда эканлигини аниқлашнинг имкони йўқлигини тасдиқловчи далиллар, (масалан, Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтмаганлиги ҳақида манзилгоҳлар бюросидан маълумотнома) ёки турар жойидан, рўйхатга олинган жойда

яшамаслиги ҳақида солиқ ва бошқа ваколатли орган вакиллари томонидан тузилган ва тегишлича маҳалла қўмитаси томонидан тасдиқланган далолатномалар илова қилинади.

Айрим тадбиркорлик фаолияти субъектлари банкротлигининг хусусиятлари

“Банкротлик тўғрисида”ги Қонуннинг алоҳида боблари шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхоналарнинг банкротлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги, банкларнинг банкротлиги, суғурталовчининг банкротлиги, қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги масаласини кўзда тутади. Бу тоифаларга кирувчи шахсларнинг банкротлиги масаласи кўрилганда уларнинг ҳар бирининг ўзига хос белгилари борлиги яққол кўзга ташланади.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона деганда, ходимлари уларнинг оила аъзоларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда тегишли аҳоли пункти аҳолисининг камида ярмини ташкил этувчи ёки ходимларининг сони камида уч минг киши бўлган ёхуд давлатнинг мудофаа қобилияти ва хавфсизлиги сақлаб турилишини таъминловчи ёки табиий монополиялар субъекти бўлган юридик шахс тушунилади.

Бундай корхона банкротлиги тўғрисидаги иш, агар қарздор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаса, ҳамда бундай талаб ва мажбуриятлар **олти ой** ичида бажарилмаган бўлса, башарти қарздорга нисбатан билдирилаётган талаблар **энг кам иш ҳақининг беш минг карраси** миқдорини ташкил этса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда тегишли давлат ҳокимияти органи ва тегишли вазирлик, давлат қўмитаси, идора хўжалик бошқарув органи ишда иштирокчи шахс сифатида эътироф этилади. Бундай корхонага нисбатан хўжалик суди томонидан ташқи бошқарув кредиторлар йиғилишининг қарори асосида, бундай қарор бўлмаса, маҳаллий давлат ҳокимияти органининг ёки вазирлик, давлат қўмитаси, идоранинг ва хўжалик бошқаруви органининг илтимосномасига биноан, улар қарздорнинг мажбуриятлари юзасидан таъминот берган тақдирда, жорий этилиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи қарздор корхона ҳамда унга тенглаштирилган қарздор корхона ташқи бошқарув чоғида кредиторларнинг талабларини қондириш мақсадида мулкий мажмуа сифатида сотилиши мумкин. Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхонани сотиш танлов ёки аукцион ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги корхонаси деганда, қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги ва юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиги, шунингдек фаолиятининг асосий тури товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотини этиштиришдан иборат бўлган бошқа юридик шахслар тушунилади.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатилгунга қадар уларга нисбатан *“Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида* белгиланган тартибда судгача санация қилиш қўлланилиши мумкин. Судгача санация қилиш муддати мобайнида табиий офатлар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар туфайли қишлоқ хўжалиги корхонасининг ишлаб чиқаришида пасайиш ва молиявий аҳволида ёмонлашиш содир бўлган бўлса, судгача санация қилиш *ўн икки ой*га узайтирилиши мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхонасида кузатув, суд санацияси ва ташқи бошқарув этиштирилган товар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилиш учун зарур вақтни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ишларининг тегишли даври тугагунга қадар бўлган муддатга жорий этилади. Бунда кузатув таомили муддати **уч ой**дан, суд санацияси ва ташқи бошқарув жами муддати эса **ўттиз олти ой**дан ошмаслиги лозим. Бу муддат қонунда белгиланган ҳолатларда **ўн икки ой**га узайтирилиши мумкин.

Банкрот деб топилган қишлоқ хўжалиги корхоналарига тегишли бўлган мол-мулк ким ошди савдосига мулкий мажмуа сифатида сотишга қўйилмоғи лозим.

Қарздорнинг мол-мулкини сотиб олишда имтиёзли ҳуқуққа, шунингдек ерга эгалик қилиш ҳуқуқига қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш билан шуғулланаётган ва қарздорнинг ер участкасига бевосита туташ ер участкасига эгалик қилувчи шахслар эга бўладилар.

Банкни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия қайтариб олинганидан кейингина хўжалик суди томонидан қабул қилинади.

Банкларга нисбатан ташқи бошқарув жорий қилинмайди. Банкнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди ҳам ишда иштирок этувчи шахслар деб ҳисобланади.

Суғурталовчининг банкротлигига доир иш кўрилаётганда шуни унутмаслик керакки, қонунда кўрсатиб ўтилган ишда иштирок этувчи шахслардан ташқари суғурта фаолияти устидан назорат қилувчи давлат органи ҳам ишда иштирок этувчи шахс деб ҳисобланади.

Суғурта ташкилотига тегишли мулкий мажмуани сотиш ташқи бошқарув жараёнида ҳам амалга оширилиши мумкин. Ушбу ташкилотнинг мулкий мажмуасини сотиб олиш ҳуқуқи фақатгина суғурта ташкилотларига тегишлидир. Суғурталовчининг мулкий мажмуаси ташқи бошқарув жараёнида сотилган тақдирда суғурталовчининг мулкий мажмуаси сотилаётган санадаги суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномалари бўйича барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуани сотиб олган шахсга ўтади.

Тугатишга доир иш юритиш ўтказилаётганда суғурталовчининг мулкий мажмуаси сотиб олувчи фақат суғурталовчи банкрот деб топилган санага қадар суғурта ҳодисаси юзага келмаган суғурта шартномаларини ўз зиммасига олишга рози бўлганда сотилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари бўлмиш шахсларнинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи ҳам хўжалик судлов ишида иштирок этувчи шахс ҳисобланади.

Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчиларининг банкротлиги тўғрисидаги иш бўйича суд бошқарувчиси мазкур фаолиятни амалга ошириши учун суд бошқарувчиси сифатида аттестациядан ўтиши, шунингдек унда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия бўлиши керак.

Якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг хусусиятлари

“Банкротлик тўғрисида”ги қонунга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркор банкротлигининг асосий белгиси банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан жами талаблар **энг кам иш ҳақининг ўттиз каррасини** ташкил этиши ва ушбу мажбурият вақти келгандан кейин **3 ой** муддат ичида амалга оширилмаганлигидир.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза хўжалик судига қарздор, якка тартибдаги тадбиркор, кредитор, прокурор, шунингдек давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар томонидан берилиши мумкин.

Қарздор - якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига кредиторлар ҳам эга, ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги, алиментларни ундириш тўғрисидаги талаблар, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талаблар қўядиган кредиторлар бундан мустасно.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш таомили амалга оширилаётган пайтда ҳаёти ёки соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, алиментларни ундириш тўғрисидаги талабларни, шунингдек шахсий хусусиятдаги бошқа талабларни қўяётган кредиторлар ўз талабларини тақдим этишга ҳақли. Мазкур кредиторларнинг талаблари, агар улар банкротлик таомили қўлланилаётганда билдирилмаган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкротлиги таомили тугаганидан кейин ҳам ўз кучини сақлаб қолади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарзларни тўлаш режаси илова қилиниши мумкин, режанинг нусхалари кредиторларга ва ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга жўнатилади.

Кредиторларнинг эътирози бўлмаса, хўжалик суди қарзларни узиш режасини тасдиқлаши мумкин, бу эса банкротлик тўғрисидаги иш юритилишини узоғи билан **икки ой**гача бўлган муддатга тўхтатиб туриш учун асос бўлади.

Қарзларни узиш режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- режани амалга ошириш муддати;
- қарздор ёки унинг оила аъзоларига истеъмоли учун ҳар ойда

қолдириладиган сумма миқдори;

- кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун ҳар ойда юбориш мўлжалланаётган сумма миқдори.

Хўжалик суди банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан қарзларни тўлаш режасини ўзгартириши, шу жумладан уни амалга ошириш муддатини узайтириши ёки қисқартиришга, қарздор ёки унинг оила аъзолари истеъмоли учун ҳар ойда қолдириладиган сумма миқдорини кўпайтиришга ёки камайтиришга ҳақлидир.

Агар қарздор якка тартибдаги тадбиркор қарзларни узиш режасини бажариши натижасида кредиторларнинг талаблари тўла ҳажмда қаноатлантирилган бўлса, банкротлик тўғрисидаги иш юритиш тугатилиши керак.

Қарздор банкрот деб топилган тақдирда тугатишга доир иш юритиш бошланади. Якка тартибдаги тадбиркорларнинг тугатиш массасига қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулклар киритилмайди. Хўжалик суди қарздорнинг ҳамда банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг асослантирилган илтимосномасига биноан якка тартибдаги тадбиркорнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлган, ноликвид мол-мулкларни ёки реализация қилинганда тушган даромад кредиторларнинг талабларини қондиришга моҳиятан таъсир этмайдиган мол-мулкини тугатиш массасидан чиқаришга ҳақли. Якка тартибдаги тадбиркорнинг тугатиш массасидан чиқариладиган мол-мулкининг умумий қиймати энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан ортиқ бўлмаслиги керак. Бундай мол-мулкнинг рўйхати хўжалик суди томонидан тасдиқланиб, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш билан бир пайтда якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини хатлаб қўяди, қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувни қаратиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Қарздорнинг пул мажбуриятлари бажарилиши хусусида учинчи шахслар томонидан асослантирилган кафиллик берилган ёки бошқа кафолатланган таъминот тақдим этилган тақдирда хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорнинг илтимосномасига биноан якка тартибдаги тадбиркорнинг мол-мулкини (мол-мулкининг бир қисмини) хатловдан чиқариши мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасига биноан хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркор кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиши ёки келишув битимига эришиши учун банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни узоғи билан бир ой муддатга кейинга қолдириши мумкин. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганлиги тўғрисидаги далиллар ёки келишув битими тақдим қилинмаган тақдирда, суд якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ҳамда тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Якка тартибдаги тадбиркор банкрот деб топилган вақтдан бошлаб:

- қарздорнинг пул мажбуриятларини бажариш муддати бошланган деб ҳисобланади;
- қарздорнинг барча мажбуриятлари бўйича неустойка (жарима, пеня), фоизлар ҳисоблаш ва бошқа иқтисодий (молиявий) санкциялар бекор қилинади;
- қарздордан барча ижро ҳужжатлари буйича ундирувлар ҳам бекор қилинади, алиментлар ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича, шунингдек ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги талаблар бўйича ижро ҳужжатлари бундан мустасно.

Якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарорни хўжалик суди аниқланган барча кредиторларга улар ўз талабларини тақдим этадиган муддатни кўрсатган ҳолда жўнатади, бу муддат икки ойдан ошмаслиги керак. Хўжалик судининг ана шундай қарорини юбориш якка тартибдаги тадбиркор ҳисобидан амалга оширилади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилган пайтдан бошлаб унинг якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ўз кучини йўқотади, шунингдек фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун унга берилган лицензияларнинг амал қилиши тугатилади.

Хўжалик суди якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарор нусхасини айни шу шахсни якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олган орган ва лицензияловчи органга юборади. Хўжалик судининг қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисидаги қарори ҳамда ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро

варақаси қарздорнинг мол-мулки сотилишини амалга ошириш учун суд ижрочисига юборилади.

Қарздор якка тартибдаги тадбиркорнинг кўчмас мол-мулкини ёки қимматли кўчар мол-мулкини доимий бошқарув зарур бўлганда хўжалик суди мазкур мақсадлар учун тугатиш бошқарувчисини тайинлайди ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайди. Бу ҳолларда, қарздор якка тар-тибдаги тадбиркорнинг мол-мулки тугатиш бошқарувчиси томонидан сотилади. Қарздорнинг мол-мулкини сотишдан тушган, шунингдек мавжуд нақд пул маблағлари якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорни қабул қилган хўжалик судининг депозитига киритилади.

Кредиторларнинг билдирилган талаблари асосида хўжалик суди кредиторларнинг талабларини қондириш тартиби ва миқдори тўғрисида ажрим чиқаради. Аввал банкротлик ишини кўриш ва хўжалик судининг якка тартибдаги тадбиркорни банкрот деб топиш тўғрисидаги қарорини бажариш билан боғлиқ харажатлар қопланади, кейинги ўринда бюджетга мажбурий тўловлар, гаров билан таъминланган талаблар ва бошқалар қопланади.

Кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тугаганидан кейин суд ҳаракатлари амалга оширилаётган пайтда кредиторлар томонидан қўйилган талаблардан озод этилади. Ҳаёт ёки соғликка зарар етказиш, алимент ундириш тўғрисидаги талаблар банкротлик иши тугатилгандан кейин ҳам қўйилиши мумкин. Агар қарздор мулкини яширганлиги ёки уни ноқонуний равишда учинчи шахсларга берганлиги факти аниқланса, суд ҳаракатлари давомида талаблари қондирилмаган кредиторлар ундирувни ушбу мол-мулкка қаратилишини сўраб мурожаат қилишга ҳақли.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатга мувофиқ, уларни тайинлаш тартибини тушунтиринг.

2. Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органига тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги материалларни тақдим этиш тартибини изоҳланг.

3. Apples АЖ ҳамда Agro Food ХК ўртасида 2013 йил 25 декабрда маҳсулотини етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Apples АЖ 2015 йил 10 апрелда хўжалик судига мурожаат қилиб, Agro Food ХКни маҳсулот етказиб бериш шартномаси юзасидан келиб чиққан

қарзлар ва бошқа кредиторлар олдидаги қарзлари 80.000.000 сўмни ташкил этганлиги ва у бу қарзларни ўз вақтида тўламаганлиги учун банкрот деб топишни сўраган.

Суд мажлисида Agro Food ХК вакили корхонага нисбатан суд санацияси жорий қилиш ҳақида илтимоснома тақдим қилган.

- *Хўжалик суди томонидан банкротлик ишини қўзғатиш учун қандай банкротлик аломатлари мавзуд бўлиши лозим?*
- *Банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига кимлар мурожаат қилиши мумкин?*
- *Суд томонидан кузатув жорий қилишнинг хусусиятлари ва унинг оқибатларини нималардан иборат?*
- *Суд санацияси жорий этиш ҳақидаги илтимоснома тақдим этиш, суд санациясини жорий қилиш тартибини ёритинг.*
- *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

4. ШОҲ МЧЖга нисбатан 24 ойга суд санацияси таомили жорий қилинди. Кредиторлар талаби билан 20 ойдан сўнг 18 ойга ташқи бошқарув жорий этиш сўралди. Лекин, ваколатли орган томонидан қарздор ўз мажбуриятларини вақтида бажармаётганлиги учун 12 ойга ташқи бошқарув жорий этишни сўради. Кредиторлардан бири Давлат солиқ инспекцияси келишув битими тузишни таклиф қилди.

- *Судгача қўлланиладиган таомилларнинг мазмунига тўхталинг.*
- *Судгача санация қилишнинг моҳиятини тушунтиринг.*
- *Судгача санация қилишда келишув битими тузиш мумкинми?*
- *Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.*

V БОБ. Тадбиркорлик фаолиятининг мулкий асослари

Мулк ҳуқуқи тадбиркорлик фаолиятининг асоси сифатида. Хусусий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини юритиш. Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг хусусиятлари. Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки объектлари: асосий воситалар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, номоддий неъматлар.

Ҳиндистоннинг "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қандай мулкий асослар мавжудлиги, Ўзбекистонда хусусий мулкни ҳуқуқий таъминлаш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари, хусусий мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ давлат органи ва унинг ушбу соҳасидаги ваколатлари каби мавзуларда маълумот тайёрлаб беришни сўради.

Мулк ҳуқуқи тадбиркорлик фаолиятининг асоси сифатида

Тадбиркорликнинг иқтисодий манбалари хусусий мулк ва оммавий (давлат) мулк шаклларидан ташкил топади.

Фуқаролик кодексининг 167-моддасига биноан Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хусусий ва оммавий мулк шакллари ташкил этади.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин. *(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси)*

Ўтмишда жамиятнинг иқтисодий негизини асосан социалистик мулкнинг икки хил шакли, яъни давлат ва колхоз-кооператив мулки ташкил этар эди.

Фуқароларнинг мулки “шахсий” мулк шаклдан иборат дейилсада, лекин ушбу мулк давлат корхоналарида, жамоат ташкилотларида меҳнат қилиш натижасида олинган даромадлар ҳисобига ташкил топиши, истеъмол характерига эга бўлиши ва фуқаронинг шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим эди.

Шахсий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий жиҳатдан етарли бўлмаса, ҳуқуқий жиҳатдан мумкин эмас эди.

Асосий ишлаб чиқариш қурол-воситаларининг фақат давлатга тегишли бўлиши, улар умумхалқ мулки деб ҳисобланган бўлсада, аслида мулкнинг эгаси шахсан ким эканлиги, ким унга жавобгар бўлиши ноаниқ бўлиши мулкка нисбатан хўжасизлик, бепарворлик, жамиятда умумий дангасалик ва беғамлик кайфиятларининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу ҳолат эса фуқароларда меҳнатга нисбатан қизиқиш, тадбиркорлик фаолияти учун керак бўлган ташаббускорлик ҳиссиётларини тарбиялашга имкон бермади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 167-моддасида мулк шакллари:

Хусусий мулк

Оммавий мулк

Ўзбекистон Республикасида “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида мулк шакллари:

Хусусий мулк

Маъмурий-ҳудудий тузилмаларнинг мулкидан (коммунал мулкдан) иборат давлат мулки

Аралаш мулк

Ширкат(жамоа)мулки

Бошқа давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар юридик ва жисмоний шахсларининг мулки

Давлат мулкининг жамиятда эгаллаган етакчилик ўрни қонун-қоидалар моҳиятини ҳам ўзига хос равишда белгилаб берарди. Масалан, давлат мулкининг таркиб топиши, уни муҳофаза қилиш ва унга асосан вужудга келадиган барча турдаги муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар колхоз-кооператив ва айниқса фуқаронинг шахсий мулкига нисбатан тубдан фарқ қилар ва анча устун турарди.

Амалдаги қонун ҳужжатларида Ўзбекистон Конституциясига амал қилинган ҳолда, мулкнинг ўтмишда социалистик жамиятнинг синфларга бўлинишига асосланиб шаклларга ажратилишига ва қайси шаклда, кимга тегишли бўлишига қараб ўрнатилган тенгсизликка барҳам берилди. Мулкнинг кимга тегишли бўлишидан қатъи назар, тенг равишда ривожланиши учун имкониятларнинг мавжуд бўлиши ва уларни баб-баравар ҳуқуқий муҳофаза қилиш қоидалари *Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси*нинг тегишли моддаларида назарда тутилди.

Иқтисодни ташкил қилувчи асосий масала бўлиши мулк масаласининг бундай ижобий ҳал қилиниши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ташаббускорлик ҳиссиётларининг камол топиши, ишлаб чиқаришда, хўжалик соҳасида тадбиркорлик фаолиятларини амалга оширишда фуқаролар ҳамда ташкилотлар, яъни жисмоний ва юридик шахсларнинг биргаликда баб-баравар манфаатдор бўлиши, улар ўртасида умумий мол-мулкнинг вужудга келиши ва ушбу мулкдан ҳамкорликда унумли фойдаланиш ва самарали натижаларга эришиш имкониятларини яратиб берди.

Хусусий мулк бозор муносабатларининг асосий иқтисодий манбаидир. Хусусий мулк ташкил топмасдан туриб, бозор муносабатлари ҳақидаги ҳар қандай фикрлар хом хаёлдир. Хусусий мулк ва унинг асосида вужудга келадиган муносабатлар бизнинг қонунчилик фаолиятимизда янгиликдир.

Хусусий мулкнинг жорий қилиниши билан фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати доираси кенгайди.

Энди улар фақат шахсий моддий ва маданий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ва ишлаб чиқариш жараёнида фақат ўз меҳнати эмас, балки ёлланма меҳнатни жалб

қилиш ва унинг учун керак бўлган қурол-воситаларга эга бўлиш, уларни ижарага бериш йўли билан қўшимча даромадлар олиш каби ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий манба сифатида хусусий мулк билан бир қаторда оммавий (давлат) мулк ҳам қатнашади. Оммавий мулк тушунчаси давлатнинг барча фуқароларига ва шунинг билан бирга ҳар бир фуқаросига тегишли бўлган мулк маъносини беради.

Мулк ҳуқуқи - шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. *(ЎзР ФКнинг 164-моддаси)*

Оммавий мулк давлатга тегишли мулкдан иборат бўлиб, у икки хил кўринишда, яъни Ўзбекистон Республикаси мулки ва муниципал мулкдан ташкил топади.

Тадбиркорлик фаолияти умумий мулк, яъни бир неча фуқаролар ва юридик шахсларга тегишли бўлган мол-мулк асосида ҳам амалга оширилиши мумкин. Умумий мулк биргаликдаги ва улушли мулкдан иборат бўлиши мумкин.

Мулкий ҳуқуқ объектлари - Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, ички сувлар, ҳаво ҳавзаси, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, иморатлар ва иншоотлар, маҳсулотлар, турар жой ва квартиралар, маҳсулот белгилари, саноат намуналари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, интеграл микросхемаларнинг топологияси, селекция ютуқлари, маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари, асбоб-ускуналар, моддий ва маънавий маданият буюмлари, пуллар, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулклар; инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти.

Мулк ҳуқуқи эгалари ҳар бирининг, уларга тегишли бўлган умумий мол-мулкдаги улушлари (ҳиссалари) аниқ белгилаб қўйилган бўлса, бундай мулк улушли мол-мулк дейилади. Улушли мол-мулкда қонунга асосан ёки иштирокчиларнинг келишуви билан уларнинг улушлари аниқ белгилаб қўйилмаган бўлса, улушлар тенг деб ҳисобланади.

Умумий қоидага асосан биргаликдаги мулкка унинг эгалари

биргалашиб эгалик қиладилар ва фойдаланадилар. Лекин улар ўзаро келишиб, бошқача тартиб ўрнатган бўлишлари ҳам мумкин. Бундай мулкни тасарруф қилишда унинг эгаларининг розилиги талаб қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг таъсири остида биргаликдаги мулк ҳуқуқи иштирокчиларининг ҳар бирига уларнинг барчасининг розилиги билан ушбу мол-мулк юзасидан битимлар тузиш ҳуқуқи берилади. Масалан, эр-хотинга умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли бўлган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганда, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор рўйхатдан ўтказилаётганда тасдиқланган бўлиши лозим.

Тадбиркорлик фаолияти турли шаклдаги мулк ҳуқуқи асосида ва иштирокида амалга оширилиши мумкин. Агар тадбиркорлик умумий мулк асосида амалга оширилса, ҳар бир тадбиркорнинг тегишли улуши белгилаб қўйилади, шунга мувофиқ, тадбиркорликни амалга ошириш натижасида қўлга киритилган даромадлар ҳам улушларнинг миқдорига қараб, аъзолар ўртасида тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, жамоалар, уларнинг бирлашмалари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар, фуқароларнинг оилавий ва ўзга бирлашмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идоралари, халқ депутатларининг барча бўғиндаги Кенгашлари ҳамда улар ваколат берган давлат бошқаруви идоралари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар, бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар мулкий ҳуқуқ субъектларидир. Бир неча юридик шахслар ва фуқаролар айнан битта мулкнинг субъектлари бўлиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 217-моддасига мувофиқ, агар улушли мулк иштирокчиларининг улушлари қонун асосида белгиланиши мумкин бўлмаса ҳамда унинг барча иштирокчиларининг келишуви билан белгилаб қўйилган бўлмаса, улушлар тенг деб ҳисобланади. Тадбиркорликни амалга ошириш жараёнида улушлар ҳақида низо келиб чиққан тақдирда бундай низо умумий мулк-эгалари ҳар қайсисининг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал қилинади.

Ўтмишда *1963 йилдаги Кодекснинг 136-моддасига* мувофиқ, давлат (давлат корхоналари, ташкилотлари) билан фуқаро ёхуд кооператив ва бошқа жамоат ташкилоти билан фуқаро ўртасида умумий

улушли мулкнинг вужудга келишига йўл қўйилмасди.

Агар мерос олиш, реквизиция ёки мусодара қилиш натижасида ёки бошқа асосларга кўра, давлат билан фуқаронинг, ёхуд кооператив ва бошқа жамоат ташкилоти билан фуқаронинг умумий мулки ташкил бўлиб қолса, у ҳолда бундай умумий мулк пайдо бўлган кундан бошлаб бир йил ичида қонунда кўзда тутилган усулларни қўллаш йўли билан бекор қилиниши лозим эди. Эндиликда мол-мулкларни умумлаштириш асосида биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун кенг имконият яратилди.

Тадбиркорлик ажнабий фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг мол-мулкларини турли шаклларда жалб этиш асосида ҳам амалга оширилади. Мол-мулкдан фойдаланиш, уни тасарруф этиш, унинг асосида тадбиркорлик юритиш ҳақидаги Ўзбекистон фуқароларига тегишли қоидалар ажнабий фуқароларга ҳам тааллуқлидир.

Ушбу ҳуқуқдан фойдаланиб, зарур сармояга эга бўлган ажнабий давлат фуқаролари ўзаро манфаатдорлик асосида қўшма корхоналар ёки фақат ўзларига тегишли бўлган корхоналарни имтиёзли равишда ташкил этишларига имкон берилади. Бунда уларнинг мол-мулклари ва мулкий ҳуқуқлари, манфаатлари қонун билан қўриқланади ва дахлсизлиги тўла кафолатланади. Хорижий фуқаролар республика ҳудудида тадбиркорлик натижасида орттирган мол-мулкни ўз хоҳишлари билан мерос қилиб қолдиришлари, хайр-эҳсон қилишлари ёки ўзларига тегишли даромадларни Ўзбекистондан эркин олиб кетишлари қонун билан кафолатланади.

Тадбиркорлик Ўзбекистон юридик шахслари ва ажнабий юридик шахслар иштирокида, уларнинг мол-мулки асосида қўшма корхоналар, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тузиш йўли билан амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари асосида тадбиркорликни амалга ошириш шакллари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) Ўзбекистон тадбиркорларнинг ажнабий давлат фуқаролари ва юридик шахслари билан биргаликда корхоналар, банклар, суғурта компаниялари барпо этиш ва бошқа ташкилотларда улуш қўшиб қатнашиш;

б) бутунлай ажнабий давлат фуқаролари ва юридик шахсларига қарашли бўлган корхоналар, банклар, суғурта компанияларини ва бошқа ташкилотларни барпо этиш;

в) мол-мулк, акциялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш;

г) тадбиркорга мустақил равишда тегишли бўлган ёки фуқаролар ва юридик шахслар иштирокидаги мулкий ҳуқуқларни, шу жумладан, ердан ва табиий ресурслардан фойдаланиш, шунингдек ижара асосида фойдаланиш ҳуқуқларини сотиб олиш йўли билан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мумкин.

Тадбиркор фақат ўзига тегишли бўлган мол-мулк асосидагина эмас, балки давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулки ҳамда пул маблағларини жалб этиш асосида ҳам ўз фаолиятини амалга оширади. Бундай жалб этиш асосан мол-мулкни ижарага олиш ёки пул маблағларини қарзга олиш усулларида амалга оширилади.

Ер участкалари, ер ости бойликлари жойлашган участкалар ва бошқа алоҳида табиий объектлар, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари ва фойдаланиш жараёнида ўзининг табиий хусусиятларини йўқотмайдиган бошқа ашёлар (истеъмол қилинмайдиган ашёлар) мулк ижарасига берилиши мумкин.

(ЎзР Фуқаролик кодексининг 537-моддаси)

Ижарага олувчилар фуқаролардан, юридик шахслардан, жумладан, қўшма корхоналар, халқаро ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон ва чет эл юридик шахсларининг мулклари асосида ташкил топган корхона ва ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин. Шундай экан, мол-мулкни ижарага берувчи ва ижарага олувчини тадбиркорлар, деса бўлади. Улар фойда олиш мақсадида барча иқтисодий имкониятларни жалб қиладилар, унумли натижаларга эришиш учун фаол ташаббус кўрсатиб, ҳаракат қиладилар.

Давлат ва жамоат ташкилотларининг мол-мулкидан фойдаланиш асосида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш қарз (кредит) бериш шаклида ҳам рўй беради. Тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш даврида ёки амалга ошириш жараёнида қўшимча пул маблағларига муҳтож бўлиб қолиши мумкин. Бундай муҳтожликдан қутулиш учун у тегишли банклардан ўз вақтида қайтариб бериш шарти билан қарз (кредит) олади.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир фуқаро, жамоа (ширкат), ташкилот, яъни тадбиркорлар пул маблағларига бўлган эҳтиёжни тегишли банклардан олинадиган қарзлар (кредитлар) ҳисобига қаноатлантиришлари мумкин.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун иқтисодий асос мулк ҳисобланади. Тадбиркор ўз фаолиятини мол-мулкка нисбатан ҳуқуқ субъекти сифатида амалга ошириши, шунингдек бундай ҳуқуқ субъекти бўлмасдан, бошқалар, яъни давлат ва жамоат ташкилотларига тегишли бўлган мол-мулк асосида фаолият юритиши мумкин. Тадбиркор мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган тақдирда, бошқаларнинг мулкига нисбатан хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқига асосан фаолият юритади. Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг мазмуни *Фуқаролик кодексининг 71,72, 276-178, 181-моддаларида* акс эттирилади.

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор ўз фаолиятини мулкдор томонидан белгиланган доирада амалга ошириши лозим. Шундай экан, тадбиркор унга берилган ҳуқуқларни амалга оширишда фақат ўзининг эрки ва манфаати эмас, балки мулкдорнинг эрки ва манфаатларини ҳам ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилади. Мулкка нисбатан хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган тадбиркор фойда олиш мақсадида турли хўжалик фаолияти билан шуғулланади, бу борада эркин ташаббус кўрсатиб ҳаракат қилади, ўз фаолиятининг натижалари ва мажбуриятлари бўйича шахсан ўзи жавобгар бўлади.

Ҳар қандай шаклдаги тадбиркорлик, биринчидан, мулк эгасининг ишлаб чиқариш жараёнида шахсан бевосита иштирок этиши, иккинчидан, бошқа фуқароларнинг меҳнатини қўллаш, яъни ундан фойдаланишга асосланган бўлиши мумкин. Тадбиркорлик шахсан мулк эгасининг ўзининг меҳнатда қатнашишига ёки ёлланма меҳнат қўллашга, шунингдек, ўзининг ҳамда ёлланма меҳнатнинг биргаликда қўшиб амалга оширилишига асосланган бўлиши мумкин.

Хусусий мулк асосида тадбиркорлик фаолиятини юритиш

Тижоратчи ташкилотлар, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахслар хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин (ФК 40-моддасининг иккинчи қисми).

Тижоратчи ташкилотлар мулкий муносабатларда кенг тарқалган коллектив тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан ҳисобланади. Тадбиркорлар томонидан тузиладиган бундай шаклга ўхшаш бирлашмалар қитъа ҳуқуқида компаниялар ёки фирмалар,

англо-америка ҳуқуқида эса корпорациялар деб номланади. Ўтмишда Ўзбекистонда бундай бирлашмалар ширкатлардан иборат бўлиб, улар асосан савдо, шунингдек, ҳунармандчилик билан шуғулланишган. Мустақилликдан кейинги қонунчилик ривожланишида бир қанча қонун ҳужжатларида “хўжалик фаолияти”, “хўжалик юритувчи субъектлар”, “иқтисодий фаолият” тушунчалари ҳам қўлланилган. Масалан, *Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (53-модда), “Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонунлар* шулар жумласидандир.

ФКнинг 58-моддасида белгиланган асосий қоидага биноан, хўжалик ширкатлари ва жамиятлари уларни ташкил қилишда қатнашган муассислари (иштирокчилари)нинг мол-мулкидан ажратилган ва уларнинг ҳиссаларидан ташкил топган устав капиталига (фондига, мулкий жамғармасига) эга бўлган тижоратчи юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўз аъзоларининг ихтиёри билан, яъни улар томонидан тузилган шартномага асосан вужудга келган, умумий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган тижоратчи ташкилот ҳисобланади.



Хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муассислари (иштирокчилари) муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга. Улар ширкат ва жамиятнинг ишларини бажаришда қатнашиш, фаолияти тўғрисида ахборот олиш, фойдани тақсимлашда қатнашиш, ширкат ёки жамият тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг

қийматини олиш ва қонун ҳужжатларида, шунингдек ширкат ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларига иккита асосий малакалаш белгиларини ажратиш мумкин.

Биринчидан, улар тижорат ташкилотлари, яъни ўз фаолиятининг асосий мақсади сифатида иштирокчилар ўртасида тақсимланиши мумкин бўлган фойдани олишни кўзловчи шахслар бўлади.

Иккинчидан, улар иштирокчиларининг улушларига ёки таъсисчиларнинг акцияларига бўлинган устав фондига ёки устав капиталига эга бўлади.

Умуман олганда, ширкат ва жамият иштирокчилари хўжалик соҳасида ўз олдиларига қўйган ягона мақсадга эришиш учун мол-мулкларини қўшиб, биргаликда ҳаракат қиладилар. Лекин улар бир-бирларидан қисман фарқ ҳам қиладилар. Масалан, шериклик фақат натижага эришиш учун эмас, балки иштирокчиларнинг бир-бирларига яқин шахсий муносабатларига асосланади. Бунда иштирокчиларнинг ким эканлигига аҳамият берилади. Жамиятда эса унинг иштирокчилари кимлардан иборат бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, у биринчи навбатда мақсадга эришиш нуқтаи назаридан ташкил этилади.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муассислари (иштирокчилари) фуқаролардан ва юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Тадбиркорлик субъекти сифатида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ташкил этилаётганда шакллантирилган устав фонди, капитали ёки унинг балансидаги ўзига тегишли бўлган мол-мулкларига нисбатан хусусий мулк ҳуқуқига эга.

Хўжалик ширкатининг ёки жамиятининг мулкига қўшиладиган ҳисса ҳар хил мулкдан, жумладан мулкий ҳуқуқдан ва шунинг билан бирга пул билан баҳоланиши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳиссанинг асосий белгиси унинг пул билан баҳоланиши мумкинлигидадир. Масалан, муаллифнинг мулкий ҳуқуқи, ихтирога бўлган ҳуқуқ, ноу-хау, саноат намуналари, товар белгиси ва шунга ўхшашлар ҳам ширкат ёки жамият мулкига қўшилган ҳисса бўлиши мумкин. Кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмаган, мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ҳисса сифатида тан олиниши мумкин. Муассислар (иштирокчилар) томонидан

қўшиладиган ҳиссани пул билан баҳолашда вужудга келган низони экспертлар хулосасига кўра суд томонидан белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Хўжалик ширкатининг ёки жамиятининг ҳар бир иштирокчиси унинг фаолиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ширкат ва жамиятнинг қайси турдан иборат бўлишига қараб, унинг иштирокчилари ширкат ёки жамият фаолиятини бошқаришга оид қарорларни қабул қилишда ёки бошқарув ва текширув органларини тузишда қатнашишлари мумкин. Коммандит ширкатнинг иштирокчиси унинг фаолиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас *(ФКнинг 61-моддаси).*

Хўжалик ширкати ва жамияти иштирокчиларининг мажбуриятлари таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишдан, махфий ахборотни ошкор қилмасликдан, ширкат ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкин. Ушбу ҳуқуқ ва мажбуриятлар барча шаклдаги жамият ва ширкат қатнашчиларига тааллуқлидир. Шунинг билан бирга ҳар бир шаклдаги ширкат ва жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўзларига хос хусусиятлари билан ифодаланади. Масалан, “тўлиқ ширкат” иштирокчилари ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар. Улар ўз ширкат мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадилар. Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин *(ФКнинг 60-моддаси).* Коммандит ширкати - ширкатнинг қарзлари бўйича ўзининг ширкат фондига қўшган ҳиссаси миқёсида жавоб берадиган иштирокчилардан (коммандитлардан) иборат *(ФКнинг 61-модда).* Коммандит ширкати ибораси француз ҳуқуқидан олинган бўлиб, савдо соҳасидаги ширкатлардан бири ҳисобланади. Коммандит ширкати “ишончга асосланган ширкат” деган ном билан ҳам аталади.

Хўжалик ширкатлари. Тўлиқ ширкат иштирокчилари ўртасида тузилган шартнома бу турдаги ширкатнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Фуқаролик кодексида таъсис шартномасининг ёлғиз ўзи тарафларнинг эркини ва улар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларини тўлиқ ифода этадиган ҳужжат сифатида тан олинади. Таъсис шартномасининг мазмуни *ФК 43-моддасининг 4-қисмидаги* шартлар билан белгиланади. Айни пайтда қонун бошқа шартларни назарда тутишни ман этмайди.

Тўлиқ ширкатни тавсифловчи асосий белги иштирокчилар ширкатнинг мажбуриятлари бўйича чекланмаган солидар жавобгар бўлишидан иборат. Ширкат иштирокчилари бир-бирларига ишонган ҳолда фаолият юритадилар.

Тўлиқ ширкат фаолиятини бошқаришда ширкат иштирокчиларининг умумий розилиги талаб қилинади. Таъсис шартномасида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилиш мумкинлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда шартномада қайси муаммолар бўйича кўпчилик овознинг бўлиши зарурлиги, шунингдек бу кўпчилик оддий ёки мураккаб (малакали) кўпчиликдан иборат эканлиги (масалан, иштирокчиларнинг умумий сонидан тўртдан бир ёки учдан бир қисмининг овози) аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Умумий қоидага биноан, ҳар бир иштирокчи битта овозга эга бўлади. Лекин тўлиқ ширкатнинг таъсис шартномасида овозлар бошқа тартибда, масалан, қўшилган ҳиссанинг миқдорига нисбатан карра сифатида ҳам белгиланиши мумкин.

Хўжалик ширкати фаолияти билан боғлиқ ширкат иштирокчисининг бурчи ҳар хил шаклда амалга оширилиши мумкин. Ширкат фаолиятини амалга оширишда иштирокчининг шахсан ўзи қатнашиши зарурлиги қонунда назарда тутилмаган. Таъсис шартномасида айрим иштирокчиларнинг ширкат фаолиятида фақат қўшган ҳиссалари билан иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилган бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг молиявий манбаи – унинг иштирокчиларидан йиғилган капитал ҳисобланади. Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ушбу капиталга ўз ҳиссасини қўшади. Қўшиладиган ҳиссанинг миқдори ширкатни рўйхатдан ўтказиш пайтида унинг ярмидан кам бўлмаслиги, қолган қисмини топшириш муддати таъсис шартномасида белгиланган бўлиши керак. Ҳиссанинг миқдори ва турлари ҳар хил, масалан, мол-мулкдан, пулдан, кўрсатиладиган хизматлардан ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкат фаолиятини амалга ошириш натижасида қўлга киритилган даромадлар, шунингдек, кўрилган зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш улар ҳар бирининг қўшган ҳиссасига нисбатан мутаносиб равишда амалга оширилади. Иштирокчиларнинг келишуви билан зарарлар бошқа тартибда

тақсимланиши ҳам мумкин. Лекин қонун бўйича иштирокчилардан бирортасини даромад олишдан тўлиқ маҳрум қилишга ёки етказилган зарарни қоплашдан мутлақ озод қилишга йўл қўйилмайди.

Тўлиқ ширкат иштирокчисининг шахсий мажбуриятлари бўйича қарзни ундириш биринчи галда унинг ўзига тегишли ва ихтиёрида бўлган мол-мулкка нисбатан қаратилади. Агар унинг бу мол-мулки етарли бўлмаса, ундирув ширкатнинг йиғинди капиталидаги унинг ҳиссасига қаратилиши мумкин. Иштирокчининг ҳиссаси тўла ҳажмда қарзни ундиришга қаратилган тақдирда, у ширкат таркибидан чиқиб кетади.

Тўлиқ ширкатнинг тугатилиши юридик шахсларга хос бўлган умумий қоидага асосан амалга оширилсада, бирмунча ўзига хос фарқли жиҳатлари ҳам бор. Агар ширкат иштирокчиларининг таркибий қисмида ўзгариш юз бериб, ширкат фаолиятини давом эттириш ҳақида ўзаро келишишга эришилмаса, ширкат тугатилган, деб ҳисобланади. Агар ширкатда унинг битта иштирокчиси қолган бўлса-да, у ширкатни маълум муддатда хўжалик жамиятига айлантирмаган ҳолатда ҳам ширкат тугатилган деб ҳисобланади.

Коммандит ширкати уларга тегишли ҳуқуқ ва бурчларининг фарқи билан икки хил туркумга бўлинадиган иштирокчилардан ташкил топади. Улар тўлиқ шериклардан ва ишончга асосланган шериклардан иборат. Бундай ширкат фаолиятини ва унинг доирасини тўлиқ шериклар белгилайди. Ишончга асосланганларнинг ширкат фаолиятидаги иштироки ширкат фондига ҳисса қўшиш билан чекланади. Улар ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳисса доирасида жавобгар бўладилар.

Коммандит ширкатнинг таъсис шартномасига фақат унинг тўлиқ шериклари имзо чекадилар. Ишончга асосланган иштирокчилар таъсис шартномасини ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда қатнашишлари, уларнинг бу ҳуқуқи таъсис шартномасида ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Коммандит ширкатнинг фаолиятини тўлиқ ширкатлар учун белгиланган тартибда тўлиқ шериклар бошқаради. Ишончга асосланганлар ширкатнинг фаолиятини амалга оширишда ва бошқаришда иштирок этмайдилар. Улар ширкатнинг ишончномасига асосан битимларни тузишда ва бажаришда иштирок этишлари мумкин.

Ишончга асосланган иштирокчиларнинг асосий мақсади ширкатнинг йиғинди капиталига қўшган ҳиссасига нисбатан

мутаносиб даромад олишдан иборат. Олинган даромаднинг бир қисмини ишончга асосланган иштирокчига бериш умумий қоидага биноан хўжалик йилининг якунланиши билан қабул қилинган ҳисобот ва чиқарилган балансга асосан амалга оширилади.

Ишончга асосланган иштирокчи хўжалик йили тугаши билан ширкатнинг йиғинди капиталидан ўз ҳиссасини олиб ёки бу ҳиссани бошқа шахсга ўтказиб ширкатдан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Ҳиссани ўтказишда бошқа учинчи шахсларга нисбатан ширкатдаги ишончга асосланган иштирокчилар устун ҳуқуққа эга. Бундай пайтда ширкатдаги тўлиқ иштирокчилар ҳам учинчи шахс сифатида қабул қилинадилар.

Коммандит ширкати ночор (банкрот) деб топилганида, унинг мулкидан биринчи галда кредиторларининг талаблари қаноатлантирилади *(ФКнинг 56-моддаси),* сўнгра ишончга асосланган иштирокчиларнинг ҳиссалари ажратиб берилади ва бинобарин ширкатнинг йиғинди капиталидан қолган мол-мулк тўлиқ шериклар ўртасида тақсимланади.

Эслатма!!!
ЎзР ФКнинг 62-моддасига кўра, Масъулияти чекланган жамият деб – бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади.

Хўжалик жамиятлари. Хўжалик жамиятлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларига хос фарқлари ҳам асосан уларнинг мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги билан боғлиқ. Масалан, масъулияти чекланган жамиятнинг мажбуриятлари бўйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар.

Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгардирлар *(ФКнинг 62-моддаси)*.

Масъулияти чекланган жамият унинг таъсис ҳужжатлари, уни ташкил қилиш тартиби, иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари билан тўлиқ ёки коммандит ширкатларидан фарқ қилади. Унинг яна битта фарқи шундан иборатки, бундай жамиятнинг таъсисчиси битта шахсдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Шунинг билан бирга масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони қонун ҳужжатларида ўрнатилган меъёрдан ошиб кетмаслиги керак, ошиб кетган тақдирда

бундай жамият акциядорлар жамиятига айлантирилиши ёки тугатилиши лозим. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчиси томонидан устав фонди (капитали)даги ўз ҳиссасини учинчи шахсларга сотишга, агар уставда рухсат берилмаган бўлса, йўл қўйилмайди. Ушбу ҳисса умумий қоидага биноан жамиятнииг бошқа иштирокчиларига ўтказилиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамият давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб вужудга келади *(ФКнинг 44-моддаси)*. Рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатлари (таъсис шартнома ва устав)га асосан амалга оширилади *(ФКнинг 43-моддаси)*. Улар рўйхатдан ўтказиш учун бирга тақдим этилади. Жамиятнинг таъсисчиси битта шахсдан иборат бўлса, рўйхатдан ўтказиш учун фақат устав тақдим этилади.

Масъулияти чекланган жамиятнииг моддий манбаи жамият иштирокчиларининг ҳиссаларидан ташкил топган устав фонди (капитали)дир. Устав капиталининг миқдори, одатда, уставда назарда тутилади, лекин у қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан кам бўлмаслиги керак. Жамият фуқароларнинг ихтиёрий равишда тузадиган ташкилоти бўлганлиги туфайли, ҳиссанинг етмай қолган қисмини ундириш учун судда даъво қўзғатилмайди. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга биноан устав фондига қўшиладиган ҳиссанинг миқдори камайтирилиши ёки жамиятнинг фаолияти тугатилиши мумкин. Устав фондининг миқдори қисқартириладиган бўлса, бу ҳақда жамиятнинг кредиторлари, албатта, хабардор қилинади. Улар мажбуриятни жамият томонидан белгиланган муддатдан олдин бажаришни ёки уни бекор қилишни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Коммандит (ишончга асосланган) ширкатни бошқариш унинг тўлиқ шериклари томонидан амалга оширилади. Масъулияти чекланган жамиятда бундай эмас. Бу жамиятда унинг барча иштирокчилари тенг ва жамият фаолиятини бошқариш учун улардан биронтасига қонунда устунлик берилмаган. Шунинг учун ҳам жамият иштирокчилари томонидан унинг бошқарув органини тузиш назарда тутилади. Иштирокчиларнинг умумий мажлиси жамиятнинг олий органи ҳисобланади. Умумий мажлис маҳаллий аҳамиятга эга бўлган норматив ҳужжатларни, жамиятнинг ички ишларини ҳал қилишга қаратилган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Кундалик муаммоларни ҳал қилиш учун ва умумий мажлисга ҳисобот бериб турувчи ва унга итоат этадиган ижрочи орган тузилади. Бундай орган

якка директор ёки маслаҳатчилар ҳайъати (коллегия)дан иборат бўлиши мумкин.

Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Демак, жамият мажбуриятлари бўйича ҳамма иштирокчилар шериклик (солидар) асосида каррали миқдорда бир текисда қўшимча (субсидиар) жавобгар бўладилар *(ФКнинг 63-моддаси)*. Ушбу моддага биноан иштирокчилардан биронтаси банкрот бўлса, жавобгарлик бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши мумкин.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари таъсис шартномасидан ва унинг уставидан иборат. Таъсис шартномаси жамиятни ташкил этиш пайтида унинг таъсисчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди ва тартибга солади. Жамиятнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши ва таъсисчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилиши билан таъсис шартномаси ўз кучини йўқотади. Устав эса, ўз навбатида, жамиятнинг юридик шахс сифатида ҳуқуқий мақомини белгилайди. Барча манфаатдор шахслар жамият устави билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга. Акциядорларнинг талаби бўйича жамият устави ва унга кейинчалик киритилган ўзгаришлар билан танишиб чиқиш учун акциядорга имконият туғдириб бериш керак.

Акциядорлар жамиятининг фаолияти унинг органлари томонидан амалга оширилади. Жамиятнинг олий органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилиш жамиятнинг бошқарув органи – кузатув кенгаши томонидан чақирилади. Кўп масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан, муҳим масалалар бўйича малакавий кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.

Кузатув кенгаши жамият фаолиятида умумий раҳбарлик вазифасини амалга оширади. Умумий йиғилиш ваколатига тааллуқли бўлган масалалар юзасидан кузатув кенгаши қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Ҳар қандай фуқаро, у жамият акциядори бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин. Кузатув кенгашининг аъзолари жамиятнинг йиллик умумий йиғилишида сайланади. Кенгаш аъзолари ўз таркибидан ёпиқ овоз

билан кузатув кенгаши раисини сайлайдилар. Кузатув кенгашининг қарорлари, агар уставда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашган кенгаш аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият уставида мажлисда овозлар тенг тақсимланган тақдирда кенгаш раисига ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи назарда тутилган бўлиши мумкин. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг қарори билан кузатув кенгаши аъзосининг ваколати турли асосларга кўра муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

Шўъба ва қарам жамиятлар. Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахсларнинг турли ҳуқуқий мақомга эга бўлган хўжалик ширкатлари, жамиятлари ва уларнинг ҳар хил бирлашмалари ҳамда уюшмалари кенг миқёсда тарқалади ва авж олади. Шундай ҳолат ҳам юз бериши мумкинки, битта юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари) бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлиш даражасига эришади. Бундай ҳолатларда таъсисчи юридик шахс (хўжалик ширкати ёки хўжалик жамияти) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳал қилувчи, яъни асосий ташкилот вазифасини бажаради, у томонидан ташкил этилган юридик шахслар унга нисбатан шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари мавқеига эга бўлади. Ушбу жамиятларнинг асосий хусусиятлари *ФКнинг 67, 68-моддаларида* ҳар томонлама ифодаланган.

Устав фондига ҳисса қўшишда хўжалик жамиятида иштирок этган жамият шўъба хўжалик жамияти - дейилади. Устав фондидаги иштироки устун мавқега эга бўлган хўжалик **асосий хўжалик дейилади.**

Хўжаликларнинг шўъба ва асосий даражага эга бўлиши улар ўртасида тузилган шартномалар асосида ёки бири иккинчисининг қарорларига мувофиқ иш тутиши билан ҳам ифодаланади. Шўъба жамияти юридик шахс ҳисобланади. Умумий қоидага биноан асосий ва шўъба жамиятлари бир-бирларининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Лекин шўъба жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкротликка учраса, асосий жамият субсидиар жавоб бериши, агар мулкий зарар кўрса етказилган зарарни қоплаши лозим *(ФКнинг 67-моддаси).*

Хўжалик жамиятида қатнашувчи жамиятнинг бири жамият устав фондининг йигирма фоизидан кўпроғига эга бўлса, иккинчи жамият қарам хўжалик жамияти дейилади. Бундай жамият ҳам юридик шахс

ҳисобланади. Жамиятнинг қарам бўлганлиги ҳақида дарҳол эълон қилиниши шарт *(ФКнинг 68-моддаси)*.

Ҳуқуқий мавқеи бўйича қарам хўжалик жамияти шўъба жамиятига яқин туради. Лекин шунга эътибор бериш керакки, шўъба хўжалик жамияти тижорат ташкилотининг у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шаклида, яъни ширкат ёки хўжалик жамияти сифатида ташкил топса, қарам жамият фақат хўжалик жамияти сифатида ташкил топади.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шакли билан боғлиқ муаммолар доирасининг кенглиги ва уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти бўлиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда булар ҳақидаги асосий тушунчалар ва қоидаларга тўхталиб ўтилди.

Тижоратчи ташкилотлар қаторига юқорида келтирилган хўжалик жамиятларидан ташқари ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхона, хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси ва бошқалар киради.

Ишлаб чиқариш кооперативлари. Ишлаб чиқариш кооперативлари фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидан ташкил топади (ФКнинг 69-моддаси). Улар биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун ўз хоҳишлари билан ушбу бирлашмага аъзо бўладилар. Бирлашма фуқароларнинг ўзлари шахсан иштирок этиши ва уларнинг мулкий бадалларини қўшиш, яъни бирлаштириш тамойилига асосланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. Кооперативнинг мажбуриятлари бўйича унинг аъзолари қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар (қўшимча), яъни улар кооперативнинг жавобгарликдан қутилиши учун тўлаши керак бўлган маблағининг (мулкининг) етишмай қолган қисми миқдорида жавоб берадилар.

Германия қонунчилигига кўра шахснинг корхона фаолиятида иштирок этиши ва унинг жавобгарлиги иштирокчиларнинг ўзлари

қўшган хиссалари доирасида жавобгар бўлади. Бундай жавобгарлик уларнинг қўшган хиссаларига кўра белгиланади[8].

Кооператив аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланган устав кооперативнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. ФКнинг 43-моддасидаги маълумотлардан ташқари кооператив аъзоларининг қўшадиган бадаллари, бадалларнинг таркибий қисми, миқдорлари ва бадал қўшишга оид мажбуриятларини бузганлик учун уларнинг жавобгарлиги, кооператив фаолиятида ўз меҳнатлари билан қатнашиш тартиби ва унинг характери, шунингдек ўз меҳнати билан қатнашиш ҳақидаги мажбуриятларини бузганлик учун уларнинг (аъзоларининг) жавобгарлиги, кооператив даромадлари ва кўрган зарарларини тақсимлаш тартиби, кооператив қарзлари бўйича субсидиар жавобгарликнинг шартлари ва миқдори, кооператив бошқарув органларининг таркиби ва унинг ваколат доираси, қарор қабул қилиш тартиби, кооператив аъзоларининг барчаси ёки бир қисми овоз бериши зарур бўлган масалалар ҳақида маълумотлар кооператив уставида назарда тутилган бўлиши лозим.

ФКнинг 69-моддасида тижоратчи сифатида фақат ишлаб чиқариш кооперативларига тааллуқли қоидалар назарда тутилади. Матлубот кооперативларининг ҳуқуқ лаёқати ФКнинг 73-моддаси билан тижоратчи бўлмаган ташкилотлар сифатида белгиланади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўзига хос белгилари билан бошқа тижорат ташкилотларидан фарқ қилади. Ишлаб чиқариш кооперативи фуқароларнинг унга аъзо бўлишига ва унинг фаолиятида шахсан ўз меҳнати билан иштирок этишига асосланади. Хўжалик ширкатлари ва жамиятларида иштирокчиларнинг ширкат ёки жамият фаолиятида шахсан ўз меҳнатлари билан қатнашишлари талаб қилинмайди. Ишлаб чиқариш кооперативида қатнашувчиларнинг шу кооператив фаолиятида шахсан иштирок этиши улар ўртасидаги алоқанинг қанчалик яқин эканлигидан далолат беради. Ишлаб чиқариш кооперативига ўриндошлик шарти билан давлат корхоналари ва ташкилотларида ишловчилар ҳам аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг фаолиятида юридик шахсларнинг иштирок этишига ҳам йўл қўйилади. Бу ҳақда кооперативнинг уставида кўрсатилган бўлиши керак. Юридик шахснинг хизматчилари кооператив фаолиятида ўз меҳнатлари билан

[8] Michael J. Munkert, Stephan Stubner, Torsten Wulf. Founding a Company. Handbook of Legal Forms in Europe. Springer Heidelberg Dordrecht London New York. P 120.

қатнашишлари мумкин. Агар кооперативнинг аъзолари фақат юридик шахслардан ташкил топадиган бўлса, уларнинг фаолияти бирлашмалар ва иттифоқларга оид қоидаларга асосан тартибга солинади *(ФКнинг 77-моддаси)*.

Ишлаб чиқариш кооперативи кооператив аъзоларининг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида вужудга келади. Айни пайтда қонун аъзоларнинг кооператив мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар бўлишини назарда тутади. Бу ҳам ишлаб чиқариш кооперативига хос хусусиятлардан иборат. Чунки кўпчилик жамиятларнинг, жумладан масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамиятининг иштирокчилари жамиятнинг мажбуриятлари бўйича устав фондига (капиталига) қўшган ҳиссалари ёки акциянинг қиймати, миқдори доирасида жавобгар бўладилар.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Шу билан битта шахсдан ташкил топадиган хўжалик жамиятларидан фарқ қилади. Унинг таъсис ҳужжати фақат уставдан иборат бўлиб, таъсис шартномасини тузиш талаб қилинмайди. Устав кооператив жойлашган ерда маҳаллий ҳокимият томонидан рўйхатдан ўтказилади. Устав рўйхатдан ўтказилиши билан ишлаб чиқариш кооперативи тузилган деб ҳисобланади.

Кооперативнинг мол-мулки унинг иқтисодий негизи бўлиб хизмат қилади.

Кооперативнинг мол-мулки унинг уставига мувофиқ аъзоларининг пайларига бўлинган бўлади. Пай сифатида пул суммаси, моддий объектлар (асбоб-ускуналар), шунингдек мулкий ҳуқуқ ўтказилиши мумкин. Кооператив аъзолари устав фондининг бир қисмини унинг бўлинмас мулки сифатида тан олишлари мумкин. Мулкнинг ушбу қисмидан фақат уставда белгиланган махсус

мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилади ва аъзолар кооперативдан чиқиб кетишганида ҳам ушбу қисм бўлинмайди, чиқиб кетадиган аъзонинг улуши ажратилмайди. Бўлинмас мол-мулк фондини ташкил қилиш тартиби уставда назарда тутилган бўлиб, бу ҳақдаги қарор кооперативнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш кооперативлари ўз мол-мулки билан бозор муносабатларида мустақил равишда иштирок этади. Мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат кооперативнинг ўзига тегишли бўлиб, бу ҳуқуқни кооператив умумий мажлисининг қарорига асосан, кооперативнинг ижро этувчи органлари, тасдиқланган сметага мувофиқ амалга оширилади.



Кооперативга тааллуқли бўлган ушбу қоида диспозитив характерга эга. Кооператив уставида даромадни тақсимлаш фақат аъзоларнинг қўшган меҳнатларига мутаносиб равишда эмас, балки улар қўшган пайларининг миқдорига қараб ҳам амалга оширилиши назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативи ўз мажбуриятлари бўйича унга тегишли бўлган барча мол-мулклари билан жавоб беради. Унинг мол-мулки камлик қилган тақдирда, кооператив аъзолари ўз мол-мулклари билан қонунда ва кооператив уставида белгиланган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўладилар.

Ишлаб чиқариш кооперативининг олий органи аъзоликка асосланган барча ташкилотларда бўлганидек, унинг умумий мажлиси ҳисобланади. Умумий мажлис кооперативнинг фаолияти билан боғлиқ барча масалаларни муҳокама қилиш ваколатига эга. Лекин баъзи муҳим масалалар фақат умумий мажлиснинг ваколатига тегишли эканлиги унинг уставида назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалани ҳал қилишда умумий мажлис аъзоларининг ҳар бири,

унинг мол-мулкдаги ҳиссасидан қатьи назар, битта овозга эга. Шу билан ҳам хўжалик ширкатлари жамиятлардан фарқ қилади, уларда масалани ҳал қилищда иштирокчиларнинг устав фондидаги ҳиссаси ва акцияларнинг сони ҳал қилувчи роль ўйнайди.

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонунда фермер хўжалиги тушунчаси, уни ташкил этиш шартлари, тартиби, давлат рўйхатига олиш, унинг устави ва уставининг мазмуни, хўжаликни юритиш учун ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш тартиби ва унинг ҳуқуқ лаёқатини ташкил қилувчи бошқа қоидалар назарда тутилади. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ фермер хўжалиги ваколатли орган томонидан давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомини олади. Шу билан унинг тушунчаси ва ҳуқуқий мақоми юридик шахсга хос бўлган умумий белгилар *(ФКнинг 39-модда)* билан ифодаланади. Фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермер ҳисобланади. Бошқа юридик шахслар ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер хўжалиги номидан ана шу хўжалик бошлиғи иш олиб боради.

Фермер хўжалигининг устав фонди фермер хўжалиги бошлиғи томонидан белгиланади. Пул, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулкий ҳуқуқлар фермер хўжалигининг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Агар фермер хўжалигининг устав фонди шакллантирилаётганда фермер хўжалигининг бошлиғи ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топшираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондини кўпайтириш ва камайтириш фермер хўжалиги бошлиғининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартиришлар киритиш йўли билан амалга оширилади.

Фермер хўжалиги унинг балансидаги барча мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлади.

Фермер хўжалигининг мол-мулки, агар унинг ходимларининг

ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилмаган бўлса, унинг ходимларига умумий биргаликдаги мулк сифатида тегишли бўлади. Демак, фермер хўжалигининг мол-мулки умумий улушли ёки умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқидан иборат бўлиши мумкин.

Фермер хўжалигининг мол-мулки пул ва моддий манбалар, товарларни реализация қилишдан олинган даромадлар (фойда), қимматли қоғозлардан келган даромадлар, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалардан ташкил топиши мумкин. Хўжалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, сотиб олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик ходимларининг ўзаро келишуви асосида фермер хўжалигининг бошлиғи томонидан амалга оширилади. Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланиши мумкин. Унинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек уларнинг мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди. Агар уларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фермер хўжалигига зарар етказилган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарар қопланиши керак (ФКнинг 12, 15-моддалари).

Фермер хўжалигини тугатишнинг ФКнинг 53-моддасида ўрнатилган ҳоллардан фарқли ўлароқ, ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда (бу барча юридик шахсларга тааллуқли бўлган умумий қоида);

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

ерни ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб

қўйилганда;

ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганда;

шу билан бирга контрактация шартномасида назарда тутилган қишлоқ хўжалиги экинларини экиш амалга оширилмаган тақдирда.

Фермер хўжалигини тугатиш унинг бошлиғининг қарорига биноан, шунингдек суднинг қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. Тугатилган фермер хўжалигининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмайди.

Фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан жавоб беради. Фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича хўжаликнинг бошлиғи ўзига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар бўлади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг хусусиятлари

Хўжалик юритиш ҳуқуқининг тушунчаси ва ушбу ҳуқуққа эга бўлган юридик шахснинг мулкий ҳуқуқ лаёқати ФКнинг 176, 177-моддаларида назарда тутилади. 176-моддага мувофиқ, хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс унга бириктирилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи субъекти каби эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ушбу ҳуқуққа эга бўлган тадбиркор ўз хоҳиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Мулк ҳуқуқи субъекти бўлмасдан, мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарнинг ваколатлари ФКнинг 72, 178-моддалари билан белгиланади.

Хўжалик юритишида бўлган мол-мулкка нисбатан мулкдорнинг ҳуқуқлари хўжалик юритишида бўлган мол-мулкнинг эгаси қонунга мувофиқ корхона ташкил этиш, унинг фаолият соҳасини ва мақсадларини аниқлаш, уни қайта ташкил этиш ва тугатиш масаласини ҳал қилади, корхона директорини (раҳбарини) тайинлайди, корхонага қарашли мол-мулкдан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши ва унинг сақланишини назорат қилади.

Мулкдор корхонанинг хўжалик юритишида бўлган мол-мулкни ишлатишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Унитар корхона хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган кўчмас мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қўйишга, хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Корхонага қарашли бошқа мол-мулкни у мустақил тасарруф этади.

Давлат корхонаси ёки муассасасига бириктириб қўйилган мол-мулкнинг эгаси ортиқча, фойдаланилмаётган ёки ноўрин фойдаланилаётган мол-мулкни олиб қўйиш ҳамда уни ўзи хоҳлаган тарзда тасарруф этишга ҳақли.

Давлат корхонасининг мол-мулкини тасарруф этиш давлат корхонаси ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни унинг мулкдорининг розилиги билангина бошқа шахсга беришга ёки уни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли.

Давлат корхонаси ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни, агар қонун ҳужжатларида ўзгача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ўзи мустақил тасарруф этади. Давлат корхонасининг даромадларини тақсимлаш тартиби унинг мулкдори томонидан белгиланади.

Муассаса мол-мулкини тасарруф этиш муассаса ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкни ва смета бўйича унга ажратилган маблағларга сотиб олинган мол-мулкни бошқа шахсга беришга ёки ўзгача усул билан тасарруф этишга ҳақли эмас.

Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган бўлса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига ўтади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади.

Хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларининг вужудга келиши ва бекор бўлиши мулкдорнинг қарори билан унитар корхонага ёки муассасага бириктириб қўйилган мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи ушбу корхона ёки муассасада унга мол-мулк топширилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Хўжалик юритишида ёки оператив бошқаришида бўлган мол-мулкдан фойдаланишдан олинган ҳосил, маҳсулот ва даромадлар, шунингдек унитар корхона ёки муассаса шартнома бўйича ёхуд

бошқа асосларда вужудга келган мол-мулк ҳам мулк ҳуқуқининг вужудга келиши учун белгилаб қўйилган тартибда корхона ёки муассасанинг хўжалик юритишига ёки оператив бошқаришига ўтади.

Мол-мулкни хўжалик усулида юритиш ҳуқуқи ва оператив бошқариш ҳуқуқи мулкдорнинг қарори билан ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларда бекор қилинади.

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига нисбатан башарти ФК ва ўзга қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак, тадбиркорлик фаолияти мулк ҳуқуқи эгаси бўлган ва бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари умумий қоидага биноан мулк ҳуқуқи эгалари ҳисобланади, агар бундай ҳуқуққа эга бўлмаган тақдирда, улар мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар ва тадбиркорлик фаолиятини мулкдор томонидан белгиланган ваколат доирасида амалга оширадилар (ФКнинг 71, 177-м.).

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад даромад (фойда) олишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади, керакли ва сотиб олувчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Тадбиркор ўз фаолиятини юритиш натижасида оладиган умумий даромадидан маълум қисмини солиқлар ва бошқа тўловлар учун ажратади. Тўловларни тўлашдан тадбиркор ихтиёрида қолган даромад соф фойда сифатида тўла-тўкис унинг тасарруфига ўтади. Соф фойдадан қайси мақсадда фойдаланишни тадбиркор ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Тадбиркорлик субъектларининг мол-мулки объектлари: асосий воситалар, пул маблағлари, қимматли қоғозлар, номоддий объектлар

Фуқаролик ҳуқуқларининг объектлари эркин суратда бошқа шахсларга берилиши ёки универсал ҳуқуқий ворислик (мерос қилиб олиш, юридик шахсни қайта ташкил этиш) тартибида ёхуд бошқа

усул билан, агар улар муомаладан чиқарилмаган ёки уларнинг муомалада бўлиши чеклаб қўйилмаган бўлса, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтиши мумкин.

Муомалада бўлишига йўл қўйилмайдиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг турлари (муомаладан чиқарилган объектлар) қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган бўлиши керак.

Муайян муомала иштирокчиларигагина қарашли бўла оладиган ёки муомалада бўлишига махсус рухсатнома билан йўл қўйиладиган фуқаролик ҳуқуқлари объектларининг (муомалада бўлиши чекланган объектларнинг) турлари қонунда кўрсатилган тартибда белгиланади.



ЎзР ФКнинг 85-моддасига кўра бутун корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланади. Бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкин.

Мулкий комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хом ашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга (фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари) бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, киради.



Асосий ва мансуб ашёлар. Фойдаланиш туфайли вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти билан бошқа ашё (мансуб ашё)га боғлиқ мустақил ашё асосий ашё ҳисобланади.

Асосий ашёга хизмат қилиши керак бўлган ва у билан умумий хўжалик вазифаси орқали боғлиқ ашё мансуб ашё ҳисобланади.

Мансуб ашё, агар қонунлар ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, асосий ашёнинг тақдирига боғлиқ бўлади.

Мураккаб ашёлар агар турли хил ашёлар бирикманинг моҳияти билан белгиланадиган вазифаси бўйича фойдаланиш имконини берадиган яхлит бир бутунни ташкил этса, улар битта ашё (мураккаб ашё) ҳисобланади.

Ҳосил ва даромадларга бўлган ҳуқуқ ашёдан келадиган ҳосил ва даромадлар, агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ашё эгасига тегишлидир.

Пул маблағлари ҳам тадбиркорлик фаолиятида объект сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, тўловларни амалга ошириш жараёнида пул маблағлари асосий восита ҳисобланади. Тўловлар нақд пул билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тарзида амалга оширилади.

Ҳисоб-китобларни чет эл валютасида амалга ошириш ҳоллари, тартиби ва шартлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади.

Қимматли қоғозлар мулкий ҳуқуқларни белгиланган шаклга ва мажбурий реквизитларга амал қилган ҳолда тасдиқловчи ҳужжатлар қимматли қоғозлар ҳисобланиб, уларни тақдим этган тақдирдагина мазкур ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бошқа шахсларга бериш мумкин бўлади.

Қимматли қоғозлар бошқа шахсга берилиши билан улар томонидан тасдиқланадиган ҳамма ҳуқуқлар ҳам ўша шахсга ўтади.

Қимматли қоғозлар жумласига қуйидагилар киради: облигация, вексель, чек, депозит ва жамғарма сертификатлари, коносамент, акция ҳамда қонун ҳужжатлари билан қимматли қоғозлар жумласига киритилган бошқа ҳужжатлар киради. Мутлақ ҳуқуқ объекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва ўзига хос воситаларидан учинчи шахслар ҳуқуқ эгасининг рухсати билангина фойдаланишлари мумкин.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистонда хусусий мулк ҳуқуқининг вужудга келиш қонунчилик босқичларини ёритиб беринг?

2. Хорижий шахсларнинг хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларининг қонунчилик асосларини тушунтиринг?

3. Туман давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) масъулияти чекланган жамият (МЧЖ)нинг банкдаги ҳисоб рақами орқали амалга оширилган пул маблағлари ҳаракати ва давлат солиқ хизмати органига тақдим этилган ҳисоботлар асосида таҳлил ўтказган. Таҳлил натижасида 2014 йил 1 январгача қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишдан МЧЖнинг банкдаги ҳисоб рақамига 5,4 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ келиб тушгани ва ушбу тушумдан 50 фоиз - 2,7 млн. АҚШ доллари миқдорида мажбурий сотув амалга оширилгани ҳақида ДСИга ҳисобот топширилмагани аниқланган.

Ушбу хатони ўн кун ичида бартараф этиш бўйича туман ДСИ томонидан МЧЖга 2014 йил 16 январда талабнома юборилган.

Белгиланган муддатда талабномани кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар берилмаганидан кейин туман ДСИ хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, МЧЖнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган. Мазкур муаммоли ҳолатда давогар суд мажлисида қатнашган туман ДСИ вакили МЧЖ томонидан ҳуқуқбузарлик бартараф этилганини, яъни ҳисобот топширилганини маълум қилиб, МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилгани сабабли унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туришни сўраган. Ўз навбатида жавобгарнинг вакили ҳуқуқбузарлик бартараф этилганини, ҳисобот топширилганини билдириб, жамият мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишининг қўзғатилгани банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш учун асос бўла олмаслиги сабабли аризадаги талабни қаноатлантиришни рад этишни сўраган.

Муаммоли вазият ҳолатидан келиб чиқиб давогарнинг ва жавобгарнинг ҳуқуқий ҳолатини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таҳлили қилинг.

4. Солиқ органи томонидан масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан текшириш ўтказилиши натижасида фирмага нисбатан молиявий санкция қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

МЧЖ вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилиб, ДСИ ходимлари томонидан текшириш тартиби бузилганини баён қилган.

Адлия бошқармаси томонидан вилоят ДСБга МЧЖда ўтказилган текширишда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари, унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилган ва қонун бузилишига йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилган.

Адлия бошқармаси МЧЖ манфаатини кўзлаб судга мурожаат қилиб, ДСИнинг мазкур қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган. Ўз навбатида Адлия бошқармасининг ДСИ ходимлари томонидан текшириш тартиби бузилган, қонун бузилишига йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилган. Шу сабабли ДСИнинг қарорини ҳақиқий эмас деб топиш лозим. Ўз навбатида МЧЖ ДСИ ходимлари томонидан текшириш тартиби бузилган, яъни Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши вилоят ҳудудий комиссиясининг рухсатномаси ҳамда текшириш дастури МЧЖга топширилмаган, текширишда вояга етмаган шахслар холис сифатида иштирок этган, унинг натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномада илгариги текширув натижалари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилмаган. Бундан ташқари, текширишда қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиб, қонун бузилишига йўл қўйилганини солиқ органининг ўзи тасдиқлаган. Шу сабабли ДСИнинг қарори ҳақиқий эмас деб топилиши лозимлиги важи билан чиқаради. МЧЖнинг эътирозларига қарши равишда жавобгар ДСИ МЧЖ фаолиятида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши текширилган ҳамда натижалари юзасидан расмийлаштирилган далолатнома асосида 2012 йил 14 сентябрда ДСИ томонидан қарор қабул қилиниб, фирмага нисбатан молиявий санкция қўлланган. Адлия бошқармаси томонидан вилоят ДСБга МЧЖда ўтказилган текшириш бўйича тақдимнома киритилган ва қонун бузилишига йўл қўйган шахслар интизомий жавобгарликка тортилган. Бироқ текшириш давомида қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани МЧЖ томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилгани фактини рад этмайди. Шу сабабли аризачи талабини қаноатлантиришни рад этиш лозим.

Муаммоли вазият ҳолатидан келиб чиқиб даъвогарнинг ва жавобгарнинг ҳуқуқий ҳолатини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ таҳлил қилинг.

VI БОБ. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар

Тадбиркорлик шартномалари – бу нима? Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларнинг турлари. Тадбиркорлик шартномалари тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари. Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар. Тадбиркорлик шартномалари шартларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш. Тадбиркорлик шартномаси мажбуриятлари юзасидан жавобгарлик.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда шартномалар тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш масалаларини чуқур билиш талаб қилинади. Сабаби тадбиркор иш фаолиятини бошлаш, юритиш ва тўхтатиш жараёнида шартномалар тузишга ҳар доим эҳтиёж сезади.

Шунинг учун ҳам унга қуйидагича муносабат белдирилади: **“**Шартнома – бу бозор муносабатлари шароитида барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади*” (И.А.Каримов)*

“МанСин” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга ўз ҳамкорлари билан шартномавий муносабатларга киришишдан олдин Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик шартномаларига бўлган муносабат, уларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши, шартномавий муносабатга киришишнинг ўзига хослиги ҳақида маълумотлар тақдим қилишни сўради.

Тадбиркорлик шартномалари – бу нима?

Бизга маълумки, шартномаларнинг турлари жуда кўп. Уларни фуқаролик ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи ва бошқа фан –модуллари орқали ҳам танишгансиз. Бироқ, шундай шартномаларнинг бир кўриниши бўлган “тадбиркорлик шартномалари” ўзига хос хусусиятларга эга.

Тадбирколик шартномалари ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, хўжалик шартноманинг алоҳида кўринишидир. Олдинги чоп этилган адабиётларда тадбиркорлик фаолиятидаги шартномалар хўжалик ҳуқуқи фанининг “хўжалик шартномалари” мавзуси доирасида ўрганилган.

Ҳозирги иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, ишлаб чиқаришда фуқаролар ташаббускорликка асосланган иштирокининг ортиши ва мамлакатимизда яратилаётган ялпи миллий маҳсулотларнинг катта улуши тадбиркорлик субъектлари иштирокида яратилаётганлиги хўжалик шартномаларидан “Тадбиркорлик шартномалари”ни ажратиб ўрганишни тақозо этмоқда.



Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар ўз фаолиятларида турли хил шартномаларни тузадилар: таъсис шартномалари, меҳнат шартномалари, тадбиркорлик шартномалари ва ҳ.к. Тадбиркорлик шартномалари дейилганда, бевосита тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда бошқа тадбиркорлик субъектлари (жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар) ва давлат органлари билан тузиладиган шартномалар тушунилади.

Тадбиркорлик шартномаси - тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув.

Хўжалик шартномалари ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти учраши ва ундан фойда олиш мақсад қилиб қўйилмаслиги мумкин. Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларда эса албатта фойда олиш мақсади билан бирга ўзига хос иштирокчи – тадбиркорлик субъекти иштирок этиши шарт.

Хўжалик шартномалари каби, тадбиркорлик шартномаси ҳам фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича умумий тамойилларга бўйсинади.

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қуйидаги белгиларга эга бўлиши керак:



Англиялик олимлар Kenaan and Richeнинг фикрича, шартноманинг хусусиятлари қуйидагилар:[9]

1. Келишув (тарафлар орасида)
2. Инобатга олиш (ўз мажбуриятларини)
3. Мақсад (ҳуқуқий оқибат)
4. Шакл (га амал қил)
5. Қобилят (шартнома туза олиш)
6. Розилик (фикрлар тўқнашувида тенглик)
7. Қонунийлик (шартнома қонундан ташқарида бўла олмайди)

Тадбиркорлик фаолияти шартномаси тўрт қисмдан ташкил топади:

1) кириш;
2) шартнома предмети, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбу-риятлари;
3) шартноманинг қўшимча шартлари;
4) шартноманинг бошқа шартларига ажратиш мумкин.

[9] Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 215

Тадбиркорлик шартномасининг **кириш** қисмида қуйидагилар: шартноманинг номи (маҳсулот етказиб бериш, кредит, транспорт воситалари ижараси, қурилиш пудрати ва ҳоказолар); шартномани имзолаш вақти ва жойи; шартнома тарафларининг тўлиқ номи, тарафларнинг шартнома бўйича номланиши (масалан, «лицензиат», «кредитор», ва шу кабилар); шартномани имзолаётган шахснинг тўлиқ номи ва мансаби, шунингдек, унга шартномани имзолаш ҳуқуқини берувчи ҳужжат (устав, низом ёки ишончнома) кўрсатилиши лозим.

Тадбиркорлик шартномасининг **иккинчи** қисмида шартнома предмети; тарафларнинг шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари; тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари; тарафлар мажбуриятларини бажариш жойи; тарафлар мажбуриятларини бажариш усуллари (ҳаракатлар тартиби, кетма-кетлиги ва ҳ.к.) кўрсатилади.

Тадбиркорлик шартномасининг **учинчи** қисми барча шартномалар учун мажбурий эмас. Аммо, бундай шартлар мавжуд бўлган тақдирда тарафлар ҳуқуқ ва мажбуриятларига, шунингдек, уларни бажариш тартибига таъсир қилади.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларига шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг жавобгарлиги, мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усуллари; шартномани бир тарафлама бекор қилишнинг асослари ва оқибатлари, шартнома бўйича маълумотларни сир сақлаш, низоларни ҳал қилиш тартиби кабилар киради.

Тарафларнинг шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари кўрсатилган тақдирда ҳам тадбиркорлик шартномасининг амал қилиш муддати кўрсатилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳолат шартноманинг амал қилиш муддати қачон тугашини билиш ва тарафлар шартномани бажаришдан бош тортганлик учун талабнома ва даъво қилиш муддатининг бошланишини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбиркорлик шартномасининг қўшимча шартларидан яна бири, бу — мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидир. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, тадбиркорлик шартномасининг бажарилиши неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатларида ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан таъминланиши мумкин.

Одатда, тадбиркорлик шартномалари фақат тарафларнинг келишувига мувофиқ бекор қилиниши мумкин, аммо тарафлар шартномада уни бир тарафнинг ташаббуси билан ҳам бекор қилиш тўғрисидаги шартларни киритишларига йўл қўйилади. Шунингдек, шартномада унинг қайси шартлари сир сақланиши ва тарафлар томонидан ошкор қилиниши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлик шартномасининг **тўртинчи** қисми ўз ичига тарафлар ўртасидаги муносабатлар шартномадан ташқари яна қандай меъёрлар билан тартибга солинишини; тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги маълумотларни; шартнома тузишдан олдин олиб борилган ишлар ва уларнинг шартнома имзолангандан кейинги натижаларини; тарафларнинг реквизитларини; шартнома нусхалари сони ҳақидаги маълумотларни; шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибини; тарафлар вакилларининг имзоларини олади.

Тарафлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатиш ҳақидаги шартларда ахборот бериш ва шартноманинг бажарилишига тааллуқли бўлган масалаларни ҳал қилишга ваколатли шахслар (номлари ёки мансаби), шунингдек, алоқа турлари (телефон, факс ва ҳ.к.) кўрсатилади.

Тарафларнинг реквизитларига — почта индекси, манзили, ҳисоб-китоб рақами, банк муассасасининг номи, коди, МФО, солиқ тўловчининг идентификация рақами, юклаш реквизитлари киради ва улар тадбиркорлик шартномасида аниқ кўрсатилиши лозим. Шартномада унинг нусхалари сони ва уларнинг ҳақиқийлиги кўрсатилади. Шартнома матнига ўзгартиришлар киритиш тартибининг белгиланиши шартнома қалбакилаштирилишининг олдини олади.

Ҳар бир шартнома уни тузган тарафлар ёки уларнинг тўлиқ ваколатга эга бўлган вакили томонидан имзоланади, шунингдек, шартнома юридик хизмат ходими ёки адвокат томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши, муайян ҳолатларда шартнома юзасидан юридик хулоса берилиши талаб қилинади.

Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларнинг турлари

Тадбиркорлик шартномалари турли мезонларга қуйидаги турларга ажратилади.

А. Шартнома мазмунига кўра:


шартномалар
ТОВАРЛАРНИ СОТИШ (РЕАЛИЗАЦИЯ)НИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ШАРТНОМАЛАР
МУЛКНИ ФОЙДАЛАНИШГА БЕРИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ШАРТНОМАЛАР
ИШЛАРНИ БАЖАРИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ШАРТНОМАЛАР
ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ШАРТНОМАЛАР
ЎЗГАНИНГ ҲУҚУҚЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ НАЗАРДА ТУТУВЧИ ШАРТНОМАЛАР

Б. Ҳуқуқий табиатига кўра: шартномалар консенсуал ва реал бўлиши мумкин.

1. Кўпгина шартномаларни тузиш учун тарафларнинг розилиги етарли, шунинг учун бундай шартномалар консенсуал шартномалар деб аталади.



2. Реал шартномаларни тузиш учун муайян ҳаракатлар, масалан, банк кафолати, кредит, мулк гарови, мулкдорнинг ёки таъсисчининг розилиги бўлиши лозим.

В. Шартнома тадбиркорлик субъектининг молиявий имкониятига кўра:



Қуйидагилар йирик битимлар (шартномалар) деб ҳисобланади:

- Акциядорлик жамиятлари учун жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати жамият соф активлари миқдорининг **ўн беш** фоизидан ортиғини ташкил этган битим.
- Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар учун жамият мол-мулки қийматининг **йигирма беш** фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим.
- Оилавий корхоналар йирик битимни ўз уставида белгилаб қўяди.

Г. Тузилиш шаклига кўра:



Тадбиркорлик шартномаси одатда ёзма шаклда тузилади. Амалиётда шартноманинг оддий ёзма шакли кенг тарқалган бўлиб, у тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан расмийлаштирилади.

Тадбирколик шартномаси қонунда кўрсатилган ҳолларда ва тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланиши шарт. Шартномани нотариал тасдиқлаш нотариус ёки бундай нотариал ҳаракатни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган бошқа мансабдор шахс томонидан шартномада тасдиқловчи устхат ёзиб қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Kenaan and Richeнинг фикрича, шартноманинг турлари 2 та[10]:

1. МАХСУС ШАТНОМАЛАР (SPECIALITY CONTRACTS) Шарти: имзо, печать, гувоҳ, нотариус, регистрация.

2. ОДДИЙ ШАРТНОМАЛАР (SIMPLE CONTRACTS) Белгиси: оғзаки, ёзма, ҳаракат.

Амалдаги қонун ҳужжатларида айрим тадбирколик шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгилаб қўйилган. Масалан, ер участкалари ва бошқа кўчмас мол-мулк билан боғлиқ тадбиркорлик шартномалари (бошқа шахсга бериш, ипотека, узоқ муддатли ижара ва бошқ.) давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Шартноманинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик хўжалик шартномасининг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

[10] Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 214

Тадбиркорлик шартномалари тарафлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Юридик шахслар, шунингдек, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар тадбиркорлик шартномаларининг субект (тараф)лари бўлади. Тадбиркорлик шартномасида давлат манфаатларини кўзлаб, давлат органлари ёки у ваколат берган бошқа ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-I-сонли Қонунига мувофиқ, хўжалик шартномалари қўйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар.



Тадбиркорлик шартномаси тарафининг ҳуқуқлари

✓ - шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

✓ - шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хулосаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

Тадбиркорлик шартномаси тарафининг мажбуриятлари

✓ - шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

✓ -қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш;

✓ -тузилган шартномалар бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

✓ -давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

✓ -бошқа тарафнинг иқтисодий аҳволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

✓ - ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган воситалари ва усулларини қўллаш.

Тадбиркорлик шартномасининг тарафларни шартномавий муносабатга киришаётганда шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Мисол учун 2009 йил 22 августдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 245-сонли қарори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари”га кўра, саноат истеъмолчиларига электр энергиясини тежаш бўйича (йиллик ва узоқ истиқбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мажбурияти ҳам юкланади. Ёки Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ-328-сон «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунига кўра, тадбиркорлик субъектлари ўз товарларини (ишларини, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилишга ҳақлидирлар.

Булардан ташқари, тарафлар шартномавий муносабатга киришишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонун доирасида мустақил белгилашлари мумкин. Мисол учун шартнома юзасидан тўловларни олдиндан тўлиқ тўлаш мажбурияти белгиланиши мумкин.

Шартномаларни тузиш бўйича асосий қоидалар

Шартнома икки ва ундан ортиқ тарафлар ўртасида тузиладиган битим бўлганлиги сабабли у оферта, акцепт,



юридик экспертизадан ўтказиши ва шартномани имзолаш босқичларидан. Таклиф ***оферта***, таклифни киритган шахс эса ***оферент*** деб аталади. Таклифнинг қабул қилиниши ***акцепт***, таклифни қабул қилган шахс эса ***акцептант*** деб аталади.

Шартномани тузиш офертадан бошланади. Оферталар икки турга бўлинади. Булар:

Акцептлаш муддати кўрсатилган оферта	*Акцептлаш муддати кўрсатилмаган оферта*
Одатда, офертада унга берилиши керак бўлган жавоб муддати кўрсатилган бўлса, оферент шу муддат ичида ўз офертасига жавоб кутиши лозим. Акс ҳолда, агар у муддатнинг охиригача кутмай туриб, бошқа шахс билан шартнома тузса, офертани биринчи қабул қилган ва шу билан шартнома тузган деб ҳисобланган тарафга етказилган зарарни қоплашга мажбур бўлади.	Офертада жавоб муддати кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда музокаралар қандай усулда олиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар орали шартноманинг шартлари шакллантирилиши мумкин.

Оғзаки берилган оферта, музокаралар юзма-юз мулоқот, телефон ёки радио орқали олиб борилаётганлигидан қатъи назар, агар у дарҳол акцептланса, оферентни «боғлаб» қўяди. Ёзма берилган оферта эса, аввал унинг матни билан танишиб чиқишни, жавоб матни тузишни ва уни оферентга топширишни талаб қилади. Шунинг учун оферент жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида оферта билан «боғланган» бўлади.

Офертада кўрсатилган ёки жавоб етиб келиши учун зарур бўлган муддат ичида акцепт етиб келганлиги шартнома тузилганлиги билан тенг. Аксинча, агар кўрсатилган муддат ичида акцепт келмаса, у ҳолда офертанинг оферентни «боғлаб» турган кучи йўқолади ва оферент аввал ўзи берган таклифдан келиб чиққан мажбуриятлардан озод бўлади.

Шартномани тузиш учун берилган таклифда қуйидагилар мавжуд бўлсагина **оферта** деб ҳисобланади:

1. Бўлғуси шартноманинг барча муҳим шартлари;
2. Оферта юборилаётган шахс аниқ кўрсатилганлиги.

Агар берилган таклифда бу бандлардан биттасига риоя қилинмаган бўлса ҳам, у оферта деб эмас, балки **офертага даъват** деб ҳисобланади ва уни берган шахсга ҳеч қандай мажбуриятларни юкламайди. Бундай даъватга турли жавоблар келиши мумкин. Балки

улардан баъзиларида шартномани тузиш учун зарур бўлган барча шартлар санаб ўтилган ва офертага даъват этган шахс номига юборилган бўлиши ҳам мумкин. Бундай жавоб оферта кучига эга бўлади, лекин уни шартноманинг тузилишига олиб келадиган акцепт деб бўлмайди, чунки у ҳуқуқий маънодаги шартнома тузиш ҳақидаги таклифга келган жавоб эмас.

Шартномавий муносабатларга киришиш учун оферта ва акцептнинг мавжудлиги мажбурий шарт эмас. Уларсиз ҳам шартнома тузиш мумкин.

Тадбиркорлик шартномаларини **ҳуқуқий (юридик) экспертиза**дан ўтказиш шартнома тарафларининг юридик хизмати ёхуд шартнома асосида жалб этилган адвокатлар, адвокатлик тузулмалари томонидан амалга оширилади.

Англия қонунчилигига кўра, қуйидаги ҳолларда оферта тугаган (ўз кучини йўқотган) бўлади[11]:

1. Қабул қилинганда
2. Рад рад қилинганда
3. Қабулдан олдин қайтариб олиш
4. Офертанинг вақтини тугаши (агар бўлса)
5. Офертачининг ўлими
6. Офертанинг шартларини бажара олмаслик

Тадбиркорлик шартномалари борасида юридик хизмат:

- тадбиркорлик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини, шунингдек талабнома билдириш ва уни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

- шартномалари бажарилиш устидан ўзаро текширувлар ўтказилишини назорат қилади;

- тадбиркорлик субъекти раҳбарига имзолаш учун тақдим этилаётган тадбиркорлик шартномалари лойиҳаларининг ва улар билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини текширади;

[11] Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 218

- тайёрланган хўжалик шартномаси ва у билан боғлиқ ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжат лойиҳаси қонун ҳужжатлари талабларига мос эмаслиги аниқланган тақдирда, ўз эътирозини асослаган ҳолда уни қўшимча равишда ишлаб чиқиш учун қайтаради;

- шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишда бевосита иштирок этади.

Тадбиркорлик шартномалари уларни имзолашга тайёрлаш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текшириб кўрилиши керак. Шартномаларни ҳуқуқий эксперт имзосисиз тузишга йўл қўйилмайди.

Kenaan and Richeнинг фикрича, Англияда қуйидагиларга ҳам, ёзма расмий офертадан ташқари, оферта деб қаралади[12]:

1. Товарларни нархи билан магазин деразасига қўйиш
2. Брошура, каталог, реклама
3. Компаниянинг ютуқларини кўрсатувчи таништирув китобчаси
4. Ким ошди савдоси
5. Тендер

Қонун ҳужжатларида белгиланган **энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан** ортиқ суммадаги тадбиркорлик шартномалари тадбиркорлик субъектлари юридик хизматининг ёки жалб этилган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузилади.

Хулосада қуйидагилар кўрсатилади:

- ❖ тадбиркорлик шартномасида кўрсатилган муносабатлар қайси қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши;
- ❖ тадбиркорлик шартномаси шартларининг қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги;
- ❖ тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни ҳал этиш тартиби қонун ҳужжатлари талабларига мос келиш-келмаслиги.

Тадбиркорлик шартномалари шартларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш

[12] Mary Keenan, Sarah Riches and Vida Allen. Keenan and Riches' Business Law. Pearson Education Limited. 2013. -p 216

Тадбиркорлик шартномаси тузилган пайтдан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Тарафлар ўзлари тузган тадбиркорлик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар.

Тадбиркорлик шартномасида унинг бажариш вақти назарда тутилган ёки уни аниқлаш имкони мавжуд бўлса, у ҳолда шартномавий мажбурият ўша вақтда бажарилиши керак. Умумий қоидага кўра, тараф шартномани муддатидан илгари бажариши мумкин эмас. Бироқ, агар тарафлар учун бундай ҳолат шартномада назарда тутилган ва бунга иккинчи тараф розилик берган бўлса мажбуриятни муддатидан илгари бажариши мумкин. Шартномавий мажбуриятни бажариш муддати талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, биринчи тараф (кредитор) ҳар қачон ижрони талаб қилишга, иккинчи тараф (қарздор) эса ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади.

Тадбиркорлик шартномаси бўйича мажбуриятни дарҳол бажариш вазифаси қонун ёки шартноманинг моҳиятидан англашилмаса, қарздор бундай мажбуриятни кредитор талаб қилган кундан бошлаб **етти кунлик муддат** ичида бажариши шарт.

Тадбиркорлик шартномалар шартларини бажаришда қуйидагиларга риоя қилинади: 1. Шартнома шартларига (қонунчиликка зид бўлмаган). 2. Қонун ҳужжатлари талаблари. 3. Иш муомаласи одатлари.

Тадбиркорлик шартномалари тузилган пайтдан ҳар хил сабабларга кўра уни ўзгартириш, ҳаттоки бекор қилиш зарурати пайдо бўлиши мумкин.

Тадбиркорлик шартномаларини ўзгартириш бу- тарафларнинг ихтиёрий келишувига мувофиқ ёки суднинг қарори билан шартнома шартларини ўзгача тарзда баён қилиш ёки тўлдириш.

Тадбиркорлик шартномаларини бекор қилиш бу- тарафларнинг ихтиёрий келишувига мувофиқ ёки суднинг қарори билан шартноманинг барча шартларини комплекс тарзда бекор қилиниши.

Тадбиркорлик шартномаларини ўзгартириш ва бекор қилишга сабаб бўладиган ҳолатлар иккига бўлинади. Булар: Бундай сабабларни объектив ва субъектив турларга бўлиш мумкин.

Объектив сабаблар	Субъектив сабаблар
Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг объектив сабаблари тарафларнинг хоҳиши боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берадиган воқеликлар тушунилади. Буларга қонунчиликка кирган янги ўзгаришлар, форс-мажор ҳолатлар, бир тарафнинг мажбурий тугатилиши ва ҳ.к.лар мисол бўлади.	Шартномани ўзгартириш ва бекор қилишнинг субъектив сабаблари тарафларнинг ёки улардан бирининг ихтиёрий ҳатти ҳаракатида вужудга келади. Уларга мисол қилиб, шартномани ихтиёрий равишда ўзгартириш ва бекор қилишга тарафларнинг хоҳининг пайдо бўлиши, шартнома шартларини бузишларни келтириш мумкин.

Тадбиркорлик шартномалари икки усулда бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин:

1-усул. Тадбиркорлик шартномаларини тарафларнинг келишувига кўра ўзартириш ва бекор қилиш.

Тадбиркорлик шартномаси қандай шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг уни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам шундай шаклда амалга оширилади.

Тадбиркорлик шартномасини ўзгартириш ҳақидаги келишувда қуйидагиларнинг кўрсатилиши мақсадга мувофиқ бўлади, яъни ўзгартирилаётган шартноманинг рақами, санаси, номи; шартномани ўзгартириш сабаби; ўзгартирилаётган ёки қўшимчалар киритилаётган шартлар ва уларнинг янги таҳрири; ўзгартириш киритилгандан кейин аввалги шартларнинг юридик кучини йўқотиши ҳақидаги банд; ўзгартириш ёки қўшимча киритилишидан олдин мазкур шартлар бўйича юзага келган масалаларни ҳал қилиш тартиби.

Тарафларнинг шартномани бекор қилиш ҳақидаги келишувида эса қуйидаги маълумотлар киритилиши лозим: қандай шартнома бекор қилинаётганлиги; қайси вақтдан шартнома бекор қилинаётганлиги; шартнома бекор қилинишидан олдин мазкур шартнома юзасидан вужудга келган масалаларни ҳал қилиш тартиби; шартнома бекор қилингандан кейин тарафларнинг мазкур шартнома бўйича талаб қилиш ҳуқуқлари ўз кучини йўқотиши тўғрисидаги банд.

Тадбиркорлик шартномасини бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки тадбиркорлик шартномасининг шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

2-усул. Тадбикорлик шартномаларини суд тартибида ўзартириш ва бекор қилиш.

Тарафлардан бирининг талаби билан тадбиркорлик шартномаси хўжалик судининг қарорига биноан фақат иккинчи тараф хўжалик шартномасини **жиддий равишда** бузган ёхуд қонунда, ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши, ёки бекор қилиниши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-I-сонли қонунининг 15-моддасига мувофиқ тарафлардан бирининг хўжалик шартномасини бузиши иккинчи тарафга у хўжалик шартномаси тузишда умид қилишга ҳақли бўлган нарсадан кўп даражада маҳрум бўладиган қилиб зарар етказиши хўжалик шартномасини **жиддий бузиш** ҳисобланади.

Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан **рад жавоби олганидан кейингина** ёки таклифда кўрсатилган ёхуд қонунда ёки шартномада белгиланган муддатда, бундай муддат бўлмаганида эса **ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин**, тадбиркорлик шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин. Демак, хўжалик шартномалари қонунчилик ҳужжатларида ёки шартномада белгиланган ҳолларда бир тарафлама, ёки хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан бекор қилиниши мумкин.

Тадбиркорлик шартномаси мажбуриятлари юзасидан жавобгарлик

Шартнома мажбуриятларини тегишли тарзда бажармаслик қуйидаги жавобгарликларга сабаб бўлади:



Европанинг таниқли олимларидан бири ***Geoff Monahan****нинг фикрига кўра, шартноманинг шартларини қисман бажариш* "умуман бажарилмаган" *деб топилишига сабаб бўлиши мумкин*[13]**.**

Фуқаровий (шартномавий) жавобгарлик. Шартноманинг муҳим шартларидан бири унда иштирок этувчи тарафлар мажбуриятларининг белгилади. Бундан ташқари, тарафлар қонун ҳужжатларида ва иш муомаласидан келиб чиқадиган мажбуриятларга ҳам эга бўладилар. Муайян тараф сифатида иштирок этувчи субъект томонидан ушбу мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида бошқа тарафга зарар етказилса, ушбу зарарни қоплаш мажбурияти вужудга келади.

Мисол учун, маҳсулот етказиб бериш шартномасига кўра, етказиб берувчи (сотувчи) шартномада назарда тутилган маҳсулотни ўз вақтида етказиб бермаган ҳолларда мазкур маҳсулот етказиб бериш мажбурияти билан бирга, кечиктирилганлик туфайли олинмасдан қолинган фойдани ҳам қоплаб беради.

Бундан ташқари, шартнома шартларини ўз вақтида лозим даража бажарилиши таъминлаш мақсадида тарафлар шартномада ҳар бир ҳолат юзасидан бошқа фуқаролик жавобгарлик чораларини белгилашлари мумкин.

Мисол учун, сифатсиз маҳсулотни етказиш эвазига етказилган зиённи қоплаш билан бир қаторда, қўшимча тўловларни амалга ошириш, харидорнинг бошқалар олдидаги нуфузини сақлаш мақсадида раддиялар бериш.

Шартномада назарда тутилмаган ҳолларда мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик туфайли қўлланиладиган фуқаровий жавобгарлик чоралари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги 1998 йил 29 августдаги ЎРҚ-670-I-сонли қонунида шартноманинг мажбуриятларининг бузилиш ҳолатларига қуйидагича жавобгарлик чоралари белгиланган.

№	Ҳолат		Жавобгарлик чораси
1.	Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар	-	товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг **0,5**

[13] Essential Contract Law, Cavendish Essential series, Geoff Monahan, Second edition, London. 2001. P.138.

	кўрсатилмаган ҳолларда,		**фоизи** миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг **50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.**
2.	Етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса	-	сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг **20 фоизи миқдорида жарима** ундириб олишга ҳақлидир.
3.	Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда	-	Сотиб олувчи (буюртмачи): - товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли; - бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; - етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг **20 фоизи миқдорида жарима**

			ундиришга ҳақли.
4.	Марка белгиси қўйилмаган ёки лозим даражада маркировка қилинмаган товарларни, шунингдек идишсиз ёки ўралмаган товарларни ёхуд тегишли идишга жойланмаган ёки лозим даражада ўралмаган товарларни етказиб берганлик учун	-	етказиб берувчи сотиб олувчига(буюртмачига) бундай товарлар қийматининг **5 фоизи миқдорида жарима** тўлайди.
5.	Товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичида фойдаланилмаса	-	етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг **5 фоизи миқдорида жарима** тўлайди.
6.	Жўнатилган товарларга оид тўлов ёки товар-транспорт ҳужжатларининг нусхасини белгиланган муддатда юбормаганлик ёки товарлар жўнатилганлиги тўғрисидаги бошқа ахборотни тақдим этмаганлик учун	-	етказиб берувчи сотиб олувчига ахборот тақдим этилмаган ҳар бир ҳолат учун етказиб берилаётган товар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.
7.	Товарларни танлаб олмаслик, шунингдек етказиб берувчи шартномада белгиланган муддатда (даврда) уларни етказиб берганда товарларни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун	-	сотиб олувчи етказиб берувчига танлаб олинмаган (ўз муддатида олинмаган) товарлар қийматининг **5 фоизи миқдорида**, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — **10 фоиз миқдорида жарима** тўлайди.
8.	Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар (ишлар, хизматлар)	-	сотиб олувчи (буюртмачи) маҳсулот етказиб берувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **15 фоизи миқдорида жарима** тўлайди.

	ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун		
9.	Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун	-	сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг **0,4 фоизи миқдорида**, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг **50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня** тўлайди.
10.	Ҳисобварақдан маблағларни асоссиз равишда акцептсиз ҳисобдан чиқарганлик учун	-	айбдор тараф иккинчи тарафга асоссиз равишда акцептсиз ҳисобидан чиқарилган сумманинг **10 фоизи миқдорида жарима** тўлайди.

Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг маъмурий жавобгарлиги. Тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор **маъмурий жавобгарлик**ка ҳам тортиладилар.



Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жиноий жавобгарлиги. Тарафларнинг шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор **жиноий жавобгарлик**ка ҳам тортилишлари мумкин.



Назорат саволлари:

1. Тадбиркорлик фаолиятида шартномалар қандай турлари мавжуд?

2. Тадбиркорлик фаолиятидаги шартномаларни ўзгартириш ва бекор қилишнинг қандай усуллари мавжуд?

3. “А” ХК “Б” АЖдан умумий нархи 130 000 000 сўм бўлган ҳаво тозалловчи ускунани сотиб олди. Ушбу сумманинг 30 000 000 сўми илгаридан тулаб берилди. “А” ХК қолган 100 000 000 сўмни ускуна ишга тушириб, 10 кун синовдан ўтгандан кейин тўлаб берилиши ҳақида келишилган эди. Бироқ мазкур 10 кунлик синов муддати ўтганидан кейин, 100 кун давомида мазкур тўлов амалга оширилмади.

“Б” АЖ хўжалик судига даъво ариза бериб, асосий қарздорлик ва “Хўдалик юритувчи субъектларнинг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида” ги қонуннинг 32- моддасига кўра тўлов кечиктирилган ҳар бир кунга кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорида, яъни 40 000 000 сўм пеня, жами 140 000 000 пулни ундириб беришни сўраган.

Жавобгар “А” ХК эса, асосий қарздорликни тан олган ҳолда, улар ўртасидаги шартномада тўлов кечиктирилган ҳар бир кунга кечиктирилган тўлов суммасининг 0,01% миқдорида белгиланганлигини маълум қилиб, суддан пенянинг миқдори 1 000 000 жами қарздорликни 101 000 000 деб топишни сўраган.

Савол: Судьянинг пеняни мидорини белгилашдаги ички хоҳиши инобатга олинмаганда, томонлардан қайси бирининг позицияси қонунга мувофиқ?

4. “DOP product” хусусий корхонаси ЯТТ Валиев шартнома имзолади. Шартнома шартларига кўра, “DOP product” хусусий корхонаси ЯТТ Валиевга ҳар ойнинг 15 санасида 7 турдаги 140 литр авто машиналар учун ёқилғи мойлаш материаллари етказиб туриш мажбуриятини олади.

“DOP product” хусусий корхонаси омборхонасида таъмирлар ишлари бўлаётганлигини, маҳсулотларни сақлаш жойи мавжуд эмаслигини важ қилиб, кейинги ойнинг 1 санасида 140 литр авто машиналар учун ёқилғи мойлаш материалларини жўнатади. ЯТТ Валиев эса уни қабул қилишни рад этади.

Ушбу вазиятда кимнинг ҳаракати қонуний ҳисобланади?

VII БОБ. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ҳуқуқий тартибга солиниши

Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари. Ташқи иқтисодий фаолиятда квоталаш, лицензиялаш, тариф ва нотариф, солиқлар ҳамда валюта орқали тартибга солиниши.

Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномавий мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик.

Ташқи иқтисодий фаолият тушунчаси ва унинг ҳуқуқий асослари. Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари

Дунёда моддий бойликлар бир хилда тақсимланмаган. Хар бир давлат ўзида бўлмаган маҳсулотларга эхтиёж сезади (мисол учун, кофе фақат маълум иқлим шароити бўлган давлатларда етиштирилади) ва шу сабабли бошқа давлатлар билан ташқи иқтисодий муносабатлар ўрнатади. Ушбу муносабатларнинг иштирокчиси сифатида эса фуқаро ва юридик шахслар ҳам қатнашади.

> **Ташқи иқтисодий фаолият** – Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолият

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган ва якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатга олинган жисмоний шахслар ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддаси ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқларини белгилаб беради. Улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатлари доирасида ташқи иқтисодий фаолиятда қатнашиш шаклларини мустақил белгилаш, ташқи иқтисодий

фаолиятни амалга ошириш учун ўз хоҳишига кўра бошқа юридик ва жисмоний шахсларни шартнома асосида белгиланган тартибда жалб қилиш;

ташқи иқтисодий фаолият натижаларига, шу жумладан, миллий ва чет эл валютасидаги даромадга қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш.

Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги ҳисоботни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этиши;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган товарларнинг Ўзбекистонда белгилаб қўйилган техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатларни белгиланган тартибда тақдим этиши шарт.

Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб киришнинг алоҳида тартиби жорий этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.08.2004 й. **“Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 387-сонли Қарорига мувофиқ

тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахслар экспорт-импорт операцияларини ва чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқи билан юридик шахс бўлмасдан якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт;

“эркин муомалага чиқариш” режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлганда, божхона ва бошқа тўловлар тўланган тақдирда савдо комплексларида якка тартибдаги тадбиркорнинг фақат ўзи бевосита олиб келган импорт товарлар билан чакана савдони амалга оширишга ҳақли.

“Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан Якка тадбиркорни давлат рўйхатидан ўтказиш жисмоний шахс яшайдиган жой бўйича давлат

солиқ инспекциясида шахсан келиб ёки Интернет тармоғи орқали амалга оширилади.

Ариза берувчи (якка тартибдаги тадбиркор) давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида ва божхона органларида ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтиши ҳамда тижорат банкида талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами очиши шарт.

“Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига асосан четдан олиб келинадиган ва четга олиб чиқиб кетиладиган маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш белгиланган. Миллий мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари ёки бошқа давлатларнинг "Ўзстандарт" агентлиги томонидан эътироф этилган мувофиқлик сертификатлари ва мувофиқлик белгилари аризачи (маҳсулот етказиб берувчи) томонидан божхона назорати органларига юкка тааллуқли божхона декларацияси билан биргаликда тақдим этилади ва улар маҳсулотни республика ҳудудига олиб киришга рухсатнома олиш учун зарур ҳужжатлар ҳисобланади.

Давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилаётган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас

Четдан олиб келинаётган маҳсулотнинг хавфсиз эканлигини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган тақдирда божхона назорати органлари бу хусусда "Ўзстандарт" агентлигини хабардор этадилар ҳамда маҳсулотни сертификатлаштиришдан ўтказиш ёки чет эл сертификатини эътироф этиш тўғрисидаги масала сертификатлаштириш миллий тизими қоидаларига мувофиқ ҳал этилгунга қадар бу маҳсулотни четдан олиб киришни тақиқлаб қўядилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 апрелдаги “Сертификатлаштириш тартиботларини ва сифат менежменти тизимларини жорий этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 122-сон қарорига қилинган 1-Илова **“Мажбурий тартибда сертификатланадиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва унга олиб кириладиган маҳсулотлар турлари Рўйхати”**га асосан кофе, чой, шакар, туз, алкоголь ичимликлар, фармацевтика маҳсулотлари,

болалар ўйинчоқлари каби маҳсулотларни мажбурий сертификатлаштириш белгиланган.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари **“Гигиеник сертификация қилинадиган (санитария-эпидемиологик хулоса бериладиган) товарлар Рўйхати”**га киритилган маҳсулотларни гигиеник сертификатлаштиришдан ўтказишлари лозим.

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 11-моддаси ташқи савдо фаолиятининг мазмунини белгилаб беради. Ташқи савдо фаолияти халқаро товарлар, ишлар (хизматлар) савдоси соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятидир.

Импорт – божхона ҳудудига олиб кирилган товарлар уларни ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетиш мажбуриятисиз бу ерда доимий қолиши

Ташқи савдо фаолияти товарларни, ишларни (хизматларни) экспорт ва импорт қилиш йўли билан амалга оширилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг яна бир йўналишларидан бири бўлган чет эл инвестицияларини жалб қилишдир (12-м.).

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари ва тартиби **“Чет эл инвестициялари тўғрисида”**ги Қонун билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 5-моддасида чет эл инвестицияларини амалга ошириш шакллари кўрсатиб ўтилган.

Экспорт – товарлар божхона ҳудудидан ташқарига уларни ушбу ҳудудга қайтариб олиб кириш мажбуриятисиз олиб чикилиши

Табиий ресурсларни қидириш, ишлаб чиқиш, қазиб олиш ёки улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатлар шунингдек **“Концессиялар тўғрисида”**ги ва “**Маҳсулот тақсимотига оид битимлар тўғрисида”**ги қонунлар билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестиция фаолиятини амалга ошираётган чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш **“Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”**ги Қонун билан белгиланган.

Концессия – чет эллик инвесторга хўжалик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома, давлат чет эллик инвесторга концессия шартномаси асосида мол-мулк, ер ва ер ости участкаларини топшириши

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига асосан Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида эркин иқтисодий зоналар учун ташқи иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тартиби (божхона, валюта, солиқ ва бошқалар) ўрнатилиши мумкин бўлиб, у эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Маҳсулот тақсимотига оид битим – Ўзбекистон Республикаси ҳақ олиш асосида ва муайян муддатга чет эллик инвесторга битимда кўрсатилган ер қаъри участкасида конларни аниқлаш, қидириш ва фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ҳамда шулар билан боғлиқ бўлган ишларни олиб бориш учун мутлақ ҳуқуқлар бериши, инвестор эса мазкур ишларни ўз маблағлари ҳисобига ва таваккал қилиб амалга ошириш

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ йўллар билан амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги

инвестиция фаолияти хорижий давлатнинг қонун ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2013 йил 27 мартдаги 9, 24, 12, 2013-22, 01-02/19-28-сон қарорига қилинган Илова “Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этиш тўғрисида хабардор этиш тартиби ҳақидаги Низом”га асосан Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари томонидан чет элда ташкилотлар ташкил этиш ёки уларнинг устав фонди (капитали)да улуш билан иштирок этишса, бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини белгиланган тартибда хабардор этишлари лозим.

Чет элдаги ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин таъсисчи бир ой ичида ТИАИСВни ушбу ҳақида чет элда ташкил этилган ташкилотнинг тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги аккредитациядан ўтган жойи бўйича дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасаси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Консуллик бошқармаси томонидан легализация қилинган таъсис ҳужжатларини тегишли таржимаси билан бирга юборган ҳолда хабардор қилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари. Ташқи иқтисодий фаолиятда квоталаш, лицензиялаш, тариф ва нотариф, солиқлар ҳамда валюта орқали тартибга солиниши

Ҳар бир давлат ўз иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг ўзига хос усулларига эга. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш усуллари **“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”**ги Қонуннинг 17-моддасида белгиланган.

Ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун ўзаро преференция ва имтиёзлар бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси бир қатор давлатлар билан энг кўп қулайлик режими тақдим этиладиган савдо-

иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларни имзолаган (“Энг яхши қулайлик режими тақдим этиладиган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхати”. 08.04.1998 й. 426-сон).

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси 3-қисмига асосан савдо-иқтисодий алоқаларда энг кўп қулайлик бериш тартиби назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёки қайси мамлакатда ишлаб чиқарилганлиги аниқланмаган товарлар учун ундириладиган импорт божининг ставкалари икки баравар оширилади.

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддасида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, 19-моддада эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ваколатлари белгиланган.

Мазкур Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ товарлар экспорти, импортини тақиқлаш ҳамда чеклаш белгиланиши мумкин.

Қонуннинг 21-моддаси товарлар айрим турларининг экспорт ва импортини лицензиялаш ҳамда квоталаш тартибини белгилайди. Товарларнинг айрим турларини экспорт ва импорт қилиш фақат уларни олиб кириш ёки олиб чиқиш учун тегишли рухсатнома (лицензия) олинганидан кейин амалга оширилади. Товарлар айрим турларининг экспорти ва импортини амалга ошириш учун лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган органлар томонидан берилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси айрим товарлар турларини экспорт ва импорт қилишга нисбатан миқдорий чекловлар (квоталар) белгилаши мумкин.

Квоталарни тақсимлаш, қоида тариқасида, танлов ёки кимошди савдоси асосида амалга оширилади.

Экспорт ва импорт қилиниши лицензияланиши ҳамда квоталаниши зарур бўлган товарлар айрим турларининг рўйхати, шунингдек лицензияларни бериш ва квоталарни тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт-импорти билан шуғулланувчи компанияларга қўшимча талаблар белгиланган. Мисол учун, Европа Кенгашининг ЕС 178/2002-сонли Низомига асосан тадбиркорлик субъектлари:

озиқ-овқат маҳсулотларининг қадоқланиши, рекламаси ва намоиши истеъмолчиларни чалғитмаслигини таъминланлари зарур (16-модда);

маҳсулот етказиб берувчилар ва ўзлари етказиб берувчи сифатидаги маълумотларни сақлашлари ва ваколатли органларга ушбу маълумотларни тақдим этишлари керак (18-модда);

агар озиқ-овқатлар тегишли ҳавфсизлик талабларига мос келмаса уларни бозорлардан чақириб олиш ёки олиб ташлашлари лозим (19-модда)[14].

Ўзбекистон Республикасида импорт квоталари қўлланилмайди, бироқ 1987 йилги **Озон қатламини бузувчи моддалар бўйича Монреаль протоколи**, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.11.2005 й. **“Озонни бузувчи моддаларни ва таркибида улар мавжуд бўлган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида”**ги 247-сонли Қарорига асосан 2005-2030 йиллар даврида озонни бузувчи моддаларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришга квоталар тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.03.1998 й. **“Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 137-сонли Қарорига асосан “Контрактлар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатдан ўтказилгандан кейин экспорт қилинадиган товарлар Рўйхати” ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари томонидан бериладиган рухсатномалар бўйича экспорт ва импорт қилинадиган махсус товарлар (ишлар ва хизматлар) Рўйхати” тасдиқланган.

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонунга асосан импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 10.10.1997 й. **“Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПФ-1871-сонли Фармонига асосан 1997 йил 1 ноябридан бошлаб барча турдаги товарларга (ишлар, хизматлар) қўлланиладиган экспорт божлари

[14] Keenan M., Riches S. and Allen V. Keenan and Riches’ Business Law. 9th edition. Pearson Education Limited. London. 2009. p. 367.

бекор қилинган. Ушбу Фармонга мувофиқ лицензия асосида экспорт-импорт қилинадиган товарлар, экспорт ҳамда импорт қилиш тақиқланган товар ва маҳсулотлар рўйхати тасдиқланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига этил спиртини олиб келиш ва унинг транзити ҳам тақиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.08.2009 й. **“Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-1169-сонли Қорорига асосан 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб қўлланиладиган импорт божи ставкалари тасдиқланган. Ставкалар товарнинг божхона қийматига нисбатан фоизларда ёки товарлар бирлиги учун белгиланган миқдорда АҚШ долларида ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.06.2011 й. **“Товарлар импортини божхона-тариф жиҳатдан бошқаришни такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-1560-сонли Қарорига асосан 2011 йилнинг 1 августидан бошлаб товарларнинг айрим турларига импорт божи ставкалари ўрнатилган.

Экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга қонунчиликда бир қатор имтиёз ва афзалликлар белгиланган. Уларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.03.2012 й. **“Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-1731-сонли Қарорида келтирилган:

1. Акциз тўланадиган товарларни уларнинг ишлаб чиқарувчилари томонидан экспортга реализация қилишга акциз солиғи солинмайди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бундан мустасно.

2. Товарларни чет эл валютасида экспортга реализация қилиш (қимматбаҳо металлар бундан мустасно) оборотига ноль даражали ставка бўйича қўшилган қиймат солиғи солинади.

3. Экспорт қилувчи корхоналар (хом ашё товарларини сотиш бундан мустасно) учун фойда солиғи ва мулк солиғи ставкаси умумий сотиш ҳажмида ўзи ишлаб чиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага сотилган товар (иш, хизмат)лар экспортидаги улушига боғлиқ ҳолда камайтирилади:

экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача миқдорда бўлганида - 30 фоизга;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида - 2 маротаба.

4. Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси қуйидагича камайтирилади:

умумий сотиш ҳажмида экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача бўлганида - 30 фоизга;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ бўлганида - 2 маротаба.

5. 2016 йил 1 январга қадар республикадаги ўз маҳсулоти ҳажмининг, жумладан ярим тайёр маҳсулотларининг (калава, газлама, трикотаж газлама ва пахта йигириш чиқиндилари) 80 фоизи ва ундан ортиғини эркин алмаштириладиган валютага сотадиган тўқимачилик саноати корхоналари мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

6. Товар (иш, хизмат)ларнинг барча турларига экспорт божхона божлари ва специфик товарлардан ташқари бошқа товар (иш, хизмат)лар экспортини лицензиялаш бекор қилинган.

7. Товарларни экспорт қилишда тўланадиган божхона расмийлаштируви йиғимларининг амалдаги ставкасига қараганда ўртача 2 маротабага камайтирилган янги ставкалари тасдиқланган.

8. Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод этилган.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.08.2013 й. **“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги ПҚ-2022-сонли Қарори асосида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

“Бож тарифи тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасига асосан бож ундиришдан озод қилинган фаолият турлари белгиланган.

Давлат эҳтиёжлари учун танлов асосида озиқ-овқат товарлари етказиб беришни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида тендерлар ўтказувчи “Ўзбектендер-консалтинг” агентлиги ташкил этилган. Агентлик товарлар (ишлар ва хизматлар)ни харид қилиш, сотиш юзасидан тендер савдолари, танловлар ўтказиш бўйича ихтисослаштирилган ташкилот ҳисобланади.

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги ва **“Экспорт назорати тўғрисида”**ги Қонунларга асосан маълум бир товарлар устидан экспорт назорати ўрнатилиши белгиланган.

“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунннинг 23-моддасига асосан хорижий давлат томонидан Ўзбекистон Республикасининг ва ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг иқтисодий манфаатларини бузувчи чоралар қабул қилинган тақдирда, шунингдек ушбу давлат халқаро шартномаларга кўра Ўзбекистон Республикаси олдида қабул қилган ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият соҳасида жавоб чораларини кўллашга ҳақли.

Шунга ўхшаш норма ФКнинг 1167-моддасида ҳам белгиланган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг ҳуқуқларига махсус чекловлар қўйган давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларига нисбатан жавоб тариқасида чекловлар (реторсиялар) белгилаши мумкин.

Шунингдек, **“Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”**ги Қонуннинг 24, 25, 26-моддаларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари қўлланилиши белгиланган.

“Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божлари тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига биноан Товар импорти кўпайишини чеклаш бўйича товар импортининг миқдори ва (ёки) қийматига (импорт квотаси) нисбатан чеклов тариқасида, импорт божидан ташқари ундириладиган махсус бож тариқасида қўлланиладиган чоралар ёки товар импорти кўпайишини чеклашга қаратилган бошқа чоралар муҳофаза чораларидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги 129-сон Қарори билан тасдиқланган **“Муҳофаза чоралари, антидемпинг ва компенсация божларини қўлланиш мақсадида текшириш ўтказиш тартиби тўғрисида”**ги Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги иқтисодиёт тармоғига етказилаётган жиддий зарарнинг ёки жиддий зарар етказилиши хавфининг борлигини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказадиган ваколатли орган ҳисобланади.

Ваколатли орган текшириш натижалари бўйича муҳофаза чораларини, антидемпинг ёки компенсация божларини қўллашнинг

мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги хулосасини Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномалар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномавий мажбуриятлар юзасидан жавобгарлик

Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномаларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда тарафларнинг бири сифатида чет эл юридик шахслари ёки фуқаролари иштирок этишлари, ҳамда шартномавий муносабатларга миллий қонунчиликдан ташқари чет эл қонунлари, халқаро шартномалар ва эътироф этилган халқаро таомиллар қўлланишидир. Мисол учун, ташқи иқтисодий шартномаларга Халқаро товарлар олди-сотдиси шартномалари тўғрисидаги Конвенция (Вена, 11.04.1980 й.) қоидалари ҳам қўлланиши мумкин, агар тарафлар ушбу Конвенцияни қўлламасликка келишиб олган бўлмасалар.

Миллий қонунчиликда ташқи иқтисодий операциялар юзасидан тузиладиган шартномаларга нисбатан маълум талаблар ўрнатилган, улар хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Божхона кодекслари ва қуйида кўриб чиқаладиган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.07.2014 й. **“Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо операциялари мониторингини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги 199-сонли Қарорига мувофиқ ташқи савдо контрактларини ваколатли банкларда ҳисобга қўйиш тартиботи 2014 йил 1-сентябрдан бошлаб бекор қилинган. Унинг ўрнига қуйидаги тартиб белгиланган:

тадбиркорлик фаолияти субъектлари ташқи савдо контрактлари бўйича маълумотларни электрон шаклда Интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали, электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда киритадилар;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи савдо контрактлари юзасидан мониторинг валюта назорати органлари ва ваколатли банклар томонидан Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизими орқали амалга оширилади;

2014 йил 1 сентябргача ваколатли банкларда ҳисобга қўйилган контрактлар ваколатли банкларда ҳисобдан чиқарилиши, кўрсатиб

ўтилган контрактлар бўйича маълумотлар айни бир вақтда Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига (ТСОЯЭАТ) киритилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 30.12.2012 й. **"Ташқи савдо операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиботларни либераллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 379-сонли Қарорига мувофиқ 2013 йил 1 январдан бошлаб:

товарларни декларациялаш механизмини жорий этиш уларнинг амалда божхона ҳудудига олиб келиниши пайтигача божхона органларига дастлабки декларация тақдим этиш йўли билан амалга оширилади;

импорт контрактларни божхона органларида ҳисобга қўйиш бекор қилинади.

Маълум турдаги экспорт-импорт контрактлари Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида рўйхатга олинади. **“Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида (ТИАИСВ) Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектлари томонидан тузиладиган экспорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни рўйхатга олиш ва импорт контрактлари (шартнома ва битимлар)ни экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисида”**ги Низомга асосан ТИАИСВда қуйидаги контрактлар рўйхатга олинади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига 1-сон иловада кўрсатилган товарлар экспортига доир контрактлар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари, ҳукуматлараро келишувлар асосида тузилган товарлар (хизматлар) экспортига доир контрактлар.

Бунда биржа савдоларида тузилган ва биржада рўйхатга олиниши лозим бўлган контрактлар ҳамда ўзи ишлаб чиқарган товарлар экспортига (лицензияланадиган товарлар экспортидан ташқари) доир контрактлар ТИАИСВда рўйхатга олинмайди.

ТИАИСВда қуйидаги импорт контрактлари экспертизадан ўтказилади:

давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молияланадиган;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган кредитлар (қарзлар) ҳисобидан молияланадиган;

устав сармоясидаги давлат улуши 50 фоиздан кўпроқни ташкил этадиган ва ўзининг валюта маблағлари билан таъминланмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган контрактлар.

Шунингдек ушбу Низомда контрактларга қўйиладиган асосий талаблар ва улар ўз ичига олиши лозим бўлган асосий шартлар белгилаб берилган.

Бартер шартномаси – келишиб олинган миқдордаги бир товарни бошқа бир товарга ўзаро ҳисоб-китобларни валютада амалга оширмасдан алмаштиришни назарда тутувчи шартнома

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.07.1993 й. № УП-616-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 13.08.1996 й. 280-сонли Қарорига мувофиқ бартер асосидаги экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш бўйича шартномалар тузиш чекланган.

“Ташқи савдо операциялари устидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ташқи савдо

контрактларида қуйидаги асосий бўлимлар ва маълумотлар бўлиши керак:

Муқаддима. Контрактнинг кириш қисмида контрактнинг тартиб рақами, контракт тузилган жой ва сана, юридик шахсларнинг тўлиқ номи, контрактни тузган шахсларнинг лавозими, фамилияси ва исми. Агар шахс контрактни ишончнома асосида тузса, бу контрактнинг муқаддимасида кўрсатилади.

Контрактнинг мавзуси. Ушбу бўлимда товарлар, ишлар ва хизматларнинг номи, шунингдек битим тури кўрсатилади. Товарнинг номи билан биргаликда унинг тавсифи ҳамда миқдори ва сифати бўйича ассортименти кўрсатилади.

Товарнинг сифат тавсифи товардан фойдаланиш учун унинг яроқлилигини акс эттирувчи хоссалар жамини белгилайди. Шунингдек, ТИФ ТН (Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятининг Товар номенклатураси, 2012 й.) бўйича товарнинг кодига ҳавола ҳам зарур.

Машиналар, асбоб-ускуналар ва технологик линияларни етказиб бериш учун контрактда уларнинг янгилиги ёки улардан фойдаланганлиги ҳолати кўрсатилади (фойдаланилганлари учун - эскириш фоизи ёки фойдаланиш муддати).

Етказиб беришнинг базис шартлари. Товарни етказиб бериш бўйича сотувчи ва харидорнинг асосий мажбуриятлари аниқланади (“Инкотермс” халқаро қоидалари бўйича).

INCOTERMS – Халқаро савдо палатаси томонидан товарларни халқаро олди-сотди шартномалари билан боғлиқ тадбиркорлик амалиётларни ўз ичига олган савдо атамаларининг биринчи учта харфларининг қисқартмасини ифодаловчи қоидалар. Инкотермс қоидалари асосан товарни сотувчидан сотиб олувчига етказиб беришдаги мажбурият, баҳо ва таваккалчилик шартларини белгилаб беради.

Товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати. Контрактда товарни етказиб бериш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддати ёки санаси кўрсатилади.

Контрактнинг нархи ва умумий суммаси. Товарнинг нархини белгилашда контрактда товарнинг ўлчов бирлиги, товар бирлиги нархи ва контрактнинг умумий суммаси кўрсатилади.

Товарнинг ўлчов бирлиги ТИФ ТНдаги ўлчов бирлигига мувофиқ белгиланади.

Контрактнинг умумий суммаси сотилаётган товар, ишлар ва хизматларнинг қийматини англатади. Ишларни бажаришга ва хизматлар кўрсатишга контрактни тузиш пайтида контракт суммасини белгилаш имкони бўлмаган ўзига хос контрактлар тузилган тақдирда контрактнинг умумий суммаси кўрсатилмайди.

Тўлов шартлари. Контрактдаги тўлов шартларида валюта, тўлов шакли ва муддати белгиланади. Агар тўлов валютаси контракт валютасидан фарқ қилса, у ҳолда валютани қайта ҳисоблаб чиқиш курси ва ушбу курсни аниқлаш манбаи кўрсатилади.

Ташқи савдо контрактларида тўлов валютаси хорижий валютада кўрсатилади. "Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида"ги Низомнинг 13-бандига кўра экспорт-импорт операциялари бўйича тўловларнинг асосий шакллари ҳужжатли аккредитивлар, банк жўнатмаси ва инкассо ҳисобланади.

Товарнинг келиб чиқиши, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи. Контрактда етказиб берилаётган товар келиб чиққан мамлакат ва ишлаб чиқарувчи, шунингдек ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш жойи (мамлакати) кўрсатилади.

Томонларнинг жавобгарлиги. Қабул қилинган мажбуриятларнинг томонлар томонидан бажарилишини таъминловчи шартлар сифатида контрактда, қоидага кўра, контракт мажбуриятлари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун томонлар тўлайдиган пеня ва/ёки жарима шаклидаги жавобгарлик назарда тутилади. Айбдор томонга зарар кўрган томоннинг талабига кўра унга неустойка тўлаш мажбурияти юкланади.

Томонларнинг реквизитлари. Контракт матни томонларнинг реквизитларини кўрсатиш билан тугалланади. Почта реквизитлари, манзил, банк реквизитлари ва юклаб жўнатиш реквизитлари кўрсатилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг имзолари контрактда муҳр билан тасдиқланади.

Ташқи савдо контрактининг матни давлат тилида ёки рус тилида баён қилиниши керак. Агар контракт матни бошқа тилда тузилган бўлса, контракт давлат тилига ёки рус тилига таржима қилиниши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши керак.

Контракт шартларига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар қўшимча битим билан қайд этилиши керак ҳамда контрактлар билан бўлгани сингари тартибда тизимга киритилади.

Мазкур Низомнинг 9-бандига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг экспорт контрактларини ҳисобга қўйиш давлат божхона хизмати органлари томонидан божхона постларида бевосита товарларни божхонада расмийлаштириш жараёнида амалга оширилади (Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлари экспорти бундан мустасно).

Қолган хўжалик юритувчи субъектларнинг контрактларини ҳисобга қўйиш Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг валюта назорати бўлимлари томонидан хўжалик юритувчи субъект давлат рўйхатидан ўтказилган жой бўйича амалга оширилади. Шу жумладан, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарларини экспорт қилувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар.

Низомнинг 17-бандига кўра чет элдан валюта тушуми 30 банк кунидан ортиқ кечиктирилишига йўл қўйган экспорт қилувчилар (кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун - 60 банк куни) белгиланган муддатлар тамом бўлгандан кейин:

валюта тушуми белгиланган муддатлардан 180 кунгача кечикканда - тушмаган валюта маблағлари суммасининг 10 фоизига тенг;

валюта тушуми белгиланган муддатлардан 180 кундан 365 кунгача кечикканда - қўшимча равишда тушмаган валюта маблағлари суммасининг 20 фоизига тенг;

валюта тушуми тушиши белгиланган муддатлардан 365 кундан ортиқ кечикканда - қўшимча равишда тушмаган валюта маблағлари суммасининг 70 фоизига тенг жарима тўлайдилар.

“Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш” Тартибига асосан мулкчилик шаклларидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) хорижий валютадаги тушумни мажбурий тартибда сотадилар. Ушбу Тартибнинг 10-бандига мувофиқ товарлар ва хизматларни марказлаштирилмаган экспорт бўйича сотишдан олинган хорижий валютадаги тушумнинг 50 фоизи ваколатли банкларга мажбурий сотилиши керак.

Мазкур Тартибнинг 3-бандида хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод этилган корхоналар белгиланган бўлиб, уларнинг орасида микрофирмалар, кичик корхоналар ўзлари ишлаб

чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумини мажбурий сотишдан озод этилган. Ушбу Тартибнинг 1-иловасида “Микрофирма ва кичик корхоналар томонидан экспорт қилишдан тушган хорижий валютани сотиш мажбурий бўлган товарлар рўйхати”га асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ёввойи ўсимликлар экспортидан келадиган валюта тушумларининг 25% сотилиши мажбурийлиги белгиланган.

“Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш, ҳисоб-китобларни ва уларнинг ижроси устидан назорат қилишнинг алоҳида тартиби белгиланган бўлиб, унга кўра бўлиб ўтган биржа савдосининг натижалари бўйича чет эл валютасида тузилган экспорт шартномаси Биржа ёки унинг ваколатли органи (филиал, савдо майдончаси) томонидан рўйхатдан ўтказилади ва бир иш куни мобайнида шартномалар тузилган жойдаги ҳудудий божхона органларида ҳисобга қўйиш учун юборилади.

Пудрат ва у билан боғлиқ хизматларга доир экспорт шартномалари бўйича ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш тартиби **“Пудрат ишлари ва хизматлари экспорти тартиби тўғрисида”**ги Низом билан белгиланган.

Толлинг – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш бўйича операция

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта ишлаш (толлинг) бўйича операцияларни амалга ошириш бўйича ҳам алоҳида тартиб ўрнатилган.

Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда 428-сон билан рўйхатга олинган **“Экспорт-импорт юкларини расмийлаштиришда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар Рўйхати”** белгиланган. Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 29.12.2012 й. 370-сонли Қарорига асосан 2013 йилнинг 1-январидан тадбиркорлик субъеклари ўз хоҳишларига кўра юкларни божхонада расмийлаштиришда товарларни декларация қилишни электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Ҳозирда экспорт операцияларини “бир дарча” тамойили бўйича амалга ошириш механизмини босқичма-босқич жорий этиш ишлари амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.2011 й. 305-сонли Қарори билан тасдиқланган **“Бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизми тўғрисидаги Вақтинчалик низомга** мувофиқ бир вақтнинг ўзида давлат божхона хизмати органларида контрактларни ҳисобга қўйиш, товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни, ветеринария, фитосанитария, гигиена сертификатларини бериш ва божхонада расмийлаштириш билан бирга, “бир дарча” тамойили бўйича экспортга етказиб беришлар билан боғлиқ тартиботларни амалга ошириш механизмини белгилайди.

Ушбу Вақтинчалик низом қонун ҳужжатларида белгиланадиган товарларнинг алоҳида тоифаларини экспорт қилиш учун қўшимча рухсатнома ҳужжатлари (лицензия, рухсатнома) олиш билан боғлиқ бўлган экспорт тартиботларини амалга ошириш механизмига жорий этилмайди.

Шу билан бирга “Ўзбекистон Республикасининг хўжалик юритувчи субъектлари томонидан хорижий мамлакатлардаги улар ташкил этган савдо уйлари, ваколатхоналар, корхоналар орқали, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги савдо-инвестиция уйлари орқали олиб чиқилаётган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиби тўғрисида” Низомга кўра олиб чиқилаётган товарларни божхонада расмийлаштиришнинг алоҳида тартиби ўрнатилган.

Экспорт қилинадиган товарларни божхона қийматини аниқлаш **“Бож тарифи тўғрисида”**ги Қонуннинг 16-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. **“Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларнинг божхона қийматини белгилаш ва декларациялаш тартиби тўғрисида”**ги Низомга мувофиқ олиб чиқилаётган товарнинг божхона қиймати товарни экспортга сотишда товар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали ўтказилаётган вақтда олиб чиқилаётган товар учун амалда тўланган ёки тўланиши керак бўлган нархдан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.02.2001 й. **“Ташқи савдо фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги 66-сонли

Қарорига асосан 2001 йил 1 мартдан бошлаб умумий қиймати 10 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган контрактлар бўйича белгиланган товарлар "Эркин муомала учун чиқариш (импорт)" режимида жўнатишдан олдин мажбурий равишда назоратдан ўтказилган тақдирда божхонада расмийлаштирилади.

"Импорт контрактларини мустақил экспертиза қилиш ва Ўзбекистон Республикасига импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга мувофиқ импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан ўтказиш:

умумий қиймати 10 минг АҚШ долларидан ошмайдиган контрактлар бўйича товарлар етказиб беришга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан бериладиган лицензиялар бўйича импорт қилинадиган махсус товарлар етказиб беришга татбиқ этилмайди.

Импорт контрактларини мустақил экспертиза қилиш ва импорт қилинадиган товарларни жўнатишдан олдин назоратдан "Ўзстандарт" агентлигида аккредитация қилинган консалтинг фирмалари томонидан амалга оширилади (Порядок аккредитации консалтинговых фирм, осуществляющих независимую экспертизу контрактов и предотгрузочную инспекцию импортируемых товаров. МЮ 25.08.1998 г. № 481).

Ташқи иқтисодий битимларда тарафлар кўп ҳолларда енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари ҳақида шартлашиб олишади. Унга мувофиқ ушбу ҳолатлар юз берса, тарафлар шартномада белгиланган ўзаро мажбуриятларидан озод этиладилар.

Форс-мажор – бу тарафларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар сабабли юзага келган шароитларда тарафларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар

Форс-мажор ҳолатлари тасдиғи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан **"Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларини тасдиқлаш тартиби тўғрисида"**ги Низомга асосан берилади.

Ташқи иқтисодий фаолиятда шартномавий мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик умумий асосларда ФК ҳамда "Хўжалик юритувчи субъектлар

фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунда белгиланган жавобгарлик чораларини қўллаш мумкин. Шу билан бирга чет эллик тараф миллий қонунчилигида белгиланган жавобгарлик чораларидан бирини қўллаши мумкин. Бундай ҳолатда ушбу масала тарафларнинг ўзаро келишуви асосида ҳал этилиши мумкин.

Кўп ҳолларда импорт-экспорт шартномаларда низони ҳал этиш усули сифатида халқаро тижорат арбитражи билгиланади. Шу сабабли тарафлар низо чиққанда қайси арбитраж регламентидан фойдаланишлари ҳамда арбитраж жойини аниқ белгилаб олишлари мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолда доимий арбитражларнинг стандарт арбитраж изоҳларидан фойдаланиш мумкин.

Халқаро тижорат арбитражи – ташқи иқтисодий фаолиятдан келиб чиқадиган низоларни тарафларнинг келишуви асосида арбитр/лар (холис) томонидан якуний қарор қабул қилиш орқали ҳал этиш таомили

Шуни ҳам эътиборга олиш лозим, одатда низони ҳолислик асосида кўриб чиқиш мақсадида арбитраж шартнома тарафлари жойлашган ҳудудда эмас, балки учинчи давлат ҳудудида ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, халқаро тижорат арбитражи арзон таомиллардан эмас. Бироқ у ҳозирда ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ низоларни ҳал этишда кенг тарқалган самарали усул сифатида халқаро ишбилармонлик ҳамжамияти томонидан тан олинган.

Шу ўринда импорт-экспорт шартномаси қайси тарафнинг ҳуқуқига бўйсиниши ёки умуман учинчи давлат ҳуқуқига бўйсиниши аниқ белгилаб қўйилиши лозим. Бундай шартни киритилмаслиги келажакда низо чиққанда муаммо туғдириши мумкин. Бу ҳолатда шартномавий муносабатларга қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқ халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари асосида арбитраж томонидан белгиланади (Қаранг: Ўз.Р. ФКнинг VI-бўлими).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги инвестиция фаолияти қандай йўллар билан амалга оширилиши мумкин?
2. Пудрат ва у билан боғлиқ хизматларга доир экспорт шартномалари бўйича ташқи иқтисодий операцияларни амалга ошириш тартибини тушунтириб беринг.
3. МЧЖ “КУК” – Ўзбекистон Республикаси резиденти импорт шартномаси асосида чет эл сотувчи (норезидент) – LLCдан товарлар

сотиб олди. Товар етказиб берилди, “эркин муомала учун чиқариш” режимида божхонадан расмийлаштирилган. Шартнома ва тўлов валютаси АҚШ долларида. Тўловни товар етказиб берилган кундан кейин 30 кун ичида МЧЖнинг ўз валюта маблағларидан тўлаб бериш режалаштирилган эди. LLC ўз шартнома мажбуриятларини бажарган, МЧЖ етказиб берилган товарлар учун тўловни амалга ошириши керак. LLC ушбу шартнома асосида талаб қилиш ҳуқуқини Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган МЧЖ “ФУТ”га ўтказган. МЧЖ “КУК” ва LLC импорт шартномасига қўшимча келишув тузишди, унга асосан МЧЖ “КУК” етказиб берилган товарлар учун энди МЧЖ “ФУТ”га етказиб берилган товарларнинг баҳосини сўмда тўлаб бериши керак. Бунга ваколатли банк тузилган қўшимча келишувга эътироз билдириб, тўлов шартномада белгиланган валютада амалга оширилиши кераклиги таъкидлади.

Ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг, агар бу экспорт операцияси бўлса, унда масала қандай ҳал этилади?

4. Туман давлат солиқ инспекцияси (ДСИ) МЧЖ “Бинокор”га нисбатан 31257,91 АҚШ доллари (41055389,31 сўм) миқдоридаги валюта тушуми белгиланган муддатда тушмаганлиги учун молиявий жарима қўллаш даъвоси билан хўжалик судига мурожаат қилган.

МЧЖ “Бинокор” – ижарага берувчи “INEX” LLC (Буюк Британия) – ижарачи билан 2013 йил 1 сентябрдаги ижара шартномасига асосан умумий майдони 255,78 кв.м. бўлган жойни ижарага берган. Шартноманинг 2.2-бандига асосан ижара ҳақи 1 кв.м. учун 293 АҚШ доллари миқдорида белгиланган.

2014 йилнинг 17 июлида ДСИ томонидан камерал назорат ўтказилган ва унинг натижасида 2014 йил 14 июль ҳолатига 1431257,91 АҚШ доллари миқдорида ижара ҳақи 30 кундан кечиктирилгани аниқланган.

ДСИ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 29.06.2000 й. “Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 245-сонли Қарорнинг талаблари бузилган деб баҳолаб, хўжалик судидан МЧЖ “Бинокор”га нисбатан ушбу Қарорда белгиланган жарима санкциясини қўллашни сўраган.

Ушбу ҳолатга ҳуқуқий баҳо беринг, МЧЖ “Бинокор” ушбу вазиятда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланганми?

VIII БОБ. Тадбиркорлик субъектларини молиялаш ва кредитлаш асослари

Тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг тушунчаси ва турлари.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари. Банклар ва кредит ташкилотлари кредит муносабатларнинг иштирокчиси сифатида.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш асоси сифатида - кредит шартномаси.

Кредит мажбуриятларини таъминлаш усуллари.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Кредитга оид муносабатларда жавобгарлик.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг тушунчаси ва турлари

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларини бошлаш ёки янада кенгайтириш мақсадида кредит маблағларини жалб қилишга эҳтиёж сезишлари табийидир. Ҳозирда қабул қилинаётган норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тадбиркорлик субъектларнинг кредит олиш жараёнини соддалаштириш, тезлаштириш ва имтиёзлар беришга қаратилган.

Кредит (лот. *creditum* - ишонмоқ) – бошқа шахсга муддатлилик, қайтаришлилик ва фойдаланганлик учун фоиз шаклида тўловлилик шартлари асосида вақтинча бериладиган пул маблағлари, товар ва бошқа қимматликлардир

Кредитлар қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида берилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, кредит турларини ягона бир таснифи мавжуд эмас (Ланков Э. ва Улуғхўжаева У. (2013 й. 94-б.). Тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредит турлари муддатига қараб қисқа (1 йилгача), ўрта (1-3 йилгача) ва узоқ (3 йилдан узоқ) муддатли кредитларга, таъминот жиҳатидан таъминланган ва таъминланмаган ишончли кредитлар мавжуд. ФКда шунингдек кредитнинг ашёларни кредитга бериш ва тижорат кредити каби турлари белгиланган (ФКнинг 747 ва 748-моддалари.).

Қисқа муддатли кредитлар одатда 1 йилгача муддатга берилади. Мисол учун, айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар қоида тариқасида 12 ойгача бўлган муддатга берилади. Шу билан бирга *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги ПФ-4058-сонли Фармон*ига асосан кичик бизнес ривожланишини қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли бандлигига ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ушбу муддат 18 ойгача узайтирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга - 24 ой муддатгача кредит берилиши мумкин (Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги Низом. 27.12.2013 й. 2546-сон).

Кредитдан фойдаланишнинг муддати кредитланаётган фаолият тури амалга ошириладиган даврга қараб, лойиҳа ўзини ўзи қоплаши ҳамда кредитни қайтариш ва ундан фойдаланганлик учун фоизлар тўлашга етарли фойда олиш муддати асосида белгиланади.

Тадбиркорлик субъектлари **“Микромолиялаш тўғрисида”**ги (15.09.2006 й.) Қонунга асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлардан микрокредит олишлари мумкин. Бундай ташкилотларга Банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва бошқа кредит ташкилотлари (7-м.).

Йирик инвестицион лойиҳаларни кредитлаш **“Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом”**га (20.08.2005 й. 1509-сон.) мувофиқ бир неча банклар томонидан биргаликда синдициялаштирилган кредитлаш орқали амалга оширилади. Бунда синдициялаштирилган кредит бериш борасида икки ёки ундан ортиқ банклар ўртасида ўзаро келишув – банк синдикати тузилади.

Синдикатда етакчи банк ва иштирокчи банк қатнашади. Синдициялаштирилган кредитлаш ташаббуси билан чиққан ва зиммасига иштирокчи-банклар номидан кредит ҳужжатларини юритиш масъулияти юклатилган қарз олувчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига хизмат кўрсатувчи банк етакчи банк ҳисобланади. Иштирокчи банк эса синдициялаштирилган кредит беришда қатнашувчи банкдир. Синдициялашган кредитлар фақат юридик шахсларга берилади.

Инвестиция лойиҳаси - иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида инвестициялар киритган ҳолда олдиндан белгиланган муддат мобайнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар комплекси

Тижорат банклари ўз мижозларига молиялаштиришнинг яна бир тури бўлган факторинг хизматларини кўрсатишлари мумкин. Факторинг операциялари **“Тижорат банклари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида факторинг операцияларини ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”** (03.08.2000 й. 953-сон.) асосида амалга оширилади. Шунингдек ушбу муносабатлар ФКнинг 313-323 ва 749-758-моддалари билан тартибга солинади.

Факторинг – етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар учун тўловчи томонидан акцептланган, лекин тўлов талабномалари бўйича ҳақи тўланмаган тўловни регресс ҳуқуқисиз етказиб берувчи (мижоз) томонидан банк (молиявий агент)га ўтказиш

Факторинг операциялари:

- бюджет ташкилотларига тақдим этиладиган талаблар бўйича;
- жисмоний шахсларнинг қарз мажбуриятлари бўйича;
- тўловга қобилиятсиз деб эълон қилинган корхоналарнинг мажбуриятлари бўйича;
- зарар кўриб ишлайдиган корхоналар бўйича;

- капитал қўйилмаларни молиялаш бўйича;
- экспортга оид консигнация контрактлари бўйича;
- компенсация ва бартер битимлари бўйича;
- ишга босқичма-босқич ёки бўнак билан ҳақ тўлаш бўйича;
- тўловчи шартномада келишилган вақт мобайнида, шунингдек, сотиш хизмати кўрсатилганидан кейин маҳсулотни қайтариш ҳуқуқига эга бўлган олди-сотди шартномалари бўйича амалга оширилиши мумкин эмас.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлашнинг ҳуқуқий асослари. Банклар ва кредит ташкилотлари кредит муносабатларнинг иштирокчиси сифатида

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кредит олиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва кафолатлари *“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг (25.05.2000 й.) 8, 16, 29-моддаларида белгиланган.* Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектлари кредит ресурсларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эгалиги (29-м. 1-қисми). Гарчи банклар ҳам тадбиркорлик субъектлари бўлсада, бошқа тадбиркорлик субъектлари билан бўлган ўзаро муносабатларда тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилиб, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик фаолияти субъектининг фойдасига талқин этилиши 11-моддада белгиланган.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг (25.04.1996 й.) 4-моддасига асосан банклар ўз фаолиятларида кредитларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар ҳисобидан ўз номидан кредитлар бериши банк операцияларининг бир тури сифатида белгиланган.

Ушбу қонуннинг 28-моддасига мувофиқ банк операциялари бўйича фоиз ставкалари ва воситачилик ҳақи миқдори банклар томонидан мустақил белгиланиши ўрнатилган.

Банклар Марказий банкда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўладилар. Рўйхатга олиш билан бир вақтда банкларга банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия топширилади (10-м.).

“Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида Низом”нинг (08.10.2009 й. 2014-сон) 25-бандига асосан банкларнинг устав капиталининг энг кам миқдори қуйидаги миқдорларда белгиланган:

банклар учун - 10 млн. евро эквивалентида;

хусусий банклар учун - 5 млн евро эквивалентида.

“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига асосан банклар мулкчиликнинг ҳар қандай шакли асосида акциядорлик жамияти тарзида ташкил этилади. Шу сабабли банкларга **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”** ги Қонуннинг (26.04.1996 й.) нормалари ҳам татбиқ этилади.

Кредит ажратиш бўйича қарор банкнинг ваколат доирасига қараб бошқарув органлари томонидан ҳал этилади. **“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”**ги Қонуннинг 22-моддасига асосан акциядорларнинг умумий йиғилиши, банк кенгаши ва бошқаруви банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади.

Кредитлаш жараёнида банклар банкка алоқадор бўлган шахслар билан ҳамда йирик битимлар тузиш билан боғлиқ қоидалар муҳим аҳамиятга эга. **“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”**ги Қонуннинг 26-моддасига асосан банкларнинг ўзига алоқадор бўлган шахслар билан ёки улар номидан тузадиган шартномалари ўзига алоқадор бўлмаган шахслар билан тузадиган шартномаларга қараганда анча қулай шартларга асосланса, уларнинг бундай шартномаларни тузиши тақиқланади.

Банкка алоқадор бўлган шахслар билан битим тузиш тартиби батафсил **“Банклар ва уларга алоқадор шахслар билан ўтказиладиган операциялар тўғрисида Низом”**да (02.12.1998 й. 556-сон.) белгиланган. Ушбу Низомнинг 3.2-бандига асосан банкнинг барча алоқадор шахсларга берган кредитларининг умумий суммаси банкнинг биринчи даражали (асосий) капиталининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

Йирик битим тузиш билан боғлиқ масала **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги Қонуннинг 83-84 моддалари талаблари асосида амалга оширилади.

Республика молия бозорида хусусий банкларни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини кафолатлаш мақсадида 2012 йил 17 декабрда

“Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонуннинг 3-моддасига асосан хусусий банк ва молия институтлари устав фондида (устав капиталида) муассислар (иштирокчилар) бўлган жисмоний шахсларнинг улуши камида эллик фоизни ташкил этиши лозим бўлган банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, шунингдек фақат молиявий хизматлар кўрсатувчи ўзга юридик шахслардир. Хусусий банк ва молия институтлари тадбиркорлик субъектларидир. Қонуннинг 14-моддасига асосан молиявий хизматлар кўрсатганлик учун ҳақ тўлаш миқдори хусусий банк ва молия институтлари томонидан мустақил белгилаш кафолатлари ўрнатилган.

Кредит муносабатларнинг иштирокчиси сифатида микрокредит ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда. **“Микрокредит ташкилотлари тўғрисида”ги** Қонунга (20.09.2006 й.) асосан микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш соҳасида хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва бошқа микромолиявий хизматлар кўрсатувчи юридик шахс микрокредит ташкилотидир.

Микрокредит ташкилоти ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва ушбу Қонунда назарда тутилмаган бошқа фаолият билан бевосита шуғулланишга ҳақли эмас.

Микрокредит ташкилотлари юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши мумкин.

Микрокредит ташкилотлари давлат органлари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари диний ташкилотлар, бошқа микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар томонидан ташкил этилиши мумкин эмас.

Микрокредит ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат рўйхатидан ўтиб, лицензия олганидан кейин микромолиявий хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириши мумкин.

“Микрокредит ташкилотлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида Низом”нинг (13.04.2010 й. 2093-сон.) 4-бандига асосан микрокредит ташкилотлари устав фондининг энг кам миқдори 100 минг евро эквиваленти миқдорида белгиланган.

Кредитлар шунингдек **ломбардлар** томонидан ҳам берилади. Кредитлар қисқа муддатга (уч ойдан ошмайдиган) шахсий истеъмол учун мўлжалланган кўчар мулк гарови остида фуқароларга берилади.

Кредит суммаси ва кредитдан фойдаланганлик учун тўлов миқдори тарафларнинг келишуви асосида кредит шартномасида белгиланади (“Правила осуществления ломбардами деятельности и операций” 10.12.2003 г. № 1290).

Ломбардлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бериладиган лицензия асосида ўз фаолиятларини амалга оширади (“Положение о порядке лицензирования деятельности ломбардов” 10.12.2003 г. № 1291).

Кредитлашда қарздорнинг кредит тарихи ҳақидаги маълумотларни алмашиш мақсадида **“Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”**ги Қонун (04.10.2011 й.) қабул қилинди. Кредит ахбороти алмашинуви - кредит бюроси, кредит ахбороти субъекти, кредит ахборотини етказиб берувчи ва кредит ахборотидан фойдаланувчининг кредит тарихини шакллантириш ҳамда кредит ҳисоботини тақдим этиш мақсадида кредит ахборотини йиғиш, унга ишлов бериш, уни таҳлил қилиш, сақлаш, тақдим этиш, ундан фойдаланиш ва кредит ахборотини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги;

Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ кредит тарихи бу кредит бюроси томонидан кредит ахбороти субъектига нисбатан шакллантирилган кредит ахбороти мажмуидир.

Кредит тарихи ўз ичига:

кредит ахбороти субъектини идентификациялаш имконини берадиган;

кредит ахбороти субъектининг кредит битимлари тўғрисидаги, шунингдек уларнинг ижро этилиши ҳолати ҳақидаги;

кредит ахбороти субъектининг фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги;

кредит тарихини шакллантириш санаси тўғрисидаги, шунингдек кредит тарихини шакллантирган кредит бюроси ҳақидаги маълумотларни олиши керак.

Кредит ахбороти субъектининг бажарилиш санасидан эътиборан беш йилдан кўп вақт ўтган пул суммасини тўлаш мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар кредит тарихига киритилмайди.

Қонуннинг 7-моддасида кредит бюросига таъриф берилган, унга асосан у қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилган ва кредит ахбороти алмашинувини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс. Кредит бюросининг фаолияти лицензия

асосида амалга оширилади. Кредит бюросининг фирма номида "кредит бюроси" деган сўз бирикмаси ёзилган бўлиши керак.

Кредитлашнинг ҳуқуқий асоси бўлган бошқа қонун ҳужжатлари қуйида батафсил кўриб чиқилади.

Кредит мажбуриятларини таъминлаш усуллари

Кредитлашда олинаётган кредит қанчалик таъминланганлигига катта эътибор берилади. Банклар таъминланмаган кредит бериш ҳақида қарор қабул қилишлари ҳам мумкин (“Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 34-м.). Шу билан бирга, банклар кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга (“Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 29-м. 4-қисми).

Кредитни таъминлашда фуқаролик қонунчилигида мавжуд бўлган мажбуриятларни таъминлаш усулларидан бўлган кўчар ва кўчмас мулк гарови, кафиллик ва кафолатдан кенг фойдаланилади.

Банклар кредит таъминоти миқдорини ўз кредит сиёсатларида белгилаб қўйишади. Мисол учун у 125 фоиз бўлиши мумкин, яъни олинаётган кредит суммаси 100 000 000 (юз миллион) сўмни ташкил этса, банк кредит олаётган мижозидан 125 000 000 000 (бир юз йигирма беш миллион) сўмлик таъминот тақдим этишни талаб этиши мумкин.

Кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. У алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқарилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Банк таъминот сифатида ликвидли бўлган мол-мулк тақдим этилишига катта аҳамият беради. Ликвидли мол-мулк - қарз олувчининг осон сотиладиган мол-мулки, шу жумладан ижтимоий инфратузилма объектлари, транспорт воситалари, компьютер ва бошқа асбоб-ускуналар, шунингдек қарздорнинг бошқа мол-мулки (“Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби”. Ўз.Р.

Вазирлар Маҳкамасининг 04.12.2002 й. 422-сон Қарори билан тасдиқланган).

Шунингдек, банк қонунчиликда ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулкни кредит таъминоти сифатида қабул қилмайди (Қаранг: “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги (19.11.1991 й.) Қонун 4-моддасининг 2-банди; “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг (29.08.2001 й.) 52-моддаси; “Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро ҳужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар Рўйхати”. Ўз.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 14.04.2009 й. 110-сон Қарори билан тасдиқланган; “Ижро ишини юритиш ва суд ижрочилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 102-банди. 29.12.2001 й. 1091-сон.).

“Гаров тўғрисида”ги Қонуннинг (09.12.1992 й.) 1-моддасига асосан бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади.

Гаров нарсаси бўлиб ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талаблар, хусусан ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган бошқа талаблар бундан мустасно (Қонуннинг 5-м.).

Ушбу Қонуннинг 8-моддасига мувофиқ қарздорнинг ўзи ҳам, учинчи шахс ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин.

Гаров нарсасини алмаштиришга, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг розилиги билан йўл қўйилади. Агар гаров нарсаси нобуд бўлган ёки шикастланган ёхуд унга бўлган мулк ҳуқуқи ё хўжалик юритиш ҳуқуқи қонунда белгиланган асосларга кўра бекор қилинган бўлса, гаровга қўювчи оқилона муддатда (низо чиққан тақдирда эса суд белгилаган муддатда) гаров нарсасини тиклашга ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, уни тенг қийматли бошқа мол-мулк билан алмаштиришга ҳақли (Қонуннинг 13-м.).

Навбатдаги гаров - гаровга қўювчи гаровда турган мол-мулкни бошқа шахсга бошқа талабларни бажариш учун бериши

Агар гаров тўғрисидаги олдинги шартномаларда навбатдаги гаров тақиқлаб қўйилган бўлмаса, навбатдаги гаровга йўл қўйилади. Навбатдаги гаровга олувчининг талаби бу мол-мулкнинг қийматидан аввалги гаровга олувчиларнинг талабларидан кейин қаноатлантирилади.

Мазкур Қонуннинг 10-модда 2-қисмига мувофиқ гаров нарсасини баҳолаш гаровга қўювчи билан гаровга олувчи ўртасидаги келишувга кўра ёки баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ гаров нарсасини баҳолашдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

“Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг (19.08.1999 й.) 11-моддасига асосан баҳолаш объектларидан гаров нарсаси сифатида фойдаланилаётганда баҳолашни ўтказишнинг мажбурийлиги белгиланган. Бироқ, ушбу Қонуннинг 18-моддасига мувофиқ баҳолаш объектининг ҳисоботда кўрсатилган қиймати баҳолаш объекти хусусида битим тузиш мақсади учун тавсия хусусиятига эга бўлиши белгиланган.

Тадбиркорлик субъектлари кредит таъминоти сифатида кўчмас мулк гарови – ипотекани тақдим этишлари мумкин. **“Ипотека тўғрисида”**ги Қонуннинг (04.10.2006 й.) 3-моддасига асосан ипотека ипотека тўғрисидаги шартнома асосида (шартнома асосидаги ипотека) ёки қонун асосида (қонун асосидаги ипотека) вужудга келади.

Ипотека асосий мажбуриятдан ҳосила хусусиятига эга ва у асосий мажбурият тугагунига қадар ҳақиқий бўлади.

Ипотека – кўчмас мулк гарови

Ипотека бўйича муносабатларга нисбатан шунингдек ФК ва “Гаров тўғрисида”ги Қонунидаги гаров ҳақидаги умумий қоидалар қўлланилади.

Ушбу Қонуннинг 4-моддасига мувофиқ ипотека билан таъминланган мажбурият бўйича қарздорнинг ўзи ёки бу мажбуриятда иштирок этмайдиган учинчи шахс (ашёвий кафил) ипотекага қўювчи бўлиши мумкин. Ипотека белгиланган мол-мулк, агар ипотека тўғрисидаги шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ипотекага қўювчининг эгалигида ва фойдаланишида қолади.

Ипотека, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, кредит шартномаси, қарз шартномаси ёки бошқа шартнома бўйича мажбуриятни, шу жумладан олди-сотди, ижара, пудрат шартномаларига асосланган мажбуриятни, шунингдек зарар етказилиши оқибатида вужудга келадиган мажбуриятни бажарилишини таъминлаш учун белгиланиши мумкин (Қонуннинг 5-м.). Ипотека тўғрисидаги қоидалар шунингдек:

қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ ер участкасида барпо этилаётган қурилиши тугалланмаган мол-мулк гаровига;

якка тартибдаги уй-жой қуриш ёки деҳқон хўжалигини юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқлари гаровига;

агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижарага олувчининг кўчмас мулк ижараси тўғрисидаги шартнома бўйича ҳуқуқлари (ижара ҳуқуқи) гаровига;

агар шартномада ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ер участкаси ижарасига доир ҳуқуқлар гаровига нисбатан ҳам қўлланилади.

Муомаладан чиқарилган ва тасарруфдан чиқарилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида мажбурий хусусийлаштирилиши назарда тутилган ёки хусусийлаштирилиши тақиқланган ёхуд чекланган корхоналар ва мол-мулк турлари ҳамда гуруҳлари ипотека нарсаси бўлиши мумкин эмас.

Ушбу Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ ипотека тўғрисидаги шартнома (шу жумладан, навбатдагилари ҳам) нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак. Ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан тузилган деб ҳисобланади ва кучга киради. Ипотека тўғрисидаги шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш қоидаларига риоя этмаслик унинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Ипотека шартномаси **“Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Йриқнома”**га (30.03.2010 й. 2090-сон.) асосан нотариус томонидан тасдиқланади.

Ипотека шартномаларини тасдиқлашда нотариус ипотекага қўйилган кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

Кўчмас мулкни гаровга (ипотекага) қўйиш тўғрисидаги шартнома шу мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус томонидан тасдиқланади ва махсус реестрда рўйхатга олинади.

Ипотекани давлат рўйхатидан ўтказиш **“Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни ва у ҳақда тузилган битимларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”** талаблари асосида амалга оширилади. Ушбу Низомнинг 10-бандига асосан юридик ва жисмоний шахслар кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат рўйхатидан ўтказувчи органга

ўзларининг танловларига кўра телекоммуникация каналлари бўйича электрон ҳужжат кўринишида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Гаров муносабатларида кредитор ҳамда қарздорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таъминлаш мақсадида 2013 йил 23 октябрда **“Гаров реестри тўғрисида”**ги Қонун қабул қилинди. Гаров реестри - қарздорларнинг мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш воситаси сифатида бериб қўйган мол-мулкига нисбатан кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги, шунингдек қарздорнинг мол-мулкни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга доир ҳуқуқларига қонунга мувофиқ қўйилган чеклов ҳамда қарздор ўз мажбуриятлари лозим даражада бажарилишини таъминлаши билан боғлиқ бошқа талаблар ҳақидаги ёзувларни (бундан буён матнда ёзувлар деб юритилади) ўз ичига олган маълумотларнинг ягона ахборот базаси;

Гаров реестрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузурида ташкил этиладиган гаров реестрини юритувчи ташкилот зиммасига юклатилган.

Кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулк ҳам гаров сифатида расмийлаштириши мумкин. **“Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида Низом”**нинг 22-бандига асосан кредит ҳисобига сотиб олинган мулк ушбу кредит бўйича ўз қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров нарсаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ушбу банднинг иккинчи қисмида тадбиркорлик субъектлари учун яна бир қулайлик яратилган бўлиб, банклар қарз олувчилар томонидан кредит қайтарилишининг таъминоти сифатида тақдим қилинган мол-мулкни унинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда кредитнинг қайтарилган қисмига нисбатан гаровдан чиқариш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

Шуни таъкидлаш лозимки, тижорат банклари ўз мижозларига банк кафолати ва кафиллик беришни кредитлаш операцияси сифатида таснифлайди. Мисол учун, қурилиш бўйича тендерда қатнашиш учун банклар ўз мижозларига кафиллик, кафолат беришади.

Тижорат банклари томонидан кафолат бериш тартиби **“Тижорат банклари томонидан банк кафолатларини бериш тартиби тўғрисидаги Низом”**да белгиланган.

Кафолат бериш масаласи Бош банкнинг кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилади ҳамда мазкур кафолат банк бошқаруви

раисининг имзоси билан расмийлаштирилади. Бош банк томонидан банк филиалларига кафолат бериш ҳуқуқининг тақдим этилиши тақиқланади.

Қабул қилинган қарор натижалари тўғрисидаги хабарнома уч банк кунидан кечиктирмай принципалга юборилади. Кафолат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, хабарномада рад этиш сабаблари аниқ кўрсатилиши лозим.

Кафолат бериш тўғрисида қарор қабул қилингач, кафил ва принципал ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кафиллик шартномаси тузилади.

Шартнома Бош банк кредит қўмитасининг баённомасига асосан расмийлаштирилади ва у имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Кафолат бўйича кафилнинг бенефициар олдидаги мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 309-моддасида назарда тутилган тартибда бекор бўлади:

1) кафолат берилган сумма бенефициарга тўланиши;

2) кафолатда белгиланган муддатнинг тамом бўлиши;

3) бенефициар кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши ва уни кафилга қайтариб бериши оқибатида;

4) бенефициар кафилни унинг мажбуриятларидан озод қилиши ҳақида ёзма ариза бериш йўли билан кафолат бўйича ўз ҳуқуқларидан воз кечиши оқибатида.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленуми 2006 йил 22 декабрдаги **“Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”**ги 13/150-сон Қарорининг 43-бандига асосан ФКнинг 309-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган кафолат бўйича мажбуриятнинг бекор бўлиш асослари рўйхати тугал ҳисобланмаслигига судларнинг эътибори қаратилган. Кафолат ФКнинг 25-бобида назарда тутилган мажбуриятлар бекор бўлишининг умумий асослари бўйича ҳам бекор бўлиши таъкидланган.

Тадбиркорлик субъектларини кредитлаш асоси сифатида кредит шартномаси

Тижорат банклари берилаётган ҳар бир кредит бўйича кредит

йиғмажилд юритадилар. Умумий тартиб бўйича банклар **“Ўзбекистон Республикаси банкларида кредит ҳужжатларини юритиш тартиби тўғрисида Низом”**га асосан ўз мижозларидан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга ҳақли:

қарздор томонидан имзоланган ва кредит берилишидан олдинги сана қўйилган, кредитдан фойдаланиш мақсадлари баён этилган ва кредит таъминланган бўлса, гаров нарсаси ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган ариза;

қарз олувчининг таъсис ҳужжатлари; бунда ҳужжатнинг нусхалари масъул кредит ходими томонидан қарз олувчининг юридик ишидан олинган бўлиши шарт;

бизнес-режа (истеъмол кредити ва бизнес-режани тақдим этиш шарт бўлмаган кредитнинг бошқа турлари бундан мустасно);

агар шахс қарздорнинг вакили бўлса, қарздор номидан кредит шартномасини имзолаш ҳуқуқини тасдиқдовчи ҳужжат, имзолар намунаси;

қабул қилинган бухгалтерия стандартларига мувофиқ тайёрланган, охирги ҳисобот санасида қарздор томонидан имзоланган молиявий ҳисоботлар, жумладан баланс ҳисоботи ҳамда даромадлар ва пул оқими бўйича ҳисоботлар;

Агар кредит кўчмас мулк гарови билан таъминланган бўлса, банк кредит ажратишдан олдин қуйидаги ҳужжатларни талаб этади:

ипотека шартномасининг асл нусхаси;

гаровга берувчи ва банк томонидан имзоланган, гаров объекти қийматини келишув далолатномаси;

гаровга қўйилган мулкни суғурта қилиш шартномаси ва ушбу шартнома бўйича суғурта полиси;

гаров шартномасининг давлат кадастр идораларида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки давлат кадастр идораларида гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи, белгиланган шаклда гаров шартномасига қўйилган белги;

гаров предметини сотиш нархини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар кредит уни сотиб олишни молиялаш мақсадида берилган бўлса.

Агар кредит бошқа шахс томонидан кафолатланса, банк томонидан кредит йиғмажилдига қуйидаги қўшимча ҳужжатлар киритилиши талаб этилади:

кафиллик тўғрисидаги шартнома ёки ёзма кафолат;

аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг кафолатчининг (кафил) қониқарли молиявий аҳволини тасдиқловчи хулосаси;

шахснинг кафил номидан (кафолатчи) кафолат тўғрисидаги шартномани (мажбуриятни) имзолаш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат.

Ушбу Низомга асосан банк бўлажак қарз олувчидан кредит ҳужжатларини юритиш учун зарур бўлган барча маълумотни талаб этиши белгиланган.

Кредит қандай мақсад учун ажратилаётганлигига қараб, банк кредит олувчидан қонунчиликда белгиланган бошқа қўшимча ҳужжатларни талаб этиши мумкин.

Агар кредитланаётган тадбиркорлик фаолияти атроф табиий муҳитга ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиш хавфи мавжуд бўлса, унда ушбу лойиҳа экологик экспертизадан ўтиши лозим. **“Экологик экспертиза тўғрисида”**ги Қонун 21-моддасига асосан давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмай туриб, лойиҳаларнинг банк ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан молияланиши, шунингдек уларнинг амалга оширилиши тақиқланган.

Тадбиркорлик фаолияти лицензияланадиган фаолият турига мансуб бўлса, лицензия мавжудлиги ва унинг муддати ўтиб кетмаганлигини банк текширади. Мисол учун, тадбиркор улгуржи савдо учун кредит олаётганда, унда тегишли тартибда расмийлаштирилган лицензия мавжуд бўлиши керак (“Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисида” Низом. Ўз.Р. ВМ 05.11.2005 й. 242-сон Қарори билан тасдиқланган).

Кредит олувчи банкка барча талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиб, банк Кредит қўмитасининг кредит ажратиш бўйича ижобий қарори қабул қилингандан сўнг кредит шартномаси лойиҳаси тузилади.

Тузилган кредит шартномаси лойиҳаси банк юридик хизмати ходимлари томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиб, тегишли хулоса ва имзо олиниб, мижоз билан келишилгандан сўнг кредит шартномаси имзоланади (Қаранг: “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги (29.08.1998 й.) Қонуннинг 21-м.).

Амалиётда банк кредит шартноманинг намунавий шаклларидан фойдаланади. Бунга қонунчиликда рухсат берилган, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси

тўғрисида”ги (29.08.1998 й.) Қонуннинг 10-м. 3-қисми. Бу тадбиркорлик субъекти шартнома шартларини ўзгартира олмайди дегани эмас. Банк ҳам тадбиркор ҳам тадбиркорлик субъекти эканлиги, уларнинг тенглиги ва шартнома тузиш эркинлиги тамойили мавжудлиги эсдан чиқмаслиги керак.

Кредит шартномаси муносабатлари ФКнинг “Кредит” 744-748-моддалар ва “Қарз” 732-743-моддалари қоидалари асосида тартибга солинади.

Кредит шартномаси ёзма шаклда тузилиши шарт. Ёзма шаклга риоя қилмаслик кредит шартномасининг ҳақиқий бўлмаслигига олиб келади. Бундай шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди (ФКнинг 745-м.).

Кредит шартномаси қуйидаги шарт ва реквизитларни ўз ичига олиши мумкин:

шартнома тузилган сана ва жойи; тарафларнинг тўлиқ юридик номи; тарафлар вакилларининг тўлиқ фамилияси, исми-шарифи ва уларнинг ваколатини белгиловчи ҳужжат номи;

шартнома мазмуни (предмети);

кредит тавсифи: кредит мақсади, суммаси, валютаси, фоиз ставкаси, кредит бўйича асосий қарзнинг қайтариш муддати (жадвали), фоизларни тўлаш муддати;

кредит қайтарилиши таъминоти тўғрисидаги маълумотлар;

кредит шартномаси тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

кредит шартномаси тарафларининг жавобгарлиги;

низоларни ҳал этиш тартиби;

тарафларнинг юридик (почта) манзиллари, банк реквизитлари, шунингдек солиқ тўловчи идентификацион рақамлари (СТИР), якка тартибдаги тадбиркорлар ёки жисмоний шахслар қарздор сифатида қатнашаётган бўлса - паспорт маълумотлари ва турар жойи;

тарафларнинг имзолари ва муҳрлари.

Кредит шартномасининг барча муҳим шартлари юзасидан тарафлар келишувга эришган ва у тегишли шаклга келтирилгандан кейин ФК 732-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ шартнома пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

ФКнинг 746-моддасига биноан кредитор қарз олувчини тўловга қобилиятсиз деб ҳисобласа, қарз олувчи кредитни таъминлаш мажбуриятларини бажармаса, шартномада назарда тутилган кредитдан аниқ мақсадда фойдаланиш мажбуриятини бузса,

шунингдек шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли.

Шунингдек, ушбу модданинг 2-қисмига асосан қарз олувчи ҳам кредит олишдан бутунлай ёки қисман бош тортишга ҳақли. Қарз олувчи бу ҳақда кредиторни кредит шартномасида белгилаб қўйилган кредит бериш муддатига қадар хабардор қилиши шарт.

Кредитдан фойдаланиш даврида кредит шартномасига ўзгартириш киритилиши, қарздор ёки кредитор ўзгариш ҳолатлари юз бериши мумкин. Бундай ҳолатларга шартнома ва мажбуриятлар тўғрисидаги умумий қоидалар қўлланади.

Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улуши ошиб бормоқда. Уларнинг бозордаги ўзгаришларга тез мослашувчанлиги, янги иш ўринларини яратишдаги аҳамияти туфайли кредитлаш соҳасида ҳам маълум қўлайлик ва имтиёзлар яратилган.

Ушбу ҳолатларни эътиборга олган ҳолда кичик бизнес субъектларини кредитлаш **“Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида Низом”** талаблари асосида амалга оширилади.

Ушбу Низомга асосан якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда оилавий корхоналар кредитлаш объектлари ҳисобланади.

Кредитлар кредитланаётган тадбирнинг ўзини-ўзи қоплашини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги муддатларга берилади:

қарз олувчи ўз фаолиятини бошлаши учун айланма маблағларни шакллантириш ва инвестиция лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланишини ишлаб чиқишга - 12 ой муддатгача;

айланма маблағларни тўлдиришга - 18 ой муддатгача;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ташкил этиш учун айланма маблағларни тўлдиришга - 24 ой муддатгача.

Тижорат банклари кредитлар бўйича кредитлашнинг имтиёзли даврини белгилашлари мумкин. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори кредит шартномасига мувофиқ белгиланади.

Кредитлар илгари олинган кредитларни қайтариш учун берилиши мумкин эмас.

Қарз олувчи олинган кредит суммасини муддатидан илгари қайтаришга ва улардан ҳақиқатда фойдаланилган муддат учун ҳисобланган фоизларни тўлашга ҳақли.

Қарз олувчининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб, тижорат банкининг кредит қўмитаси томонидан ушбу ариза бўйича асослантирилган ҳолда қарор қабул қилиш муддати уч иш кунидан ошмаслиги лозим.

Кредит бериш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда, қарз олувчи ва тижорат банки ўртасида кредит шартномаси тузилади.

“Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада белгиланган. Жамғарма маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилади.

“Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар сотиб олиш учун фермер хўжаликларига ва кичик бизнеснинг бошқа субъектларига имтиёзли кредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ кредитлар 18 ойлик имтиёзли давр билан 5 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади. Кредитларнинг фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади. Имтиёзли кредитлар бўйича асосий қарзни қайтариш имтиёзли давр тамом бўлгандан кейинги ойдан бошланади.

Шунингдек, таъминот сифатида кредит шартномаси бўйича сотиб олинадиган мини-технологиялар ва ихчам асбоб-ускуналар

улар қийматининг 80 фоизи миқдорида гаров учун қабул қилиниши, қопланмаган қисми учун қарз олувчи таъминотнинг бошқа турларидан бирини тақдим этиши белгиланган.

Кредитга оид муносабатларда жавобгарлик

Кредит шартномаси тузилиб, пул маблағлари ажратилгандан кейин қарз олувчи олинган қарз ва ундан фойдаланганлик учун фоизларни банкка даврий (одатда ҳар ой охирида) тўловлар орқали амалга оширади. Банклар кредит бўйича фоизларни одатда ҳар куни йиллик базавий давр - 365 кундан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзади (Қаранг: Положение о начислении процентов в коммерческих банках. 30.01.2004 г. № 1306). Агар кредит шартномасида имтиёзли давр берилган бўлса, мисол учун 6 ой, бу давр ичида фақат кредитга ҳисобланадиган фоизлар тўланади, 7-ойдан бошлаб эса асосий қарз суммаси ҳамда фоизлар қарз олувчи томонидан тўланиши керак.

Биламизки, фуқаролик муносабатларидан келиб чиқадиган жавобгарлик учун асос сифатида айб мавжуд бўлиши керак. ФКнинг 333-моддасига асосан, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Агар қарз олувчи қарз ва унга ҳисобланган фоизларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса банк (қарз берувчи) қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкин:

қарз олувчи қарзнинг навбатдаги қисмини қайтариш учун белгиланган муддатни бузган тақдирда, қарз берувчи қарзнинг қолган барча суммасини тегишли фоизлар билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли (ФК 736-м. 2-қисми);

қарз олувчи қарз суммасини вақтида қайтармаган ҳолларда шартномада белгиланган фоизлар тўланган бўлишидан қатъи назар, қарз қайтариб берилиши керак бўлган кундан бошлаб то у қарз берувчига қайтариб берилган кунгача бу сумма юзасидан ФК 327-моддасида назарда тутилган миқдорда фоизлар тўланиши керак (ФК 736-м. 1-қисми);

кредит таъминоти ҳисобланган мол-мулк гаровини ундиришга қаратиши мумкин;

агар гаровга тақдим этилган мол-мулк қиймати кредит суммаси ва фоизларни қоплашга етарли бўлмаса, ундирувни қарз олувчининг бошқа ликвидли мол-мулкига қаратиш;

агар қарз олувчида банкротлик аломатлари пайдо бўлаганда, қарз олувчини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат қилиш.

Чет эл судларида, мисол учун Буюк Британияда, кредит шартномасида белгиланган ўта юқори фоизларни қайта кўриб чиқиш амалиёти мавжуд. Бунда суд қуйидагиларга эътибор беради:

- мавжуд фоиз ставкалари;

- қарздорнинг ёши, тажрибаси, бизнес имкониятлари ва саломатлиги;

- қарздорнинг молиявий ҳолати ва унинг табиати;

- қарздор томонидан қабул қилинган таваккалчилик даражаси;

- кредитор билан қарздор ўртасидаги муносабат ва ҳ.к[15]**.** Ундирувни гаровдаги мол-мулкка қаратишда ФК 280-моддаси ҳамда **“Гаров тўғрисида”**ги Қонуннинг 27-моддаси талаблари асосида амалга оширилиши керак. Унга кўра гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ қондирилади (Шунингдек қаранг: ОС ва ОХС Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги “Кредит шартномаларидан келиб чиқадиган мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги 13/150-сон Қарори).

Шунингдек, гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган **кўчмас мол-мулк** ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан қондиришга, агар бу гаров тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса ёхуд ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Мазкур келишув туфайли ҳуқуқлари бузилган шахснинг даъвосига кўра бундай келишув суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

[15] Keenan M., Riches S. and Allen V. Keenan and Riches’ Business Law. 9th edition. Pearson Education Limited. London. 2009. p. 395-396.

Агар гаровга қўювчининг гаровга олувчи билан келишувида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, гаровга олувчининг талаблари гаровга қўйилган **кўчар мол-мулк** ҳисобидан суд қарорига мувофиқ қондирилади. Агар қонунда бошқача тартиб белгилаб қўйилган бўлмаса, ундирув гаровга олувчига топширилган гаров нарсасига гаров тўғрисидаги шартномада белгиланган тартибда қаратилиши мумкин.

Ундирув гаров нарсасига қуйидаги ҳолларда фақат суднинг қарорига мувофиқ қаратилиши мумкин:

1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёхуд рухсати талаб қилинганида;

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадиий ёки ўзга маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

“Ипотека тўғрисида”ги Қонуннинг 37-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, ипотекага олувчи ундирувни ипотека нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин ўз талабларини суд тартибида, шунингдек суддан ташқари тартибда, агар бу ипотека тўғрисидаги шартномада назарда тутилган бўлса, ёхуд ипотекага қўювчининг ипотекага олувчи билан тузилган ва нотариал тартибда тасдиқланган келишуви асосида қаноатлантиришга ҳақли.

ФКнинг 281-моддаси 8-қисмига кўра, агар гаровга қўйилган мол-мулкни сотишдан тушган сумма гаровга олувчининг талабини қоплашга етарли бўлмаса, у қонунда ёки шартномада бошқача кўрсатма бўлмаганида, етишмаётган суммани гаровга асосланган имтиёздан фойдаланмаган ҳолда қарздорнинг бошқа мол-мулкидан олиш ҳуқуқига эга.

“Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш Тартиби”га асосан қарздорнинг пул маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, банк кредит бўйича қарздорликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган ва нотариал тасдиқланган ёзма битим асосида қарздорнинг ликвидли мол-мулки ҳисобига, ёхуд ундирувни суд тартибида қарздорнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш йўли билан қайтаришга ҳақлидир.

Шунингдек, тижорат банклари аукцион савдоларида банкрот корхоналарни сотиб олиш билан бирга, банк кредити бўйича

кредиторлик қарзи таркибида 70 ва ундан юқори фоизни ташкил этадиган қарздорлиги бўлган банкрот корхона мол-мулкини тугатиш қийматида банк-кредитор хўжалик суди қарори асосида ўз мулкига қабул қилишга ҳақли (Порядок реализации экономически несостоятельных предприятий коммерческим банкам на аукционных и конкурсных торгах. Утвержден Распоряжением Президента Республики Узбекистан от 19.11.2008 года № Р-4010).

Шу ўринда, юқорида таъкидланганидек, қонунчиликда ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган мол-мулк турлари мавжуд.

Кредитлашда учрайдиган қонун бузилишлари учун жинойи жавобгарликка тортиш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумнинг 28.04.2000 й. 2/84-сонли **“Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ қонунчиликни қўллаш суд амалиёти тўғрисида”**ги Қарорида кўриб чиқилган. Унга кўра:

- мансабдор шахснинг кредитини ўз вақтида қайтаришдан қасддан бўйин товлаши, талон-торож қилиш аломатлари бўлмаган тақдирда, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш сифатида, башарти бу ҳаракатлар алоҳида шахслар томонидан содир этилса Жиноят кодексининг 170-моддаси билан тавсифланиши;

- талон-торож қилиш аломатлари бўлмай туриб ноқонуний кредитлар бериш Жиноят кодексининг 205-моддаси билан тавсифланиши, кредитни қайтаришдан қасддан бўйин товлаш ёки ноқонуний кредит берганлик, шунингдек кредит беришни ноқонуний рад қилганлик учун жиноий жавобгарик фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилган тақдирдагина келиб чиқиши;

- амалдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик фаолияти билан шуғуланувчи юридик шахсларнинг раҳбарлари ҳам мансабдор шахслар тоифасига кириши ва шу сабабли мазкур мансабдор шахслар томонидан банкка ёки бошқа кредит муассасасига хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик аҳволи тўғрисида била туриб ёлғон маълумотларни тақдим қилиш йўли билан кредит ёхуд кредит олиш учун имтиёзларнинг олиниши, кредит маблағларини ўзлаштириш ёки текинга олиш мақсади бўлмаган тақдирда, агар бу хатти-ҳаракатлар оқибатида давлат ёки жамият манфатларига жиддий зиён етказилган бўлса, Жиноят кодексининг 209-моддаси (мансаб сохтакорлиги)

билан тавсифланиши, агар кўрсатиб ўтилган хатти-ҳаракатлар якка тартибдаги тадбиркор томонидан содир этилган бўлса, у Жиноят кодексининг 228-моддаси (ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, банклар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш) билан жиноий жавобгарликка тортилиши;

- сохта тадбиркорлик тўғрисидаги ишларни кўришда шахснинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга оширмай туриб ноқонуний кредитлар олиш, солиқлардан озод бўлиш, эгаллашга ҳуқуқи бўлмаган бошқа мулкий фойда кўриш мақсадини кўзлаганлиги аниқланса, шахснинг хатти-ҳаракатларини Жиноят кодексининг 179-моддаси ҳамда талон-торож этишга суиқасд қилиш ва солиқ тўловлари тўлашдан бўйин товлаш ва ҳ.к. учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари мажмуи билан тавсифлашга асос бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.07.2012 й. ПФ-4455-сон **“Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармонига асосан тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари олдидаги тадбиркорлик ва бошқа тижорат таваккалчилиги билан боғлиқ олинган кредит бўйича шартнома мажбуриятларини бажармаса, бу банк-молия ходимларини жинойи жавобгарликка тортиш учун асос бўлмаслиги белгиланди (Пункт 21 Перечня норм и мер, направленных на дальнейшее улучшение условий для предпринимательской деятельности, вводимых в действие с 1 августа 2012 года. Приложение № 1 к Указу Президента РУз от 18.07.2012 г. № УП-4455).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Кредит олиш учун қандай ҳужжатлар талаб этилади?
2. Кредит шартномасининг муҳим шартларини тушунтириб беринг.
3. “Меъмор” МЧЖ курилиш материалларини ишлаб чиқариш мақсадида ускуна сотиб олиш учун “Альфа” тижорат банкидан 200 млн. сўм миқдорида 60 ой муддатга йиллик 10% фоизли кредит ажратиш ҳақида ариза билан мурожаат қилган. Гаров сифатида МЧЖ унга тегишли бўлган бино-иншоот ва кредит ҳисобига сотиб олинадиган ускунани тақдим этишини маълум қилган.

Банк ходимлари гаровга тақдим этилаётган бино-иншоотни жойида кўриб, уни 125 млн. сўмга баҳолаб, келишув далолатномасини тузишган ва МЧЖ раҳбаридан имзолаб беришни сўраган. МЧЖ раҳбари “Гарант” баҳоловчи ташкилоти томонидан бу кўчмас мулк 150 млн. га баҳоланганини айтиб, далолатномани имзолашдан бош тортган.

МЧЖ раҳбари гаровга тақдим этилаётган бино-иншоотини 150 млн. сўмга, ҳамда қолган қисмига кредит ҳисобига сотиб олинаётган ускунани тақдим этишини банкка берган аризасида кўрсатган.

Банк аризага жавобан берилаётган кредит таъминоти Банкнинг кредит сиёсатига асосан 125% бўлиши, яъни гаров суммаси 250 млн. сўм миқдорни ташкил этиши кераклиги, бино-иншоотни 125 млн. га, ускуна ўрнига қолган 125 млн. сўмлик кафиллик ёки кафолат ва ликвидли бўлган автомобиль воситасини тақдим этса, 200 млн. сўм кредитни 12 фоиздан 48 ой муддатга ажратишга тайёрлигини баён қилган.

“Меъмор” МЧЖ раҳбари бундай шартлар асосида кредит олишга норози ва ҳуқуқий ёрдамга муҳтож.

Ушбу вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

4. “Бинокор” МЧЖ хизмат кўрсатувчи банк филиалига қурилиш объекти бўйича ўтказиладиган тендерда қатнашиш учун банкдан 50 млн. сўм миқдорда кафолат хати беришни сўраб мурожаат қилди. “Бинокор” МЧЖ тендерда қатнашиш учун 1та “HOWO” юк машинаси ва 1 та “KITO” юк кўтаргич сотиб олди.

Банк филиали “Бинокор” МЧЖга кафолат хатини тақдим этди. Тендер комиссияси берилган кафолат хати тегишли тартибда расмийлаштирилмаганлигини, кафолат банк филиали бошқарувчиси томонидан эмас, балки банк бошқаруви раиси томонидан имзоланиши кераклигини кўрсатиб, уни қайтариб берди ва шу сабабли “Бинокор” МЧЖ тендерда иштирок этиш учун ҳужжатларини олмаслигини маълум қилди.

“Бинокор” МЧЖ кафолат хатини қайтадан расмийлаштириб, топширгунча белгиланган муддат ўтиб кетди ва тендер комиссияси унинг ҳужжатларини қабул қилмади.

“Бинокор” МЧЖ раҳбари ушбу ҳолат юзасидан судга мурожаат қилди ва банк филиалидан етказилган моддий (1та юк машинаси ва 1та юк кўтаргич) ва маънавий зарарни ундириб беришни талаб қилди.

Ушбу вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг.

IX БОБ. Биржалар фаолияти ва қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солиш

Биржа ва биржа фаолияти деганда нима тушунилади? Биржаларнинг ҳуқуқий мақоми ва биржаларнинг турлари. Биржалар фаолиятини ҳуқуқий асослари.

Қимматли қоғозлар бозори тушунчаси. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонунчилик. Қимматли қоғозларни давлат рўйхатига олиш, муомалага чиқариш. Қимматли қоғозлар муомаласи устидан назорат. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари.

Фонд биржасининг ҳуқуқий мақоми ва фаолияти. Инвестиция фондлари. Хусусий инвестиция фонди. Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш. Биржа битимлари тушунчаси ва хусусиятлари. Биржа битимларини тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби.

“МанСин” корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга ўз товарларини Ўзбекистон Республикасидаги биржалар фаолияти ва қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида маълумотлар тақдим қилишни сўради.

Ҳар қандай бозор тизими муайян ташкилий ҳуқуқий инфратузилмаларга таянади. Бундай инфратузилмалар банк, молия, кредит, аудит тузилмалари бўлиб, улар хўжалик юритувчи субъектларга сифатли хизмат кўрсатиш орқали ушбу тизимнинг барқарорлигини таъминлайди. Бозор инфратузилмалари ичида биржалар алоҳида ўрин эгаллайди.

Биржа - олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс ҳисобланади. Биржалар ўз фаолиятини товар-хом ашё, фонд ва валюта биржаси турида амалга ошириб, улар акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади. (*Ўзбекистон Республикаси “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Қонуни 2014 йил 12 сентябрь)*

Биржалар ташкилий уюшган савдонинг энг мукаммал шаклларидан бири сифатида намоён бўлади. Биржалар орқали ҳар

бир субъект кенг миқёсларда танлаш орқали ўзи хоҳлаган товарни сотиб олиш имкониятига эга бўлади. Биржа савдосини расмийлаштириш биржа битимлари орқали амалга оширилади.

Биржа битимларининг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маърузасида "…хусусий тадбиркорларга зарур ресурсларни сотиб олиш ва ўз маҳсулотини сотиш учун бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш бўйича бошланган ишларни давом эттириш, биржа ва аукцион савдолари орқали сотилаётган товарлар тури ва ҳажмини кенгайтиришга қаратилган қатьий чора-тадбирлар кўриш, марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш, айниқса муҳим аҳамиятга эга..." - деб таъкидлаб ўтган эдилар**.**

Ўзбекистон Республикасида "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Қонун илк маротаба 1992 йилнинг 2 июлида қабул қилинган. Ушбу Қонуннинг мақсади биржаларни ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган.

Мустақиллик йилларида мазкур қонунга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди, ушбу ўзгартиш ҳамда қўшимчалар асосида мамлакатимизда биржалар фаолиятини янада такомиллаштириш борасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга табиқ этилди. Бироқ, бугунги кун талаби, жамиятимизда иқтисодий муносабатларнинг жадаллик билан ривожланиб бориши, тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйиши биржалар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яна бир бор қайта кўриб чиқиш заруриятини туғдирди.

2014 йилнинг 12 сентябрида "Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-375-сон Қонуни қабул қилинди.

Биржалар ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган

тўлиқ фирма номига эга бўлади ва қисқартирилган фирма номига эга бўлиши мумкин. Унинг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ҳамда жойлашган ери кўрсатилган юмалоқ муҳрга эга бўлиши лозим. Муҳрда бир вақтнинг ўзида фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Биржа ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

Янги қонунда биржанинг фирма номида “биржа” сўзи бўлиши кераклиги аниқ белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозим бўладики, қонунда назарда тутилган ҳолларда биржаларнинг фирма номида биржа фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Биржалар белгиланган тартибда лицензия олганидан кейин биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади. Биржаларнинг лицензия олиш билан боғлиқ фаолияти эса аниқ ҳуқуқий механизмлар билан белгиланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Биржа фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги Низом биржалар фаолиятини лицензиялашнинг ҳуқуқий асоси сифатида эътироф этилади.

Ушбу низом талабига кўра Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси республикамизда биржалар фаолиятини нафақат лицензиялаш, балки, умуман улар фаолиятини тартибга солувчи ваколатли давлат органи сифатида расман белгиланди.

Биржа фаолиятини амалга ошириш учун лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни лицензияловчи органга тақдим этиши белгиланган:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза;

Аризада қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисоб рақами – юридик шахс учун;

лицензия талабгори амалга оширишни мўлжаллаётган лицензияланадиган фаолият тури.

б) лицензия талабгорининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) лицензия талабгори жойлашган жойдаги солиқ органи томонидан тасдиқланган охирги ҳисобот санасидаги бухгалтерия баланси нусхаси;

г) биржа товарлари билан савдо қилиш қоидалари нусхаси;

д) Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш марказининг лицензия талабгори томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши тўғрисидаги хулосаси (фонд биржалари ва бошқа биржаларнинг фонд бўлими учун).

Биржалар ўз фаолиятини Уставига асосан олиб борадилар. Унинг уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- биржанинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили;
- биржа устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;
- биржа томонидан чиқариладиган акцияларнинг сони, номинал қиймати, турлари (оддий, имтиёзли);
- биржа бошқарувининг тузилмаси, биржа кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ва ижроия органининг аъзолари сони, ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.



Биржа акциядорларининг умумий йиғилиши биржанинг кузатув кенгашини сайлайди.

Биржа кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- биржани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;
- биржа савдоси қоидаларини тасдиқлаш;
- биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш;
- биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;
- аъзолик бадалларининг ва биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини белгилаш;
- тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.

Биржа кенгаши қонун ҳужжатларига ва биржа уставига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш ваколатлари биржа уставида белгиланадиган биржанинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Биржалар фаолият кўрсатар экан, албатта улар иқтисодий-ижтимоий шароитда муайян ҳуқуқларга эга бўладилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар. Шу нуқтаи назардан қараганимизда биржаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгиланиши лозим. Амалдаги қонунчилигимизда эса бунга алоҳида аҳамият берилиб, биржаларнинг ҳуқуқлари билан бирга уларнинг мажбуриятлари ҳам алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, биржа ҳуқуқлари сирасига қуйидагилар киритилган:

- ✓ котировкалаш, арбитраж, листинг, назорат ва бошқа биржа комиссияларини ташкил этишга;
- ✓ агар биржа товарларининг котировкалари (нархлари) биржа томонидан белгиланган чегаравий миқдордан ўзгариб кетса, биржа савдоларини тўхтатишга;

✓ қонун ҳужжатларига мувофиқ танлов, кимошди, кўргазма-ярмарка савдоларини, давлат харидлари ва корпоратив харидларни ташкил этиш ҳамда ўтказишга;

✓ биржа ахборотномалари, маълумотномалари ҳамда бошқа ахборот ва реклама материалларини чиқаришга ҳақли.

Биржаларнинг мажбуриятлари сифатида:

✓ биржа савдоларини ташкил этиши;

✓ биржа товарларига бўлган талаб ва таклифнинг нисбати асосида уларни котировкалашни (уларнинг нархини белгилашни) амалга ошириши;

✓ савдо майдончаларида ва секцияларда биржа савдолари ўтказиш жойи ҳамда вақти тўғрисида биржа аъзоларини ўз вақтида хабардор қилиши;

✓ тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши;

✓ биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг ўзаро мажбуриятларини белгилашни, аниқлаштиришни ҳамда ҳисобга олишни (клиринг), шунингдек банкда очилган махсус ҳисобварақлар орқали улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириши;

✓ биржа, биржа аъзолари ва уларнинг мижозлари пул маблағларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши;

✓ мунтазам равишда (ҳафтасига камида бир марта) ўз расмий веб-сайтида биржа товарларининг котировкаларини (нархларини) жойлаштириши, шунингдек биржа аъзоларини ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида хабардор қилиб бориши шартлиги назарда тутилган.

Биржалар фаолият кўрсатар экан улар фаолияти аниқ белгиланган қоида ва тамойилларга асосланган бўлиши лозим. Шу жиҳатдан қараганимизда биржалар фаолиятининг асосий принциплари сифатида қонунчилигимизда қуйидагилар қатъий белгиланган:

➢ биржа савдоларини ўтказишнинг ошкоралиги ва оммавийлиги;

➢ биржа савдоларида нархлар шаклланишининг эркинлиги;

➢ биржа битимларини тузишнинг ихтиёрийлиги;

➢ биржанинг барча аъзолари учун биржа савдоларида иштирок этишда шарт-шароитларнинг тенглиги;

- тузилган биржа битимлари бажарилишининг таъминланиши.

Бундан ташқари, мамлакатимизда валюта биржаларининг фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан амалга оширилганлиги боис *“Марказий банк тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 40-моддасида* бунинг аниқ ҳуқуқий асослари келтирилган. Жумладан, валютани тартибга солиш борасида Марказий банк:

- ✓ ижро этиш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча шахслар учун мажбурий бўлган валютани назорат қилишга доир норматив ҳужжатлар чиқаради;
- ✓ банкларга чет эл валютасида операциялар ўтказиш учун лицензиялар беради ва лицензияларни қайтариб олади, уларнинг фаолиятини назорат қилади ва тартибга солиб боради;
- ✓ банклар учун очиқ валюта мавқеи чегараларини ва бошқа иқтисодий нормативларни белгилайди;
- ✓ миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини аниқлаш тартибини белгилайди;
- ✓ Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини тасарруф этади ва бошқаради

Ер, ер ости бойликлари, сув, бошқа табиий ресурслар, маданий мерос ва интеллектуал мулк объектлари, ишлар ва хизматлар, хусусий белгили ашёлар, кўчмас мулк, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролик муомаласидан чиқарилган мол-мулк биржа товари бўлиши мумкин эмас**.**

Биржа савдолари биржада биржа аъзоларининг барчасига ушбу савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконияти берилган ҳолда, марказлаштирилган тарзда электрон шаклда ўтказилади.

Мамлакатимиз биржаларида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш ишларини янада такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари кундан кунга такомиллашиб бормоқда. Хусусан, бу борада 2013 йил 11 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова билан “Ўзбекистон Республикаси товар-ҳом ашё биржасида электрон харидарни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланган. Ушбу Низом

Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида бошланғич нархни пасайтириш юзасидан электрон харидларни аукцион савдолар шаклида ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

Биржаларда савдони ташкил этиш унда олдиндан ишлаб чиқилган қоидаларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. Биржа савдоларининг қоидаларида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом;
- биржа аъзоларининг биржа савдоларида иштирок этишига рухсат бериш тартиби;
- товарларни биржа савдоларига қўйишга рухсат беришни амалга ошириш тартиби;
- биржа битимларининг турлари;
- биржа савдоларида муомалада бўладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) тавсифи;
- тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш тартиби;
- биржа савдоларини ўтказиш тартиби;
- биржа битимларини ва биржа савдолари натижаларини рўйхатга олиш ҳамда расмийлаштириш тартиби;
- клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби;
- биржа товарларини котировкалаш (уларнинг нархини белгилаш) тартиби;
- биржада нархларнинг шаклланиш жараёни устидан назорат қилиш тартиби;
- биржа савдолари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш тартиби;
- биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик тўғрисидаги қоидалар;
- биржада низоларни ҳал этиш тартиби.

Биржа савдосининг юқорида белгиланган қоидаларига риоя қилиш савдода иштирок этувчи ҳар бир биржа савдосининг иштирокчисидан талаб этилади. Бу эса ўз навбатида биржаларда ўтказиладиган савдоларнинг самарали тарзда ташкил этилишига замин яратади.

Биржа савдосида иштирок этувчи субъектлар доирасида биржа аъзолари алоҳида аҳамиятга эга бўлади.

Биржа томонидан белгиланган тартибда биржа савдоларида иштирок этиш ҳамда дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар

сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олган юридик шахслар биржа аъзоларидир.

Биржа аъзоларининг ҳар бир тури ўзининг вазифаси, амалга оширадиган функциялари жиҳатидан алоҳида мавқега эга бўлади. Шу нуқтаи назардан қараганимизда биржа аъзоси сифатида диллер, брокер ва трейдерларнинг ҳуқуқий мавқеи бир биридан фарқ қилади.

Биржа битимларини ўз номидан ва ўз ҳисобидан тузувчи биржа аъзоси дилер ҳисобланади. Биржа товарлари нархларининг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун ўз зиммасига биржа битимларини тузиш мажбуриятини олган дилер эса маркет-мейкердир.

Биржа брокери биржа аъзоси сифатида мижознинг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан биржа битимларини тузувчи субъект ҳисобланади.

Қонунчилик дилер ва брокер вазифалари биржанинг битта аъзоси томонидан қўшиб амалга оширилишига рухсат беради. Бироқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг биржа аъзоси бўлишига рухсат этилмайди. Фақатгина валюта биржасига нисбатан бундай қоида татбиқ қилинмайди.

Биржа аъзолари биржа савдоларида уларнинг номидан биржа битимлари тузишга ваколатли бўлган ўз ходимлари (трейдерлар) орқали иштирок этади**.**

Биржа савдоларида иштирок этувчи биржа аъзолари муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларга эга бўладилар. Биржа аъзолари:

- биржа савдоларида иштирок этиш ва биржа битимларини тузиш;
- биржа комиссиялари фаолиятида иштирок этиш;
- биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- биржа томонидан тақдим этиладиган хизматлардан фойдаланиш;
- ҳар бир биржа савдосининг якунлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Биржа аъзоларининг мажбуриятлари сирасига:

-биржада ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига ва биржа савдоси қоидаларига мувофиқ амалга ошириш;

-мижозга унинг манфаатларини кўзлаб тузиладиган биржа битимлари, шунингдек унинг топшириқлари бажарилиши билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиш;

-биржага ўзларининг биржа савдоларида иштирок этганлиги ҳамда биржа битимларини тузганлиги билан боғлиқ тўлиқ ахборотни ўз вақтида тақдим этиш;

-мижоз билан шартнома тузаётганда уни биржа савдоси қоидалари ҳамда клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш шартлари билан таништириш;

-ўз ҳисобидан ва мижознинг ҳисобидан тузилган биржа битимларининг алоҳида ҳисобини юритиш;

-ўз мижозлари пул маблағларининг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиши шартлиги кабилар киради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2004 йил 31 майда қабул қилинган "Товар-хом ашё биржалари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига биноан, товар-хом ашё биржаларида товарларни (ишларни, хизматларни) сотиш:

-муайян турдаги ва сифатдаги товарлар, шу жумладан белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган товарга стандарт контрактлар электрон биржа савдолари натижалари бўйича биржа битимлари;

-товарлар (ишлар, хизматлар), шу жумладан ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарлар аукцион савдолари (шу жумладан давлат харидларини ташкил этиш бўйича электрон савдолар) натижалари бўйича аукцион савдолари;

-харидорларга товарлар (ишлар, хизматлар)нинг намуналари ва моделларини кўздан кечириш имкониятини берган, электрон каталогларни, проспектларни, реклама бюллетенларини ёки товарларни (ишларни, хизматларни) тавсифловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этган ҳолда уларнинг электрон кўргазма-ярмарка савдоси натижалари бўйича кўргазма-ярмарка битимлари тузиш воситасида ташкил этилиши мумкинлиги белгиланди.

Бизга маълумки, биржаларда савдо-сотиқ муносабатлари у ёки бу турдаги биржа битимининг тузилиши билан белгиланади. Яъни, савдо натижаларига кўра биржа битимлари тузилади ва ушбу битимлар томонлар учун муайян ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради.

Амалдаги қонунчиликда биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган

натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномаси эканлиги таъкидланади.

Шунингдек биржаларда қуйидаги битимлар тузилиши назарда тутилган:

-биржа товарларининг уларни кечиктирмасдан етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (спот);

-биржа товарларининг уларни кечиктириб етказиб бериш шарти билан тузиладиган олди-сотди битимлари (форвардлар);

-биржа товарини етказиб беришни (етказиб бериш фьючерси) ёки биржа товарини етказиб бермаган ҳолда битим тарафлари ўртасида пул ҳисоб-китоблари амалга оширилишини (ҳисоб-китоб фьючерси) назарда тутадиган, келгусида бажариш мажбурияти билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (фьючерслар);

-биржа товарларини ёки ҳосила молиявий воситаларни (деривативларни) келгусида сотиб олиш ёхуд сотиш ҳуқуқи билан тузиладиган ҳосила молиявий воситаларнинг (деривативларнинг) олди-сотди битимлари (опционлар);

-валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар бўйича ҳисоб-китобларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган валюта курси бўйича амалга ошириш шарти билан тузиладиган валюталарни бир вақтда олиш-сотишга доир битимлар (валюта своплари);

-қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкин.

Бироқ, юқорида келтирилган биржа битимларининг рўйхати қатъий бўлмасдан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа биржа битимлари ҳам тузилиши мумкин.

Умумий қоидага кўра биржа битими тўғрисидаги ахборот **учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас.**

Бироқ, қимматли қоғозларга доир биржа битимларини ёзма равишда расмийлаштириш талаб қилинмайди. Шу билан бирга биржа битимларига нисбатан нотариал тартибда тасдиқланиш талаби ҳам жорий этилмайди.

Биржа битимларининг самарадорлиги уларнинг бажарилишини таъминлаш орқали рўёбга чиқарилади. Буни таъминлаш учун

амалдаги қонунчилигимизда тегишли шарт-шароитлар яратилади. Жумладан,

клиринг ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

агар биржа битими шартларида назарда тутилган бўлса, биржа товарларини етказиб беришни назорат қилишни ва ҳисобга олишни амалга ошириш;

пул маблағларини ва биржа товарларини олдиндан депонентга қўйишни назарда тутувчи механизмларни белгилаш;

биржа савдоси қоидаларига ва биржа битимлари бўйича мажбуриятларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Борди-ю, биржа банкрот деб топилган тақдирда, биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг биржа ҳисобварақларидаги мол-мулки тугатиш массасига киритилмайди ҳамда биржа аъзоларига ва уларнинг мижозларига уларнинг биржа битими бўйича мажбуриятлари бажарилганидан кейин қайтарилиши лозим.

Биржанинг мажбуриятлари бўйича ундирувни биржа аъзоларининг ва улар мижозларининг мол-мулкига қаратишга йўл қўйилмайди.

Биржа аъзоларининг маблағлари етарли бўлмаган тақдирда, биржа битими бўйича мажбуриятларни бажариш тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондининг пулли ва қайтариб бериш асосида биржа аъзоларига тақдим этиладиган маблағлари орқали таъминланиши мумкин.

Давлат активларни сотиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 йилнинг 29 январида "Давлат активларини биржа савдоларида сотиш тартиби тўғрисида"ги Низом қабул қилинган.

Мазкур қарор билан Давлат активларининг рўйхати ва уларни биржа савдоларига қўйиш муддатлари умумий қоидага кўра сотувчи томонидан белгиланиши назарда тутилди. Бироқ, бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси муайян бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида Давлат активларини биржа савдоларига қўйишнинг бошқа муддатларини белгилаши мумкин. Сотувчи белгиланган тартибда савдоларга қўйиладиган давлат активлари тўғрисидаги ахборотни очиш, харидорлар қидириш ва улар учун сотилиши назарда тутилган давлат активи билан олдиндан танишиш учун шароитлар яратиш ишларини ташкил қилади. Давлат активларини савдоларга қўйиш сотувчининг тасарруф

этувчи ҳужжати (буйруғи, фармойиши ёки топшириқномаси) асосида ва сотувчи билан тузилган шартнома-топшириқномасига мувофиқ сотувчининг воситачиси томонидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2011 йил 7 январда 2178-сон билан рўйхатдан ўтган "Биржа савдоларига қуйиладиган маҳсулотларнинг ҳажмларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси қарори билан аниқланган стратегик ва монопол маҳсулотларни, хом ашё ва материалларни биржа савдоларига қўйиш тасдиқланган графикларга мувофиқ амалга оширилади. Бу ўринда биржа тасдиқланган графикка мувофиқ биржа савдоларига қўйиладиган, шу жумладан, такроран қўйиладиган стратегик ва монопол маҳсулотлар, хом ашё ва материаллар ҳажмлари ҳисобини юритади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга биноан, бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобланмайдиган буюртмачиларни аккредитация қилиш учун ариза берувчилар биржага (кейинчалик биржага бериш учун буюртмачи рўйхатдан ўтказилган жой бўйича биржанинг минтақавий бўлинмаларига) қуйидагиларни тақдим этадилар:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг ксеронусхаси (жисмоний шахслар учун - паспортларининг ксеронусхалари);
- буюртмачи - юридик шахс раҳбари ва бош бухгалтерининг тасдиқланган имзолари намуналари, шахсий имзонинг тасдиқланган намунаси (жисмоний шахслар учун) қўйилган карточка. Микрофирмалар учун бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш функциясини амалга оширувчи шахс имзосининг намунасини тақдим этиш талаб қилинмайди.

Биржа битимлари тушунчаси ва хусусиятлари

Биржа битими биржа томонидан рўйхатга олинган, биржа савдосининг биржада қайд этилган натижаси бўйича тузилган биржа товарига доир олди-сотди шартномасидир.

Умумий қоидага кўра биржа битими тўғрисидаги ахборот учинчи шахсларга ошкор қилиниши мумкин эмас. Биржа битими тўғрисидаги ахборот судларга тақдим этилади, суриштирув ва тергов органларига эса, қўзғатилган жиноят иши мавжуд бўлган тақдирда тақдим этилади.

Биржа битимининг мазмуни ҳақидаги жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборот қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади.

Биржа битимининг яна бир ўзига хос муҳим жиҳати унинг нотариал тасдиқлаш талабини инкор қилишидир.

Биржа битимларини тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштириш тартиби

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 11 июнда қабул қилинган "Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасида электрон харидларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида"ги Низомга биноан, биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва савдоларда ғолиб чиққан етказиб берувчи ёки унинг агенти савдолар ғолиби аниқланган вақтдан бошлаб беш иш куни мобайнида контрактни имзолаши, айни бир вақтда уни биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) томонидан рўйхатдан ўтказиши шарт.

Буюртмачи ва етказиб берувчининг контракт бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари контракт биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва етказиб берувчи (ёки унинг агенти) томонидан имзоланган вақтдан бошлаб юзага келади.

Юридик шахслар ҳисобланадиган бюджетдан маблағ олувчилар-буюртмачилар ўзларига электрон тарзда биржа томонидан персонал кабинет орқали юборилган контрактлар нусхаларини мустақил равишда кўчириб оладилар, уларни ташкилотнинг раҳбари имзоси ва муҳри билан тасдиқлайдилар ва ўзларига хизмат кўрсатадиган ғазначилик органларига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этадилар.

Бюджетдан маблағ олувчилар ҳисобланмайдиган буюртмачилар ўзларига персонал кабинет орқали электрон тарзда биржа томонидан юборилган контрактлар нусхаларини мустақил равишда кўчириб оладилар ва зарурат бўлганда, ўзи жойлашган ҳудуддаги биржада (биржанинг минтақавий бўлинмасида) тасдиқлайдилар.

Савдоларда ғолиб чиққан етказиб берувчи контракт тузишни рад этганда ёки уни тузишдан бошқача тарзда бош тортганда унинг молиявий закалати, савдолар ғолиби аниқланган санадан бошлаб бир ҳафта муддатда, етказилган зарар учун компенсация сифатида, буюртмачининг тегишли ҳисоб рақамига (агар буюртмачи ғазначилик ижроси билан қамраб олинган бўлса - бюджет маблағлари ёки бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тегишли шахсий ғазна ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда ягона ғазна ҳисоб рақамига, агар буюртмачи ғазначилик ижроси билан қамраб олинмаган бўлса - унинг банкдаги талаб қилиб олингунгача депозит ҳисоб рақамига) ўтказилади.

Етказиб берувчи контракт тузишни рад этган ёки уни тузишдан бошқача тарзда бош тортган тақдирда буюртмачи контракт тузишдан бош тортиш туфайли етказилган зарарларни қоплаш талаби билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир. Савдоларда ғолиб чиққан, бироқ контракт тузишни рад этган ёки уни тузишдан бошқача тарзда бош тортган етказиб берувчи биржа томонидан ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

енгиб бўлмайдиган кучлар юзага келганлиги муносабати билан рад этиш;

Битимни электрон тизимда етказиб берувчининг агенти томонидан буюртманомани етказиб берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бўлмаган параметрлар билан киритиш асосида амалга ошириш;

Битимни электрон тизимда етказиб берувчининг агенти томонидан буюртманомани етказиб берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бўлмаган параметрлар билан киритиш асосида амалга ошириш натижалари бўйича тузилган контрактни етказиб берувчи имзолашни рад этган тақдирда етказиб берувчи ўз агентидан буюртмачи фойдасига неустойкани тўлаш билан боғлиқ харажатларни қоплашини талаб қилишга ҳақлидир.

Ноҳалол етказиб берувчилар реестрига, давлат ёки корпоратив буюртмани жойлаштириш шаклидан қатъи назар, ўз мажбуриятларини бажармаганликда ёки зарур даражада бажармаганликда суд тартибида айбдор деб эътироф этилган етказиб берувчилар ҳам киритилади.

Етказиб берувчиларни ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритиш тўғрисидаги қарор Махсус комиссия томонидан, буюртмачининг ёки бошқа манфаатдор шахсларнинг аризаси асосида қабул қилинади.

Етказиб берувчи томонидан тузилган контракт бўйича ўз шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда буюртмачилар товарлар (ишлар, хизматлар)ни, охирги буюртманомада эълон қилинган товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш шартларини ўзгартирмасдан, товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотиб олиш юзасидан таклифларни камида уч нафар хўжалик юритувчи субъектга юбориш йўли билан энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида сотиб олишлари мумкин. Бунда буюртмачилар электрон тизимда янги буюртманомани жойлаштириш ҳуқуқига эгадирлар.

Ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритилган етказиб берувчилар олти ой мобайнида савдоларда қатнашишга қўйилмайди. Етказиб берувчини ноҳалол етказиб берувчилар реестрига киритиш тўғрисидаги ахборот махсус ахборот порталига жойлаштирилади.

Ўз мижози номидан контрактни тузиш муддатларига риоя этилмаганда, контрактни тузиш рад этилганда, унинг номидан контракт тузилган мижозга тузилган контракт тақдим этилмаганда ёки ўз вақтида тақдим этилмаганда, буюртманомаларнинг шартлари ўз мижозининг топшириқлари шартларига мувофиқ бўлмаганда буюртмачининг (етказиб берувчининг) агенти Махсус комиссия қарори билан савдоларга қатнашишдан олти ой муддатга четлаштирилади.

Савдоларда ғолиб чиққан етказиб берувчи контрактни имзолашни рад этганда ёки бошқача тарзда ундан бош тортганда, буюртмачи учун навбатдаги энг яхши нархни таклиф этган бошқа етказиб берувчи савдолар ғолиби бўлади, бунда ушбу етказиб берувчи уни савдолар ғолиби деб эътироф этишга ва контрактни имзолашга рози бўлиши шарт. Иккинчи етказиб берувчи билан тузиладиган намунавий контракт биржа томонидан, савдоларда иккинчи етказиб берувчи таклиф этган нархни ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Биржа икки иш куни мобайнида тегишли билдиришномани иккинчи етказиб берувчига ва буюртмачига (ёки уларнинг агентларига) юборади. Иккинчи етказиб берувчи билан тузилган контракт биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва иккинчи

етказиб берувчи (ёки унинг агенти) томонидан, биржа билдиришномани юборган вақтдан бошлаб беш иш кунидан кечикмай имзоланади.

Контракт белгиланган муддатда иккинчи етказиб берувчи томонидан имзоланмаган тақдирда савдоларда қатнашган ва буюртмачининг бошланғич нархидан ошмайдиган нархни таклиф этган кафолатловчи етказиб берувчи савдолар ғолиби бўлади. Савдоларда бир нечта кафолатловчи етказиб берувчилар қатнашган тақдирда контракт энг кам нархни таклиф этган кафолатловчи етказиб берувчи билан тузилади. Бир нечта кафолатловчи етказиб берувчилар томонидан бир хил нарх кўрсатилган буюртманомалар берилган тақдирда бошқалардан илгари буюртманома берган кафолатловчи етказиб берувчи савдолар ғолиби деб эътироф этилади. Биржа кафолатловчи етказиб берувчини унинг савдолар ғолиби деб эътироф этилганлиги тўғрисида тегишли билдиришнома юбориш йўли билан хабардор қилади.

Кафолатловчи етказиб берувчи билан тузилган контракт биржа (биржанинг минтақавий бўлинмаси) ва кафолатловчи етказиб берувчи (ёки унинг агенти) томонидан, билдиришнома юборилган вақтдан бошлаб беш иш кунидан кечикмай имзоланади.

Битим ҳолати бўйича ҳисоб-китоб-клиринг палатаси буюртмачилар ва етказиб берувчиларнинг аванс тўловлари суммасидан ҳар қайси томондан битимнинг амалдаги суммасидан биржанинг воситачилик йиғимини ундиради.

Бюджет маблағларини олувчилар ҳисобланадиган буюртмачилардан, шунингдек етказиб берувчилар - кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан ундириладиган биржанинг воситачилик йиғими миқдори ҳар қайси томондан битим суммасининг 0,05 фоизи миқдорида белгиланади.

Бюджет маблағларининг олувчилари ҳисобланмайдиган буюртмачилардан, шунингдек кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланмайдиган етказиб берувчилардан ундириладиган воситачилик йиғими миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда биржа томонидан белгиланади.

Контрактни рўйхатдан ўтказиш уни тузилган контрактлар реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади.

Давлат харидлари бўйича тузилган контрактлар реестри биржа томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва биржа маълумотлар базаларининг ўзаро электрон алоқаси йўли билан юборилади.

Ҳисоб-китоб-клиринг палатаси буюртмачи ва савдоларда ғолиб чиққан етказиб берувчининг аванс тўловининг блокировкадан чиқарилган қолдиқларини бир иш куни мобайнида уларнинг талаб қилиб олингунгача депозит ҳисоб рақамларига (шахсий ғазна ҳисоб рақамларига) ўтказади ёки уларнинг ёзма билдиришномасига кўра, бошқа савдоларда қатнашиш учун аванс тўловлари ҳисобига қабул қилади.

Савдоларнинг ғолиби деб эътироф этилмаган етказиб берувчининг аванс тўловини қайтариш у блокировкадан чиқарилгандан кейин бир иш куни мобайнида амалга оширилади.

Юқоридагилар билан бирга *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Товар-хом ашё биржалари савдоларига импорт контрактлари тузиш" Тартиби*да республикамизда импорт товарларни биржа ва кўргазма-ярмарка савдоларида, шу жумладан, ихтисослаштирилган савдо майдончалари орқали сотувга қўйиш билан боғлиқ масалаларнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари белгиланган

Бозор иқтисодиётига асосланган ҳар қандай давлатда қимматли қоғозларнинг муомаласи муҳим ҳамда аҳамиятлидир. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлда қабул қилинган "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги ЎРҚ-163-сонли Қонуни 3 июнда янги таҳрирда қабул қилиниб, ушбу Қонуннинг мақсади қимматли қоғозлар бозори соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Мазкур қонун акциялар, облигациялар, ғазна мажбуриятлари, депозит сертификатлари, қимматли қоғозларнинг ҳосилалари ва векселларга нисбатан амал қилиб, Ўзбекистон Республикасида қимматли қоғозларнинг, уларнинг муомалада бўлишининг ҳуқуқий асосларини

белгилаб беради. Тараққиётнинг турли даврларида муомала ва савдо воситаси бўлиб келаётган қимматли қоғоз ўзи нима?

Қимматли қоғозлар бу ҳужжатлар бўлиб, улар мазкур ҳужжатларни чиқарган юридик шахс билан уларнинг эгаси

ўртасидаги мулкий ҳуқуқларни ёки қарз муносабатларини тасдиқлайди, дивидендлар ёки фоизлар тарзида даромад тўлашни ҳамда ушбу ҳужжатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни бошқа шахсларга ўтказиш имкониятини назарда тутади. Қимматли қоғозлар чиқарилиш шаклига кўра бланкалар тарзида ҳужжатли ва электрон шаклдаги ҳисобга олиш регистрларидаги ёзувлар тарзида ҳужжатсиз бўлиши мумкин.

Акция — ўз эгасининг акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга, акциядорлик жамиятини бошқаришда иштирок этишга ва у тугатилганидан кейин қоладиган мол-мулкнинг бир қисмига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи, амал қилиш муддати белгиланмаган, эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли қоғоз.

Акциялар турли хил ҳуқуқлар билан тақдим этилиши мумкин, мисол учун, айримлари овоз бериш ҳуқуқи билан тақдим этилади. Дивидендлар эса олдиндан белгилаб қўйилган ёки даромадларнинг тақсимланишига қараб тўланадиган дивидендларга бўлинади[16].

Қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шакли қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланади. Қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштиришга ва уларнинг муомаласига, агар қонунда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, улар давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг резидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштириш ҳамда муомалага киритиш квоталари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Айни шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 августдаги 239-сонли қарори билан “Қимматли қоғозларни муомалага киритиш квоталари ва тартиби тўғрисида”ги низом тасдиқланган.Аммо шуни инобатга олиш лозимки, ушбу низом Ўзбекистон Республикасининг

[16]Keenan and Riches’ Business law. – 9th ed. / Sarah Riches and Vida Allen. Printed by Ashford Colour Press Ltd., Gosport, 2013. p.80.

норезидентлари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар давлат томонидан олиниши ҳолларига татбиқ этилмайди

Қимматли қоғозларнинг уюшган савдосида қимматли қоғозларга доир битимларни тузиш ва рўйхатдан ўтказиш уларни ёзма равишда (қоғозда) расмийлаштириш заруратисиз электрон шаклда амалга оширилади. Қимматли қоғозларга доир бошқа битимлар ёзма шаклда тузилади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Уюшган бозорларда олди-сотди битимлари тузилганда улар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш муддатлари қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш қоидалари билан, бошқа ҳолларда эса олди-сотди шартномалари билан белгиланади. Белгиланган муддатлар бузилган тақдирда битим ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Фонд биржасида эмиссиявий қимматли қоғозларга доир битимлар тузилганда сотувчи (бундан эмитент мустасно) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига битим суммасининг 0,01 фоизи миқдорида йиғим тўлайди. Бунда сотувчининг, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси норезидентининг тузилган битим бўйича даромадларига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинмайди.

Қимматли қоғозларга доир нархларнинг, талаб ва таклифнинг даражасини сақлаб туриш учун биржа битимлари тузилганда маркет-мейкер биржага, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига йиғимлар ва бошқа тўловлар тўлашдан озод қилинади.

Қимматли қоғозлар муомаласи қимматли қоғозлар бозорида юридик ва жисмоний шахслар томонидан битимлар тузиш орқали амалга оширилади. Бунда акцияларнинг олди-сотди битимлари қимматли қоғозларнинг уюшган савдосидагина амалга оширилади, акциядорларнинг талабига кўра акцияларнинг акциядорлик жамияти томонидан қайтариб сотиб олиниши бундан мустасно.

Давлат қимматли қоғозларини жойлаштириш ва уларнинг муомаласи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Давлат қимматли қоғозлари — Ўзбекистон Республикасининг ғазна мажбуриятлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган орган томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг облигациялари.

Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари қуйидагилардир:

фонд биржаси;

фонд бўлимини ташкил этган валюта биржаси;

қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари савдоси ташкилотчиси.

Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари риоя этилиши шарт бўлган қимматли қоғозлар савдосини ташкил қилиш қоидаларини тасдиқлайди.

Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари ўз фаолиятини тегишли лицензия асосида амалга оширади.

Қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчилари сотувчидан сотувга қўйилаётган қимматли қоғозларни олдиндан баҳолаш ўтказилишини талаб қилишга, агар бундай талаб қонун ҳужжатларида белгиланмаган бўлса, шунингдек қимматли қоғозларни уларнинг номинал қийматидан паст нархда реализация қилишга тақиқ белгилашга ҳақли эмас.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, биржа битимларини тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва расмийлаштиришнинг амалдаги тартиби мамлакатимиз биржаларида савдо-сотиқ фаолиятини амалга оширишнинг ягона қоидаларини мустаҳкамлайди ҳамда қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиши мамлакатнинг ички бозори ривожланишига, шунингдек, жаҳон бозорига интеграциялашувига юксак ҳисса қўшади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистонда биржалар фаолиятини тартирга солиш механизмини тушунтиринг.

2. . Қимматли қоғозлар бозорини ҳуқуқий тартибга солишда давлат органларининг ролини тушунтиринг.

1. “Chestydillers” номидаги товар биржасини ташкил этган таъсисчилар биржанинг фаолиятини лицензиялаш мақсадида тегишли ҳужжатларни Давлат рақобат қўмитасининг худудий органига тақдим

этдилар. Ҳужжатлар тақдим этилган кундан 20 кун ўтгач Давлат рақобат қўмитасининг худудий органи тақдим этилган ҳужжатларда солиқ органининг хулосаси мавжуд эмаслигини асос сифатида келтириб биржани лицензиялашни рад қилган.

Ушбу вазиятда "Chestydillers" юрисконсульти бўлсангиз қандай йўл тутардингиз?

2. Тошкент товар биржасида Юнусобод тумани суд қарорларини ижро этиш бўлими томонидан савдога қўйилган Хасанбой МФЙда жойлашган 3 сотихли (4 хонали хонадон) ер участкаси "Санокурилиш" МЧЖ томонидан сотиб олинди. Орадан тахминан бир ҳафта ўтгандан сўнг Юнусобод тумани Кўчмас мулк ва кадастр хизмати унитар корхонаси томонидан мазкур уй-жой нотариал тартибда тасдиқланиши лозимлиги, шунингдек уй жойга тааллуқли барча ҳужжатлар уларга тақдим этилиши тўғрисида хат келган. "Санокурилиш" МЧЖ адвокатга мурожаат қилиб, ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни сўраган.

"Санокурилиш" МЧЖнинг важлари:

-биржа битими унда белгиланган барча талабларга риоя қилинган ҳолда сотиб олинган;

-биржа олди-сотдисига нисбатан нотариал тасдиқлашлик талаби жорий этилмайди.

Кўчмас мулк ва кадастр хизмати унитар корхонаси важлари:

-мазкур уй-жой низоли ҳисобланиб, унда учинчи шахсларнинг манфаатлари мавжуд;

-биржадаги кўчмас мулк олди-сотдисига кўчмас мулк ва кадастр хизмати унитар корхонаси таклиф этилмаган.

Ушбу вазиятни адвокат сифатида амалдаги қонунчилик талаблари асосида ҳал этинг.

X БОБ. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш

Тадбиркорлик фаолиятига солиқлар орқали таъсир этиш тушунчаси, мақсади ва воситалари. Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида бошқаришнинг асосий тамойиллари ва функциялари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига солиқ имтиёзлари асосида таъсир этиш.

Ҳиндистоннинг "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишда тадбиркорлик субъектларини солиққа турлари, Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини солиққа тартишнинг билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари ва уни амалга ошириш тартиби, билан боғлиқ давлат органи ва унинг ушбу соҳасидаги ваколатлари, тадбиркорлик субъектларига яратилган солиқ имтиёзлари каби мавзуларда маълумот тайёрлаб беришни сўради.

Тадбиркорлик фаолиятига солиқлар орқали таъсир этиш тушунчаси, мақсади ва воситалари.

Жамият ҳаётида тадбиркорлик муносабатлари билан боғлиқ фаолият ўз-ўзидан ривожланиб бора олмайди, аввало унинг юксалиб бориши учун мақбул шарт-шароитлар ва қонуний асослар ҳамда юридик кафолатлар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор иқтисодиёти сари дадил қадамлар ташлар экан, аввало иқтисодиётнинг муҳим таянчи бўлган тадбиркорлик субъектларини фаолиятини ривожлантириш, уларнинг юксалиб бориши учун ҳуқуқий асосларни яратиш муҳим вазифалардан этиб белгиланди. Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб қувватлаш, нафақат фуқаролик-ҳуқуқий нормалар балки, маъмурий-ҳуқуқий нормалар асосида ривожлантиришга, қўшимача кафолат ва имтиёзлар беришга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатнинг солиқ сиёсати - бу илмий-назарий ва иқтисодий асосларга таянган, ҳукумат ва бошқарув органларининг мамлакатда ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатишни рағбатлантириш, жамият ижтимоий-иқтисодий, сиёсий барқарорлигини таъминлашда бевосита солиқлар орқали таъсир этишга қаратилган тактик ва стратегик ҳуқуқий ҳаракатдир.

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолияти талаб ва таклиф, рақобат, қиймат ва бошқа қонунлар орқали амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти эркин иқтисодиёт, товар-пул муносабатларига асослангандир. Мазкур муносабатларни тартибга солиш, бошқариш, усувор йўналишларини белгилаб бериш, рағбатлантириш ва ривожланиши учун қўшимча имтиёз ва преференциялар бериш давлат томонидан белгилаб бериладиган солиқ сиёсати орқали амалга оширилади.

Давлат бозор муносабатлари шароитида тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва уни ривожланишини қўллаб-қувватлаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашдаги энг самарали воситалардан бири бу солиқлар саналиб, тадбиркорлик субъектларини солиқлар воситасида таъсир этиш бевосита давлат солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ-бюджет сиёсатини амалга оширишда белгилаб берилган асосий устувор йўналишлар: солиқ ставкаларини пасайтириб бориш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш; солиқ ставкаларини унификациялаш ва солиқ солиш базасини такомиллаштиришда иқтисодий чораларни кўриш орқали солиқ тушумларини ошириб бориш; иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш; бюджет харажатларини ижтимоий соҳаларга йўналтиришдан иборатдир.

Давлат фаолиятининг барча йўналишларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаларидан бири ва давлат устуворлигини амалга оширишнинг иқтисодий воситаси солиқлардир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, божлар ва бошқа тўловлар ҳисобига давлат молиявий ресурслари ташкил топади.

Солиқ тизимини тартибга солиш ва такомиллаштириш самарали давлат иқтисодий сиёсатини олиб боришга, хусусан, молиявий тизимни ривожлантиришга ёрдам беради. Иқтисодиётни, хусусан Тадбиркорлик муносабатларини давлат томонидан солиқлар орқали тартибга солиш, давлат бюджетини шакллантириш, солиқ солиш воситасида жамиятдаги у ёки бу жараёнларнинг ривожланишига таъсир этувчи усули ҳисобланади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Давлатчиликнинг тарихий тараққиёти шундан далолат берадики, солиқ муносабатлари жамиятда давлатчилик шакллангандан буён мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларнинг ажралмас қисми сифатида ривож топиб келмоқда. Бинобарин, давлатнинг ҳарбий-мудофаа, ижтимоий-иқтисодий, бошқарув, маданий-маънавий соҳаларидаги фаолиятини моддий-молиявий жиҳатдан таъминлаш, давлат органлари бир меъёрда ишлашига эришишнинг асосий манбаи юридик ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган турли-туман солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланади. Шу сабабли, давлат солиқ тизимларини аниқ, самарали ишлаши, солиқ тўловчиларнинг эса солиқ тўлашга оид конституциявий мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ бажаришлари мамлакат иқтисодий, ижтимоий, маданий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатувчи қудратли омиллардан саналади.

Ушбу вазифаларни бажарилишида хўжалик субъекти бўлган юридик ва жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда солиқ бюджет сиёсатини амалга оширишда белгилаб берилган устувор йўналишлар: солиқ ставкаларини пасайтириб бориш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш; солиқ ставкаларини унификациялаш ва солиқ солиш базасини такомиллаштиришда иқтисодий чораларни кўриш орқали солиқ тушумларини ошириб бориш; иқтисодиётда солиқ юкини камайтириш орқали барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш; бюджет харажатларини ижтимоий соҳаларга йўналтиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган солиқ сиёсатининг мазмунини солиқ соҳаларини либераллаштириш солиққа тортиш масаласида тадбиркорлику субъектларига имтиёз ва префиренциялар бериш, интерактив хизмат кўрсатишининг самарадорлигини ошириш асносида иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли фаровонлиги ошишга йўналтирилгандир.

Мамлакатда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва уни қўллаб қувватлашни давлат йўли билан таъсир этишнинг энг самарали усулларидан бири солиқлар орқали бошқаришдир. Давлат хўжалик – тадбиркорлик фаолиятига таъсир ўтказиш чоғида ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, фискал мақсадларга эришиш, қонунлар

билан белгилаб қўйилган тартиб қоидаларга риоя этилишини назорат қилишга интилади.

Давлатнинг ихтиёридаги иқтисодий ҳамда ҳуқуқий механизм сифатида солиқлар орқали бошқариш ва тартибга солиш ўзига хос белгилар ҳамда хусусиятларга эга. Бунда энг аввало солиқларнинг мажбурийлиги, яъни хўжалик субъекти давлат томонидан белгиланиши, солиқ тўлаш ҳуқуқ эмас балки мажбурият эканлигини назарда тутиш лозим.

Зеро, даромад олган, тадбиркорлик фаолиятини билан шуғулланаётган ҳар қайси шахс товар-молия бозорида ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси хусусиятларга эга бўлган чоғдан бошлаб (масалан, даромад (фойда) олиши, мулкка эга бўлиши, ерга эгалик қилиши ва бошқалар) ўз-ўзидан (автоматик тарзда) солиқ тўловчига айланади ҳамда солиқ юзасидан тегишли мажбуриятларга эга бўлиб қолади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларига солиқлар воситасида тартибга солишнинг муҳим хусусиятларидан бири улар томонидан тўланадиган солиқлар эвазига ҳеч бир ҳақ ёки имтиёз бериш кўзда тутилмаганлигидир. Давлат бутун жамиятнинг ҳаёт фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлар экан, солиқ тўловчига бевосита у тўлаган солиқ эвазига бирон-бир тарзда ҳақ тўлаш ёки қандайдир хизмат кўрсатиш мажбуриятини ўзининг зиммасига олмайди. Солиқлар қайтариб олинмаслик шарти билан солиқ тўловчилар томонидан тўланиши, яъни хўжалик субъектларидан тўпланган солиқлар шахси номаълумлаштирилгани ҳолда давлат хазинасига, унинг мутлақ эгалигига ўтади, уни келгусида қайтариб берилиши ёки қандайдир тарзда компенсация қилиниши эҳтимоли мавжуд бўлмайди.

Солиқлар маъмурий ёки жиноий тартибда қўлланиладиган жарималардан, юридик шахсларга нисбатан қўлланиладиган иқтисодий (молиявий) чоралардан фарқ қилиб, жазо бўлиб ҳисобланмайди, содир этилган ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракати учун жавобгарлик чораси эмас, балки бу хўжалик-тадбиркорлик фаолияти олиб борилганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлари томонидан давлат фойдасига амалга ошириладиган тўловдан иборатдир.

Хўжалик субъектларига солиқлар орқали таъсир ўтказиш мулкни унинг эгасидан давлат фойдасига олишнинг алоҳида усули сифатида

хўжалик субъекти томонидан марказий ёки маҳаллий бюджетга пул шаклида тўловлар тўлаши тарзида амалга оширилади.

Германия қонунчилигига мувофиқ даромад солиғи еттита турга бўлинади:

-Қишлоқ хўжалиги ва ўрмончиликдан олинадиган даромад солиғи;

-Савдо ва тадбиркорликдан олинадиган даромад солиғи;

-Мустақил тадбиркорлик билан шуғулланганликдан олинадиган даромад солиғи;

-Капитал киритганлик учун даромад солиғи;

-Рента учун даромад солиғи;

-Бошқа турдаги даромад солиқлари (бунда қисқа муддатли даромда олганлик каби[17] .

Солиқлар таъсирида тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида даромадларни тақсимлашнинг самарадорлиги ва адолат принциплари ўртасидаги мувофиқликка эришишига хизмат қилади. Амалдаги солиқларга барқарорлик ва мосланувчан солиқ ставкаларининг хослиги солиқларнинг узоқ муддатли вазифаларини амалга оширишга замин яратади.

Шунингдек, солиқлар таъсирида умумдавлат вазифаларини ҳал қилиш учун давлатга зарурий молиявий ресурслар таъминлаб бериш, мамлакат иқтисодиётида қулай инвестиция муҳитини яратишга кўмаклашиш, тадбиркорлик муносабатларини рақобат муҳитини рағбатлантириш, солиқларнинг бюджетга ижобий таъсиридан ташқари, муҳим иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида ҳам улардан фаол фойдаланиш мумкин. Нархларнинг ислоҳ қилиш, ташқи савдонинг эркинлаштириш, меҳнат бозорининг ислоҳ қилиниши ва ҳоказолар янги пайдо бўлган тижорат структураларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш заруриятини юзага келтиради. Бу вазифани солиқ ставкаларининг табақалаштириш йўли орқали ҳал этиш мумкин.

Солиқлар воситасида давлат тадбиркорлик фаолиятига қуйидаги йўналишларга бевосита таъсир кўрсатади:

Биринчидан, Тадбиркорлик фаолиятида юзага келадиган муносабатларни солиқлар воситасида бошқаради ва иқтисодий муносабатларни назорат қилиш асосида тартибга солади, солиқ юкини тўловчилар ўртасида адолатли тарзда тақсимлаш, шу йўл

[17] Michael Wendler, Bernd Tremml, Bernard Buecker. Key aspects of German business law // Springer Berlin. Printed in Germany. P 320.

билан тармоқ ва ҳудудларни ривожлантириш, тадбиркорни қонуний фаолият натижасида даромад олиш ва солиқ мажбуриятларини бажарилишини таъминлайди;

Иккинчидан, бозор инфраструктурасини шакллантиради ва миллий иқтисодиётда инвестиция муҳитини қўллаб-қувватлаш баробарида қулай иқтисодий шароитлар яратади, ривожлантириш учун солиқ имтиёзлари асосида кўмаклашади. Солиқ тизими хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши, ресурсларнинг самарали тақсимланишига тўсқинлик қилмаслиги ҳамда хўжаликни мустақил юритиш омилларини чеклаб қўймаслиги керак. Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли кўринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидаги камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пировард натижада давлат бюджети даромадларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмай қолмайди;

Учинчидан, тадбиркорлик муносабатларида рақобат муҳитини яхшилайди, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва товар-молия бозорида ишлар ва хизматларнинг сони ҳамда сифатига таъсир этиш баробарида нарх сиёсатига ҳам ўз таъсирини ўтказади;

Тўртинчидан, хуфиёна иқтисодиётнинг олдини олади, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик чорасини белгилаш баробарида жамиятда солиқ тўловчиларнинг солиқ борасидаги ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалишини таъминлайди.

Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида бошқаришнинг асосий тамойиллари ва функциялари

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги, солиқ тизимининг ягоналиги, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги ва солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси принципларига асосланади.
(ЎзР Солиқ кодекси 5-модда).

Давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига солиқлар воситасида таъсир этиши бошқарув функциясидан келиб чиқб, бу муайян туман, шаҳар, вилоят, мамлакат миқёсида давлат бюджети даромад қисми ижросини ташкил этиш, тўланаётган турли солиқлар мажбуриятларига риоя этилишини таъминлаш, бюджетга келиб тушишини бошқариш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнида кўзга ташланади.

Тадбиркорлик фаолиятини солиқлар воситасида бошқаришда риоя қилиниши лозим бўлган асосий тамойиллар бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ иқтисодий-ижтимоий муносабатларни тартибга солишда мазкур муносабатлар субъектлари амал қиладиган асосий қоидалар ва тамойиллар мажмуидир.



Солиқ тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари Солиқ кодексида белгиланган принципларга зид бўлиши мумкин

эмас. Мазкур тамойиллар нафақат Солиқ кодексини балки бутун солиқ қонун ҳужжатлари учун умумий манба, ҳуқуқий асос, пойдевор вазифасини ўтайди. Чунки солиқ соҳасидаги бирор меъёрий ҳужжат ёки ҳатти-ҳаракат, иқтисодий-ижтимоий муносабат мазкур принципларга зид келмаслиги белгиланган.

Ҳар бир тадбиркорлик субъекти Солиқ кодексида белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Ҳеч бир шахснинг зиммасига Солиқ кодексида назарда тутилмаган ёки унинг нормалари бузилган ҳолда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилиши мумкин эмаслиги хусусидаги қоидалари Солиқ кодексининг 6-моддасида ўз ифодасини топган. Ушбу принцип Солиқ кодексидан назарда тутилмаган ва белгиланмаган бирор мажбурий тўловни талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини ифода этади. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилмаган ёки бошқа бирор тартибда белгиланган солиқ ва йиғимларни, шунингдек, бошқа тўловларни тўлаш мажбурияти ҳеч кимнинг зиммасига юклатилиши мумкин эмас.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас ҳамда ижтимоий, ирқий, миллий, диний ва бошқа шу каби мезонлардан келиб чиққан ҳолда қўлланилиши мумкин эмас.

Солиқ солишнинг адолатлилиги принципи – бу солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасида солиқ қонун ҳужжатларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳар бир хўжалик юритувчи қайси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, қачон, қанча миқдорда ҳамда қай тартибда тўлаши кераклигини аниқ белгиланган тарзда ифодаланган бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилашда солиқ тўловчилар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари аниқланган бўлиши кераклиги Солиқ кодексининг 7-моддасида ифодаланган. Мазкур тамойилнинг белгилаб қўйилганлиги солиқ қонун ҳужжатларининг тушунарли бўлишини таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчиларга қатор афзалликлар туғдиради, уларнинг ҳуқуқий онгини ва солиқ соҳасидаги билими, маданиятининг юксалишига хизмат қилади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини солиққа тортишда адолатлилиги принципига риоя этиш лозим. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасида солиқ солиш барча учун умумийлиги эътироф этилади ва солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши кераклиги белгиланган. Шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича якка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмаслиги ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар камситиш хусусиятига эга бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчи хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан ягона солиқ тизими белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудуди доирасида товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) ёки молиявий маблағларнинг эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўядиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишига йўл қўйилмайди. Солиқ тизимининг ягоналиги тамойили республика иқтисодиёти ягоналигига асосланади ва у солиқ тизими ягоналигидан келиб чиқади. Давлат солиқ тизимининг ягоналиги унинг барча ҳудудида солиқларнинг айнан бир хил турлари амал қилишини англатади. Солиқ тизимининг ягоналиги тамойили бевосита конституциявий тамойиллар тарзда ҳам намоён бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 123-моддаси қоидалари асос қилиб олинган. Ушбу тамойилга кўра, ягона иқтисодиёт доирасида товарлар, хизматлар, молиявий маблағларнинг эркин кўчишини чеклаши мумкин бўлган маҳаллий солиқларнинг киритилишига ёхуд бир ҳудуднинг бюджетини бошқа ҳудудларнинг солиқ даромадлари ҳисобига шакллантиришга имкон берадиган маҳаллий солиқларнинг киритилишига ёки солиқларнинг тўланишини бошқа ҳудудларнинг солиқ тўловчиларига кўчирилишига йўл қўйилмаслигини ифодалайди.

Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ошкоралиги принципига риоя қилиниб, унга кўра, солиқ солиш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий нашрларда эълон қилиниши шарт. Барчанинг эътибори учун расмий эълон қилинмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кучга киритилмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқармайди ва солиқ соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, улардаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун бирон бир санкцияни қўллашга асос бўлиб

хизмат қилиши мумкин эмас. Мазкур принципни назарий жиҳатдан барча туркумдаги қонунчилик ҳужжатлари учун умумэътироф этиладиган бевосита умумий принциплар қаторига ҳам киритиш мумкин.

Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.Агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга.

(ЎзР Солиқ кодекси 3-модда)

Солиқ қонунчилигида биринчи марта солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилиниши белгиланиши хусусидаги қатъий норма белгиланиб, бу қоида тадбиркорлик субъектларини қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини устуворлигини таъминлашга йўналтирилган. Бу принцип солиқ қонун ҳужжатларида солиқ тўловчининг ҳақлиги презумцияси сифатида эътироф этилиб, ҳозирда аксарият ривожланган давлатлар солиқ қонунчилиги ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

Солиқ қонун ҳужжатларига мувофиқ, Тадбиркорлик фолияти субъектларига солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Қонун талабларига мувофиқ, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига эга эмас ва улар амалга киритилганидан кейин юзага келган муносабатларга нисбатан қўлланилади. Лекин, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни бекор қиладиган ёки жавобгарликни енгиллаштирадиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари орқага қайтиш кучига ҳам эга саналади.

Масалан, амалиётда мавжуд низоли ҳолатга эътибор қаратадиган бўлсак назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий кенгашининг рухсатномаси ва Давлат солиқ бошқармасининг 2012 йил 17 октябрдаги буйруғига кўра “Файз” унитар корхонасида солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текшириш ўтказилган. Текширишда харидорнинг 20.300 сўмлик хариди учун нақд пул олиб назорат касса машинаси чеки ёки уларга тенглаштирилган бошқа квитанция бермаганлиги, 6.234.700 сўм нақд пул НКМга кирим қилинмаганлиги аниқланган. Ушбу ҳолат юзасидан суднинг

2014 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарори билан жавобгарга нисбатан харидордан 20.300 сўм нақд пул олиб НКМ чеки ёки уларга тенглаштирилган бошқа квитанция бермаганлиги учун Солиқ кодексининг 119-моддаси биринчи қисмига кўра, энг кам иш ҳақининг 30 бараваридан 50 бараваригача миқдорда жарима солиш белгиланган бўлсада, тадбиркорнинг молиявий ҳолатини инобатга олиб, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақтда амалда бўлган энг кам иш ҳақи (96.105 сўм) миқдорининг 30 баравари 2.883.150 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаган. Шунингдек, 5.234.700 сўм нақд пул НКМга кирим қилинмаганлиги ҳолати бўйича Солиқ кодексининг 114-моддасига товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида яъни 1.046.940 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаган. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-359-сонли Қонунининг 1-моддасига асосан, Солиқ кодексининг 114-моддасига товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум яширилган (камайтириб кўрсатилган) суммасининг 20 фоизи миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши ҳақида ўзгартиш киритилиб, Қонуннинг 2-моддасига асосан, ушбу ўзгартишлар 2014 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган. Ўзбекистон Республикаси *“Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг* 28-моддасига кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши улар қўлланилишининг мажбурий шарти ҳисобланади.

Шунингдек, солиқ қонунчилигидаги бевосита кўрсатилган битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас қоидаси ҳам бевосита солиқ тамойили даражасида солиқ амалиётига жоир муносабатларида ижросини таъминлаш бугунги Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, солиқ тўлаш хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасида янгидан яратилган қийматни тақсимлашнинг асосий воситаси ҳисобланади. Бирор бир жамиятни солиқ тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Чунки, солиқлар бюджет даромадларини ташкил этишнинг асосий воситаси бўлибгина қолмай, балки, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, ишлаб чиқаришни рағбатлантиришда инвестицияларни кўпайтиришга, рақобатбардош маҳсулот ҳиссасини кўпайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ва бошқаларга хизмат қилади.

Давлат солиқ инспекцияси 2011 йил хўжалик судига мурожаат қилиб, жавобгар “Икромжон” хусусий корхонасига нисбатан Солиқ кодексининг 117-моддаси, 119-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли* Қарорига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараваридан 300 бараваригача молиявий жарима қўллашни сўраган.

Суд томонидан жавобгар “Икромжон” хусусий корхонасига нисбатан Солиқ кодекси 119-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг *“Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 16 мартдаги ПҚ-605-сонли Қарорига* кўра молиявий жарима қўлланилиб, ариза талабиниг қолган қисми рад этилган. Чунки, Солиқ кодексининг 108-моддаси талабига кўра, ҳеч ким солиққа оид содир этилган айнан битта ҳуқуқбузарлик учун такроран жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Солиқларнинг моҳияти уларнинг бажарадиган функцияларидан келиб чиқади. Ҳар бир иқтисодий категориянинг ўз функцияси мавжуд. Солиқ ҳам мустақил категория сифатида ўзи бажарадиган функцияларга эга бўлиб, бу функциялар солиқ категориясининг амалдаги ҳаракатини ифодалайди.

Солиқ соҳасидаги ҳуқуқий сиёсат фискал (давлат хазинасини тўлдириш) мақсадидан бошқа бир қатор иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий функцияларни ҳам кўзлайди. Солиқлар воситасида иқтисодиётни рағбатлантириш, чеклаш, тартибга солиш, назорат қилиш, бошқариш каби функциялар бажарилади.

Солиқларнинг фискал функция ҳисобланиб (лотинча fiscus сўзидан олинган бўлиб, хазина деган маънони англатади), бу функциянинг моҳияти шундан иборатки, солиқлар ёрдамида давлатнинг молия ресурслари ҳосил қилинади ҳамда давлат фаолият кўрсатиши учун моддий шароит яратилади. Солиқлар орқали корхоналар ва фуқаролар даромадининг бир бўлагини давлат аппаратини, мамлакат мудофаасини, ноишлаб чиқариш соҳасининг умуман ўз даромадлари манбаига эга бўлмаган қисмини (кўпгина маданият муассасалари, жумладан, кутубхоналар, архивлар ва бошқалар) ёки лозим даражада ривожланишини таъминлаш учун ўзининг маблағи етишмайдиган тармоқларни (фундаментал орган, театрлар, музейлар, кўплаб ўқув юртлари ва ҳоказо) сақлаб туриш мақсадида ундириб олиш йўли билан давлат бюджетининг даромад қисмини шакллантириш солиқлар фискал функциясининг энг муҳим

элементи ҳисобланади. Солиқларнинг ушбу функцияси орқали ҳосил бўладиган пул ресурслари давлат фонди (давлат бюджети) орқали қайта таксимланади, улар ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, устувор тармоқларни инвестициялашга йўналтирилади.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси иқтисодиётнинг муайян секторларини устувор ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб топилганида амалга оширилади. Масалан, мамлакатга чет эл инвестициясини кенгроқ жалб этиш мақсадида қўшма корхоналарда чет эллик шериклар ҳиссаси кўпроқ бўлиши рағбатлантирилади ва бу кўрсаткичнинг ортиши солиқ имтиёзини кенгайишига сабаб бўлади. Ёки бўлмаса хўжалик юритувчи субъект ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни қанчалик кўпроқ экспортга йўналтирса, шунчалик кўпроқ солиқ имтиёзларидан фойдаланиш имконига эга бўлади ва бошқалар. Бу функция ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий хом ашё ресурслари, шунингдек молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, молиявий аҳволни мустаҳкамлашга ва инвестиция фаолиятини кенгайтиришни рағбатлантиради. Тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишда рағбатлантириш функцияси алоҳида ўзига хос аҳамият касб этади.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали давлат иқтисодиёт тараққиётини таъминлайди, бу билан фискал функцияни бажариш учун базани кенгайтиради, ишлаб чиқаришни солиқларнинг рағбатлантириш функцияси орқали қўллаб-қувватлаб, давлат оқилона солиқ сиёсатини олиб бориш билан солиқ юкини кучайтирмасдан хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият кўрсатиши таъминланади.

Солиқларни чеклаш функцияси маҳсулотлар ва хизматларнинг муайян турларини вақтинча камайтириш, ушбу сектордаги моддий, молиявий ва бошқа ресурсларни бошқа йўналишга буриш эҳтиёжи туғилганида иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг иқтисодий усули сифатида қўлланилади. Масалан, чакана савдо-сотиқни жуда ҳам кенг ёйилиши ва айни пайтда ишлаб чиқариш тармоқларидаги турғунлик, моддий ишлаб чиқаришни янада авж олдириш зарурати товар бозорларида муайян чеклашлар қўлланилишига, солиқлар миқдорини у ерда сезиларли кўпайтирилишига сабаб бўлди.

Солиқлар тартибга солиш функциясини ҳам бажаради. Солиққа оид қонун ҳужжатларида тадбиркорлик субъектлари томонидан солиқ солиш объектлари саналувчи молиявий ва бошқа операцияларни ҳисоб-китобини юритиш, ҳисоботлар тақдим этиш, солиқларни тўлаш тартибларини белгилаб берилади. Давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-шароитини тартибга солади ва бу билан иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян солиқ муҳитини яратади. Ушбу функция орқали солиқ тизимига таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлаб туради, сармоянинг бир тармоқдан солиқ муҳити энг маъқул бўлган бошқа тармоққа қўйилишини кучайтиради ёки пасайтиради, шунингдек, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради. Солиқларнинг тартибга солувчи сифатидаги функциясининг аҳамияти бозор шароитида ўсиб боради, бу даврда тадбиркорларни маъмурий қарам қилиш усуллари чекланади. Бироқ иқтисодий фаолликни изга солиб туриш, унинг ривожланишини жамият учун мақбул бўлган йўналишда рағбатлантириш зарурати сақланиб қолади.

Солиқлар бошқариш функциясини ҳам бажаради. Бу функцияни рўёбга чиқиши муайян туман (шаҳар), вилоят, бутун мамлакат миқёсида давлат бюджети даромад қисми ижросини ташкил этиш, турли солиқлар ва мажбурий тўловларни бюджетга келиб тушишини бошқариш, ушбу жараённи умумлаштириш, таҳлил қилиш, зарур ҳолларда тегишли усуллар ҳамда воситалар билан унга таъсир қилиш чоғида кўзга ташланади.

Солиқларнинг асосий функцияларидан бири назорат қилиш функцияси саналади. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хўжалик фаолиятини, солиққа тортиладиган объектларни тўғри ва тўлиқ ҳисобга олиб борилиши, тегишли солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида, тўла ҳажмда бюджетга тўланиши давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда назорат қилиб борилади. солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар сингари ва ҳоказо тегишли солиқ кўрсаткичларининг ҳисоб-китобларини текширишдек анча мураккаб жараёндан иборат. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали солиқ тўловчилар ўзларининг солиқ

мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига солиқ имтиёзлари асосида таъсир этиш

Тадбиркорлик фаолияти субъектларини солиқлар воситасида таъсир этишда солиқ имтиёзларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ имтиёзларини мавжудлигини асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчи субъектларнинг жамиятда тутган мавқеи, ижтимоий-иқтисодий ҳолати турлича эканлиги, уларининг товар ва молия бозорида фаолиятини йўлга қўйиши орқали давлатнинг бир қатор ижтимоий вазифаларини таъминлашга кўмаклашади.

Давлат иқтисодиётга таъсир этиб уни тартиблаш вазифасини амалга оширар экан, бунда энг асосий воситалардан бири жамиятдаги баъзи муҳим соҳаларни ёки солиқ тўловчиларнинг фаолиятини рағбатлантириш мақсадида солиқ имтиёзлари белгиланади. Яъни, давлат солиқ имтиёзлари орқали иқтисодиётни самарали ва қулай бошқариш ёки тартиблаш имкониятига эга бўлади, бундан кўринадики, солиқ имтиёзлари давлатни ўз функция ва вазифаларини юзага чиқарувчи муҳим восита сифатида юзага чиқади;

Солиқ имтиёзлари бу солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятлари ҳажмининг тўлиқ ёки қисман қисқариши, тўлов муддатининг кечиктирилиши ёки орқага сурилиши тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси солиқ имтиёзлари тизими орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзи солиққа тортиш объектининг ўзгаришида, солиққа тортиш базасининг камайишида (қисқаришида), солиқ ставкаларининг пасайтирилишида ва бошқаларда ўз ифодасини топади. Солиққа тортилмайдиган объект минимуми, алоҳида шахслар ва солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларини солиқ тўлашдан озод қилиш, солиққа тортиш объектидан айрим элементларни чиқариш, солиқ ставкаларини пасайтириш, мақсадли солиқ имтиёзлари, солиқ кредитлари (солиқларнинг ундирилишини кечиктириш) ва бошқалар солиқ имтиёзларининг кўринишларидир (турларидир).

Жамиятда иқтисодий фаровонликни таъминлашда ҳамма даврларда ҳам солиқ имтиёзларини қзллаш афзал ва самарали усул ҳисобланган.

Буюк Соҳибқирон Амир Темур тузукларида қайд этганларидек, солиқлар давлатнинг иқтисодий таянчи ва намоён бўлиши саналиб, солиқларни ундиришда имтиёзлар асосида

рағбатлантириш ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилган. “Темур тузуклари”га кўра, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки полиз қилса, ёки бирон боғ кўкартирса ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмаган, иккинчи йили раият ўз розилиги билан бергани олинган, учинчи йили солиқ белгиланган қонун-қоидасига мувофиқ ундирилган.

Бугун бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётда солиқ имтиёзлари қўлланилишининг асосий сабабларидан яна бири бу миллий даромадни қулай, самарали ва оқилона тақсимлашга эришишдан иборатдир. Яъни, бундан солиқлар сифатида бюджетга жалб этилиши лозим бўлган молиявий ресурслар имтиёз бериш туфайли бюджетга жалб этилмасдан солиқ тўловчиларнинг ўзларига мақсадли равишда қолдирилади. Бунинг афзаллик томони шундаки, солиқ тўловларини бюджетга олиш ва уни яна қайта тақсимлаш ишларини осонлаштиради ва иш фаолият турларини рағбатлантиришга эришилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ ислоҳотларини самарали юритиш мақсадида солиқлар воситасида таъсир этиш, улар бўйича имтиёзларни қўллаш, иқтисодиётнинг турли соҳаларини бир текис ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Давлат солиқ имтиёзларини қўллаш орқали иқтисодиётнинг турли соҳаларига турлича таъсир кўрсатади, яъни айрим рентабелли ва норентабелли соҳалар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш муаммоси юзага келади.

Мамлакатда солиқ имтиёзларини белгилашнинг асосий мезонлари тадбиркорнинг инвестицион муҳити ва чет эл инвестициялари кириб келишини таъминлаш, соҳани ривожлантиришнинг устуворлиги, маҳаллий ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг аҳамияти, ижтимоий ҳимоялашни ташкил этиш, импорт ва экспорт сиёсатининг ижросини таъминлаш ҳамда халқаро иқтисодий алоқаларнинг даражасидан келиб чиқиб белгиланади.

Шу ўринда мамлакатда солиқ имтиёзларини белгилаш мезонлари халқаро солиқ муносабатларига мос келиши ҳамда халқаро иқтисодий муносабатларда давлатнинг фаол иштирок этишида мослашувчан бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида солиқ имтиёзларини белгилаш орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, чет эл инвестициялари кириб келишини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг турли

соҳаларини ривожлантириш орқали иқтисодий фаровонликни таъминлаши амалга оширилмоқда. Бозор муносабатлари шароитида солиқ сиёсатини эркинлаштиришда, иқтисодиётни тартибга солиш ва барқарор ривожлантиришда солиқ имтиёзларини кенг жорий этиш ва унинг мақсадли ижросининг таъминланишини амалга ошириш энг самарали ва фойдали усуллардан ҳисобланади.

Бугунги кунда солиқ **қонунчилиги ва амалиётида** солиқ имтиёзларининг самарали қўлланилишининг қуйидаги кўринишларини кўриш мумкин:

- ✓ солиққа тортиладиган базани камайтириш;
- ✓ солиқ тўлашдан қисман ёки вақтинча озод этиш;
- ✓ солиқлардан бутунлай озод қилиш;
- ✓ янги ташкил этилган тузилмаларга имтиёзлар бериш;
- ✓ экспортга ва чет эл инвестицияларга имтиёзлар бериш кабилар.

Бинобарин, солиқ имтиёзларини қўллаш механизмидаги энг мураккаб масала бу солиқ имтиёзларининг мезонларини адолатли тарзда белгилаш ҳисобланади. Мазкур солиқ имтиёзларини белгилаш жаҳон амалиётида ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб белгиланса да, аммо у албатта адолатли ва асосли белгиланиши, мақсадли ва тўғри йўналтирилган, самарали бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 декабрдаги Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан *“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-379-сонли* Қонунига мувофиқ, “Микрокредитбанк”ни фойда ва мулк солиқлари ҳамда банк фойдасига ундирилган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш бўйича назарда тутилган имтиёзлар муддати 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги *“Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4232-сонли Фармони* 1-бандининг биринчи хатбошида назарда тутилган микрофирма ва кичик корхоналарни рағбатлантириш мақсадида банд ходимларнинг ўртача йиллик сони (касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим

муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда) чекланган нормативи 20 фоиздан 50 фоизгача оширилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги *“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сонли Фармони*нинг 8-бандида назарда тутилган микрофирмалар ва кичик корхоналар ўзи ишлаб чиқарган товар (иш, хизмат)ларни экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 50 фоизини мажбурий сотишдан озод қилиш бўйича имтиёзлар қисмида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат бўйича товарларни экспорт қиладиган микрофирма ва кичик корхоналар учун истиснолар киритилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги *“Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сонли Фармони* 8-бандининг учинчи хатбоши нормасига аниқлик киритилиб, унга мувофиқ, янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субектлари (чакана савдо ташкилотларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, 6 ой давомида, агар мазкур муддатда улар ўз эҳтиёжлари учун обектлар қурган тақдирда, қуриб битказилган обектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан бошлаб 6 ой ўтгунгача, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлмаган даврда ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловларни ушбу тўловларнинг тасдиқланган энг кам миқдорларини ҳисобга олмаган ҳолда тўлайдилар.

Солиқ имтиёзлари воситасида иқтисодиётни бошқариш, давлатни шундай фаолияти билан боғлиққи, у такрор ишлаб чиқариш жараёнида вужудга келган номутаносибликни йўқотиш учун шароит яратади.

Бошқача қилиб айтганда, агар солиқларнинг баъзи тизими ишлаб чиқаришни тартибга солишнинг давлат стратегиясини аниқласа, тактикаси солиқ имтиёзлари орқали амалга оширилади. Солиқ имтиёзларини солиқ субъекти, солиқ объекти, солиқларни ундириш воситалари, муддатлари нуқтаи назаридан бир неча гуруҳларга (турларга) бўлиш мумкин.

Ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда, инвестициялар, илмий текширув ва тажриба конструкторлик ишларини рағбатлантириш ва

тартибга солишда давлат томонидан солиқ имтиёзларидан кенг фойдаланилади. Солиқ имтиёзлари рағбатлантириш ва мақсадга мувофиқ йўлланилишига қараб айрим корхона ва ташкилотларни бутунлай солиқ тўлашдан озод этиш, янги тузилган корхоналар учун солиқ тўлаш бўйича имтиёзлар беришга бўлинади. Бу имтиёзлар ишбилармонлик ва тадбиркорлик (агар маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган бўлса) ривожланишга ижобий таъсир этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини солиққа тортишнинг рағбатлантириш функциясини қўллашнинг ҳуқуқий асослари ва тартиби.
2. Тадбиркорлик субъектларининг имтиёзли солиқ имтиёзларидан фойдаланиш тартибини тушунтиринг.

1. Департамент шаҳар бошқармаси бошлиғининг текшириш ўтказиш ҳақида буйруқларига асосан «Натс» МЧЖнинг молиявий хўжалик фаолияти текширилган. Текширишда банк мутахассислари томонидан АЖга кредит ажратишда хулосага сохта маълумотлар киритилиб, жамиятнинг ҳақиқатда кредитни қайтариш лаёқати паст бўлса-да, бу кўрсаткич юқори даражада кўрсатилганлиги, банк томонидан берилаётган кредит маблағларини ўзлаштириш мақсадида АЖ, «Кредо» ва «Натс» МЧЖлар ўртасида аслида баланс қиймати 340,8 млн. сўм бўлган ишлатилган маиший техника ускуналари 452,0 млн. сўмга, яъни 111,2 млн. сўм юқори нархга баҳоланиб, шу суммада банкка зарар етказилганлиги, натижада кредит маблағлари қайтарилмай қолганлиги, АЖ ва МЧЖлар ўртасида доимий равишда ўзаро операциялар амалга ошириб келинганлиги, АЖ «Натс» МЧЖнинг таъсисчиси сифатида унинг ҳисоб рақамига устав фондини шакллантириш мақсадида 2010 йил декабрь ойида 2,2 млн. сўм миқдорида пул маблағларини ўтказиб берганлиги, 2012 йил март ойида «Натс» МЧЖнинг ҳисоб рақамидан «Кредо» МЧЖнинг ҳисоб рақамига 2,3 млн. сўм миқдорида пул маблағларини устав фондини шакллантириш мақсадида деб расмийлаштирилган тўлов ҳужжатлари билан сарфланганлиги аниқланган.

Туман давлат солиқ инспекцияси текшириш ҳужжатларига асосланган ҳолда «Натс» МЧЖ томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилган деб ҳисоблаб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 116-моддасига асосан 4,5 млн. сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраган.

Савол: “Натс” МЧЖга нисбатан солиқ қонунчилиги бузганлиги учун жавобгарлик ҳолатига ҳуқуқий баҳо беринг. Агар қонун йўл қўйса “Натс” МЧЖ жавобгарликдан озод этилиши мумкинми? Фикрингизни амалдаги қонун ҳужжатларига кўра асосланг.

1. Текширишда “Омад” МЧЖга қарашли савдо шахобчаси сотувчиси томонидан харидорга сотиб олган маҳсулот учун 3,0 минг сўмга назорат-касса машинаси чеки ёки унга тенглаштирилган рақамланган квитанция берилмаганлиги, ғазнадаги мавжуд бўлган 276,6 минг сўм тушум пули назорат-касса машинаси хотирасига киритилмаганлиги ҳамда 137,0 минг сўмлик кирим ҳужжатлари бўлмаган товар-моддий бойликлар мавжудлиги аниқланган.

Текшириш натижаларига асосланган ҳолда туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш тўғрисида 2013 йил 10 апрелда қарор қабул қилган. Қарорда қўлланиладиган молиявий жарима ҳисоби кўрсатилиб, уни ихтиёрий равишда ўттиз кун ичида бюджетга тўлаб бериш белгиланган.

Ушбу молиявий жарима суммаси белгиланган муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганидан кейин аризачи - туман давлат солиқ инспекцияси жавобгар – “Омад” МЧЖга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддаси ва 119-моддасининг биринчи қисмига асосан жами 2801,7 минг сўм молиявий санкция қўллашни сўраб хўжалик судига ариза берган.

Савол: Низоли ҳолатни амалдаги солиқ қонунчилигига кўра ҳал қилинг.

XI БОБ. Тадбиркорлик субъектлар фаолияти устидан давлат назорати

Ҳиндистоннинг "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх компаниянинг ҳуқуқшуноси Ранжид Сингхдан Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти субъектларини солиққа тортишга оид маълумотларни олгач компания ҳуқуқшуноси Ранжид Сингхга Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати, қайси органлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари устидан назоратни олиб бориши, қай турдаги текширишлар мавжудлиги тўғрисида батафсил маълумотлар тўплашни сўради.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси, принциплари ва ҳуқуқий асослари. Назорат қилувчи органлар ва уларнинг ваколатлари. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати шакллари. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш турлари.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати тушунчаси, принциплари ва ҳуқуқий асослари

Назорат иқтисодиётни ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш воситаларидан бир ҳисобланади. Давлат назорати давлат органлари томонидан амалга оширилиши муносабати билан уни давлат ҳокимиятини амалга ошириш шаклларидан бири сифатида қараш лозим.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати деганда, тижорат ва нотижорат ташкилотлар томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабига риоя қилиниши устидан текшириш ва кузатиш тизими тушунилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини давлат органлари, шу жумладан прокуратура органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширадилар.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

а) назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва ошкоралик, яъни бошқа шахсларнинг хоҳиши ва истакларидан, уларнинг субъектив иродаларидан қатъи назар, текширишлар назорат қилувчи органлар ходимлари томонидан суиистеъмолликларсиз тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текширишлар ўтказишни

тартибга солувчи қонун нормалари асосида амалга оширишлари лозимлиги;

б) юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тадбиркорлик субъектлари ва хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонуний ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш даркор. Бу борада хусусий мулкдорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини ошириш, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектларининг хўжалик ва молиявий фаолиятига ноқонуний аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиши лозим”.

в) тадбиркорлик субъекти ҳуқуқларининг устуворлиги, унга мувофиқ қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилади;

г) тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаслик.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаслик деганда назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмаслиги тушунилади.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан тадбиркорлик субъектларининг бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари деҳқон ва фермер хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятига, шу жумладан уларнинг агротехника усулларини, етиштириладиган маҳсулот турини танлашига, ана шу маҳсулотнинг баҳосини ҳамда реализация қилиш йўналишини белгилаш ишларига аралашишга ҳақли эмас, давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган харидлар бундан мустасно.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний қарорлари ёки бошқа ҳаракатлари натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зараралар, шу жумладан, бой берилган фойда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратининг ҳуқуқий асослари

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг *“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” (янги таҳрири), “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган “Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида”ги 222-II-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 8 августдаги “Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-1503-сон, 1998 йил 19 ноябрдаги “Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида”ги ПФ-2114-сон, 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3619-сон, 2005 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-3665-сон фармонлари* ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган.

Прокурор назорати тартибида амалга ошириладиган давлат назорати Ўзбекистон Республикасининг *“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири)*, солиқ текшируви орқали амалга

ошириладиган давлат назоратининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши томонидан 2006 йил 11 мартдаги 06-01-01-сон қарори билан тасдиқланган ва *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 6 майда 1573-сон билан рўйхатга олинган "Назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган, тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш тартиби тўғрисида" Низом* (янги таҳрири) билан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни ташкил тартиби белгиланган.

Юқорида қайд қилинган қонун ҳужжатларини қўллашда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш мақсадида мораторийлар белгилаш амалиёти ҳам жорий қилинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг *2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-4609-сон Фармонига* мувофиқ солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини ва рентабеллигини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланилган мораторий 2017 йилнинг 1 январигача бўлган муддатгача узайтирилган (юридик шахсларни тугатишдаги, қўзғатилган жиноий ишлар доирасидаги, шунингдек бюджет ва марказлаштирилган маблағлар ва ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширувлар бундан мустасно).

Давлат назоратини хорижий тажрибада кўрадиган бўлсак, юқори ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, бир нечта асосий ривожланишга доир муҳим омиллар кўзга ташланади. Биринчидан – бу бизнесга маъмурий таъсирни чораларини камайтирилиши, унга катта эркинлик яратиш. Давлат сиёсати муҳим иқтисодий секторларни юқори даражада қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилганлиги. Ижтимоий таркиб доимо юқори эътибор остида.

Мисол учун, АҚШда кичик тадбиркорликни ривожланишига унинг фаолиятига давлат кўмаги, яъни турили хил аралашувининг камайиши сабаб бўлди. Бу ерда табиий танлов асосида келажак бизнес сардорлари шакллантирилади. Юқори даражада

соддалаштирилган янги корхонани рўйхатга олиш тизими. У бир кун вақт олади ва 5 дан 10 долларгача суммасида амалга оширилади[18].

Назорат қилувчи органлар ва уларнинг ваколатлари

Назорат қилувчи органлар - тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирликлар ва идоралардир.

Солиқ, молия, прокуратура, ички ишлар, божхона, статистика органлари ва давлат назорат инспекциялари **назорат қилувчи органлар сирасига киради.**

Тадбиркорлик субъектларини текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларнинг корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг *1998 йил 19 ноябрдаги "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида" ПФ-2114-сон Фармони* билан Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг янгиланган таркиби ва у ҳақдаги Низом тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши – **махсус ваколатли орган** ҳисобланади ва у чиқарган қарорларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга доир қисми назорат қилувчи органлар учун мажбурий ҳисобланади.

Махсус ваколатли органнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишнинг, шу жумладан, комплекс текширувлар ҳамда тафтишларнинг назорат қилувчи органлар бир-бирининг ишини такрорлашига йўл қўймайдиган мувофиқлаштирувчи режаларини ишлаб чиқиш;

назорат қилувчи органларнинг текширувлар ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режаларига риоя қилишини назорат қилиш

[18] Талапина Э.О. О правовом статусе саморегулируемых организаций. // Право и экономика.2003.№11

ҳамда режадан ташқари текширувлар махсус ваколатли орган билан келишмай ўтказилишига йўл қўймаслик.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ***ҳуқуқларга*** эга:

- текширилаётган тадбиркорлик субъектларидан текшириш ўтказиш билан бевосита боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;
- текширилаётган тадбиркорлик субъектларига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, тадбиркорлик субъектлари мулкдорлари олдига айбдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги масалани қўйиш;
- текширувга аудиторлик ташкилотларини ва (ёки) экспертларни белгиланган тартибда шартнома асосида жалб этиш;
- қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда молиявий ёки маъмурий жазо чораларини қўллаш;
- режали текширишларни ўтказиш муддатини кўчириш тўғрисида, башарти бунга объектив асослар бўлса, махсус ваколатли органга тақдимнома киритиш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг қонуний талаблари текширилаётган тадбиркорлик субъектлари томонидан бажариш учун мажбурийдир.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида қуйидагиларни бажаришга ***мажбурдирлар***:

- текширилаётган тадбиркорлик субъектларига текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларни кўрсатиш;
- тадбиркорлик субъектлари ишлашига халал бермаслик;
- текширишларни қайд этиш дафтарига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ёзиб қўйиш;
- давлат сири, тижорат ёки бошқа сирлар сақланишини таъминлаш;

- текшириш натижаларини далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштириб, унинг бир нусхасини текшириш тугаган куни текширилаётган тадбиркорлик субъектида қолдириш;
- ҳуқуқбузарлик ҳоллари аниқланган тақдирда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилиш

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан бевосита судга ёки бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши мумкин.

Бўйсуниш тартибида юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят бериш шундай шикоятни судга бериш ҳуқуқини истисно этмайди.

Судга шикоят берилганида устидан шикоят қилинаётган ҳаракатни ёки қарорни ижро этиш суднинг қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб турилади, фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи учун бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар ёки қарорлар бундан мустасно. Тадбиркорлик субъекти судга шикоят берганлиги тўғрисида назорат қилувчи органни тегишли тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилиши шарт.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг** мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишга киришишига мазкур шахсларда назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли орган томонидан тасдиқланган текширувлар ўтказиш режасидан кўчирма ёки режадан ташқари ёхуд муқобил текширув ўтказиш тўғрисида ушбу орган томонидан қабул қилинган қарорнинг кўчирма нусхаси, шунингдек назорат қилувчи органнинг текшириш мақсадлари, текширувчи мансабдор шахслар таркиби ва текширув ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғининг кўчирма нусхаси, текширувчи мансабдор шахсларнинг текширувлар ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси ҳамда шахсий гувоҳномаси бўлган тақдирда йўл қўйилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширувдан ўтказаётганда текширишларни рўйхатдан ўтказиш китобига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ёзув киритади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш чоғида тадбиркорлик субъектларининг тижорат сири, хизмат сири ва қонун билан кўриқланадиган бошқа сирлари, шунингдек ошкор этилмаган ахбороти сир сақланишини таъминлаши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти (бундан кейинги матнда Департамент деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мустақил ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органи ҳисобланиб, солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишлари ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, террористик фаолиятни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида тезкор-таҳлилий, қидирув ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни ундириб олиш унинг асосий мақсади ҳисобланади.

Департаментнинг асосий вазифалари қаторига жумладан қуйидагилар киради:

- солиқ, валютага оид жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларини ўз вақтида аниқлаш, уларнинг олдини олиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бажарилишини назорат қилиш;
- давлат солиқ сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, солиққа тортиш базасини кенгайтириш, солиқ тўловчиларнинг қамраб олиниши ва ҳисобини тўлиқлигини таъминлаш, солиқларни тўлашдан бўйин товлаш, қочиш мумкин бўлган каналлари ва механизмларини, “хуфёна” иқтисодиётнинг шаклланиши йўлларини, коррупция ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;
- валюта операциялари бўйича ҳисобга олиш ва ҳисоботларнинг тўлиқлиги ва объективлигини назорат қилиш; хорижий валюта маблағларининг қонунга хилоф равишда четга чиқиб кетиши, олиб

кирилиши ва олиб чиқилиши, уларнинг ноқонуний муомалада бўлиши, валюта айирбошлаш операциялари билан боғлиқ бошқа қонун бузилишларининг олдини олиш ва бартараф этиш.

Департамент ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

Солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқ бузилишларига қарши курашиш соҳасида

- ишлаб чиқариш, фойда (даромад) ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажмларини пасайтириш механизмларини ўрганиш ва аниқлаш, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳисобга олинмаган (тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаган) маҳсулотлар (товарлар) сотилиши, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат солиқ инспекцияларида ҳисобга туришдан бўйин товлаши механизмларини ўрганиш ва аниқлаш;
- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бюджетга солиқлар ва тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини текшириш.

Валютага оид жиноятларга қарши курашиш соҳасида

хорижий валютада операцияларни амалга оширишда қонун бузилишларини аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва профилактик чора-тадбирларни кўриш;

- хорижий валюта маблағларининг ноқонуний айланиши, яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиш каналларини, ҳамда хорижий валютани сотиш бўйича мажбуриятлардан бўйин товлаш йўлларини ўрганиш ва аниқлаш;
- республика ҳудудида резидентлар ва норезидентлар томонидан хорижий валютада иш ҳақи тўлаш ва ҳисоб-китоб қилиш ҳолларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики Департамент тадбиркорлик субъектлари солиқ ва валюта бўйича амалга оширадиган фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини назорат қилувчи давлат органлари қаторига **лицензияловчи органлар,** яъни қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялашни амалга оширувчи махсус ваколатли органлар ҳам киради.

Лицензияловчи органларнинг ваколатлари жумласига қуйидагилар киради:

- фаолиятнинг айрим турларини қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензиялаш;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;
- лицензия талаблари ва шартларига лицензиатлар риоя этишини назорат қилиш;
- лицензияларни қайта расмийлаштириш;
- лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, қайта тиклаш;
- лицензияларнинг амал қилишини тугатиш;
- лицензияларни бекор қилиш;
- лицензиялар реестрини юритиш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назоратини амалга оширишда лицензияловчи органлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилаётганда лицензияловчи органлар ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эгадирлар:

- лицензиатлар лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текширувлар ўтказиш;
- лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан гувоҳлик берувчи фактлар мавжуд бўлган ҳолларда, лицензиат лицензия талаблари ва шартларига риоя этаётганлиги устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текширувлар ўтказиш;
- лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан текширувлар ўтказилаётганда юзага келадиган масалалар бўйича лицензиатдан зарур маълумотларни талаб қилиш ва олиш;
- текширув натижалари асосида лицензиат йўл қўйган лицензия талаблари ва шартларининг аниқ қоидабузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;
- лицензиат зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;
- лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш.

Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилишларига йўл қўйилганлигини аниқлаганлари тақдирда ўз ваколатлари доирасида лицензияни берган лицензияловчи органга аниқланган қоидабузарликлар ҳақида хабар қиладилар.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати шакллари

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- текшириш, шу жумладан тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш;
- статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш;
- идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш орқали давлат томонидан назорат қилиш, шунингдек идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Текшириш – деганда тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунлар ҳамда ўз фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши тушунилади.

Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) деганда - солиқ ва валюта тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослаш тушунилади.

Тадбиркорлик субъекти белгиланган тартибда тақдим этган молия ва солиқ ҳисоботини, шунингдек тадбиркорлик субъектининг фаолияти тўғрисида давлат солиқ хизмати органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатларни ўрганиш ҳамда таҳлил этиш асосида ўтказиладиган **камерал назорат** натижалари бўйича қоидабузарликлар аниқланган ҳоллардагина давлат солиқ хизмати органлари тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ташаббуси билан чиқиши мумкин.

Ўтказилаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишлар уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун тўсқинлик қилмаслиги керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бирлашмаларининг аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар тадбиркорлик фаолияти субъектлари сўровига кўра мазкур бирлашмалар вакилларининг иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзоси бўлган тадбиркорлик субъектларини текшириш палата вакиллари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Текширишларни ўтказиш учун асос

Назорат қилувчи органлар томонидан юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режали текшириш, шу жумладан, молия-хўжалик фаолиятини текширишлар учун, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, қуйидагилар асос бўлади:

- махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси томонидан берилган, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ўтказишнинг мувофиқлаштирувчи режасидан кўчирма;
- назорат қилувчи органнинг мувофиқлаштирувчи режа асосида чиқарилган, текшириш мақсади, текширувчи мансабдор шахсларнинг таркиби ва текширишни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи.
- Прокуратура, ички ишлар ва миллий хавфсизлик хизмати органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш учун қўзғатилган жиноий иш мавжудлиги асос бўлади. Бунда текширувга тадбиркорлик субъектларининг фақат қўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ фаолияти қамраб олиниши мумкин бўлиб, бу ҳақда текширувни тайинлаш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган бўлиши лозим.

Ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектларининг - юридик шахсларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг юридик шахс тугатилиш жараёнида эканлиги тўғрисидаги билдириши асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади, текшириш муддати ўттиз календарь кунидан ошмаслиги керак.

Бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланилишига, шунингдек савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар давлат солиқ хизмати органларининг фақат қонун ҳужжатларида ваколат берилган бўлинмалари томонидан мазкур бўлинмалар бошлиқларининг буйруқлари асосида ўтказилиб, кейинчалик бу ҳақда махсус ваколатли орган ёки унинг тегишли ҳудудий бўлинмаси қисқа муддатли текширув ўтказилган кундан эътиборан бир иш куни ичида хабардор қилинади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари текширув ўтказиш учун асосга эга бўлмаган шахсларнинг текширув ўтказишига йўл қўймаслик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар бўйича уларнинг талабларини бажармаслик ҳамда текширув предметига тааллуқли бўлмаган материаллар билан уларни таништирмаслик ҳуқуқига эга.

Текширишлар натижалари далолатнома (маълумотнома) билан расмийлаштирилиб, текшириш тугаган куни унинг бир нусхаси текширилаётган тадбиркорлик фаолияти субъектида қолдирилади.

Статистика ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳисоб ва ҳисоботни қонун ҳужжатларига мувофиқ юритади. Ҳисобот тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра қоғозда ва (ёки) электрон шаклда тайёрланиши мумкин. Тадбиркорлик субъектларининг электрон шаклда тақдим этилган ҳисоботи тадбиркорлик субъектининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Давлат тадбиркорлик субъектлари томонидан электрон шаклда ҳисоб юритилишини дастурий таъминотни имтиёзли шартларда ёки бепул тарқатиш орқали рағбатлантиради.

Кичик тадбиркорлик субъектлари фақат давлат статистика органлари ва давлат солиқ хизмати органларига, якка тартибдаги тадбиркорлар эса, давлат солиқ хизмати органларига **белгиланган шаклларда ҳисобот тақдим этади.**

Давлат органларининг тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган қўшимча ҳисобот турларини белгилаши ман этилади.

Австралияда давлат назоратини қуйидаги турлари мавжуд

- ўзини-ўзи назорат қилиш, яъни давлат иштирокисиз ўзининг стандартларни ўрнатиш, уларни қўллаш ва ҳимоя қилиш;

- квазабошқарув (шерик бошқарув) , бизнес томонидан ишлаб чиқиладиган кодекс ва қоидаларга амал қилишни таъминлаш шаклида давлат аралшувига йўл қўйиш;

- давлат назорати – мажбурий норматив актларни қабул қилиш. Ижроси устидан давлат назорати амалга оширилади.

Ҳар бир ҳолатда эркин бозор фаолиятига аралашиш зарурати мавжудлиги исботланган, биринчи навбатда албатта энг енгил опциядан бошланади – ўзини ўзи бошқари кейин – квазабошқарув ва энг зарурат ҳолатдагина – давлатнинг аралашуви[19].

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш турлари

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш қуйидаги турларга ажратилади: а) режа асосида текшириш; б) режадан ташқари текшириш; в) муқобил текшириш; г) назорат тартибида текшириш.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текшириш ва тадбиркорлик субъектларини уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текширишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган.

Хусусан, Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг *2007 йил 23 августдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 3 сентябрда 1712-сон билан рўйхатга олинган "Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби тўғрисида"ги Низом* билан тартибга солинган.

Тадбиркорлик субъектларини уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, санитария, ветеринария, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

[19] Крючкова П. Снятие административных барьеров в экономике// Вопросы экономики.2003.№11

Комплекс текширувлар махсус ваколатли орган тасдиқлаган режалар асосида ўтказилади.

Режа асосида текшириш – тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича махсус ваколатли органнинг қарорига биноан назорат қилувчи органлар томонидан режали тартибда кўпи билан йилига бир марта амалга оширилиши мумкин, бундан хусусий корхоналар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўла ҳажмда риоя этувчи тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта амалга оширилади.

Хусусий корхоналар фаолиятини текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан уч йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Бунга қуйидаги ҳолатни мисол сифатида келтириш мумкин, яъни Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек кичик тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали текширишлардан ўтказилмайди.

Назорат қилувчи орган режали текширув ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан

ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Текширувлар муддатлари

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ўтказиш муддатлари ўттиз календарь кундан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин, бунда ушбу қоида кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин эмас.

Текширишни ўтказиш учун асос бўладиган ҳужжатлар текширилаётган тадбиркорлик субъектига тилхат олинган ҳолда топширилган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади. Текширилаётган тадбиркорлик субъектининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширишни бекор қилиш учун асос бўлмайди. Текширилаётган тадбиркорлик субъекти мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва текширилаётган тадбиркорлик субъекти имзолайдиган далолатнома тузилади. Текширилаётган тадбиркорлик субъекти мазкур далолатномани имзолашдан бош тортганда, далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бу ҳолда далолатнома имзоланган пайт текширишни ўтказиш бошланган пайт ҳисобланади.

Текшириш натижалари тўғрисидаги далолатнома (маълумотнома) текширилаётган тадбиркорлик субъектига топширилган кун текширишни ўтказиш тугаган кун ҳисобланади. Текширилаётган тадбиркорлик субъекти тешириш натижалари тўғрисидаги далолатномани (маълумотномани) олишдан бош тортганда, назорат қилувчи органнинг мансабдор шахси бу ҳақда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатномага (маълумотномага) тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текшириш тугаган ҳисобланади. Бу ҳолда текшириш натижалари тўғрисидаги далолатноманинг (маълумотноманинг) бир нусхаси тадбиркорлик субъектига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Режадан ташқари текшириш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, солиқ тўловчининг идентификация рақами, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли мансабдор

шахслар таркиби ва текширувни ўтказиш муддатлари кўрсатилган буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Режадан ташқари текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўтказилиши мумкин:

а) текширувларни ўтказиш зарурати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиққанда;

б) назорат қилувчи органга тадбиркорлик субъекти томонидан қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисида қўшимча маълумотлар келиб тушганда;

в) фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олди олинаётганда;

г) санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек қўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда.

Шунингдек назорат қилувчи органларга тадбиркорлик субъекти ўз фаолиятини текширишни сўраб, асослантирилган илтимос билан мурожаат этган тақдирда ҳам режадан ташқари текшириш ўтказилиши мумкин.

Режадан ташқари текшириш ташкил қилиш.

Юқорида кўрсатилган асослар бўйича тадбиркорлик субъектини ёки унинг бўлинмаларини режадан ташқари текшириш ўтказиш зарурияти туғилган тақдирда, назорат қилувчи органнинг марказий аппарати Кенгашга, назорат қилувчи органларнинг ҳудудий бўлинмалари эса тегишинча вилоят ва туман комиссияларига режадан ташқари текширишни ўтказиш учун уни ўтказишнинг зарурлигини асослаган ҳолда буюртманома ҳамда назорат органи раҳбари томонидан имзоланган текширишни ўтказиш дастурини юборади.

Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг тадбиркорлик субъекти фаолиятини муддати бир кундан ортиқ бўлган режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомаси ва текширишни ўтказиш дастури вилоят комиссиясида ўрганиб чиқилганидан кейин сўралган текширишни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун Кенгашга юборилади.

Назорат қилувчи орган ҳудудий бўлинмасининг тадбиркорлик субъекти фаолиятини муддати бир кун бўлган режадан ташқари текшириш ўтказишга буюртманомаси ва текширишни ўтказиш дастури ҳудудий комиссия томонидан ўрганиб чиқилади, шундан сўнг вилоят комиссияси режадан ташқари текширишни ўтказиш ёки ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Кенгашнинг ва унинг ҳудудий комиссияларининг ишчи органлари тақдим этилган буюртманомалар ва текшириш ўтказиш дастурлари асослилигини, текширишларни ўтказиш дастурларининг назорат қилувчи орган зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқлигини, ўрганиладиган масалаларни тегишли назорат қилувчи органлар билан биргаликда ўрганиб чиқадилар ҳамда вилоят ёки туман комиссиялари ишчи гуруҳларининг режадан ташқари текшириш ўтказиш учун тақдим этилган буюртманомаларни кўриб чиқишга доир хулосаларини инобатга олган ҳолда қисқа муддатларда, лекин буюртманома келиб тушган кундан бошлаб икки ҳафтадан кечиктирмай тегишинча Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари), вилоят комиссиялари раиси томонидан имзоланадиган режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақида таклифлар тайёрлайдилар, уларни имзоланганидан сўнг бир иш куни ичида тегишли назорат қилувчи орган ёки ҳудудий комиссияга юборадилар.

Режадан ташқари текшириш ўтказишга рухсат берилган тақдирда текшириш ўтказиш дастурини келишиб оладилар.

Режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисидаги ёки уни ўтказишни рад этиш ҳақидаги қарор қисқа муддатларда, бироқ буюртманома келиб тушган кундан эътиборан икки ҳафтадан кечиктирмай қабул қилинади ва тегишинча Кенгаш раиси (унинг ўринбосарлари) ёки вилоят комиссияси раиси томонидан имзоланади ҳамда назорат қилувчи органга юборилади.

Улгуржи ва чакана савдодаги умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари томонидан савдо-сотиқ ҳамда нақд пул тушумини топшириш қоидаларига риоя этилишини режадан ташқари қисқа муддатли текширишлардан ўтказиш тўғрисидаги қарорлар истисно тартибида туман комиссияларининг раислари ёки вилоят комиссиялари раисларининг ўринбосарлари - солиқ бошқармалари бошлиқлари томонидан имзоланадиган рўйхатлар кўринишида расмийлаштирилади. Рўйхатларда текширилаётган тадбиркорлик субъекти номи ва СТИР, текширилаётган тадбиркорлик субъекти улгуржи ва чакана савдо, умумий овқатланиш ва пулли хизматлар кўрсатиш объектининг юридик манзили, шунингдек объект амалга ошираётган фаолият тури ва режадан ташқари қисқа муддатли текшириш ўтказиш муддати кўрсатилиши керак.

Фавқулодда вазиятлар юзага келишининг олдини олиш, санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашиши, шунингдек бошқа давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли билан боғлиқ режадан ташқари текширишларни ўтказиш тўғрисидаги қарор, санитария назорати ва табиатни муҳофаза қилиш органлари мурожаати асосли бўлган тақдирда текшириш ўтказиш учун буюртманома келиб тушган куни қабул қилинади.

Юқори назорат қилувчи органлар ўзларининг ҳудудий бўлинмаларига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишдан ўтказиш ҳақидаги топшириқларни уларни ўтказиш тўғрисида фақатгина Кенгаш ёки унинг вилоят комиссиясининг қарори бўлган тақдирдагина юборадилар.

Муқобил текшириш деганда - операциялар бирлиги туфайли ўзаро боғлиқ бўлган ва турли тадбиркорлик субъектларидаги ёки бир тадбиркорлик субъектининг турли бўлинмаларидаги ҳужжатларни таққослашдан иборат текширув тушунилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширишлар:

а) жиноят ишлари юзасидан тергов олиб бориш жараёнида текшириш тайинлаш тўғрисидаги қарор асосида;

б) назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли органнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширишлар назорат қилувчи органларнинг марказий аппаратлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишинча Кенгаш ва унинг вилоят комиссияси қарори бўйича, қўзғатилган жиноят ишлари бўйича эса - текширишни тайинлаш тўғрисидаги қарорга асосан, фақат уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатларига доир қисм бўйича ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини муқобил текширишларга уларнинг текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан ўзаро муносабатлари юзасидангина йўл қўйилади. Тадбиркорлик субъектининг текшириш объекти билан ўзаро муносабатлари дейилганда шахсларнинг ҳужжат билан тасдиқланган аниқ алоқасини тушуниш керак.

Муқобил текширишларни ўтказилаётганда тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текшириш предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этилади.

Назорат тартибида текшириш - тадбиркорлик субъектларининг илгариги текширишда кўрсатилган қоидабузарликларни бартараф этиши устидан назорат қилувчи органлар амалга оширадиган текширишдир.

Назорат тартибида текширишлар назорат қилувчи органлар томонидан махсус ваколатли орган белгилаган тартибда бир иш куни ичида амалга оширилади.

Назорат тартибида текширишларни ўтказиш назорат қилувчи органлар томонидан уларнинг ўзлари ўтказган текшириш натижалари бўйича фақат далолатномада (маълумотномада) белгиланган ҳолатлар бўйича ва муддатларда, Кенгаш ёки унинг вилоят комиссияси қўшимча қарорисиз амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъекти текшириш натижалари бўйича далолатномада (маълумотномада) белгиланган муддатларда назорат тартибида текширишлар ўтказишга рози бўлмаса, уларни ўтказиш муддатлари вилоят комиссияларининг қарорлари билан белгиланади. Бунда ўтказилган текшириш натижалари бўйича далолатнома (маълумотнома) назорат тартибида текшириш ўтказиш зарурлигига асос бўлади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказиладиган текширувлар

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан солиқ текшируви орқали амалга ошириладиган давлат назоратининг ўзига хос хусусиятлари солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, хусусан Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекс нормалари билан тартибга солинади.

Солиқ текшируви - давлат солиқ хизмати органлари томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини текшириш тушунилади.

Солиқ текшируви: *биринчидан,* тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва *иккинчидан,* қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатларини ўрганиш ва таққослашдир.

Қисқа муддатли текширув тадбиркорлик субъектининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги текширувидир.

Солиқ текширувларини ўтказиш даврийлиги

Тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) бир йилда кўпи билан бир марта, белгиланган нормалар ва қоидаларга ўз вақтида ҳамда тўлиқ ҳажмда риоя этаётган тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари эса, икки йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Хусусий банк ва бошқа хусусий молия институтлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) беш йилда кўпи билан бир марта, микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текширувлари (тафтишлари) уч йилда кўпи билан бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

Акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи янги ташкил этилган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолияти, шунингдек микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки икки йил мобайнида режали солиқ текширувларидан ўтказилмайди.

Солиқ текширувларини ўтказишга доир қўшимча шартлар

Давлат солиқ хизмати органи режали солиқ текшируви ўтказишнинг бошланиши ҳақида текширувни ўтказиш бошланишидан камида ўттиз календарь кун олдин тадбиркорлик субъектини текширувдан ўтказиш муддатлари ва предметини кўрсатган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан бошқа туманларда (шаҳарларда) давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлик субъектларида

солиқ текширувлари ўтказиш, уларнинг ишлаб чиқариш бинолари, савдо нуқталари ва хизматлар кўрсатиш (ишлар бажариш) жойи қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, такрорлашга йўл қўйилмаган ҳолда, тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги тегишли давлат солиқ хизмати органлари билан бир вақтда амалга оширилади.

Солиқ текшируви давлат солиқ хизмати органи раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан тасдиқланган солиқ текшируви ўтказиш дастурига мувофиқ амалга оширилади.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- солиқ текшируви ўтказилаётганда ўрганиладиган масала ёки масалалар доираси;
- солиқ текшируви солиқ тўғрисидаги қайси қонун ҳужжатларига риоя этилишини ўрганиш учун ўтказиладиган бўлса, шу қонун ҳужжатларининг рўйхати;
- текширув туридан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотлар.

Солиқ текширувини ўтказиш дастурини тузиш қоидалари назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли орган билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланади.

Муқобил текширув текширилаётган тадбиркорлик субъекти билан фақат ўзаро муносабатларга тааллуқли қисм юзасидан амалга оширилиши мумкин.

Муқобил текширувлар ўтказилаётганда солиқ тўловчиларнинг ҳузурига кириш ва улардан текширув предметига тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ҳужжатларини ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш тақиқланади.

Солиқ текшируви тадбиркорлик субъектининг текширув ўтказилаётган йилдан бевосита олдинги кўпи билан беш календарь йилдаги фаолиятини қамраб олиши мумкин.

Солиқ текширувлари ўтказилаётганда давлат солиқ хизмати органлари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектининг ҳудуди ва жойларини текширишга, мол-мулкни инвентаризация қилишга, ҳужжатларни талаб қилиб олишга, ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйишга, тадбиркорлик субъектидан, шунингдек тадбиркорлик субъектининг раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқарувини амалга ошираётган шахслардан, бошқа

моддий жавобгар ходимларидан тушунтиришлар олишга, банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш чораларини кўришга, экспертни жалб этиш ва экспертиза тайинлашга, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишлари бартараф этилишини талаб қилишга, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидир.

Солиқ текширувлари ўтказилаётган даврда текширилаётган даврнинг солиқ ҳисоботига тадбиркорлик субъекти томонидан ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текширувини ўтказишни бошлашдан олдин, нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунига қадар:

- тадбиркорлик субъектини солиқ текширувининг мақсади билан таништириши;
- ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатиши;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тўлдириши;
- солиқ тўловчига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режасидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органнинг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув ўтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувини ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар тадбиркорлик субъектига топширилган пайт солиқ текширувини ўтказиш бошланган пайт деб ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди. Тадбиркорлик субъекти мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахси томонидан унинг ўзи ва тадбиркорлик субъекти имзолайдиган далолатнома тузилади. Тадбиркорлик субъекти ушбу далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, бу ҳақда

далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бундай ҳолда далолатнома имзоланган пайт солиқ текширувини ўтказишнинг бошланиши ҳисобланади.

Давлат солиқ хизмати органи мансабдор шахсларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликка тортилганлик солиқ текширувини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

Ҳудудлар ва жойларни кўздан кечириш. Мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш

Солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, тадбиркорлик субъекти томонидан даромадлар олиш учун фойдаланилаётган ёки солиқ солиш объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечириши, шунингдек тадбиркорлик субъектининг мол-мулкини инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Кўздан кечириш ўтказилаётганда солиқ текшируви қайси шахсга нисбатан амалга оширилаётган бўлса, ўша шахс ёки унинг вакили қатнашишга ҳақли. Кўздан кечириш ўтказилаётганда зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши мумкин, бу ҳақда баённомада кўрсатилади.

Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ҳужжатларни талаб қилиб олиш

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари текширилаётган тадбиркорлик субъектидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, тўлаш билан боғлиқ, текширув мақсадларига тегишли ва текширилаётган даврга тааллуқли ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли.

Тадбиркорлик субъекти талаб этилган ҳужжатларни тақдим этишдан бош тортган тақдирда, солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган тартибда зарур ҳужжатларни олиб қўйишни амалга оширади.

Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметлари солиқ текширувини ўтказаётган давлат солиқ хизмати органи мансабдор

шахсининг асослантирилган қарори асосида қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектининг фаолиятини тўхтатиб қўйишга олиб келадиган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади.

Ҳужжатлар ва предметларни тунги вақтда - соат 23-00 дан 6-00 гача - олиб қўйиш ман этилади.

Солиқ текширувига тааллуқли бўлмаган ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш ман этилади.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш бошлангунига қадар олиб қўйиш амалга оширилаётган шахсга ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни тақдим этади ҳамда иштирок этаётган шахсларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтиради.

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилаётган шахсга уларни ихтиёрий равишда топширишни таклиф этади, у бош тортган тақдирда эса мажбуран олиб қўйиш чораларини кўради.

Ҳужжатларни ва предметларни олиб қўйиш тадбиркорлик субъекти иштирокида амалга оширилади.

Ҳужжатларни ва предметларни мажбуран олиб қўйиш холислар ҳамда тадбиркорлик субъекти иштирокида амалга оширилади. Бунда олиб қўйилаётган барча ҳужжатлар ва предметлар холисларга ҳамда олиб қўйишда иштирок этаётган бошқа шахсларга кўрсатилади.

Ҳужжатлар асл нусха ёки тадбиркорлик субъектининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган кўчирма нусхалар кўринишида олиб қўйилади.

Тадбиркорлик субъекти ҳужжатлари кўчирма нусхаларининг олиб қўйилиши солиқ назоратини амалга ошириш учун етарли бўлмаган ҳолларда ҳамда давлат солиқ хизмати органларида ҳужжатларнинг асл нусхалари йўқ қилиниши, яширилиши, тузатилиши ёки алмаштирилишига етарли асослар бўлган ҳолларда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси ҳужжатларнинг асл нусхасини олиб қўйишга ҳақли. Ҳужжатларнинг асл нусхалари олиб қўйилаётганда улардан кўчирма нусхалар тайёрланади, бу нусхалар давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга берилади. Ҳужжатларни олиб қўйиш билан бир вақтнинг ўзида улардан кўчирма нусха тайёрлаш ёки тайёрланган кўчирма

нусхаларни бериш имконияти бўлмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи уларни ҳужжатлари олиб қўйилган шахсга олиб қўйилган кундан эътиборан беш кун ичида беради. Қолган ҳолларда тадбиркорлик субъектининг имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари олиб қўйилади.

Ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада ёки унга илова қилинадиган рўйхатларда ҳужжатлар ва предметларнинг номи, миқдори ҳамда алоҳида белгилари, имкони бўлганда эса предметларнинг қиймати кўрсатилган ҳолда санаб ўтилиши ва тавсифланиши лозим.

Ҳужжатлар ва предметларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома икки нусхада тузилади, улардан бири ҳужжатлар ва предметлар кимдан олиб қўйилган бўлса, ўша шахсга топширилиб, тилхат олинади. Баённомани қабул қилишдан бош тортилган тақдирда, давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Бундай ҳолда баённоманинг бир нусхаси ҳужжатлари ва предметлари олиб қўйилган шахсга почта орқали буюртма хат билан юборилади ҳамда у жўнатилган кундан эътиборан уч кун ўтганидан сўнг топширилган ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш

Тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш фақат суд қарори асосида амалга оширилади, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш аниқланган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқ текширувини ўтказишга тадбиркорлик субъекти томонидан тўсқинлик қилинган ёки тадбиркорлик субъекти даромадлар олиш учун фойдаланаётган ёхуд солиқ солиш объектини сақлаш билан боғлиқ ҳудудларни, биноларни, шу жумладан жойларни кўздан кечириш учун давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахсларини киритиш рад этилган, тадбиркорлик субъекти қайд этилган манзилда бўлмаган, шунингдек тадбиркорлик субъекти томонидан солиқ ҳисоботи ва (ёки) молиявий ҳисобот тақдим этилмаган ҳолларда давлат солиқ хизмати органи тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқ текширувини ўтказиш доирасида ҳаракатлар амалга оширилганда тузиладиган баённомага қўйиладиган талаблар

Солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар амалга оширилганда тузиладиган баённомада қуйидагилар кўрсатилади:

1) текширилаётган шахснинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

2) текширувни ўтказиш асослари, тури ва даври;

3) муайян ҳаракат бажарилган сана ва жой;

4) ҳаракат бошланган ва тугалланган вақт;

5) баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

6) ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган ҳар бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, зарур ҳолларда эса унинг манзили;

7) ҳаракатнинг мазмун-моҳияти, уни ўтказиш изчиллиги;

8) солиқ текшируви пайтида аниқланган фактлар ва ҳолатлар.

Ҳаракатларнинг амалга оширилишида иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган барча шахслар баённомани ўқиб чиқадилар. Мазкур шахслар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишга ҳақли ва бу фикр-мулоҳазалар баённомага киритилиши ёки солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилиши лозим. Баённома давлат солиқ хизмати органининг баённомани тузган мансабдор шахси, шунингдек ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этган ва (ёки) ҳозир бўлган шахслар томонидан имзоланади. Баённомага фотосуратлар ва негативлар, киноленталар, видеоёзувлар ҳамда ҳаракатлар амалга оширилганда бажарилган бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича қуйидагилар кўрсатилган ҳолда солиқ текшируви далолатномаси тузилиши керак:

1) текширув ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;

2) текширув ўтказиш учун асос;

3) текширув тури ва уни ўтказиш даври;

4) давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказган мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми;

5) якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

6) юридик шахснинг тўлиқ номи, текширув даврида раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби юритиш вазифаларини амалга оширган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;

7) тадбиркорлик субъектининг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, шунингдек унинг идентификация рақами;

8) илгариги текширув тўғрисидаги маълумотлар;

9) текширилаётган солиқ даври ва текширув ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;

10) солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлганда) солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи;

11) текширув натижалари бўйича фикрлар ва хулосалар.

Агар солиқ текшируви тугалланганида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган бўлмаса, бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

Солиқ текшируви далолатномаси камида уч нусхада тузилади.

Солиқ текшируви далолатномасининг барча нусхалари давлат солиқ хизмати органларининг солиқ текширувини ўтказаётган мансабдор шахслари томонидан имзоланади. Солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси тадбиркорлик субъектига топширилади. Тадбиркорлик субъекти солиқ текшируви далолатномасини олганда далолатноманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Солиқ текшируви далолатномасининг давлат солиқ хизмати органида қолган нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

Тадбиркорлик субъектининг солиқ текшируви далолатномасидаги имзоси унинг солиқ текшируви натижаларидан рози эканлигини англатмайди.

Тадбиркорлик субъекти солиқ текшируви далолатномасини олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасига тегишли ёзув киритади. Мазкур ҳолда солиқ текшируви далолатномасининг бир нусхаси тадбиркорлик субъектига почта орқали буюртма хат билан юборилади ва шу пайтдан эътиборан солиқ текшируви тугалланган ҳисобланади.

Солиқ текшируви далолатномаси тадбиркорлик субъектига топширилган кун солиқ текшируви тугалланган кун ҳисобланади.

Солиқ текширувини ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатларнинг нусхалари, солиқ текшируви доирасида содир этилган ҳаракатлар тўғрисидаги баённомалар, инвентаризация далолатномалари, экспертларнинг хулосаси, солиқ текшируви ўтказиш пайтида олинган материаллар, шунингдек солиқ текшируви доирасида ҳаракатлар содир этилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар солиқ текшируви далолатномасига қўшиб қўйилиши лозим.

Солиқ текшируви материаллари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси белгилаган тартибга биноан тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органида солиқ текшируви тугалланган кундан эътиборан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Солиқ текшируви материалларининг давлат солиқ хизмати органи томонидан кўриб чиқилиши

Солиқ текшируви материаллари давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан ўн иш куни ўтгач, бироқ ўн беш иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда ҳисобланган ёки ортиқча тўланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар миқдори, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аломатлари мавжудлиги, қўлланилаётган молиявий санкцияларнинг миқдори ва хусусияти, содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят аломатларининг мавжудлиги, шунингдек солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатлар аниқланади.

Солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилаётганда баённома юритилиб, унда қуйидагилар кўрсатилади:

1) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш санаси ва жойи;

2) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқаётган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, шунингдек лавозими;

3) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳозир бўлганлигига оид маълумотлар;

4) кўриб чиқилаётган солиқ текшируви материаллари;

5) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда иштирок этувчи шахсларнинг тушунтиришлари, илтимосномалари ва уларни кўриб чиқиш натижалари;

6) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишда ўрганилган ҳужжатлар;

7) солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш жараёни ҳақидаги бошқа маълумотлар.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомаси солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади.

Тадбиркорлик субъекти солиқ текшируви далолатномаси бўйича ўзининг ёзма тушунтиришларини ёки эътирозларини солиқ текшируви тугаган кундан эътиборан ўн иш куни ичида тақдим этишга ҳақли. Мазкур ҳолда солиқ текшируви материаллари тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари иштирокида кўриб чиқилади. Давлат солиқ хизмати органи текширув материалларини кўриб чиқиш санаси, вақти ва жойи тўғрисида тадбиркорлик субъектини кўриб чиқишдан камида икки иш куни олдин хабардор қилади.

Агар тадбиркорлик субъекти солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишга узрли сабабларга кўра кела олмаслиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органини хабардор қилган бўлса, давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишни уч иш кунидан кўп бўлмаган муддатга кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилади, бу ҳақда тадбиркорлик субъекти хабардор қилинади. Агар тадбиркорлик субъекти такрорий хабарномага қарамасдан солиқ текшируви материалларини кўриб чиқишга келмаса, мазкур материаллар, шу жумладан тадбиркорлик субъекти томонидан тақдим этилган тушунтиришлар ва эътирозлар унинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

Солиқ текшируви материаллари тадбиркорлик субъектининг иштирокида кўриб чиқилганда баённома солиқ текшируви материалларини кўриб чиққан мансабдор шахс, тадбиркорлик субъекти, шунингдек уларни кўриб чиқишда иштирок этган бошқа шахслар томонидан имзоланади. тадбиркорлик субъекти баённомани имзолашдан бош тортганда ёхуд солиқ текшируви материаллари унинг иштирокисиз кўриб чиқилганда бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.

Солиқ текшируви материаллари тадбиркорлик субъектининг иштирокида кўриб чиқилганда баённома уч нусхада тузилади, улардан бир нусхаси тадбиркорлик субъектига берилади. Тадбиркорлик субъекти баённомани олганда баённоманинг барча нусхаларига уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйиши шарт. Тадбиркорлик субъекти баённомани олишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритади. Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш баённомасининг давлат солиқ хизмати органида қолган барча нусхалари солиқ текшируви материалларига қўшиб қўйилади.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарори

Давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари солиқ текшируви материаллари кўриб чиқилганидан кейин беш иш кунидан кечиктирмасдан қуйидагиларни назарда тутувчи қарор қабул қилади:

солиқлар, бошқа мажбурий тўловларни ва пеняни ҳисоблашни ёки буни рад этишни;

тадбиркорлик субъектини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортишни ёки буни рад этишни.

Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича қарорида қуйидагилар кўрсатилади:

1) ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, пеня, шунингдек қўлланилган жарима суммаси;

2) ўтказилган текширувда аниқланган тадбиркорлик субъекти томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳолатлари, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи ҳужжатлар ва бошқа маълумотлар;

3) тадбиркорлик субъектини солиққа оид муайян ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг муайян ҳуқуқбузарликни ва қўлланиладиган жавобгарлик чораларини назарда тутувчи моддалари кўрсатилган қарор;

4) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 104-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаш муддати;

5) тадбиркорлик субъекти белгиланган муддатларда солиққа оид ҳуқуқбузарликни бартараф этган ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни тўлаган тақдирда, унинг жарима тўлашдан озод этилиш ҳуқуқи.

Давлат солиқ хизмати органининг тадбиркорлик субъектини солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жавобгарликка тортишни назарда тутувчи қарори Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг IV бўлими нормаларига риоя этилган ҳолда қабул қилиниши лозим.

Солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш натижалари бўйича давлат солиқ хизмати органининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан икки иш кунидан ошмайдиган муддатда қарорнинг нусхаси тилхат олиш орқали ёки тадбиркорлик субъекти томонидан олинган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали солиқ тўловчига топширилади. Агар тадбиркорлик субъектига қарор нусхасини топширишнинг имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан эътиборан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти томонидан давлат солиқ хизмати органининг қарорини бажариш

Тадбиркорлик субъекти давлат солиқ хизмати органи қарорининг кўчирма нусхаси олинган кундан эътиборан ўттиз кун ичида қарорда кўрсатилган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиши ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммасини тўлаши шарт.

Юқорида кўрсатилган муддатда солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бартараф этилган ҳамда ҳисобланган солиқлар, мажбурий тўловлар ва пеня суммаси тўланган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи қарорининг тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланиладиган жарима қисми бекор қилинган ҳисобланади. Мазкур норма товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинган тушумни яшириш (камайтириш) ва кирим қилинмаган товарларни сақлаш, фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилиш тартибини бузиш, шунингдек лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш ҳолларига татбиқ этилмайди.

Аммо белгиланган муддатда солиққа оид ҳуқуқбузарлик бартараф этилмаган ҳамда ҳисобланган солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеня суммаси тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар ва пеняни мажбурий

равишда ундириш чораларини кўради, шунингдек тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўллаш тўғрисида даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

Агар давлат солиқ хизмати органининг қарори бюджетга ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушмаслигига олиб келмаган солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўлланилишини назарда тутса, тадбиркорлик субъекти қарор нусхасини олган кундан эътиборан беш иш кунидан кечиктирмасдан давлат солиқ хизмати органига мазкур ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва ихтиёрий равишда жарима тўлаши тўғрисида ёки уни рад этиши тўғрисида ёзма билдириш тақдим этиши (юбориши) шарт.

Тадбиркорлик субъекти солиққа оид ҳуқуқбузарликларни содир этганликдаги айбини тан олган тақдирда, белгиланган муддатда давлат солиқ хизмати органига жаримани (аниқ муддатни кўрсатган ҳолда) ихтиёрий равишда тўлаш учун зарур бўлган муддат бериш тўғрисида мурожаат қилади. Жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилган давлат солиқ хизмати органининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари аризани олган кундан эътиборан икки иш кунидан кечиктирмасдан тадбиркорлик субъекти томонидан сўралган муддатни бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Муддат жаримани ихтиёрий равишда тўлаш учун муддат бериш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан ўттиз кундан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси 54-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда эса олти ойдан ошмаслиги керак. Мазкур қарорнинг нусхаси тадбиркорлик субъектига тилхат олиш орқали ёки тадбиркорлик субъекти қарор нусхасини олган санани тасдиқловчи бошқа усул орқали топширилади. Агар тадбиркорлик субъектига қарорнинг нусхасини бундай усуллар орқали топшириш имкони бўлмаса, у почта орқали буюртма хат билан жўнатилади ва жўнатилганидан уч кун ўтгач, топширилган ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъекти содир этилган солиққа оид ҳуқуқбузарликлардаги айбини тан олганлиги ва жаримани ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисидаги ёки уни рад этганлиги тўғрисидаги ёзма билдиришни тақдим этмаган ёхуд рад этганлиги тўғрисида ёзма билдириш тақдим этган тақдирда, шунингдек берилган муддат ичида жарима тўланмаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органи

тадбиркорлик субъектига нисбатан жарима қўллаш тўғрисидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси қоидаларига риоя этмаганлиги давлат солиқ хизмати органининг қарори давлат солиқ хизматининг юқори турувчи органи томонидан бекор қилиниши ёки мазкур қарорнинг суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши учун асос бўлиши мумкин.

Солиқ текшируви жараёнида аниқланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллаш **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ амалга оширилади.**

Солиқ текширувини ўтказишда ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўймаслик

Солиқ текширувини ўтказишда тадбиркорлик субъектига ёхуд унинг эгалигида, фойдаланишида ёки тасарруфида бўлган мол-мулкка ғайриқонуний ҳаракатлар орқали зарар етказилишига йўл қўйилмайди.

Солиқ текширувини ўтказишда давлат солиқ хизмати органлари ёки улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари орқали етказилган зарарларнинг, шу жумладан бой берилган фойданинг ўрни давлат солиқ хизмати органлари томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши керак. Суд қарорига биноан зарарларнинг ўрнини қоплаш давлат солиқ хизмати органлари қайси мансабдор шахсларининг айби билан зарар етказилган бўлса, ўша мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Давлат солиқ хизмати органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ғайриқонуний ҳаракатлар содир этганлиги натижасида тадбиркорлик субъектига етказилган зарар учун қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

Давлат солиқ хизмати органлари мансабдор шахсларининг қонуний ҳаракатлари орқали тадбиркорлик субъектига етказилган зарарларнинг ўрни қопланмайди, қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Лицензияловчи органларнинг тадбикорлик субъектлари фаолияти устидан назорат қилиш бўйича ваколатларини тушунтириб беринг.

2. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан давлат назорати шакллари ва турларини айтиб беринг?

3. Туман дезинфекция станцияси 2007 йил 4 апрелда туман ҳокимлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш инспекцияси томонидан қайта рўйхатга олинган ҳамда «Туман дезинфекция станцияси» МЧЖ деб қайта номланиб, унга № 000223-сонли давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилган. Адлия бошқармаси туман ҳокимлиги ва «Туман дезинфекция станцияси» МЧЖга нисбатан хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, «Туман дезинфекция станцияси» МЧЖга берилган 2007 йил 4 апрелдаги №000223-сонли юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани бекор қилишни сўраган. Даъво аризасида гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат корхоналари тўғрисида»ги Низом талабига зид равишда берилганлиги кўрсатилиб, уни бекор қилиш сўралган. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан «Туман дезинфекция станцияси» МЧЖга берилган №000223-сонли гувоҳнома тегишли тартибда ҳисобга олинган деб топилган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг

“Омилкор” фермер хўжалиги Агробанкдан 25 000 000 сўмлик кредит олган. Унга мажбуриятни таъминлаш усули сифатида 2011 йил 16 февралда “Келажак” АЖ томонидан имзоланган 3-сонли кафиллик шартномаси илова қилинган.

Бироқ, мазкур фермер хўжалиги фермер хўжаликларини оптимизация қилиш натижасида бошқа фермер хўжалигига қўшиб олинган.

Фермер хўжалигининг маблағи ва мол мулки мавжуд эмаслигидан хабар топган Агробанк кредит бўйича қарздорликни кафил бўлган АЖдан ундириш чораларини кўришни бошлаган.

Бироқ, АЖ ушбу кафиллик шартномаси тузилган пайтда жамият активлари баланс қийматининг 25 фоизидан ортиқ суммани ташкил

қилганлиги учун мазкур шартномани тузишда АЖ кузатув кенгашининг (розилиги) қарори олинишини асос сифатида келтириб, Агробанк талабларини рад қилган. Шунга кўра АЖ 2011 йил 16 февралдаги 3-сонли кафиллик шартномаси ҳақиқий эмас деб ҳисобланишини таъкидлаган.

Вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг .

XII БОБ. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш

Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини ташкил этишнинг зарурати. Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш. Тадбиркорлик субъектларини назорат қилишда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари.

Ҳиндистоннинг "МанСин" корпорацияси ижро органи раҳбари Манжид Сингх корпорациянинг юридик департаменти бошлиғи Ранжит Сингхга Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун қандай ҳуқуқий ҳимоя мавжудлиги, Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчилик ҳужжатлари, ҳуқуқий ҳимояни амалга ошириш билан боғлиқ давлат органи ва унинг ушбу соҳасидаги ваколатлари каби мавзуларда маълумот тайёрлаб беришни сўради.

Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини ташкил этишнинг зарурияти

Тадбиркорлик субъектларининг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, бошқа ташкилотларнинг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади *(ЎзР "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддаси)*.

Тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи, уни ривожлантирувчи асосий куч ҳисобланади. Шу сабабли, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан биридир. Ушбу сиёсатнинг моҳияти, уни амалга оширишнинг шакл ва воситалари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов томонидан ҳар томонлама асослаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 18 июлда бўлиб ўтган мажлисида

Президентимизнинг сўзлаган маърузасида ҳам бу масалага асосий эътибор қаратилди. “Тадбиркорларнинг фаолиятини рағбатлантириш, қўллаб - қувватлаш, – деб таъкидлади юртбошимиз, – улар учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит яратиб бериш масалалари барча даражадаги раҳбарларнинг, биринчи галда ҳудудий ҳокимлик ва бошқарув идораларининг доимий диққат марказида туриши керак”. Ушбу маърузада юртбошимиз томонидан тадбиркорлар фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини яратиш ва уни мустаҳкамлаш вазифаси қўйилди ва уни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилди.

Сўнгги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди: матбуотда мақолалар чоп этилмоқда, брошюралар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ташвиқот воситалари тайёрланди ва аҳоли ўртасида тарқатилди. Улардан тадбиркорлар ўзлари учун зарур барча фойдали маълумотларни олишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий ҳимоя қилиш нафақат тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган субъектларга нисбатан балки, ўз уставида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши ҳуқуқи кўрсатилган субъектларга нисбатан ҳам тадбиқ этилади.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими кенг қамровлик асосида амалга оширилади. Ушбу тизим тадбиркорлик қўлланиладиган барча соҳаларда беистисно тарзда амалда бўлади.

Ҳуқуқий ҳимоя тизими нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан ёки суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи орқали, балки давлат ва нодавлат, суд ва суддан ташқари бошқа тузилмалар орқали ҳам амалга оширилади.

Ҳуқуқий ҳимоя юксак даражада юридик таъминланган. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоянинг усуллари, воситалари, шакллари, уни амалга ошириш жараёни қонун нормаларида батафсил тартибга солинган. Бу эса ҳуқуқий ҳимоянинг қонунийлигини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизими энг аввало тадбиркорларни фаоллигига таянади. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай бузилишлардан энг аввало ўзлари фаол ҳимоя қиладилар ва қонунда йўл қўйилган барча воситалардан (ўзини–ўзи ҳимоя, суд орқали ҳимояланиш, оператив таъсир усулларини қўллаш ва ш.к.)

фойдаланишга ҳақли. Агар тадбиркор ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи хохламаса (агар бунда учинчи шахслар ёки давлат манфатларига путур етказилган ёки тадбиркор ҳимояланиши лаёқатига эга бўлмаган ҳоллар мустасно) ҳеч ким унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида талаб қўя олмайди. Қонунларда тадбиркорларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик имкониятлари белгилаб қўйилади, бу имкониятдан фойдаланиш, уларни амалга ошириш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ўзининг яққол ифодаланган ташкилий – ҳуқуқий тузилмаларига эга. Бу тузилмалар ичида адлия идоралари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳолат фақат мамлакатимиз ҳуқуқ тизими учунгина хос ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, бироқ алоҳида, махсус ваколатли ташкилий тузилмалар мавжуд эмас.

Хорижий тажриба!

Россия Федерацияси бундан истисно. Чунки, Россия Федерациясида тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича омбудсман институти жорий этилган. Шунингдек, прокуратура органлари тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида мувофиқлаштирувчи идора сифатида ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган.

Тадбиркорлик субъектларини махсус ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими узил–кесил шакллангунига қадар бўлган даврда, яъни 1995-1999 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари билан бунга ҳуқуқий замин тайёрланди. Жумладан, 1995 йил 5 январдаги *“Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида” ПФ-1030-сонли* Фармонда давлат органларига қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари тадбиркорларни тезкор-хўжалик ва хўжалик тижорат фаолиятига аралашиш таъқиқланди, тадбиркорлар ва давлат мулклари тенг ҳуқуқлилигини оғишмай таъминлаш белгилаб қўйилди, томонлардан бирининг айби билан кўрилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш шарти билан иқтисодий муносабатларда бошқарув органлари билан тадбиркорларни икки томонлама масъулияти принципи ўрнатилди..

Ўша даврда қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда бунда хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни янада тартибга солиш, текширишлар сонини камайтириш, турли назорат органлари томонидан амалга ошириладиган текширишларда параллелчилик ва такрорлаш фактларини бартараф этиш, уларни корхоналар хўжалик фаолиятига иқтисодий зарар етказувчи асоссиз аралашувига йўл қўймаслик мақсадида, шунингдек, тадбиркорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб бир йўла комплекс текширувини ўтказиш, қўшимча текшириш, муқобил текшириш ва тафтиш қилиш асослари доираси ва тартиби аниқлаштирилди, ўз мажбуриятларини тўла ва вақтида бажараётган хўжалик юритувчи субъектлар учун режали комплекс текширув 2 йилда бир марта ўтказилиши белгиланди, назорат органлари томонидан молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш ва ҳар қандай текширишни ўтказиш муддати 30 календарь кундан ошиб кетмаслиги белгилаб қўйилди.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини шаклланишида *Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида", 2000 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги (ушбу қонун 2012 йил 5 майда янги таҳрирда қабул қилинган), 2004 йил 3 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида"ги Қонунлари* алоҳида ўрин эгаллайди.

Ушбу қонунлар мақсад ва вазифаларида тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими асосий предмет сифатида белгилаб қўйилмаган бўлса ҳам уларнинг моҳияти ва қатор новеллалар мазмуни ушбу тизимни шакллантириш ва уни амал қилиш механизмини таъминлаш билан узвий боғлиқ.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда давлат идоралари (суд, прокуратура, адлия, туманлар, вилоятлар ҳокимликлари) ва нодавлат тизимлари (товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ассоциациялари) баб-баравар фаолият кўрсатадилар.

Адлия органларининг бу борадаги ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги Қарори билан белгилаб қўйилган. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий

бошқармалари таркибида тадбиркорларни ҳимоя қилиш бўйича махсус тузилмалар мавжуд. Адлия вазирлиги ва жойлардаги унинг идоралари томонидан тадбиркорлар учун ишонч телефонлари ташкил этилган. Адлия вазирлиги тадбиркорлик ҳуқуқларига риоя қилиш бўйича қонунчиликка риоя қилиш устидан барча минтақаларда даврий комплекс текширувларни амалга оширади. Ушбу текширувлар вилоятлар ва туман ҳокимликлари, солиқ, божхона, банк, тайёрлов ва таъминот корхоналари фаолиятини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги *ПҚ-1602-сон Қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»ги Низомда* тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги ваколатлари белгиланган. Ушбу Қарорга кўра Адлия вазирлиги ўз ваколати доирасида:

- бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектларининг, хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, бу соҳада бюрократик тўсиқ ва ғовларни яратишга йўл қўймаслик;

- шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, шартномаларни, энг аввало қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида шартномаларни тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширади.

Адлия органлари текширишлар давомида тадбиркорларни қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилган фактлари аниқланган ҳолларда судларга ва хўжалик судларига тегишли даъво аризалари билан чиқадилар ва айблардан етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш талабини қўядилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июнда *"Тадбиркорлик субектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3619-сон Фармони* қабул қилинди. Мазкур Фармон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари

ҳимоя қилинишини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти асоссиз чекланишига йўл қўймаслик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси талабларига сўзсиз риоя этиш мақсадида қабул қилинган. Ушбу норматив ҳужжатда илк бор тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди. 2005 йил 14 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти “Тадбиркорлик субектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3619-сон Фармонларини таъкидлаш мумкин.

Мазкур Фармонида илк бор тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат **суд орқали қўлланиш тартиби жорий этилди.**

Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимининг қонуний асосларидан бири бўлиб 2012 йил 20 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси *«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Қонуннинг* 5-моддасида тадбиркорлар ҳуқуқий ҳимоя қилишда қуйидаги принцилар белгилаб ўтилади:

-тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилинишининг, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг таъминланиши;

-рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслиги; рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги;

-рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг «бир дарча» орқали берилиши;

-рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги; тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги кабилардир.

Тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишниг муҳим ўзагини 2012 йил 2 майда қабул қилинган “*Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги* Қонунни таъкидлаш лозим. Хусусан, ушбу Қонунда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги (11-модда), тадбиркорлик фаолиятини субъектларининг

кафолатлари (18-34-моддалар), тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асослари (35-38-моддалар) белгилаб ўтилади.

Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий тизими

Давлат ва ҳуқуқ мавжуд бўлган ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳам мавжуд бўлади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таркибий қисмидир. Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, ижтимоий ҳаётда турли субъектларни манфаати тўқнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозаралар ва низолар келиб чиқиши мумкин. Бироқ бу ўринда ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқий низоларни ҳал этиш тизими билан бир хил, айний деган тасаввур туғилмаслиги лозим. Ҳуқуқий ҳимоя тизими гарчи муайян ҳолатларда ҳукуқий низоларни ҳал этиш тизими билан туташса ҳам ҳуқуқий майдонда ўзига хос нисбий мустақил сегмент сифатида намоён бўлади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқ субъектларини ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нормал амалга оширишини таъминлаш, уларни ҳар қандай бузилишлардан ва тажовузлардан сақлаш мақсадида қўлланиладиган, ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилган юридик таъсир чораларини ва уларнинг амал қилишини таъминловчи институционал, процессуал нормалар мажмуидан иборат.



Ҳуқуқий ҳимоя тизими ўз таркибига кўра қуйидаги элементлардан иборат:

а) ҳимояланувчи субъект томонидан қўлланиладиган юридик таъсир чоралари. Бундай таъсирни юридик таъсир чоралари сифатида намоён бўлиши нафақат уларни ҳуқуқ нормаларида белгилаб қўйилганлигида, балки ҳуқуқий оқибатлар вужудга келтиришида ҳам кўринади. Юридик таъсир чоралари ҳимояланувчи субъект ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Юридик таъсир чоралари тизимида ҳуқуқларни ҳимоя қилиш усуллари марказий ўринни эгаллайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси *Фуқаролик кодексининг* 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усуллари кўрсатилган. Жумладан, битимни ҳақиқий эмас деб топиш, битимни ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўллашни талаб қилиш, зарарни қоплашни талаб қилиш, ҳуқуқбузарликни тўхтатиш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини бартараф этишни талаб қилиш шулар жумласидандир;

б) ҳуқуқий ҳимоя тизимини институционал тузилмалари ҳам ҳуқуқий ҳимояни қўлланиши ва самарали амалга оширилишини таъминлайди. Институционал тузилмалар ўзига хос ташкилий-ҳуқуқий қурилмалар сифатида намоён бўлади. Ташкилий-ҳуқуқий тузилмалар ҳуқуқий ҳимояни амалга ошириш ёхуд ҳимояланувчи субъектга бундай вазифани бажаришга кўмаклашиш функцияларини бажаради. Айнан институционал тузилмалар ҳуқуқий ҳимоя тизимини барқарорлиги, доимийлиги, тизимлашни белгилайди. Институционал тузилмалар ҳам оммавий ҳуқуқий, ҳам хусусий ҳуқуқий характерга эга бўлиши мумкин. Давлат органлари тизимида махсус ихтисослашган идоралар – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратура, ички ишлар, монополияга қарши органлар ва ҳ.к.) бу соҳада фаол эканлигини таъкидлаш лозим. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳар бирини ўзига хос фаолият йўналиши, мақсадлари, вазифалари ва функциялари мавжуд, бироқ буларнинг барчаси бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш функциясининг муайян жиҳатларини қамраб олади ёхуд ушбу вазифалар билан узвий боғлиқ. Шу сабабли ҳам уларни ҳуқуқий ҳимоя тизимининг институционал тузилмалар сегментида алоҳида ўрин эгаллашини қайд этиш лозим;

в) ҳуқуқий ҳимоя тизими таркибида процессуал воситалар ҳам муҳим роль ўйнайди.

Айнан ҳуқуқларни ҳимоя қилиш жараёнида муайян тартиб, таомиллар, процессуал ҳаракатлар кетма-кетлиги ва узвийлиги,

юридик ҳужжатлар шакл-шамойили белгилаб қўйилганлиги процессуал жараён иштирокчилари учун қулайлик туғдиради.

Ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни талаб этаётган ёки ҳимояни амалга ошираётган субъект процессуал тартиб мавжудлиги ва унга қатъий риоя қилиш шартлиги сабабли бошқа шахсларни, айниқса, баъзи давлат ёхуд нодавлат ташкилотлар ходимларининг ўзбошимчаликлари, бюрократик муносабатлари таъсирини кескин камайтиради ёхуд олдини олади. Ушбу процессуал воситалар оммавий-ҳуқуқий ҳам, хусусий-ҳуқуқий ҳам, универсал-ҳуқуқий ҳам, локал-ҳуқуқий ҳам бўлиши мумкин.

Ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳар қандай ҳуқуқ тизими – оиласида (англо-саксон, қитъа, мусулмон ва ҳатто патриархал ҳуқуқ оиласида ҳам) мавжуд. Ҳуқуқий ҳимоя тизими кенг маънода ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов тизимига таянади. Ҳуқуқий ҳимоя тизими ундан фойдаланувчи субъектлар доирасига қараб умумий ва махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимларига табақаланади.

Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқий майдонда ҳаракатланувчи барча субъектларни – фуқаролар, юридик шахслар, давлат, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, хорижий юридик шахслар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотларни қамраб олади.

Ушбу субъектларни барчаси ўзларининг бузилган ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланган ҳолда ҳимоя қилиш имкониятларига эга бўладилар. Албатта, амалда кўпроқ ундан фуқаролар ва юридик шахслар доимий равишда фойдаланадилар.

Умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимининг асосий жиҳатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муайян даражада ўз ифодасини топган деб айтиш мумкин. Жумладан, Конституциянинг 13-моддаси (демократик ҳуқуқ ва эркинликлар қонун билан қўриқланиши), 8-моддаси (тенг ҳуқуқлилик), 19-моддаси (ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги), 20-моддаси (ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш шартлари), X-боби (ҳуқуқ ва эркинликлар кафолатлари) шулар жумласидандир. Умуман олганда, Конституциянинг жуда кўп нормаларида субъектларни муайян ҳуқуқлари ва эркинликлари ёки уларни таъминлаш кафолатлари мужассамланган.

Давлат кучли ҳуқуқ-тартибот ва одил судлов тизимини яратиш, уни ташкилий – ҳуқуқий ва норматив таъминлаш орқали умумий ҳуқуқий ҳимоя тизимини доимий ва узлуксиз ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Барча субъектлар ҳеч қандай тўсиқларсиз ва истисноларсиз ушбу тизим имкониятларидан фойдаланишга хақлидирлар.

Шуни назарда тутиш лозимки, айрим тоифадаги шахслар учун махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини жорий этилганлиги **Конституциянинг 18-моддасида** белгилаб қўйилган барча фуқароларни тенг ҳуқуқлилиги тамойилига асло зид эмас.

Алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизимидан фойдаланувчилар аҳолини элита қисми сифатида баҳоланмайди. Улар аҳолини бошқа қатламларига мансуб кишиларни ҳуқуқларини камситилиш, ерга уриш эвазига қўшимча имтиёзларга эга бўлмайдилар. Аксинча, масалан, вояга етмаганлар ва ногиронларга алоҳида ҳуқуқий ҳимоя тизими жорий этилмаса, у ҳолда улар бошқа кишиларга нисбатан имкониятлари чекланганлиги сабабли ноқулай аҳволга тушиб қолган булур эди.

Алоҳида махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини жорий этиш орқали “заиф” субъектлар бошқа субъектлар имкониятлари даражаси бўйича тенглашади. Демак, махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими энг аввало, субъектлар тенг ҳуқуқлилигини реал жиҳатдан таъминлашга қаратилади.

Шу маънода махсус ҳуқуқий ҳимоя тизими ҳуқуқ тартиботнинг зарурий таркибий қисми ҳисобланади.

Шуни ишонч билан таькидлаш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими шакллантирилди ва унинг ташкилий механизми яратилди.

Бу тизимда ***тадбиркорнинг шахси*** ҳам муҳим ўрин тутади. Биринчи галда тадбиркор ўз ҳуқуқларини, қонуний манфаатларини англаб етган бўлиши ва ҳуқуқий саводхон бўлиши лозим. Акс ҳолда унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун қандай тизим яратилмасин, у самарали фаолият кўрсата олмайди. Аслини олганда, тадбиркор ўз ҳуқуқ ва бурчларини билмаса ундан қандай фойдаланишни ҳам, уни қандай ҳимоя қилишни ҳам, ва ҳатто, ҳуқуқи

бузилган ҳолларда ўз ҳуқуқлари бузилганлигини ҳам англаб етмайди. Ҳар бир тадбиркорлик субъекти ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар қандай бузилишлардан,энг аввало, ўзлари фаол ҳимоя қиладилар ва қонунда йўл қўйилган барча воситалардан (ўзини-ўзи ҳимоя, суд орқали ҳимояланиш, оператив таъсир усулларини қўллаш ва ш.к.) фойдаланишга ҳақли. Агар тадбиркор ўз бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзи хоҳламаса (агар бунда учинчи шахслар ёки давлат манфаатларига путур етказилган ёки тадбиркор ҳимояланиши лаёқатига эга бўлмаган ҳоллар мустасно) ҳеч ким унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида талаб қўя олмайди. Қонунларда тадбиркорларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг юридик имкониятлари белгилаб қўйилади, бу имкониятдан фойдаланиш, уларни амалга ошириш тадбиркорнинг ўзига боғлиқ.

Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг таклифлари давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклиф киритган тадбиркорлик фаолияти субъектига ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади. Аризалар ёки шикоятлар масалани моҳиятига кўра ҳал этиши шарт бўлган давлат органига ёки хўжалик бошқаруви органига келиб тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддатда, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиганлари эса, ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. (*ЎзР "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг* 31-*моддаси*)..

Сўнгги йилларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш учун бир қатор ишлар амалга оширилди: матбуотда мақолалар чоп этилмоқда, рисолалар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, кўргазмали ташвиқот воситалари тайёрланди ва аҳоли ўртасида тарқатилмоқда. Улардан тадбиркорлар ўзлари учун зарур барча фойдали маьлумотларни олишлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ***кенг қамровлилик*** асосида амалга оширилади. Ушбу тизим тадбиркорликда қўлланиладиган барча соҳаларда беистисно тарзда амалда бўлади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоя тизими нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ёки суд орқали

ҳимояланиш ҳуқуқи орқали, балки давлат ва нодавлат, суд ва носуд тузилмалар орқали ҳам амалга оширилади.

Ҳуқуқий ҳимоя ***юксак даражада юридик таъминланган***. Бошқача айтганда, ҳуқуқий ҳимоянинг усуллари, воситалари, шакллари, уни амалга ошириш жараёни қонун нормаларида батафсил тартибга солинган. Бу эса ҳуқуқий ҳимоянинг қонунийлигини таъминлайди.

Бунинг маъноси шундаки, тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, фаолиятини амалга ошириш ва бекор бўлиш жараёнларининг ҳамма босқичида ҳуқуқий ҳимоя мавжуд бўлади, масалан, тадбиркорлик субъектини рўйхатга олишни рад этганлик учун судга шикоят қилиш ҳуқуқи, тадбиркорлар фаолиятига ўзбошимчалик билан аралашувлардан ҳимоя қилиш тартиби ва ниҳоят, тадбиркорлик субъекларини банкрот деб топиш асослари ва тартиби (аслини олганда банкротлик ҳам ҳимоя тизимига киради, яъни якка тартибдаги тадбиркорни муайян асосларга кўра кредиторлар олдида жавобгарлигини бекор бўлишига олиб келади ва ҳ.к.).

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими ўзининг яққол ифодаланган ***ташкилий – ҳуқуқий тузилмаларига*** эга. Бу тузилмалар ичида адлия органлари ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ҳолат фақат мамлакатимиз ҳуқуқ тизими учунгина хос ҳолатдир. Хорижий мамлакатларда ҳам тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми яратилган, бироқ алоҳида, махсус ваколатли ташкилий тузилмалар мавжуд эмас.

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилишда давлат органлари (суд, прокуратура, адлия, туманлар ва вилоятлар ҳокимликлари) ва нодавлат тизимлари (савдо-саноат палатаси, фермер хўжаликлари уюшмаси) баб-баравар фаолият кўрсатадилар.

Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб ***тадбиркорлик, хўжалик юритишни ҳуқуқий таъминлаш*** ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритиш, тадбирколик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, қайта ташкил этиш, тугатиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган. Тадбиркорлик субъектларининг деярли барча турлари ўзининг қонуний ҳуқуқий мақомига эга (масалан, тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, фермер хўжаликлари ва ш.к.). Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорликни амалга ошириш ҳам ўз норматив-ҳуқуқий асосларига эга. Низоларни ҳал этишнинг давлат тизимида хўжалик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади. (масалан, контрактация шартномаси бўйича низолар туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати бериш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Интеллектуал мулк Агентлиги ҳузуридаги Аппеляция кенгаши томонидан ва ҳ.к.). Кўп ҳолларда давлат идораси қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Хўжалик низоларини суд орқали ҳал этиш тизими ҳам пухта ишлаб чиқилган. Конституциянинг 111-моддасига асосан мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муасасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хижалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади. Хўжалик судларини иш юритиш тартиби умумий юрисдикция судлари иш юритиш тартибидан нисбатан соддалиги ва тезкорлиги билан ажралиб туради. Тадбиркорлик субъектлари даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги

тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда хўжалик судлари фаолиятида замонавий ахборот технологиялари изчиллик билан жорий этилмоқда. Бу эса тадбиркорлик субъектлари учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишни масофавий амалга ошириш имконини бермоқда. Шу билан бирга уларниг вақтини ва маблағларини тежаш натижада тадбиркор ўз фаолиятини тўлақонли шуғулланиши учун шарт-шароит яратилади.

Конституция ишлаб чиқилган ва қабул қилинган шарт-шароитларда мамлакат иқтисодий ривожининг стратегик мақсади, яъни бозор муносабатлари тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш аниқ ва равшан белгилаб қўйилган эди. Бироқ ушбу иқтисодий тизимни барпо этиш йўллари, давлат ва иқтисодиёт ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлатни иқтисодиётга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш шакллари ва воситалари ҳали мукаммал ишлаб чиқилмаган эди. Мана шундай шароитда Конституциянинг XII-боби жамиятни иқтисодий негизи тўғрисида конституцявий нормаларни ўзида мужассам этди. Бугунги кунда ушбу нормалар мазмунини таҳлил этар эканмиз, уларни ниҳоятда заргарона аниқлик билан белгиланганлигини эътироф этиш лозим.

Мулкчилик муносабатлари ҳар қандай жамият иқтисодий негизининг асосида ётади. Худди шу сабабли ҳам Асосий қонунимизда мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қатор ***конституциявий принциплар*** белгилаб қўйилган. Биринчи галда ***Ўзбекистон иқтисодиёти негизини хилма хил шакллардаги мулк ташкил этиши*** белгилаб қўйилган. Демак, бундан мамлакатимизда қандайдир мулк шаклини танҳо ҳукмрон мавқега эга бўлмаслиги тўғрисида хулоса чиқариш мумкин. Бу ўринда Конституцияда мулк шакллари санаб чиқилмайди, уларнинг рўйхати белгилаб қўйилмайди. Бу эса келгусида истиқболда вужудга келиши мумкин бўлган у ёки бу мулк шаклларига тўсиқлар қўйишни истисно этилишини англатади. Конституцияда шунингдек, ***барча мулк шаклларининг тенглиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар ҳимоя этилиши кафолатланиши тўғрисида конституциявий принцип*** ўз ифодасини топган. Ушбу принцип шунчаки декларатив характерга эга бўлмасдан, кейинчалик фуқаролик қонунларида янада ривожлантирилди ва муайянлаштирилди. Давлат – мулкдор, давлат

мулки яъни оммавий мулк мулкнинг алоҳида шакли ҳисобланади. Бироқ давлат на сиёсий ҳокимият субъекти сифатида, на қонун чиқариш ҳокимиятини соҳиби сифатида ўз мавқеидан фойдаланган ҳолда оммавий мулк учун алоҳида имтиёзли ҳолатни белгилаб бермайди. Аксинча барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолати сифатида намоён бўлади.

Конституцияда шунингдек, мулк шакллари орасида хусусий мулк шакли тўғрисида алоҳида сўз юритилади. Бир қарашда Конституциянинг 53-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари орасида зиддият бордек туюлади. Агар ушбу модданинг биринчи қисмида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиги расман баён этилса, иккинчи қисмида эса мулк шакллари ичида хусусий мулкка алоҳида эътибор берилади. Аслини олганда бундай зиддият мавжуд эмас. Чунки, гарчи хусусий мулк алоҳида таъкидлаб кўрсатилса ҳам, Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисми барча мулк шакллари учун таъсир кучига эга. Шу билан бирга, хусусий мулкка алоҳида урғу берилгани бежиз эмас. Чунки, Конституция қабул қилингунга қадар хусусий мулк амалда тўлақонли ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган. Аксинча, нисбатан яқин ўтмишда у қораланиб, юридик жиҳатдан қонундан ташқари деб эълон қилинган. Бошқа жиҳатдан олганда эса, айнан хусусий мулк эркин рақобат ва шартномалар эркинлиги ҳамда бозор муносабатларини ривожлантиришнинг асосий шартидир. Тадбиркорликни ривожлантириш учун тадбиркорлик субъектлари ўз мол-мулкларига эга бўлиши лозим.

Давлат мулки – оммавий мулк ўзининг алоҳида тайинланиш мақсад ва вазифаларига эга. Бу вазифалар давлатнинг ўзига хос функциялари, яъни мудофаа, хавфсизлик, социал функциялар, давлатни нормал фаолиятини ташкил этиш ва шу кабилар билан узвий боғлиқ.

Иқтисодиётда хусусий сектор субъектлари тадбиркорликни асосий субеъктлари сифатида намоён бўлиши табиий. Бундан эса, хусусий мулкни жамият иқтисодий негизини ривожлантиришда, бозор тизими ва тадбиркорликни тараққий этишида асосий моддий-мулкий манба бўлиши тўғрисида хулоса келиб чиқади. Демак, қонун чиқарувчи томонидан Конституциянинг 53-моддаси иккинчи қисмида

хусусий мулкка урғу берилиши ҳар жиҳатдан ўринли ва мақсадга мувофиқ бўлган. Навбатдаги ***конституциявий принцип*** мулк дахлсизлиги билан боғлиқ.

ФКнинг 166-моддасига кўра, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида ва бошқа қатор қонунларда мулк ҳуқуқини бекор бўлиш асослари ва тартиби батафсил белгилаб қўйилган. Мулкдор ҳар қандай ҳолатда эмас, балки ўзининг ғайри-ҳуқуқий ҳаракатлари ёки жамият манфаатлари тақозосига кўра, муайян чекланган ҳолатлардагина ўз мол-мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Асосий қонунимизда мулк ҳуқуқини мазмуни ва мулкдор ваколатларини амалга ошириш чегараси белгилаб қўйилган. Мулкдор ваколатлари, энг аввало, ўз мол-мулкига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилишда намоён бўлади. Бироқ, мулкдор ваколатлари мутлақо чегарасиз эмас. Мулкдор ўз мол - мулкидан фойдаланиш жараёнида экологик муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа субъектларни ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Конституцияда жамият иқтисодий негизлари билан боғлиқ яна бир ***конституциявий принцип бу - иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги принципи*** ҳисобланади. Иқтисодий фаолият эркинлигининг моҳияти шундан иборатки, фуқаролар ва юридик шахслар қонунларда таъқиқланмаган ҳар қандай иқтисодий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Ушбу иқтисодий фаолиятни амалга оширувчиси томонидан фойда олиш мақсади кўзда тутилса тадбиркорлик фаолияти ҳисобланади. Агарда бундай мақсадни кўзламаса ҳайрия, биргаликдаги фаолият ва шу каби кўринишларда намоён бўлиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги фуқаро ёки тижоратчи юридик шахсга қонунда таъқиқланмаган ҳар қандай фаолият соҳаси бўйича тадбиркорликни амалга ошириш имконини беради. Бироқ ҳар қандай иқтисодий фаолиятни, тадбиркорликни ва меҳнат фаолиятини амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз фаолияти натижаларидан баҳраманд бўлувчи ***истеъмолчилар ҳуқуқи устунлигини*** унутмасликлари лозим. Бозор шароитида ҳар қандай меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва

иқтисодий фаолият пировард натижаси истеъмолчиларнинг муайян эҳтиёжларини қаноатлантириш ҳисобланди. Бинобарин, ушбу тамойилни давлатнинг иқтисодиётни тартибга солишда қатъий амалга ошириши шарт бўлган ўзига хос ***конституциявий принцип*** сифатида эътироф этиш ўринли бўлур эди. Юқоридаги *конституциявий принциплар* иқтисодиётни тартибга солувчи ҳар қандай қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмунида ётувчи асосий раҳбарий қоида бўлиб қолиши, уларни Конституцияга тўлиқ мувофиқлигини таъминловчи асосий юридик шарт ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш

Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимининг яна бир таркибий қисми бўлиб тадбиркорлик, хўжалик юритиш фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя тизимини ҳуқуқий таъминлаш ҳисобланади. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, хўжалик юритиш, тадбирколик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш даражаси бошқа фаолият турларига нисбатан анча юқори даражада йўлга қўйилган. Тадбиркорлик субъектларини вужудга келиш, рўйхатга олиш, фаолиятни амалга ошириш, тугатиш, қайта ташкил этиш жараёнлари тўла ҳуқуқий тартибга солинган. Тадбиркорлик субъектларининг деярли барча турлари ўзининг қонуний ҳуқуқий мақомига эга (масалан, тўлиқ ширкат, коммандит ширкати, маъсулияти чекланган жамият, қўшимча маъсулиятли жамият, акциядорлик жамияти, ишлаб чиқариш кооперативлари, фермер хўжаликлари ва ш.к.).

Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида тадбиркорликни амалга ошириш ҳам ўз норматив-ҳуқуқий асосларига эга.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминланганлик даражасини юқорилиги – бу ўринда ким томонидандир ўзбошимчаликлар содир этилишини камайтиради ва охир оқибатда ҳуқуқий ҳимояни юксак савиясини таъминлайди.

Албатта, тадбиркорлик фаолиятини батафсил ҳуқуқий тартибга солинганлиги жуда муҳим ижобий ҳолат ҳисобланади. Айни вақтда бу борада барча муаммолар ҳал этилган деб айтиш қийин. Афсуски, тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи норматив массивда аксарият кўпчилик турли идоралар меъёрий хужжатлари ташкил этади. Одатда қонунларда мустаҳкамланган норматив умумий

йўналиш билан идоравий манфаатлар мустаҳкамлаб қўйилади, бу эса холислик, адолат, оқилоналик, инсофлилик каби умумий тамойиллар мазмунига ҳар доим ҳам тўла мувофиқ келавермайди.

Шу сабабли ҳам, **ривожланган мамлакатлар тажрибасида** идоравий ҳужжатлар орқали ҳуқуқий тартибга солиш иложи борича кам қўлланилади.

Шу сабабли ҳам келгусида хўжалик-тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда идоравий меъёрий ҳужжатлар (Марказий Банк, Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат божхона ва Давлат солиқ қўмиталари каби идоралар чиқарган ҳужжатлар) ўрнига қонунлар билан тартибга солишга кенг ўрин бериш лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари энг Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган қонуности ҳужжатлари алоҳида концептуал аҳамият касб этади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш мақсадида 2005 йил 24 июнда қабул қилинган “*Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги ПФ-3622-сон Фармони,* 2011 йил 24 августда ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш, бозор ислоҳотларини либераллаштириш ва чуқурлаштириш йўлидан жадал ҳаракат қилиш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушини ошириш, экспорт слоҳиятини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ва даромадларини таъминлаш мақсадида қабул қилинган “*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4354-сон*, 2011 йил 4 апрелдаги *“Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар*

тўғрисида”ги ПФ-4296-сон, 2011 йил 25 августдаги *“Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сон*, 2014 йил 15 апрелдаги *“Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2164-сон*, 2014 йил 7 апрелдаги *“Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сон фармон ва қарорларини* алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, 2014 йил 7 апрелдаги “*Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сон Фармон*ига кўра 2014 йил 1 июндан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг расмий веб-сайтларида чоп этилмаган уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатлар масалаларини тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатлари учун тадбиркорлик субъектларига жавобгарлик чораларини қўллаш тақиқланиши белгилаб қўйилди. Шу билан бирга ушбу Фармонга кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юри дик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юри дик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари улар расман чоп этилган фурсатдан бошлаб, уч ойдан олдин бўлмаган муддатда кучга криши белгиланди.

2014 йил 7 апрелдаги “*Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4609-сон Фармон*га кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнини мураккаблаштиришни ва тадбиркорлик субъектларига янги юридик мажбуриятлар юклатишни назарда тутадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектларига юридик жавобгарликнинг янги чораларини белгилайдиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари улар расман чоп этилган фурсатдан бошлаб, уч ойдан олдин бўлмаган муддатда кучга кириши белгиланди.

Низоларни ҳал этиш давлат тизимида хўжалик-тадбиркорлик низолари муайян ваколатли давлат идоралари томонидан ҳал этилади. (Масалан, контрактация шартномаси бўйича низолар туман ҳокимлиги ҳузуридаги инспекция, интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий муҳофаза ҳужжати бериш билан боғлиқ низолар Ўзбекистон Интеллектуал мулк Агентлиги Аппеляция Кенгаши томонидан ва ҳ.к.). Кўп ҳолларда давлат идораси қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги хўжалик низоларини суд орқали ҳал этиш тизими ҳам пухта ишлаб чиқилган. Конституциянинг 111-моддасига асосан мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муасасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади. Хўжалик судларида низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартиби Хўжалик процессуал кодекси билан тартибга солинади. Хўжалик судларини иш юритиш тартиби умумий судларни иш юритиш тартибидан нисбатан соддалиги, тезкорлиги билан ажралиб туради (масалан, суд буйруғи тартибининг мавжудлиги). Хўжалик юритувчи субъектлар даъво аризаси беришда ўз пул маблағларига эга бўлмасалар, давлат божи тўлашни ҳал қилув қарори чиқарилгунга қадар кечиктиришга йўл қўйилади. Хўжалик низоларини ҳал этиш учун алоҳида суд тизимининг мавжудлиги хўжалик қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни осонлаштиради ва реал амалга оширилишни ўзига хос кафолати бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик–тадбиркорлик соҳасида вужудга келган низоларни ҳал этишнинг **суддан ташқари низоларни ҳал этиш тизими ҳам мавжуд.**

Масалан, талабнома билдириш тартибида низоларни ҳал этишга йўл қўйилади. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 17-18-моддаларида талабнома билдириш орқали хўжалик низоларини ҳал этиш асослари ва тартиби белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари тарафлар келишув битими тузиш, низони ҳакамлар судига бериш орқали ҳам ҳал этишлари мумкин. Ҳакамлар судининг қарори давлатнинг мажбурлов кучи билан таъминланади, шунингдек муайян асослар мавжуд бўлган тақдирда ушбу қарор устидан судга (хўжалик судига) шикоят қилиш мумкин.

Низоларни ҳал этишнинг халқаро тизими ҳам мавжуд. Одатда хорижий тадбиркорлар билан шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар бу борада вужудга келган низоларни ҳал этиш учун хорижий давлатлар судларига ёки халқаро арбитражларга мурожаат этишлари мумкин.

Бунда албатта ҳар қандай низолар эмас, балки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида йўл қўйилган низолар хорижий давлатлар судларида ёки халқаро арбитражида кўриб ҳал этилиши мумкин (масалан, банкротлик бўйича ишлар, давлат бюджет олдидаги мажбуриятлар билан боғлиқ низолар, ҳорижий юрисдикция бўла олмайди).

Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимида Савдо-саноат палатаси муҳим ўрин эгаллайди. Савдо-саноат палатаси тармоқ хўжалик бирлашмалари таркибига кирмайдиган кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аъзолик шарт бўлган ҳолда шартнома асосида бирлаштирувчи давлатга қарашли бўлмаган нотижорат ташкилотидир. Палата Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантиришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашиб, бозор инфраструктурасини яхлит тизимини шакллантириш, тадбиркорнинг фаолияти учун қулай шароит яратиш, тадбиркорликнинг барча турларини, Ўзбекистон тадбиркорларининг бошқа мамлакатлар тадбиркорлари билан савдо иқтисодий ва илмий-техникавий алоқаларини ривожлантириш мақсадида тузилади. Палата ўз фаолиятини 2004 йил 3 декабрдаги “*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги* 713-II-сонли Қонуни асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Савдо-саноат Палатасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш;

тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий мулоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кўмаклашиш;

бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда ривожлантириш;

тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш, шу жумладан ахборот таъминоти ва маслаҳат ёрдами бериш, Ўзбекистон Республикасининг ишлаб чиқарувчилари ҳақидаги, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва инвестициявий имкониятлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек потенциал шерикларга ва замонавий технологиялар харид қилиш имкониятларига оид маълумотларни ўз ичига олувчи бизнес-каталоглар эълон қилинишини ташкил этиш;

тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш, халқаро ҳуқуқ ва бизнес юритиш амалиётининг умум эътироф этилган нормаларини жорий қилиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий шароитларини яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш чора-тадбирларини кўриш;

тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш;

тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизими ривожлантирилишини, тадбиркорларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш ташкил этилишини қўллаб-қувватлаш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тадбиркорлик тузилмалари хусусан фермер хўжалик ҳуқуқий ҳимоя тизимида Фемер хўжаликлари кенгашлари муҳим ўрин эгаллайди. Улар ўз фаолиятларини *Фермерлар кенгаши тўғрисидаги Уставга* мувофиқ амалга оширади. Мазкур уставга мувофиқ Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

республикада фермерликни ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ўрганади ва фермерликни ривожлантириш соҳасида қонунчиликни такомиллаштириш, фермер хўжаликларининг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг мулкий ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари ва хўжалик бошқарув органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва улар фаолият масалаларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари тайёрланаётганда уларнинг сўровига кўра ушбу лойиҳалар бўйича хулосалар бериш;

фермер хўжаликларининг иқтисодий аҳволи ва моддий-техник таъминланганлигини таҳлил қилади ҳамда унинг натижасига кўра тегишли таклиф ва чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, корхоналар билан фермер хўжалик ўртасида тузилган шартномаларнинг, ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини мониторинг қилишда иштирок этиш;

бозорларда талаб ва таклифларни ўрганиб чиқиб ўзининг аъзоларига керакли бўлган махсулотларнинг бозор нархлари бўйича амалий кўмак бериш ҳамда ушбу маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

Ўзбекистон фермерлари кенгаши аъзолари фермерларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан ва уларнинг қонуний манфаатларини кўзлаб, давлат органларига таклифлар киритиш;

қонунда белгиланган тартибда (жумладан, давлат тузилмалари билан биргаликда) ўқув марказларини, бизнес-мактабларини ва турли хил профессионал тайёргарлик ва раҳбарларни қайта тайёрлаш ҳамда фермер хўжалик мутахассисларини замонавий даражада ва стандартларга тайёрлаш курслари, хусусан бошқариш асослари ва бизнесни юритиш, бухгалтерлик ҳисоби, суғурта, банклар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ўзаро мунособатларини ривожлантиради;

халқаро, республика ва худудий кўргазма ва ярмаркаларни ташкил этиш, бошқа давлатларнинг шундай ташкилотлари билан алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш, ўзининг аъзоларини чет давлатларга хизмат сафари ва стажировкага юбориш, Ўзбекистонга тегишли хорижий ташкилотлар вакилларини таклиф қилиш;

кенгаш аъзоларига кредит олиш ва ўзлаштиришда консультатив ва методик ёрдам бериш, кредит ресурсларга, жумладан хорижий кредит ресурсларини олишда имкониятларни кенгайтириш;

ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш; қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Хўжалик (тадбиркорлик) субъектларини назорат қилишда ҳуқуқий ҳимоя тизимининг амал қилишининг ўзига хос хусусиятлари

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимининг марказида тадбиркор билан унинг фаолияти устидан назоратни амалга оширувчи давлат хизматчиси ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва инсофга асосланган қонуний муносабатларни вужудга келтириш ва уни доимий барқарор равишда сақлаб туриш ётади. Бу вазифа анча мураккаб ҳисобланади.

Уни амалга оширишда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш лозим бўлиб жумладан*:*

биринчидан, тадбиркорлик фаолияти муайян моддий бойликлар, пул маблағлари билан узвий боғлиқ равишда амалга оширилади. Шу сабабли ҳам ушбу моддий қийматликларни муомалада бўлиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат талаб этилади. Назоратга олиб, ўз мажбуриятларини бажаришда таъмагирликка, суиистеъмолликларга йўл қўйилмаслиги алоҳида муҳим аҳамиятга эга.

иккинчидан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини назорат қилиш оқилона ташкил этилмоғи, тадбиркорлик субъектига ўз хўжалик фаолиятини амалга оширишга асло тўсқинлик қилмаслиги лозим.

учинчидан, назорат очиқ, ошкор, шаффоф бўлмоғи, назорат асослари, тартиби, усул ва воситалари аниқравшан белгилаб қўйилмоғи шарт. Акс ҳолда ҳар хил ўзбошимчаликлар келиб чиқиши мумкин.

тўртинчидан, тадбиркорлик субъекти назорат жараёнида ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига путур етган деб ҳисоблаган тақдирда, суд орқали ҳимояланиш имкониятларига эга бўлиш лозим.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томондан назорат қилиш тартиби 1998 йил, 24 декабрда қабул қилинган *“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томондан назорат қилиш тўғрисида”ги Қонуни*, шунингдек *“Тадбиркорлик фаолиятининг эркинликлари кафолати тўғрисида”ги Қонун*нинг 39-40-моддалари билан қўйилган бундай шакллар текшириш, тафтиш, муқобил текширишда, назорат тартибида текширишда, статистик ахборотларини ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш, идора қарамоғидаги органларни текширишдан ўтказишдан иборат. Қонунда текшириш, тафтиш, муқобил текшириш, назорат тартибида текшириш тушунчалари аниқ белгилаб қўйилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг асосий **принциплари қуйидагилардан иборат:**

назорат қилувчи органлар фаолиятида қонунийлик, холислик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига аралашмаслик.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календар кунидан ошмаслиги лозим. Алоҳида ҳолларда махсус ваколатли органнинг қарорига биноан бу муддат узайтирилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини режадан ташқари текшириш учун махсус ваколатли органнинг текширилаётган объект номини, текширув ўтказиш мақсади, муддатлари ҳамда уни ўтказиш сабабларининг асослилиги кўрсатилган ҳолда режадан ташқари текшириш ўтказиш тўғрисида чиқарган қарори, шунингдек текширишни амалга оширувчи тегишли назорат қилувчи органнинг буйруғи асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик юритувчи субъектларни уларнинг хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда текшириш тегишли назорат қилувчи (ёнғинга қарши, энергетика назорати ва бошқа) органлар томонидан, қоида тариқасида, бир марта ўтказиладиган комплекс текширув давомида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар текширувчиларнинг қонуний талабига биноан текшириш ўтказиш учун зарур бўлган материаллар ва ҳужжатларни тақдим этишга, уларни текшириш объектларига

киритишга, текширувчиларга ўз вазифаларини бажаришлари учун кўмаклашишга мажбурдирлар.

Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган фаолиятига аралашишга ҳақли эмас.

Агар назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятида қонун хужжатлари бузилганлигини аниқласалар, улар ўзларига берилган ваколат доирасида ва муайян қоидабузарликни бартараф этиш билан бевосита боғлиқ чора-тадбирларни кўришлари мумкин. Назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари қоидабузарлик ҳолати мавжудлигидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа қонуний фаолиятига аралашиш ёки уни чеклаш учун асос сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқий ҳимоя тизимини яна бир бўғини – бу хўжалик юритувчи субъектлар юридик хизмат бўлинмалари ҳисобланади. Айниқса хўжалик шартномалари тузишда юридик хизмат бўлинмалари фаол иштирок этади. Агар тадбиркорлик субъекти ўз юридик хизматига эга бўлмаса (масалан, якка тадбиркор, фермер хўжалиги ва х.к.), у ҳолда улар ҳақ эвазига юридик хизмат кўрсатиш шартномалари орқали адвокатлар хизматидан фойдаланишлари шарт (*“Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун*нинг 20-моддаси).

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг ўз юридик хизмати бўлиши унинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкилий таъминловчи кафолат ҳисобланади. Юридик хизмат бўлинмалари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг барча йўналишларида ва саналарида, барча босқичлар узлуксиз ва доимий равишда, биринчидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятини қонунийлигини, ўз манфаатларига мослигини таъминласа, иккинчидан, бошқа ҳар қандай субъектларни хатти-ҳаракатлари унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларига хилоф бўлмаслигини кузатиб боради ва зарур ҳолларда тегишли ҳуқуқий ҳимояни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги *“Хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизмати тўғрисида”*ги 182-сон қарорига 2-илова қабул қилинган Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамаси томонидан ташкил этиладиган хўжалик бошқаруви органлари ҳамда давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари юридик хизмати фаолиятига қўйиладиган талабларни, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди. Мазкур низомга мувофиқ, қуйидагилар корхона юридик хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

корхона ва унинг таркибий бўлинмалари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликни таъминлашда қатнашиш;

корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини оширишда қатнашиш;

корхона ва унинг таркибий бўлинмалари мулкининг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш ишларини ташкил қилиш;

корхонада шартномавий-ҳуқуқий ва талабнома-даъво ишларини юритишда қатнашиш;

судларда ва бошқа идораларда корхонанинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш.

Шу билан бирга, корхонанинг юридик хизмати ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

1) қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқий маданиятни ошириш соҳасида:

- корхона раҳбариятига тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар ва ҳуқуқий тусдаги бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини амалдаги қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ҳамда эътироз ва таклифлари бўлмаса, уларга виза қўяди. Бунда лойиҳага юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

- корхонада ва унинг таркибий бўлинмаларида қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш юзасидан таклифлар киритади;

- корхонада меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоавий шартнома, жамоавий битимлар ва бошқаларни) ишлаб чиқишда қатнашади, ушбу ҳужжатлар лойиҳаларини қонунчиликка мувофиқлик юзасидан текширади ва ҳуқуқий хулоса беради;

- корхонанинг касаба уюшмаси ва ходимларнинг бошқа вакиллик органларига ўз ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

- корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, бундай тадбирларни ўтказишда қатнашади;

- корхона ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга корхона фаолиятига тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни топишда кўмаклашади, зарур ҳолларда ушбу ҳужжатлар бўйича тушунтиришлар беради;

2) мулкнинг сақланишини ҳуқуқий воситалар орқали таъминлаш соҳасида:

- мулкни сақлаш масалалари бўйича ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлар лойиҳаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

- бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонада мулкнинг талон-тарож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қилади ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-тарож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

- моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойиҳалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аниқланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳуқуқий хулосалар беради;

- шартномавий-ҳуқуқий, талабнома-даъво ишлари ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш соҳасида:

- бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг шартномаларини тайёрлаш ва тузиш ишларида қатнашади, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текширади, шартномалар лойиҳаларига, агар эътирозлари ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан корхонанинг бошқа ваколатли таркибий бўлинмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади.

- қонунчиликда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан ортиқ суммадаги шартномаларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан ёзма хулосаларни тайёрлайди ва имзолайди;

- шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилади, корхона томонидан тузилган шартномаларнинг зарур даражада бажарилиши бўйича таклифлар киритади;

- корхонанинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва корхонага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишда қатнашади, корхонада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилади;

- тегишли бўлинмалар билан биргаликда корхонанинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

- шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича даъво ишларини олиб боради;

- корхонанинг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ва белгиланган тартибда суд мажлисларида қатнашади;

4) бошқа соҳаларда:

- таркибий бўлинмаларнинг ҳуқуқий ишларига методик ёрдам кўрсатади, юридик хизмат фаолиятининг турли йўналишлари бўйича тавсияномалар ва кўрсатмаларни ишлаб чиқади;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сақланишини ва назорат қилинишини таъминлайди, ҳуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида хўжалик юритувчи субъект раҳбариятига таклифлар киритади.

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни бажаради.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя тизими миллий қонунчилигимизнинг алоҳида комплекс институти бўлиб, у тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда уларга берилган имтиёзлар, енгилликлар, афзалликлар, алоҳида кафолатлар, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган давлат ва нодавлат органларининг махсус ваколатларини, хўжалик – тадбиркорлик соҳасида вужудга келган низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этишнинг алоҳида тартибини ўз ичига олади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Тадбиркорлик учун субъектларини махсус ҳуқуқий ҳимоя тизимини яратишни моҳияти зарурияти нималардан иборат.

2. Тадбиркорлик субъектларини махсус ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини иштирокчилари бу борада қандай ваколатлага эга.

3. “Зиё” МЧЖ “Паккарт” чет эл компанияси билан янги технология сотиб олиш тўғрисида шартнома тузади. “Паккарт” компанияси шартлашилган технология ўрнига эски технологияни етказиб беради. “Зиё” МЧЖ оғир молиявий аҳволда бўлганлиги сабабли судга даъво билан мурожаата қилишда кейинчалик вужудга келади. Савдо саноат палатасининг Тошкент шафар ҳудудий бошқармаси унинг манфаатини кўзлаб судга даъво билан мурожаат қилади. “Паккарт” компанияси савдо-саноата Палатасини даъво билан мурожаат қилишини ҳақиқий эмас деб ҳисоблайди.

Савдо-саноат палатасини ўз аъзоларини ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларни тавсифланг.

Ушбу масалага ҳуқуқий ечим топинг.

3. “Анҳор фирмаси” “Баҳор фирмаси” билан шартнома тузиб унга кўра, “Анҳор фирмаси” “Баҳор фирмаси”га шартнома асосида тракторлар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериши лозим эди. “Анҳор фирмаси” шартнома шартлари бажаргандан кейин икки ой ўтгач “Баҳор” фирмаси ёқилғи мойлаш материалларини ғайриқонуний равишда бошқа чет мамлакатга сотганлиги юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Ушбу ишни тергов қилаётган терговчи айни пайтда “Анҳор” фирмасининг бир йиллик фаолияти бўйича ҳам муқобил тарзда текшириш ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилади. “Анҳор” фирмасининг раҳбари терговчининг қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сон Фармонига зид эканлигини кўрсатиб текшириш ноқонуний эканлигини таъкидлайди.

1 Муқобил текширишлар тартиби ва асосларига тавсиф беринг.

2 Масалага ҳуқуқий баҳо беринг.

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. Т.1. – 364 б.

2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг оқибатларини енгиш мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтариш сари. Т.18. -Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 264 б.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

4. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза, 2010 йил 12 ноябрь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

5. Каримов И.А. “Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. //Халқ сўзи, 2012 йил 15 сентябрь.

6. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Т.20. –Тошкент: Ўзбекистон, 2012. – 320 б.

7. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2014 йил 17 январь.-Тошкент: Ўзбекистон, 2014.

II. Асосий адабиётлар

1. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи . -Тошкент: Молия, 2001.-218 б.

2. Тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқи . Дарслик. 1-2 том. Ш.Н.Рўзиназаров ва бошқалар. -Тошкент: Консаудитинформ, 2002.

3. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Отахонов Ф.Х.нинг умумий таҳрири остида - Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.

4. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. //под ред. Окюлова О. - Т.: ТГЮИ, 2010. 560 с.

III. Қўшимча адабиётлар

1. Азизов Х.Т., Ширинов Ж., Бакаев Ш. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент, -Т.:Akademiya, 2013. – 114 б.

2. Азизов Х.Т. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ва уларни такомиллаштириш. “Ўзбекистон демократик ислоҳотлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш йўлида” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. –Т.: Академия, 2012. Б.60-62.

3. Азизов Х.Т. Аҳоли фаровонлигини таъминлашда фермер ҳаракатининг роли. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2013 й.

4. Бабакулов С.Б., Тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш соҳасидаги ислоҳотлар.– Тошкент, -Т.:ТДЮИ, 2012. – 52 б.

5. Бабакулов С., Ибратова Ф., Кичик бизнес хусусий тадбиркорлик – ижтимоий ва сиёсий барқарорликни кафолати. Ўқув услубий мажмуа. - Тошкент 2011. 64 б.

6. Бурханходжаева Х.В. Тадбиркорлар ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилиниши. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./ Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ 2002.- Б.170-172.

7. Дўстов У.Н. Хўжалик юритувчи субъектлар банкротлиги. Ўқув қўлланма. –Т.:ТДЮИ.2006.

8. Ибратова Ф. Хозяйственное процессуальное право. Учебник. –Ташкент: ТДЮИ. 2011.-705с.

9. Ибратова Ф.Б. «Айрим тоифадаги қарздорлар банкротлигининг ҳуқуқий муаммолари». Монография -Тошкент. ТДЮИ 2012. 405-б.

10. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун белгиланган юридик кафолатлар. Бабакулов С.Б., Оқюлов О., Нарзиев О.С., Ходжаев Б.К. – Тошкент, -Т.:ТДЮИ, 2012. – 50 б.

11. Мартемьянов В.С. Хозяйственное право. -М.: “БЕК”, 1994. Том 1-2.

12. Нарзиев О. Хозяйственные (предпринимательские) договоры. Учебное пособие. Ответственный редактор: д.ю.н, проф.О.Окюлов. – Т.: ТГЮИ, 2010. – 206 с.

13. Оилавий тадбиркорлик – мустаҳкам оила асоси. Ш.Н.Рўзиназаров, Оқюлов О., Бабакулов С.Б., Бурханходжаева В., – Тошкент, -Т.:ТДЮИ, 2012. – 52 б.

14. Олейник О.М. Предпринимательское (хозяйственное) право.- М.: Юрист, 2001.Том 1-2.

15. Отахонов Ф.Х. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларни ҳимоя қилишда юридик хизматнинг роли. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./ Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ, 2002.-Б.73-81

16. Оқюлов О. Сохта банкротликка оид қонунчиликни такомиллаштиришнинг айрим масалалари // Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Ахборотномаси. 2012. №4. Б.43-46.

17. Оқюлов О., Отахонов Ф., “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари”, Тошкент, ТДЮИ 2010, 200-б.

18. Оқюлов О. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унга нисбатан тўсиқларни бартараф қилишнинг ҳуқуқи муаммолари. Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш муаммолари./Илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т.: ТДЮИ. - 2002.-Б.36-39

19. Оқюлов О. Президент фармонлари – иқтисодий ислоҳотларни таъминлаш ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари. /Республика илмий-амалий конференция материаллари.-Т.:Ўз.Р.ИИВ Академияси. -2005.-Б. 366-367.

20. Предпринимательское право Российской Федерации. /Отв. ред. Губин Е.П., Лахно П.Г. -М.: Юрист, 2003. -1001 с.

21. Раҳмонқулов Х.Р., Азизов Х.Т. Тадбиркорлик субъектлари хусусий мулк ҳуқуқининг фуқаролик-ҳуқуқий кафолатлари. –Т.: 2013. -181 бет.

22. Рўзиназаров Ш. Тадбиркорлик субъектлари мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари. // Олий хўжалик суди ахборотномаси, 2006.11-12.

23. Рўзиназаров Ш.Н., Синдаров К.О., Тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари. (савол-жавоб, қонун ҳужжатлари).- Т.:Консаудитинформ, 2002. -208 б.

24. Хаитбоев М. Хўжалик юритувчи субъектларни молиявий жавобгарликка тортишнинг ҳуқуқий асослари. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007.5.

25. Ходжаев Б. Реклама тушунчаси: қиёсий-ҳуқуқий ёндашувлар таҳлили. // ТДЮИ Ахборотномаси. 2007.2.

26. Ходжаев Б. Реклама хизмати ва реклама хизмати кўрсатишнинг фуқаролик ҳуқуқий тавсифи.// ТДЮИ Ахборотномаси, 2008.4.

27. Ходжаев Б., Ибрагимов Б.. Бозорда истеъмол маданиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари. Рисола. - Тошкент: Адолат. 2012. - 131 б.

28. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи. Тузувчилар: ю.ф.д., проф. Бабакулов С.Б., ю.ф.д., проф. Оқюлов О., ю.ф.н. Ходжаев Б., ўқит. Бердияров Р.Т . Ўқув-услубий мажмуа. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 150 бет.

29. Шукуруллаев А. Банкротликка оид қонунчилик мазмун-моҳияти// Олий хўжалик суди ахборотномаси. 2009. 9.

30. Қодиров К. Хўжалик шарномаси: расмийлаштириш тартиби, бажарилишини таъминлаш усуллари ва амалиёти.-Т.: “Янги аср авлоди”-2003. - 691б.

31. Arnold J. Goldman and William D. Sigismond *Business Law: Principles and Practices* (2010).

32. Commercial Registration Law, Law – Japan, 1990, 56 c.

33. David P. Twomey and Marianne M. Jennings *Business Law: Principles for Today's Commercial Environment* (2010).

34. Henry R. Cheeseman *Business Law* (8th Edition, 2012).

35. James Morgan *Business Law*. 4th Edition (2012).

36. Jane Mallor, A. James Barnes, L. Thomas Bowers and Arlen Langvardt *Business Law* (2012).

37. Jeffrey F. Beatty and Susan S. Samuelson *Business Law and the Legal Environment* (2008).

38. Kenneth W. Clarkson, Roger LeRoy Miller and Frank B. Cross *Business Law: Text and Cases: Legal, Ethical, Global, and Corporate Environment* (2010).

39. Richard A. Mann and Barry S. Roberts *Business Law and the Regulation of Business* (2013).

40. Robert W. Emerson J.D. *Business Law* (2009).

41. Roger LeRoy Miller and Gaylord A. Jentz *Business Law Today: Comprehensive: Text and Cases* (2011).

IV. Электрон таълим ресурслари

1. http:// www.businesspravo.ru.
2. http: // www.gov.uz
3. http:// www.inter-mba.ru
4. http:// www.law.uk.edu
5. http:// www.legislature.ru
6. http: // www.lex.uz
7. http: // www.press-service.uz
8. http:// www.law.harvard.edu/news/spotlight/business-law/index.html
9. http:// onlinelibrary.wiley.com/journal/10.1111/(ISSN)1744-1714
10. http:// businesslaw.calbar.ca.gov/
11. http:// www.americanbar.org/groups/business_law.html
12. http:// en.wikipedia.org/wiki/Category:Business_law

13. http:// www.kluwerlawonline.com/toc.php?area=journals&mode=bypub&level=4&values=journals~~european+business+law+review
14. http:// www.quizlaw.com/what-is-business-law/
15. http:// www.law.uwo.ca/clinics_and_centres/western_business_law_clinic/index.html
16. http:// www.hg.org/corp.html
17. http:// www.michbar.org/business/
18. http:// www.newcastle.edu.au/faculty/business-law/
19. https:// www.law.upenn.edu/journals/jbl/

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014. 40 б.

2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2012. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сонга илова; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 38-сон, 328-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда.

3. Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 234-модда; 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда; 2001 йил, 1-2-сон, 11-модда; 2002 йил, N 9, 165-модда; 2003 йил, 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, 7-сон, 373-модда; 2007 йил, 8-сон, 367-модда; 2008 йил, 9-сон, 490-модда, 12-сон, 640-модда; 2009 йил, 1-сон, 1-модда; 2010 йил, 6-сон, 231-модда; 2011 йил, 4-сон, 104-модда.

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда, 404-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2010 й., 20-сон, 149-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 313-модда, 314-модда, 315-модда, 40-41-сон, 343-модда, 51-сон, 485-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда, 37-сон, 374-модда, 52-сон, 555-модда, 556-модда; 2012 й., 15-сон, 164-модда.

5. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 51-сон, 514-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 52-сон, 555-модда; 2011 й., 1-2-сон, 1-модда

6. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 61-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда; 1998 й., 3-сон, 38-модда; 9-сон, 181-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; 9-10-сон, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси

қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2007 й., 29-30-сон, 297-модда, 50-51-сон, 506-модда, 514-модда, 52-сон, 533-модда; 2008 й., 39-сон, 392-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 15-сон, 176-модда, 37-сон, 403-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 2014 й., 19-сон, 210-модда.

7. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Банк ва банк фаолияти тўғрисида» // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1999 й., 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 37-38-сон, 368-модда, 41-сон, 405-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 15-сон, 176-модда, 39-сон, 423-модда; 2012 й., 15-сон, 163-модда.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Тижорат сири тўғрисида»ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 37-сон, 463-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Чет эл инвестициялари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 91-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 86-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда.

10. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. -1998. - 9-сон. -170-модда. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 31-32-сон, 315-модда. 2011 й., 51-сон, 542-модда.

11. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Инвестиция фаолияти тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 10-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда.

12. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Реклама тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 14-модда; 2002 й., 9-сон, 164-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 51-сон,374-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 41-сон, 405-модда; 2008 й., 14-15-сон, 93-модда; 2010 й., 37-сон, 317-модда, 40-41-сон, 343-модда.

13. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Табиий

монополиялар тўғрисида” 1999 йил 19 август, 815-I-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 212-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2007 й., 50-51-сон, 499-модда; 2010 й., 50-сон, 470-модда.

14. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида” 1991 йил 14 июнь, 285-XII-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 148-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 51-сон, 514-модда; 2005 й., 49-50-сон, 365-модда; 2009 й., 37-сон, 403-модда.

15. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” 2000 йил 25 май, 71-II-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 142-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2006 й., 41-сон, 405-модда; 2011 й., 36-сон, 363-модда.

16. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Хусусий корхона тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 12-13-сон, 100-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; 2011 й., 37-сон, 374-модда; 2012 й., 37-сон, 421-модда.

17. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Ҳакамлик судлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2006 й., 10-сон, 541-модда. 2006 йил 16 октябрь.

18. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» Қонуни 1998 йил 30 апрель, 602-I-сон // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 86-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 5-сон, 89-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда).

19. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» Қонуни 1998 йил 30 апрель, 604-I-сон // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 88-модда; 2001 й., 1-2-сон, 23-модда; 5-сон, 89-модда; 2003 й., 9-10-сон, 149-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 51-сон, 514-модда; 2005 й., 21-сон, 148-модда; 2007 й., 52-сон, 533-модда; , 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й.,

3-сон, 9-модда, 52-сон, 555-модда; 2010 й., 35-36-сон, 300-модда; 2013 й., 41-сон, 543-модда).

20. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда, 50-51-сон, 531-модда.

21. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”. 2010 йил 22 декабрь, ЎРҚ-269-сон // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 480-модда.

22. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 13.04.2011 й. ЎРҚ-281-сон // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 2011 й. 4-сон, 97-модда.

23. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Рақобат тўғрисида” ЎРҚ-319, 06.01.2012 // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 1-сон 5-модда.

24. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги // №ЎРҚ-327 қабул қилинган сана 26.04.2012, кучга кириш санаси 27.04.2012 // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами –2012. 17-сон 188-модда.

25. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида» 2001 йил 6 декабрь, 310-II-сон // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 й., 1-сон, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 14-сон, 110-модда; 2007 й., 29-30-сон, 297-модда, 50-51-сон, 506-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда)

26. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги №ЎРҚ-328, 02.05.2012 // Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 140-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2012. 18-сон 201-модда.

27. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик учун жавобгарлик жорий этилиши муносабати билан ўзбекистон республикасининг жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 37-сон, 423-модда

28. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 446-модда

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида” 2005 йил 15 июндаги. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. -2005. -23-24-сон. - 168-модда.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги” 2006 йил 24 май ПҚ 357сонли. // Ўзбекистон Республикаси қонунлар тўплами 12-сон. 106-модда.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 23 августдаги 1602-сонли // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 329-модда.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1604-сонли // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2011. – 34-35-сон. – 344-модда.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 20-сон, 215-модда.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

“Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солишга доир чора-тадбирларни давом эттириш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 434-модда

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Халқаро шартномаларни тасдиқлаш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 435-модда

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Халқаро шартномани қабул қилиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 39-сон, 449-модда

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида’’ги 04.04.2011 й. ПФ-4296-сонли // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 14-сон, 133-модда.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4534-сонли // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2011. – 34-35-сон. – 344-модда.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2005 йил 14 июндаги.// Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. -23-24-сон. -167-модда.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 24 июндаги ПФ-3622-сонли // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2005 йил, 25-26-сон, 178-модда.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Фермер хўжаликларини қайта ташкил этиш ва уларнинг ер майдонларини оптималлаштиришда қонунчиликка риоя этиш чора-тадбирлари тўғрисида’’ги 18.04.2011 й. ПФ-4301-сонли // Ўзбекистон

Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 16-сон, 163-модда.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 521-модда.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4609-сонли, 2014 йил 7 апрель.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ПҚ-2164-сонли, 2014 йил 15 апрель.

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 3 октябрдаги ўрқ-300-сон қонуни)”. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 50-сон, 518-модда

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Оилавий корхона томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида”. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 37-сон, 430-модда.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 46-47-сон, 523-модда.

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомилаштириш тўғрисида”ги 2003 йил 20 августдаги 357-сон. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.-15-16-сон. – 2003. -130-модда.

50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 29.07.2009 йил 216-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 347-модда; 2010 й., 23-сон, 182-модда; 2012 й., 29-сон, 339-модда; 2013 й., 52-сон, 690-модда)